

Ш. ШОДМОНОВ, М. РАХМАТОВ

**ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ
ФАНИНИНГ ИККИ ЧИГАЛ
ТУГУНИ ВА УНИНГ ЕЧИМИ**

*Илмий-услубий
МОНОГРАФИЯ*



"ИҚТИСОДИЁТ"

32(02)

44-44


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ш. ШОДМОНОВ, М. РАХМАТОВ

ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ
ФАНИНИНГ ИККИ ЧИГАЛ ТУГУНИ
ВА УНИНГ ЕЧИМИ

Илмий-услубий
МОНОГРАФИЯ



ТОШКЕНТ – “ИҚТИСОДИЁТ” – 2019

УЎК: 238 (156.64.72)

КБК: 65.050.2

Шодмонов Ш., Рахматов М. Иқтисодиёт назарияси фанининг икки чигал тугуни ва унинг ечими. Монография. -Т.: «ИQTISODIYOT», 2019.- 262 бет.

Ушбу монографияда “Иқтисодиёт назарияси” фанида бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, жуда катта назарий-услубий аҳамиятга эга икки муҳим муаммони тадқиқ қилиш, пухта ўрганиш ва амалиётда қўллаш йўлларини ёритишга ҳаракат қилинган.

Уларнинг бири барча иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни тадқиқ қилишда “икки томонлама ёндашув ва икки томонлама таҳлил усули” бўлиб, уни “Иқтисодиёт назарияси” фанининг дастлабки чигал тугуни, ёхуд ушбу фанни билишнинг дастлабки, услубий таянч бўғини деб аташ мумкин.

Бу фаннинг иккинчи чигал тугуни эса қўшимча маҳсулот муаммоси бўлиб, уни “Иқтисодиёт назарияси” фанининг иккинчи чигал тугуни ёки марказий бўғини деб аташ мақсадга мувофиқ.

Ушбу монография Тошкент давлат иқтисодиёт университети томонидан амалга оширилаётган ОТ-Ф1-155. “Ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнида харажатлар миқдорини камайтириш, таркибини такомиллаштиришнинг фундаментал (назарий) асосларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳаси тадқиқотлари доирасида тайёрланган.

Тақризчилар: Расулова Д.В. – и.ф.д., проф.
Тошматов Ш.Х. – и.ф.д., проф.
Яхшиева М.Т. – и.ф.н., доц.
Исроилова Ш.Т. – и.ф.н., доц.

Ушбу монография Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашининг 2019 йил 11 ноябрдаги 3-сонли қарори билан нашр этишга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-16-172-6

УЎК: 238 (156.64.72)

КБК: 65.050.2

© «ИQTISODIYOT», 2019.

© Шодмонов Ш., Рахматов М., 2019.

КИРИШ

Кейинги йилларда мамлакатимизда тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйилди. Иқтисодийни ҳар томонлама жадал ривожлантириш асосида аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини кескин ошириш, уларнинг эҳтиёжлари ва талабларини тобора тўлароқ қондириш, ҳаётдан рози бўлиб яшашини таъминлаш каби улугвор ва олий мақсадни амалга оширишга киришилди.

Бу вазифани амалга ошириш учун ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг соҳаларини жадал ривожлантириш бўйича минглаб янги лойиҳалар шакллантирилиб, молиявий, моддий ва ишчи кучи ресурслари билан таъминланиб, шиддат билан амалга оширилмоқда. Буларнинг ичида “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Обод марказ” каби давлат дастурларининг жадал амалга оширилиши, кўплаб эркин индустриал иқтисодий зоналарнинг, кичик индустриал зоналарнинг, технопаркларнинг ташкил қилиниши, иқтисодий инновацион ривожланиш йўлига тушириш ҳаракатлари муҳим роль ўйнайди.

Иқтисодийда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, модернизация, таркибий ўзгариш ва диверсификация натижасида янгидан-янги замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш қувватлари, янги энергия манбалари ишга туширилмоқда. Миллий валютамизни эркин конвертация қилиш амалга оширилмоқда. Бу ўзгаришлар ва халқимизнинг фидокорона меҳнати натижасида яратилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизмат турлари, ҳажми кўпайиб, сифати тубдан яхшиланиб боришига, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасининг кескин ўсиши, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги эртанги кунга бўлган ишончининг тобора ошиб боришига олиб келмоқда.

Айни пайтда, мамлакатимиз Президенти Ш. Мирзиёевнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 январда бўлиб ўтган кенгайтирилган мажлисида ва бошқа қатор

мажлисларда қилган маърузаларидан қабул қилинган янги қонунлар, фармонлар ва қарорлардан ҳамда Олий Мажлисга мурожаатномаларидан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича қабул қилинган стратегик вазифалардан бизга шу нарса маълум бўлиб турибдики, мамлакатимизда эришилган улкан ютуқлар билан бир қаторда ўз ечимини топмаган муаммолар, ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалар жуда кўп экан.

Бугунги кунда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсири ҳамон сезилиб туриши, дунёнинг турли минтақаларида содир бўлаётган қарама-қаршиликларнинг кучайиб бориши, жаҳон бозорида вазиятнинг тез ўзгараётгани дунёнинг кўплаб мамлакатларида инвестицион фаолликнинг сусайиши реал иқтисодиётда ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати сусайиши рўй бериб, жаҳон бозорида харид талабининг камайиши давом этмоқда, ишсизлик даражаси юқорилигича қолмоқда, ижтимоий кескинлик кучаймоқда. Бундан ташқари мамлакатимиздаги айрим соҳалар, тармоқлар ва компанияларда экспорт ҳажми камайиб, импорт ҳажми ошиб кетиши, кўплаб капитал маблағлар сарфланишига қарамай ишлаб чиқариш ҳажмининг суст ўсиши ва меҳнат унумдорлигининг пасайиб кетиши фан-техника тараққиёти юз бериб, янги техника ва технологияларнинг кириб келишига қарамай кетган харажатлар ва маҳсулот таннархи пасайиш ўрнига аксинча, ошиши ҳолати юз бериши каби нохуш ҳолатлар содир бўлиб турибди¹. Бу ҳолатлар мамлакатимиз олдида турган кенг кўламли дастурий мақсад ва вазифалар – ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш иқтисодиётни модернизациялаш, диверсификациялаш,

¹ Шавкат Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фасиятининг қундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якуналари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2017 йил 16 январь.

таркибий ўзгартириш, хусусий мулк, хусусий тадбиркорликни кучайтириш, иқтисодий ривожланиш йўлида ғов бўлиб турган барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ва муаммоларни ҳал этиш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишни талаб қилади.

Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, ҳаётнинг ўзи ва халқнинг талаблари бизнинг олдимизга амалий ечимини топиш лозим бўлган янги ва янада мураккаб вазифаларни кўймоқда. “Бунинг учун Ўзбекистонни технологик ривожлантириш ва ички бозорни модернизация қилиш бўйича кучли миллий ғоя, миллий дастур керак”².

Ҳаётнинг ўзи олдимизга кўйган ушбу мураккаб муаммоларни тезроқ ҳал қилиш, уларнинг ечимини излаб топиш, кўп жиҳатдан кишилардан, айниқса, мутахассислар ва раҳбар кадрлардан иқтисодиёт сирларини, айниқса, бозор иқтисодиёти, унинг негизини ташкил этувчи товар-пул муносабатларининг мазмунини, уларнинг талаблари, зиддиятли ва чалкаш хусусиятларини, қонун-қоидаларини, ички сир-асрорларини, унинг ҳақиқий қиёфасини, унда содир бўлиб турадиган номутаносиблик, ишсизлик, инфляция, инқирозлар каби нохуш воқеа ва ҳодисаларнинг сабабларини синчиклаб ўрганишни, амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш, таркибий ўзгартириш, модернизациялаш ва диверсификациялашнинг мақсади ва моҳиятини чуқурроқ билишни такозо этади. Бу талаблар тадқиқотчи олимлар олдига мураккаб вазифалар: тежамли хўжалик юритиш сирларини, турли кишилар ва

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиста Мурожаатномаси // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 23 декабрь.

хўжаликларнинг бир-бирлари билан манфаатли иқтисодий алоқада бўлиб, унумли меҳнат қилиш, юқори нафлиликка эга бўлган қиймати паст маҳсулотларни (товарларни) кўпайтириш йўлларини ва шаклларини ёритиб бериш вазифаси юклатилади.

Жамиятда рўй берадиган объектив иқтисодий қонунларни, уларнинг талабларини, амал қилиш хусусиятларини билиб, уларга онгли муносабатда бўлиш, мамлакат иқтисодиётини бозор тамойиллари асосида чуқур ислоҳ қилиш жараёнлари моҳиятини тушуниш учун зарур бўлган билимларни бериш учун «Иқтисодиёт назарияси» фанини ривожлантириб, унинг ечилмаган тугунларини ечиб, очилмаган қирраларини очиб, ойдинлаштириб ёш авлодда бунёдкорлик ғояларини шакллантириш, уларнинг илмий дунёқарашини чуқурлаштириш ва кенгайтириш, иқтисодий маданиятини ошириш каби муҳим амалий вазифаларни бажариш зарурлиги тобора ошиб бормоқда.

Бунда амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар, улардан олинган хулосалар мамлакатимизда яшаётган ҳамма кишиларнинг даромадлари, уларнинг турмуш даражаси фақат миллий иқтисодиёт тараққиёти даражасига боғлиқлигини, шу юртда меҳнат қилаётган кишиларнинг ижодий меҳнати билан вужудга келган миллий маҳсулот тури, ҳажми ва сифатининг ошиши, унинг тўғри тақсимланиши ва фойдаланилиши, миллий пул барқарорлиги билан боғлиқлигини ҳам кўрсатиб бера олиши зарур.

Бу вазифаларни ҳал қилиш учун эса “Иқтисодиёт назарияси” фанида бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган, жуда катта назарий-услубий аҳамиятга эга икки муҳим муаммони тадқиқ қилиш, пухта ўрганиш ва амалиётда қўллаш йўлларини ёритиш зарур бўлади.

Уларнинг бири барча иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни тадқиқ қилишда “икки томонлама ёндашув ва икки томонлама таҳлил усули” бўлиб, уни “Иқтисодиёт назарияси” фанининг дастлабки чигал тугуни, ёхуд ушбу фанни

билишнинг дастлабки, услубий таянч бўгини деб аташ мумкин.

Бу фаннинг иккинчи чигал тугуни эса қўшимча маҳсулот муаммоси бўлиб, уни “Иқтисодиёт назарияси” фанининг иккинчи чигал тугуни ёки марказий бўгини деб аташ мақсадга мувофиқ бўлади.

Бу икки муаммо фаннинг ечилмаган чигал тугунлари бўлиб, улар ҳозиргача деярли ўрганилмаган ёки жуда ҳам кам, тўлиқ бўлмаган ҳолда қаралиб, эътибордан четда қолиб кетган, лекин ҳозирги кунда жуда ҳам долзарб, ўта ҳаётий зарур муаммолардир.

Ундан ташқари бу муаммолар аниқ тушуниш, туб мазмунига кириб бориш, қийинроқ бўлган чалкаш, сирли, мунозарали жойлари кўпроқ бўлган муаммолардир.

Бу масалалар ҳозирги давр учун айниқса Ўзбекистон тараққиёти учун ўта муҳим ва зарур бўлишига қарамасдан, ҳалигача уни фанда кенг ёритиш ва амалиётда қўллашга етарли эътибор қаратилмаяпти. Масалан, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда бу масалаларга бағишланган уни батафсилроқ, кенгроқ ёритишга қаратилган биронта тадқиқот олиб борилгани ёки асар чоп этилгани йўқ (масалан, бизга маълум эмас). Муаммонинг ўта долзарблигини ва етарли ёритилмаганлигини эътиборга олиб, бу икки муаммони ўртага ташлаб баҳоли қудрат айрим томонларини ёритишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Бу монографияда қўйилган муаммолар бўйича ўтган ва ҳозирги даврдаги турли олимларнинг фикрлари танқидий таҳлил қилиниб, уларнинг бир томонламаликка, ва бинобарин чалкашликларга йўл қўйганлиги кўрсатиб берилди. Ҳар бир иқтисодий жараёнга икки томонлама ёндашув ва таҳлил усулини қўллаб уларнинг мазмунини аниқроқ ёритишга, тадқиқот жараёнида бу усулни қўллашнинг назарий ва амалий аҳамиятига эгаллигини кўрсатиб беришга ҳаракат қилинди.

Китобнинг иккинчи бўлимида замон ва макон чегараларини писанд қилмай, ҳамма замонларда, ҳамма

мамлакатларда, ҳамма ижтимоий тизимларда мавжуд бўладиган, лекин ҳаммага ҳам ўз сирини ошкор қилавермайдиган, кўпгина олимлар тортишуви ва мунозараларига сабаб бўлган иқтисодийнинг бир муҳим, сирли, чигал тугуни, яъни қўшимча маҳсулот муаммоси ҳақида гап юритилади. Бунда қўшимча маҳсулотнинг мазмуни, ҳаракат шакллари, массаси, нормаси, таркибий қисмлари, унинг иқтисодий тараққиёт мезони ва манбаи эканлиги, тараққиётни рағбатлантиришдаги роли каби масалаларни ёритишга ҳаракат қилинади.

Бу монографияда ёритилаётган икки чигал муаммонинг ҳар бири долзарб, ўта муҳим ҳаётий муаммо бўлиб, жуда кенг ва батафсил ёритишни талаб қиладиган масалалардир.

Бу ерда бир илмий-услубий монографияда уларнинг ҳамма чигал тугунчаларини, қирраларини туб моҳияти билан очиб бериш, ҳаракат йўналишларини, таркибий қисмларини, намоён бўлиш шаклларини, амалиётда қўллаш йўллари тўла ёритиб беришнинг иложи йўқ. Бу ерда бизнинг асосий мақсадимиз мана шу икки чигал муаммони ўртага ташлаб, тадқиқотчилар ва амалиётчиларнинг эътиборини жалб қилиш ва уни ҳар томонлама кенг муҳокама қилишга йўл очиш, уларнинг мазмуни ва айрим қирраларини кўрсатиб беришдан иборат.

Биз ўйлаймизки, ҳали бу икки муаммони ҳар томонлама ёритиш бўйича кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилиб, кўплаб китоблар, диссертациялар ва илмий мақолалар ёзилади, деган умиддамиз.

Бу икки муаммо мунозарали бўлганлиги учун, муаллифлар билдирилган фикр мулоҳазаларни, камчиликларни миннатдорчилик билан қабул қилади ва инобатга олади.

1-бўлим. ИККИ ТОМОНЛАМА ЁНДАШУВ ВА ТАХЛИЛ УСУЛИ - ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ ФАНИНИ БИЛИШНИНГ УСЛУБИЙ ТАЯНЧ БЎГИНИ

I боб. ИККИ ТОМОНЛАМА ЁНДАШУВ ВА ТАХЛИЛ УСУЛИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ТОВАР-ПУЛ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ИЧКИ СИРЛАРИНИ БИЛИШДАГИ РОЛИ

1.1. Ишлаб чиқариш ривожланишининг икки босқичи ва улар ўртасидаги фарқлар

Агар биз дунё воқеалари ва ҳодисаларига эътибор бериб қарайдиган бўлсак, ҳамма воқеа, ҳодиса ва жараёнларнинг бир-бирига қарама-қарши турадиган икки томони борлигини кўрамиз. Масалан, кечанинг кундузи, ёруғликнинг қоронғулиги, қишнинг ёзи, баҳорнинг кузи, иссиқнинг совуғи, шириннинг аччиғи, яхшиликнинг ёмонлиги, оғирнинг енгили, соғлиқнинг касаллиги ва бошқа кўпгина, деярли барча ҳодисаларнинг икки томонламалигини кўрамиз. Бундай қарама-қарши ҳодисалар жамият ҳаётининг ҳамма соҳалари ва жабҳаларига, шу жумладан, иқтисодиётга ҳам тааллуқлидир. Иқтисодиётнинг ҳаммага маълум бўлган юзаки томонларига қарасак ҳам бу нарса намоён бўлади. Масалан, фойда-зарар, харажат-даромад, унумдор-унумсиз каби кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Бу мисоллардан хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, дунёдаги барча воқеа, ҳодиса ва жараёнларнинг бир-бирига қарама-қарши бўлган икки томони мавжуд. Юзаки кўриниб турган нарсаларни кўз билан кўриб, организм билан сезишимиз, ҳис қилишимиз мумкин. Лекин айрим воқеа ва ҳодисалар борки, уларнинг қарама-қарши томонларини билиш учун илмий услубларга, диалектик қонун-қоидаларга мурожаат қилиш зарур бўлади. Масалан, иқтисодиётда кўпгина воқеа, ҳодиса ва жараёнларнинг туб моҳиятини билиш учун ҳар доим икки томонлама ёндашув ва икки томонлама таҳлил усулини қўллаш зарур бўлади.

Бу усулни қўллаш орқали воқеа, ҳодиса ва жараёнларнинг фақатгина икки қарама-қарши томонларининг бирлигини эмас, шу билан бирга уларнинг ҳаракати жараёнида ўзгаришини, ўзаро бир-бирига таъсири ва зиддиятли томонларини, ўзаро ўрин алмашишини, шакл ўзгаришини билиш мумкин бўлади. Шунинг учун бўлса керак, қарама-қаршилиқлар бирлиги ва кураш қонуни диалектик фалсафанинг муҳим бир қонуни сифатида тан олинган. Бу қонун жамият тараққиётининг ҳамма томонларига, жабҳаларига, шу жумладан, иқтисодий жараёнларга ҳам тегишлидир.

Мана шу айтилганларга асосланган ҳолда биз иқтисодий воқеа, ҳодиса ва жараёнларни тадқиқ қилишда уларнинг ички мазмунини, туб моҳиятини билишда икки томонлама ёндашув ва икки томонлама таҳлил усулини қўллаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Масалан, бу усулни қўллаб ишлаб чиқаришнинг айрим иқтисодий жараёнлари тарихий тавсифга эга бўлсада, узоқ даврлар давомида сақланиб қолади ва инсоният тарихий тараққиётининг кўпгина босқичларида мавжуд бўлиб, амал қилади. Масалан, ибтидоий жамоа тузими емирилаётган шароитдаёқ вужудга кела бошлаган товар айирбошлаш бир ишлаб чиқариш усулидан бошқасига ўтиб, бир неча минг йиллардан бери амал қилиб, ривожланиб келмоқда. Шу билан бирга бирон-бир ижтимоий-иқтисодий ҳодиса ёки жараёнларнинг турли тарихий давр шароитидаги мазмуни, ўрни, роли ва ижтимоий оқибатлари кўп жиҳатдан турлича бўлади. Лекин уларнинг умумий, энг хусусиятли белгилари сақланиб қолади. Ана шундай тарихий иқтисодий жараёнлардан бири товар-пул муносабатлари бўлиб, ҳозирги даврда унинг ўрни ва роли янада ошиб долзарблик касб этмоқда.

Товар ишлаб чиқариш натурал хўжаликнинг ривожланиши, маҳсулотлар тури ва миқдорининг ўсиши, уларни айирбошлашнинг кўпайиб бориши натижасида аста-секинлик билан пайдо бўлади.

Кишилик жамиятининг ривожланишида ижтимоий хўжаликни ташкил этишнинг иккита умумий иқтисодий шакли ажралиб туради. Умумий иқтисодий шаклларнинг тарихан биринчиси натурал ишлаб чиқариш ҳисобланади. Ижтимоий хўжаликнинг бу шаклида яратилган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчининг ўз эҳтиёжларини қондириш учун, хўжалик ички эҳтиёжлари учун мўлжалланган бўлиб, хали товар шаклини олмаган. Демак, ўз эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқариш – натурал ишлаб чиқариш, бундай ишлаб чиқаришга асосланган хўжалик эса – натурал хўжалик деб аталади. Бундай хўжаликларда истеъмол ҳажми ва таркиби кўпинча ишлаб чиқариш ҳажми ва таркибига мос келган, уларнинг бир-бири билан боғланиши бир хўжалик доирасида амалга ошганлиги сабабли жуда осон кечган. Бундай муносабатлар энг аввало ибтидоий жамоада, кейинчалик патриархал деҳқон хўжалиги, феодал поместьяларида ҳукм сурган. Натурал ишлаб чиқариш шакли барча иқтисодий жараёнларни бир хўжалик доирасида қатъий чеклаб қўяди, ташқи хўжаликлараро алоқалар учун йўл очилмайди. Ишчи кучи муайян хўжаликка жуда қаттиқ бириктириб қўйилади ва кўчиб юриш имкониятидан маҳрум бўлади. Натурал хўжалик шаклларининг худди шу хусусиятлари кишлоқ хўжалик жамоаларини минг йиллар давомида барқарор сақланиб қолишининг «сири»ни очиб беради. Натурал хўжалик ишлаб чиқариш мақсадларини ниҳоятда чеклаб, ҳажми ва тури жиҳатидан кам бўлган эҳтиёжларни қондиришга бўйсунган. Шунинг учун ҳам жамият ривожланиш йўлида аста-секинлик билан натурал ишлаб чиқаришдан товар ишлаб чиқаришга ўтади.

Ҳозирги даврда ижтимоий хўжалик юритиш шакли сифатида натурал хўжалик деярли барҳам топган. Шунга қарамай, хали у қадар ривожланмаган ҳамда жаҳон ҳамжамияти иқтисодий алоқаларидан ажралиб қолган қолоқ мамлакатларда натурал хўжалик кўринишлари ҳамон сақланиб қолган. Шунингдек, товар ишлаб чиқариш оммавий

тус олишига қарамай, ижтимоий ҳаётнинг баъзи бир жабҳаларида натурал ишлаб чиқариш элементларини учратиш мумкин. Масалан, оиладаги шахсий эҳтиёжларни қондириш учун уй бекалари томонидан овқатлар, турли хил консерва маҳсулотларининг тайёрланиши, кир ювиш, дазмоллаш, уйларни тозалаш каби хизматларнинг бажарилиши, шахсий томорқа ва деҳқон хўжаликларида, ўзларининг истеъмоли учун турли хил сабзавот, картошка ва меваларнинг етиштирилиши кабилар шулар жумласидандир. Бироқ, шунга қарамай, кишилик жамияти тараққиётининг юксалиб бориши билан, натурал ишлаб чиқариш миқёслари қисқариб, ўз ўрнини товар ишлаб чиқаришга бўшашиб беради. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда кичик хўжаликларни ҳам товар хўжаликларига айлантириб, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш тенденцияси кетмоқда.

Маҳсулот ва хизматларни ўз эҳтиёжини қондириш учун эмас, балки бозорда айирбошлаш учун ишлаб чиқариш – товар ишлаб чиқариш, бундай ишлаб чиқаришга асосланган хўжалик эса – товар хўжалиги дейилади. Товар хўжалигида кишилар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар буюм орқали, улар меҳнати маҳсулини олди-сотди қилиш орқали намоён бўлади.

Товар ишлаб чиқариш ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасидаги муносабатларнинг, меҳнатни ўлчаш ва уни жамиятнинг жами ижтимоий меҳнати таркибига киритишнинг ўзига хос усулидир. Натурал хўжаликнинг инкор этилиб, аста-секин сиқиб чиқарилиши ва товар айирбошлашнинг ривожланиш жараёни меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви, хусусий мулкнинг вужудга келиши ва ривожланиши асосида индивидуал хўжаликларнинг товар айирбошлашга, олди-сотдига ўтиш йўли билан боради. Айрим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашув уларни турли хил ишлаб чиқарувчилар ўртасида айирбошлашни зарур қилиб қўяди.

Натурал ва товар хўжалигининг асосий фарқлари

Асосий жиҳатлар	Натурал хўжалик	Товар хўжалиги
1. Неъматлар ишлаб чиқаришнинг асосий мақсади	Шахсий эҳтиёжларни қондиришда фойдаланиш	Бошқа товарларга айирбошлаш, бозорда олди-сотди қилиш
2. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот таркибининг аниқланиши	Эҳтиёжлар ва имкониятлардан келиб чиққан ҳолда олдиндан аниқланади	Бозордаги муайян талаб ва ишлаб чиқарувчининг хусусий манфаати асосида аниқланади
3. Истеъмолчини ўзига жалб этиш учун кураш	Бундай кураш мавжуд эмас	Бундай кураш мавжуд ва товар хўжалигининг ривожланиши билан кучайиб боради
4. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг истеъмол қилиниш даражаси	Барча ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тўлиқ истеъмол қилинади	Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг айрим турлари ва қисмлари сотилмай қолиши, яъни истеъмол килинмаслиги мумкин
5. Ишлаб чиқариш жараёнида ишчи кучининг иштирок этиш тамойиллари	Ишлаб чиқариш жараёнида фақат ўзининг ва оила аъзоларининг ишчи кучидан фойдаланилади	Ишлаб чиқариш жараёнида устун равишда ёлланма ишчи кучидан кенг фойдаланиш мумкин

Айни пайтда ихтисослашув меҳнат унумдорлигининг ошишига олиб келади, демак, товар айирбошлаш фақат зарургина эмас, балки фойдали бўлиб ҳам боради. Вақтни ва моддий ресурсларни тежаш товар хўжалигини ривожлантиришнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб чиқади. Айирбошлаш жараёнига тортиладиган ишлаб чиқарувчилар тобора бир-бирларига кўпроқ боғланиб борадилар. Дастлабки

даврларда товар хўжаликлари жамоалар, қулдорлик латифундиялари, феодал ва деҳқон хўжаликлари ўртасида алоқалар ўрнатилишига ёрдам бериб, ишлаб чиқаришнинг ва умуман жамиятнинг ривожланиши учун қўшимча имкониятлар очади. Бу ҳолатни натурал ва товар хўжалигининг умумий ва фарқ қилувчи жиҳатларини таҳлил қилганда яққол кўриш мумкин.

Маълум тарихий даврларга келиб товар ишлаб чиқариш ва айирбошлаш муносабатлари жамият иқтисодиётининг барча томонларини кенг ва чуқур қамраб олади.

Товар хўжалигининг вужудга келиши ва амал қилинишининг ижтимоий-иқтисодий асослари ҳамда шарт-шароитлари қуйидагилардан иборат:

1) ижтимоий меҳнат тақсимотининг рўй бериши. Бунда ишлаб чиқарувчилар у ёки бу аниқ маҳсулотни ишлаб чиқаришга ихтисослашади. Ихтисослашув, ўз навбатида, қиёсий устунлик тамойили бўйича, яъни маҳсулотни нисбатан кам муқобил қийматда ишлаб чиқариш лаёқати билан аниқланади;

2) шахсий ва хусусий мулкчиликнинг шаклланиши ва ривожланиши. Бунда улар ўз мулклари ҳамда меҳнат натижаларини ўзлари тасарруф қиладилар;

3) ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий жиҳатдан алоҳидалашуви. Иқтисодий алоҳидалиқ хўжалик фаолиятига оид барча қарорларни ишлаб чиқарувчининг ўзи ҳал қилишини билдиради;

4) товар айирбошлашнинг умумий умумий эквиваленти, яъни ҳамма товарларни сотиш ва сотиб олиш мумкин бўлган – пулнинг келиб чиқиши;

5) ишчи кучининг товарга айланиши яъни бир томондан ўз ишчи кучини сотишга тайёр турган ишчиларнинг бўлиши, иккинчи томондан эса уларни ёллаб ишлатишга тайёр турган тадбиркорларнинг мавжуд бўлиши.

Худди шу беш ҳолат ишлаб чиқаришнинг товар шаклида бўлишини зарур қилиб қўяди ва у умумий тус олиб, бозор

иқтисодиёти вужудга келишининг шарт-шароити ҳисобланади. Меҳнат маҳсули товарга, яъни бозорда айирбошлаш учун, сотиш учун ишлаб чиқарилган неъматларга, ишлаб чиқарувчилар эса товар ишлаб чиқарувчиларга айланади.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида турли мамлакатларда ишлаб чиқарилаётган миллионлаб турдаги маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматлар товар шаклини олган. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг асосий қисми товар шаклида олди-сотди жараёнидан ўтади. Мамлакатимизда яратилган кўплаб турдаги товарлардан баъзиларини мисол келтириш мумкин (1.2-жадвал).

1.2-жадвал

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган баъзи товар турлари³

Товар маҳсулотлари номлари	2010	2012	2014	2016	2018	2018 йилда 2010 йилга нисбатан, %да
Енгил автомобиллар (минг дона)	217,7	235,5	250,7	92,7	213,3	42,6
Автобуслар (дона)	1268	1100	1217	908	949	71,6
Тракторлар (дона)	2807	1792	2196	720	3393	25,7
Ўсимлик ёғи (минг тонна)	235,6	236,0	230,0	197,1	185,1	94,9

Мамлакатимизда товар ишлаб чиқариш ва айрибошлашнинг ривожланаётганлигини чакана савдо айланмаси ва пуллик хизмат кўрсатишнинг йилдан-йилга ошиб боришида ҳам кўриш мумкин. Шу ўринда таъкидлаш

³ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

лозимки, глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этиб турган шароитда товар ишлаб чиқаришни ривожлантириш иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнларини кучайтиришни тақозо этади.

Ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, уни маънавий жиҳатдан янгилаш, таркибий жиҳатдан техник ва технологик қайта тузиш каби чоратадбирларни ўз ичига олувчи ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёни пировардида товарлар ҳажмининг ошиши, сифатининг такомиллашуви ва турларининг кўпайишига имкон яратади.

Айниқса, товар ишлаб чиқаришнинг турини кўпайтириш самарадорлигини ошириш, маҳсулот ва хизматларни сотиш бозорларини кенгайтириш мақсадида тармоқ ва корхоналар фаолият соҳаларини кенгайтириш, маҳсулот ва хизматлар ассортиментларини кўпайтириш, уларнинг сифатини такомиллаштиришдан иборат диверсификация жараёни товар ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг ва ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари бўлиб ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, товар-пул муносабатлари маълум бир тарихий шарт-шароитларда келиб чиқади. Шунинг учун у тарихийдир, доимий эмасдир.

Ҳозирги даврда кенг тарқалиб авж олган товар-пул муносабатларининг хусусан, товар ишлаб чиқаришнинг моҳиятини янада кенгроқ ва чуқурроқ тушуниш учун унинг асосий унсури бўлган товарнинг бир-бирига қарама-қарши турган ва бир-бирини тақозо этадиган икки хил хусусиятларини чуқурроқ ва батафсилроқ ўрганиш, таҳлил қилиш ва шу асосда ҳўжалик юритишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

1.2. Икки томонлама ёндашув ва таҳлил усулини қўллашнинг товар - қиймат ва нафлиликнинг диалектик бирлигидан иборат бўлган иқтисодий категория эканлигини билишдаги роли

Агар биз иқтисодий таълимотлар тарихига назар ташласак, ушбу қайд қилинган усулни билмаслик ва уни тадқиқот жараёнларида қўлламаслик турли даврлардаги олимларни қанчалик чалкашлик ва адашишларга, ноаниқликларга олиб келганини кўрамиз. Масалан, товар хўжалиги ривожланиб бошлаган даврдан то ҳозиргача бўлган даврда товардаги икки хил хусусиятни ва уни келтириб чиқарадиган сабабни аниқ билмасдан турли олимлар турли ноаниқ ва чалкаш фикрларга йўл қўйди.

Агар иқтисодчи олимларнинг айримлари: В.Петти фақатгина олтин ва кумуш қазиб олишга сарфланган меҳнат қийматни яратади, деб, физиократлар эса фақатгина қишлоқ хўжалигига сарфланган меҳнат қийматни яратади, деб адашишга йўл қўйди. Холбуки, бу алоҳида олинган соҳаларга сарфланган меҳнат аниқ меҳнат бўлиб, махсулотнинг аниқ турларини, яъни нафлиликни яратишга қаратилганлигини англай олмадилар. Нафлилик билан қийматнинг фарқини аниқ кўра олмадилар. Ўз даврининг йирик олимларидан бўлган Ж.Б. Сей ҳам товардаги икки хил хусусиятни ажрата олмади. Инглиз мумтоз мактабининг йирик намоёндалари бўлмиш А. Смитт ва Д. Рикардолар ҳам товарнинг қийматини меҳнат яратади, деб таъкидлаган бўлсаларда, товардаги бу икки хусусиятни аниқ ажратиб кўрсата олмадилар. Чунки, улар товарнинг икки хил хусусиятини яратувчи меҳнатнинг икки томонлама тавсифини ҳали аниқ била олмаган эдилар.

Бу масалага ойдинлик киритган немис иқтисодчи олими К. Марксдир. у биринчи марта товарга сарфланган меҳнатнинг икки томонлама тавсифини ажрата олди ҳамда аниқ меҳнат товарнинг нафлилигини, абстракт меҳнат эса унинг қийматини яратишини кўрсатиб берди. Аммо К. Маркс



бу муҳим услубий янгиликни қўллаб капиталистик социал тизимнинг зиддиятларини, унинг ўткинчи тизим эканлигини исботлашга ҳаракат қилди ва олдинги иқтисодчи олимлар томонидан бошланган қиймат назариясини охирига етказди ҳамда қўшимча қиймат назариясини яратди. Лекин товарнинг иккинчи хусусияти, яъни унинг нафлилиги бизнинг назаримизда эътибордан четда қолиб кетди. К. Марксдан кейин айрим иқтисордчи олимлар товарнинг қийматига эътибор қаратган бўлса, айримлари унинг нафлилигига эътиборни қаратиб бир томонлама ёндашувга йўл қўймоқда. Ҳозирги замондаги кўпгина тадқиқотларда асосий эътибор товарнинг ёки маҳсулотнинг қийматига қаратилиб, унинг энг муҳим ва зарур бўлган хусусияти нафлилик эътибордан четда қолмоқда.

Товарнинг икки томонлама хусусияти борлиги иқтисодиёт назарияси фанида олдиндан бор нарса бўлиб, у баъзан айрим иқтисодчи олимлар томонидан таъкидланади. Масалан, айрим дарслик ва ўқув қўлланмаларда товар-пул муносабатлари мавзусида товарнинг икки ёқлама хусусияти: қиймати ва нафлилиги борлиги, унинг сабаби эса, шу товарда гавдаланган инсон меҳнатининг икки ёқлама: аниқ ва абстракт тавсифидан келиб чиқиши кўрсатиб ўтилган. Лекин масалани ёритишда шундан нарига ўтилмаган, у давом эттирилиб ривожлантирилмаган. Ҳолбуки, бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир товар иқтисодиётнинг кичик хужайраси эканлигини, бутун иқтисодий муносабатлар шу хужайралар ҳаракати билан боғлиқ эканлиги кўпчилик тадқиқодчи олимларга маълум.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида дунёнинг ҳамма мамлакатларида, ҳамма ҳудудларда ва улардаги ҳамма хўжаликларда, шу жумладан, бизнинг мамлакатимиз хўжаликларида ҳам оммавий равишда товар ишлаб чиқарилади ва айирбошланади, бу жараёндан ҳамма фойдаланади, олди-сотди қилади. Лекин шу олди-сотди бўлаётган товарнинг икки хил хусусиятга эга эканлигини, бу

хусусиятларни билишнинг бозор иштирокчилари учун ўта муҳим эканлигини ҳамма ҳам тушунавермайди.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳар қандай ишлаб чиқарилган нарса: маҳсулот ёки хизмат ҳам товар бўлавермайди, товар бўлиши учун энг аввало, у бозорда сотиш учун бошқаларнинг эҳтиёжини қондириш учун ишлаб чиқарилиши, унда бир-бирига қарама-қарши турган ва бир-бирини тақозо этадиган икки хусусият: нафлилик ва қиймат мавжуд бўлиши шарт.

Демак, товар бир-бирига қарама-қарши турган икки томоннинг қиймат ва нафлиликнинг бирлигидан иборатдир. Товардаги бир-бирига қарама-қарши турган бу икки хусусият унда гавдаланган меҳнатнинг икки ёклама тавсифидан яъни аниқ ва абстракт меҳнатнинг натижасида келиб чиқади.

Бунда аниқ меҳнат табиат ашёларидан фойдаланиб товарнинг нафлилигини яъни кишиларнинг бирон-бир нарсага бўлган эҳтиёжини қондириш қобилиятини яратади, яъни ернинг тупроқ унумдорлигидан фойдаланиб, турли хил қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаради, ер қаридан олинган темирдан турли хил асбоб ускуналар, буюмлар, машиналар ясайди. Ўрмонда ўсиб турган ёғочлардан уйлар қуради, ёғоч буюмлар ясайди ва ҳ.к. Абстракт меҳнат эса унинг қийматини яратади. Гап шундаки, меҳнатнинг икки томонлама табиати бир вақтнинг ўзида рўй беради ва бир вақтнинг ўзида товарнинг икки хил хусусияти яратилади. Товарнинг қийматини ва нафлилигини, уларнинг бир-бирига қарама-қарши турган икки томонини, бу икки томоннинг доимо ҳаракатда, ривожланишда бўлиб, ўзгариб туришини, улар бир-бири билан ўзаро таъсирда ҳамда ўрин алмашиб, шакл алмашиб туришини билмаслик натижасида сифат жиҳатдан бир-биридан фарқ қиладиган иқтисодий жараёнларни, уларнинг омиллари, манбалари ва натижаларини бир-бири билан адаштириш, уларга бир хил тушунча деб қараб, чалкашликларга йўл қўйиш холларини келтириб чиқаради. Масалан, товарнинг қиймати ва нафлиликнинг фарқига бормаслик, уларни аниқ ажрата

билмасдан бир хил тушунча деб қараш назарий ва амалий жиҳатдан зарарли хулосалар ва амалий ҳаракатлар қилинишига сабаб бўлади. Бундай ноаниқлик ва чалкашликларни иқтисодий таълимотлар тарихида маълум бўлиб, то ҳозиргача яшаб ижод қилган олимларнинг деярли барчасининг ғояларида яққол кўриш мумкин.

Агар биз икки томонлама ёндашув ва таҳлил усулини кўллаб, ҳар бир товарда ва хизмат бирлигида, бинобарин яратилган барча товарларда қиймат ва нафлилик борлигини мана шу қиймат ва нафлилик деган тушунчаларни, уларнинг келиб чиқиш сабаби бўлган меҳнатнинг икки томонлама тавсифини (аниқ ва абстракт меҳнатни) уларнинг ҳаракатидаги ўзгаришларни билсак, уни эътиборга оладиган бўлсак ва уни ривожлантирсак, ўз фаолиятимизда қийматни кўпайтиришга эмас, аксинча, уни камайтириб нафлиликни кўпайтиришга ҳаракат қилишимиз зарурлигини англаймиз. Бу нарсани тўғри ва аниқ тушуниш учун яна бир бор мисол билан кўрсатишимиз мумкин. Масалан, ғалла, пахта, сабзаот экаётган хўжалик уларни экиш, ўстириш, парваришlash ва ниҳоят йиғиб олиш учун меҳнат, моддий, пул харажатларини амалга оширади. Бунда турли даражадаги хўжалик учун, жумладан деҳқон учун етиштираётган турдаги маҳсулотнинг ҳажми ва сифатини ошириш муҳимдир, харажатларни эса иложи борича камроқ сарфлаш асосий мақсад бўлади.

Бундай ҳаракат ҳар қандай турдаги маҳсулот, жумладан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар учун ҳам умумий равишда амалга ошириладиган ҳаракатдир. Уларнинг ҳеч бири, умумий қилиб айтганда харажатларни бинобарин, қийматни кўпайтиришга ўзларича ҳаракат қилмайди, аксинча ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотининг турини миқдори ва сифатини, яъни бир сўз билан айтганда нафлилигини оширишга харажатларини яъни, қийматини эса пасайтиришга ҳаракат қилади. Чунки бозорда сифатли ва индивидуал қиймати паст бўлган товарни бозор баҳосида (ижтимоий қийматда) сотиб,

кўпроқ даромад олишга ҳаракат қилади. Бунинг учун эса ҳаражатларни, бинобарин қийматни пасайтириш, нафлиликни ошириш лозим бўлади. Шунинг учун ҳамма хўжаликларда яратилаётган товарининг миқдори, тури ва сифатини, бир сўз билан айтганда нафлиликни оширишга, қийматини эса пасайтиришга интилиш, ҳаракат қилиш иқтисодий ривожланишининг асосий талаби ва қонуниятини бўлиб ҳисобланади.

Фан, техника ва технологияларнинг ривожланиши, уларнинг янги, унумли ютуқларини, инновацияларни амалда қўллашга интилиши бу қонуниятларни амалга ошириш учун имкон яратади, йўл очиб беради ва шунга рағбатлантиради. Қайси хўжалик ушбу янгиликларни ўз фаолиятида кенг қўлласа, у ўз товарининг нафлиликни ошириб, индивидуал қийматини пасайтиришга эришади. Бозорда эса ижтимоий қийматда (бозор баҳосида) сотиб, бошқаларга нисбатан юқори фойда олади.

Ҳар бир масалага икки томонлама ёндашиб, ҳар бир товарнинг (маҳсулотнинг) ўзида ҳам қиймат, ҳам нафлилик мавжудлигини, унинг қайси бирини кўпайтириш ва қайси томонни пасайтириш зарурлигини тўғри англамаслик зиддиятли, тескари ҳаракат қилишимизга сабаб бўлади.

Бундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, иқтисодий истиқболларни, режаларни белгилашда барча даражадаги хўжаликлар, тармоқлар, ҳудудлар фаолиятини баҳолашда шундай сифат кўрсаткичларини топиб қўллаш лозимки, улар юқори нафлиликка эга бўлиб, бевосита жамиятнинг шахсий ва ишлаб чиқариш (унумли) истеъмолини қондирадиган, ҳозирги давр талабларига жавоб берадиган, ҳақиқий ўсишни ифода этадиган, ҳаражатларни, меҳнат ва моддий ресурсларни тежашга рағбатлантирадиган, тараққиётга йўл очиб унга манба бўладиган кўрсаткичлар, муруватлар ва механизмлар бўлиши ва улар ишлаши лозим. Бизнинг фикримизча бундай кўрсаткичлардан бири юқори нафлиликка эга бўлган (асло қийматга эмас) товарлар ҳажми ва турининг

кўпайиши ҳамда сифатининг ошишидир.

Лекин ҳозирги даврда иқтисодий адабиётларда илгари сурилган ғояларда, тавсияларда ва реал амалиётда эътибор берилмаётган асосий кўрсаткичлар қиймат кўрсаткичлари бўлиб, унда (қийматни) оширишга интилиш тенденцияси мавжудлиги яққол кўринади.

Масалан, кўпгина мамлакатларда, жумладан бизнинг мамлакатимизда ҳам нафлиликни эмас, қийматни кўпайтиришга кўпроқ ҳаракат қилинмоқда, чунки хўжаликлар фаолиятини баҳолашда, истиқбол кўрсаткичларини, қиймат белгилашдаги кўрсаткичларни оширишга ундовчи, рағбатлантирувчи кўрсаткичлардан иборат бўлиб қолмоқда. Қиймат ҳажмини, кўшилган қийматни, қўшимча қийматни кўпайтиришга интилиш бунга ёрқин мисол бўла олади.

Бизнинг назаримизда бунинг асосий сабаби иқтисодий кўрсаткичларни ишлаб чиқиш ва қўллашда оқибатини ўйламасдан масалага бир томонлама ёндашилиб, товар ва маҳсулотларнинг нафлилигини эмас уларнинг қийматини оширишга ҳаракат қилинмоқда. Ахир қийматни ҳар қанча кўпайтириш билан ҳеч кимнинг қорни тўқ усти бут бўлиб қолмайдику. Нафлилик бўлмаса қиймат мавжуд бўлмайдику. Қиймат доимо нафлилик билан бирга бўлади. Нафлиликнинг танасига чирмашган қобик сифатида яшаб қолади. Чунки, нафи бўлмаган товарнинг қиймати ҳеч кимга керак бўлмайди, бозор ҳам уни тан олмайди. Бундай тесқари ҳолат ишлаб чиқарувчи кучлар, хусусан иқтисодиёт тараққиётига йўл очмайди, аксинча, унга тўсиқ ва ғов бўлиши мумкин. Бизнинг назаримизда бунинг энг муҳим ва асосий сабабларидан бири маълум мақсадга мувофиқ амалга ошириладиган аниқ меҳнатга, меҳнат унумдорлиги, айниқса меҳнатнинг унумдорлик кучини оширишга қаратилган фан-техника тараққиётини жорий қилиш, янги техника-технологияларни, энергиянинг хом ашёнинг, турли материалларнинг арзон, самарали, янги турларини жорий қилиш эвазига маҳсулот таннархини ва қийматини пасайтиришга, меҳнат, моддий,

молиявий ресурсларни тежашга олиб келувчи, уни рағбатлантирувчи иқтисодий кўрсаткичлар тизими, дастаклари, иқтисодий механизм ишлаб чиқилмаганлиги деб ўйлаймиз. Бунга етарли эътибор берилмаётганлиги нафлиликни пасайтириб, қийматни ошириш ҳаракатларига тўсиқ бўлувчи кўрсаткичлар, дастаклар йўқлиги хўжаликларда иложи борича нафлиликни камайтириш яъни, товарлар сифатини сохталаштириш, сифатсиз товар ишлаб чиқариш ва шунга ўхшаш ҳаракатлар эвазига унинг қийматини ошириб, юқори даромад ва фойда олишга интилиш тенденциясини келтириб чиқармоқда. Бундай ҳолатдан усталик билан фойдаланаётган хўжаликлар, корхоналар, уларнинг эгалари ёки раҳбарлари товарлар сифатини камайтириб, уни сохталаштириш қийматни эса ошириш эвазига юқори фойда олишга уринмоқдалар. Масалан, ерни чуқур ҳайдашга, сифатли ишлов беришга мўлжалланган етарли даражадаги қувватга, чидамлиликка эга бўлган сифатли трактор ўрнига сифатсиз темир, сифатсиз пўлатдан фойдаланиб, уни ҳам кам миқдорда ишлатиб кам қувват, чидамсиз ва яроқсиз трактор, ҳозирги замон талабига жавоб бермайдиган турли хил машиналар, асбоб ускуналар, станоклар, ишлаб чиқариб уларни бозор талаб ва таклифи механизми билан эмас, мажбурий-маъмурий йўл билан истеъмолчи хўжаликларга ўтказишга ҳаракат қилинмоқда. Таркибий компонентларини онгли равишда камайтириб, уриб қолиш эвазига сохта товарлар: ўғитлар, турли хил хом-ашё ва материаллар, дори-дармонлар ва бошқа кўпгина истеъмолга яроқсиз товарлар ишлаб чиқаришга уринишлар содир бўлиб турибди. Бундай сифатсиз, яроқсиз товарларда шакл ва қиймат бор, лекин сифат ва бинобарин нафлилик йўқ, ҳудди пўчоғи бору мағзи йўқ мевага ўхшайди. Бундай нохуш ҳолатлар ва уринишлар ўзи тушуниш қийин бўлган масалани янада чигаллаштирмоқда. Шу ва шунга ўхшаш иқтисодий ҳолатлар фақатгина назарияда эмас, шу билан бирга амалиётда ҳам ҳамма иқтисодий жараёнларни икки

томонлама ёндашув усулини қўллаб, чуқур таҳлил қилишни тақозо этади.

Товар-пул муносабатларига асосланган ва унинг қонун-қоидалари билан бошқариладиган бозор иқтисодиётида барча товарларни ва уларнинг икки томонлама хусусиятларини яратувчи омил бу меҳнатдир. Меҳнат бир томондан, аниқ меҳнат бўлиб, табиатда бор бўлган кучларнинг, ашёларнинг кўринишини, шаклини ўзгартириб янги нафлиликни яратади, эски қийматларни (ишлаб чиқариш воситалари қийматини) янги товарга ўтказиши, иккинчи томондан эса, шу меҳнатнинг ўзи абстракт меҳнат сифатида янги қиймат яратади. Гап шундаки, бир вақтнинг ўзида содир бўлаётган, яъни, сарфланаётган меҳнат бирданига товарнинг икки хил хусусиятини: нафлилик ва қиймат хусусиятларини яратади. Агар меҳнатнинг аниқ тавсифи товарнинг нафлилигини яратса, унинг абстракт тавсифи қийматини яратади.

Мана шу бошланғич, оддий, элементар ҳодисани тушуниш бутун иқтисодий жараёнларни тўғри англашга, товар ва пулнинг мураккаб ҳаракатини тушунишда, уларни бир-биридан ажрата билишда услубий таянч ролини ўйнайди (1.1-расм).



1.1-расм. Яратилган товарларнинг икки томонлама хусусияти⁴

⁴ Муаллифлар ишланмаси.

Чунки шу оддий, элементар ҳодиса ҳамма иқтисодий жараёнларнинг ва улар билан боғлиқ бўлган муносабатларнинг келиб чиқишини, уларнинг генетик негизини тушуниш ва аниқлаш имконини беради. Шундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, товар икки хусусиятга эга: бир томондан, у кишиларнинг бирор-бир нарсага бўлган эҳтиёжини қондира оладиган, иккинчи томондан эса, бошқа буюмларга айирбошлана оладиган, яъни олди-сотди жараёнидан ўта оладиган буюмдир. Бошқача айтганда, товар нафлиликка (истеъмол қийматиغا) ва қийматга эга бўлиб, уларнинг бирлигидан иборатдир.

Буюмнинг нафлилиги унинг кишилар учун нафли эканлиги, муайян наф келтириши орқали намоён бўлади. У шахсий истеъмол буюми ёки ишлаб чиқариш воситалари сифатида кишиларнинг бирон-бир нарсага бўлган эҳтиёжини қондиради. Демак, товарнинг нафлилиги деб унинг кишиларнинг бирон-бир нарсага бўлган эҳтиёжларини қондира олиш қобилиятига айтилади.

Нафлиликни аниқлашда ҳам турлича ёндашувлар мавжуд. Масалан, маржинализм мактаби асосчилари ҳам, уларнинг кейинги давомчилари ҳам товарнинг нафлилигига алоҳида эътибор берганлар. Бу ҳақда кўплаб асарлар ёзганлар, лекин улар услубий ҳатога йўл қўйиб масалага бир томонлама ёндашган, товарлар нафлилигини аниқлашда алоҳида олинган индивиднинг ҳаёлидаги психологик ёндашув билан, яъни ҳеч ким билан алоқаси бўлмаган ўрмондаги чолнинг ёки кимсасиз оролда бир ўзи қолиб кетган Робинзоннинг ҳаёли билан аниқлаш усулини қўллайдилар. Ҳолбуки, товар айирбошлаш жамият аъзолари ўртасида, гавжум бозор қатнашчилари ўртасида реал қайноқ ҳаёт жараёнида содир бўлади. Улар нафлиликнинг негизида объектив иқтисодий жараён борлигини, нафлилик табиат ашёси билан жонли меҳнатнинг бирикиши натижасида, тўғрироғи нафлилик аниқ меҳнат билан табиат ашёсининг хусусиятлари ўзгартирилиши натижасида вужудга келишини ўйлаб ҳам ўтирмайдилар.

Товарлар нафлилигини тўғри тушунишда нафлиликнинг ижтимоийлигини тушуниш муҳим ҳисобланади. Кези келганда шуни айтиб ўтиш керакки, маржиналистлар ҳам, бошқа иқтисодчиларнинг кўпчилиги ҳам нафлилик деган тушунча ҳам ўзгариб, ривожланиб боришини эътиборга олмасдан келмоқдалар. Улар бу тушунчани ўзгармас, қотиб қолган тушунча деб тасаввур қиладилар. Ҳолбуки, у ўзгаради, ривожланади. Масалан, нафлилик тушунчаси дастлаб товарнинг кишиларнинг бирон-бир нарсага бўлган эҳтиёжини қондириш қобилиятига айтилади. Лекин бу тушунча дастлабки тушунча бўлиб, у индивидуал (якка) нафлиликни ифодалаб, ҳали товар муносабатларини билдирмайди. Қачонки ишлаб чиқарилган товар ўзининг эмас, бошқаларнинг яъни товар сотиб олувчиларнинг эҳтиёжларини қондирса бу ижтимоий нафлилик бўлади. Бу нафлиликни тушунишнинг иккинчи поғонаси бўлади. Ундан ташқари нафлиликни тушунишнинг учинчи, юқори поғонаси бўлиб, у ижтимоий зарурий нафлилик деб юритилади. Микдори, тури ва сифати бўйича талабга мос келадиган нафлилик эса ижтимоий зарурий нафлилик дейилади. Табиатда мавжуд бўлган ёки инсон меҳнати билан яратилган маҳсулотнинг ҳаммасида нафлилик мавжуд бўлиши мумкин. Лекин товар сифатида ишлаб чиқарилган маҳсулот фақатгина ўзининг эмас, бошқаларнинг эҳтиёжини қондириш қобилиятига эга бўлиши керак. Чунки товар ўзи учун эмас, бошқаларга сотиш учун ишлаб чиқарилади. Шунинг учун товар айирбошлаш (олди-сотди) ривожланиши билан товардаги нафлилик ҳам ижтимоий тус олади, яъни у оддий нафлилик тушунчасидан “ижтимоий нафлилик” тушунчасига айланади. Албатта, табиатда мавжуд бўлган ёки инсон меҳнати билан яратилган ҳар қандай товар ҳам нафлиликка эга бўлавермайди. Масалан, сифатсиз, кераксиз ишлаб чиқарилган ёки керагидан, талабдан ортиқча ишлаб чиқарилган товарлар нафлилиги жамият учун, бозор учун кераксиз бўлиб, тан олинмайди. Шунинг учун иқтисодиёт

назариясида ижтимоий зарурий нафлилик деган тушунча ишлатилади ва реал бозор ҳар қандай нафлиликни эмас, балки ижтимоий зарурий нафлиликни тан олади.

Ижтимоий зарурий нафлилик деб – талаб миқдори ва сифатига мос келадиган миқдор ва сифатдаги нафлиликка айтилади.

Неъматлар товар бўлиши учун, улар айирбошлашга мўлжалланган, маълум меҳнат сарфланган, бозорга сотишга чиқарилган бўлиши зарур. Шунга кўра, товар маҳсулотдан фарқланади. Товар, энг аввало, ўз истеъмоли учун эмас, балки бошқаларнинг истеъмоли учун бозорга сотиш мақсадида тайёрланадиган маҳсулотдир. Товарнинг натурал-буюм ва ижтимоий-иқтисодий томонлари, хусусиятлари ана шундан келиб чиқади.

Товарнинг алмашув қиймати – бу бирор турдаги нафлиликнинг бошқа турдаги нафлиликка айирбош қилинадиган миқдорий нисбатидир. Масалан, битта болта 20 кг донга айирбош қилинади. Айирбош қилинадиган товарларнинг бу миқдорий нисбатида уларнинг алмашув қиймати ифодаланади.

Қийматнинг меҳнат назарияси тарафдорлари⁵ фикрига кўра, товарлар қийматининг умумий асоси бўлиб меҳнат ҳисобланади, шу сабабли улар маълум миқдорларда бир-бирига тенглаштирилади. Товарларнинг оғирлиги, ҳажми, шакли ва шу каби табиий хусусиятларидан бирортаси қийматнинг умумий асоси бўла олмайди. Ҳатто айирбошлашнинг зарур шarti сифатида товарларнинг нафлилиги ҳам асос бўла олмайди. Чунки, турли товарларнинг нафлилиги сифат жиҳатидан фарқ қилиш билан бирга умумий бир ўлчамга эга эмас. Миқдор жиҳатдан таққослаш учун товарларда мавжуд бўлган умумий нарса – уларни яратиш учун сарфланган инсон меҳнатидир.

⁵ Товар қийматини меҳнат билан аниқлашга ёндашувларида маълум фарқлар мавжуд бўлсада, уларга А.Смиг, Д.Рикардо, У.Петти, Ж.С.Милье ва бошқа айрим иқтисодчиларни, уларнинг издошларини киритиш мумкин.

Товарлар ўлчовдош бўлишининг боиси шуки, буларнинг ҳаммаси умуман инсон меҳнати маҳсулидир, яъни инсон кучи, мияси, мушаклари, асаблари ва ҳоказолари сарфининг маҳсулидир. **Товарда мужассамлашган ижтимоий меҳнат унинг қийматини ташкил қилади.** Бу қиймат товар айирбошлаганда кўринади, шунинг учун алмашув қиймати (яъни истеъмол қийматларини айирбошлаш нисбати) қиймат шакли бўлиб, унинг ички мазмунини ташкил этади. Бу ҳолат Л.М.Куликов томонидан қиймат ва алмашув қийматини товарнинг алоҳида асосий хусусиятлари сифатида ажратилиб кўрсатилишида намоён бўлади. «Қиймат – бу товар ишлаб чиқариш ва уни сотиш (кўпинча қисқача қилиб «ишлаб чиқариш харажатлари» деб атайдилар) қанчага тушганлиги ифодасидир. Товарни айирбошлаганда (сотилганда) ишлаб чиқарувчи (сотувчи), табиийки, ўз харажатларини қоплашни истади, бироқ бозорда бошқача нисбатлар таркиб топиши мумкин. Энди уларни бошқа кўрсаткич – алмашув қиймати ифодалайди. Бу бир товар бошқасига айирбошланадиган миқдорий нисбатдир».⁶ Товарнинг ўзи эса икки томон – нафлилик ва қийматнинг узвий бирлигидан иборатдир. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Л.Куликов томонидан қийматга берилган юқоридаги таъриф баъзи ҳолларда иқтисодчилар томонидан йўл қўйиладиган янглиш фикрлардан холи эмас. Яъни, қийматнинг ишлаб чиқариш харажатлари билан айнийлаштирилишини у киши томонидан йўл қўйилган ҳатолик деб ҳисоблаймиз. Аслида, ишлаб чиқариш харажатлари қийматнинг бир қисми бўлиб, аксарият ҳолларда миқдор жиҳатидан қийматдан кам бўлади.

Товарнинг икки ёқлама хусусиятини билиш, унинг мазмунини таҳлил қилишнинг биринчи босқичи ҳисобланади. Энди унинг иккинчи босқичига яъни товарнинг нафлилиги ва қийматининг миқдор жиҳатидан аниқланишини таҳлил қилиш босқичига ўтиш мумкин бўлади.

⁶ Куликов Л.М. Экономическая теория: учеб. – М.: ТК Вебли. Изд-во Проспект, 2005, с.129.


Биз юқорида нафлилик тушунчасининг бир жойда турмай ривожланиб ижтимоий ва ижтимоий зарурий тус олишини айтиб ўтган эдик. Охириги тушунча яъни ижтимоий зарурий нафлилик тушунчаси унинг миқдоран аниқланиши билан боғлиқдир. Чунки, кишиларга ҳар қандай нафлилик эмас, керакли миқдордаги яъни ижтимоий зарурий миқдордаги нафлилик керак. Бу ҳамма турдаги товарлар учун умумий бўлган қоидадир. Энди товарнинг бир тарафи яъни нафлилик тарафи миқдоран аниқланиб, ижтимоий зарурий миқдорда ишлаб чиқаришни тақозо этар экан, унинг иккинчи хусусияти қиймат ҳам миқдоран аниқ бўлишини тақозо этади. Шунинг учун товар ишлаб чиқаришга сарфланган ҳар қандай меҳнат ҳам унинг қийматини яратмайди ёки ифода этмайди. Фақат фойдали шаклда ва миқдорда сарфланган меҳнатгина товарнинг қийматини яратади ва уни ифода этади.

Шунинг учун Иқтисодиёт назарияси фанида ижтимоий фойдали меҳнат ва ижтимоий зарурий меҳнат деган тушунчалар ишлатилади. Ижтимоий фойдали меҳнат бу меҳнатнинг бирон-бир фойдали шаклда сарфланишини билдиради, ижтимоий зарурий меҳнат эса, унинг ортиқча эмас, фақат зарурий миқдорда сарфланишини билдиради. Кераксиз (сифатсиз) ва талабдан ошиқча ишлаб чиқарилган товарнинг нафлилиги ҳеч кимга керак бўлмаганидек, унга сарфланган меҳнат ҳам кераксиз, ортиқча сарфланган меҳнат ҳисобланади. Бундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, товар қийматининг миқдори **ижтимоий-зарурий иш вақти** орқали ҳисобланади. **Ижтимоий зарурий иш вақти муайян ижтимоий нормал** ишлаб чиқариш шароитида ва муайян жамиятдаги меҳнат малакаси ва жадаллиги даражаси ўртача бўлган шароитда бирон бир товарни ишлаб чиқариш учун сарфланиши зарур бўлган иш вақтидир.

Товар қийматининг миқдорини ҳисоблашда меҳнатнинг оддий ва мураккаб, малакали ва малакасиз, ақлий ёки жисмоний турлари ҳисобга олинади. Қийматни ҳисоблашда нисбатан мураккаб меҳнат кўпайтирилган ёки даражага

кўтарилган оддий меҳнат сифатида ҳисобга олинади, шу сабабли оз миқдордаги мураккаб меҳнат кўп миқдордаги оддий меҳнатга тенглаштирилади.

Товарнинг икки хил хусусиятга эга бўлишига сабаб товар ишлаб чиқарувчи меҳнати табиатининг икки томонламалигидадир. Товарда гавдаланган меҳнат бир томондан, бу – муайян турдаги аниқ меҳнатдир. Шунинг учун, нафлиликни яратадиган меҳнат **аниқ меҳнат** деб ном олган (1.2-расм).



1.2-расм. Меҳнатнинг икки ёқлама тавсифидан келиб чиқувчи товарнинг икки хил хусусиятининг миқдорий жиҳатдан аниқланиши

Аниқ меҳнат деб – маълум мақсадга қаратилиб, муайян бир шаклда сарфланадиган, аниқ турдаги истеъмол қийматни (нафлиликни) вужудга келтирадиган меҳнатга айтилади. Масалан, нонвойнинг нон ёпишга, дурадгорнинг стол ёки стул ясашга, чеварнинг дўппи тикишга, тикувчининг кўйлак ёки костюм тикишга қаратган меҳнат аниқ меҳнатдир.

Иккинчи томондан, ушбу меҳнат – аниқ шаклидан, тури ва йўналишидан қатъий назар, умуман товарларнинг ҳамма турида гавдаланган инсон меҳнатидир, жами ижтимоий меҳнатнинг бир қисмидир. У ўзининг шу сифатида **абстракт меҳнат** деб аталади. Бу меҳнат эса товар қийматини яратади.

Қиймат фақат инсон меҳнатнинг ижтимоий тавсифи бўлиб, унда табиат ашёларининг, бинобарин нафлиликнинг бирорта ҳам молекуласи, заррачаси йўқдир. Қийматнинг асосида одамлар бир-бирлари учун меҳнат қилишларини билдирувчи ижтимоий меҳнат ётади. Бирок, алоҳидалашган товар ишлаб чиқарувчилар меҳнати ўзининг ижтимоий хусусиятини фақат меҳнат маҳсулларини, яъни товарларни айирбошлаш орқали кўрсатади.

Товарлар қийматининг миқдори меҳнат унумдорлигига қараб ўзгаради. **Меҳнат унумдорлиги деб меҳнатнинг вақт бирлиги ичида маҳсулот ишлаб чиқариш қобилиятига айтилади. У маълум иш вақти бирлиги мобайнида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг миқдори ёки маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланган иш вақти билан ўлчанади.** Мисол учун, дурадгор бир иш кунни давомида 4 та стол ясади. Агар иш кунини 8 соатдан иборат, деб олсак, у ҳолда 1 та стол яшаш учун 2 соат вақт сарфланган. Яъни, дурадгорнинг 1 соатлик меҳнат унумдорлиги 0,5 та столга тенг. Меҳнат унумдорлигининг ўзгариши товар бирлиги қийматининг ўзгаришига сабаб бўлади. Меҳнат унумдорлиги ўсса, товар бирлигининг қиймати камаяди ёки аксинча, меҳнат унумдорлиги пасайса, товар бирлигининг қиймати ошади. Мисолимиздаги дурадгор ясаган битта столнинг қиймати 2 соатлик меҳнат сарфига тенг эди. Дейлик, унинг меҳнат унумдорлиги икки баравар ортиб, бир иш кунини 8 та стол яшаш даражасига етди. У ҳолда, битта столнинг қиймати ҳам икки баравар пасайиб, 1 соатлик меҳнат сарфига тенг бўлади.

Меҳнат интенсивлиги иш вақти бирлиги мобайнида сарфланган меҳнат миқдори орқали тавсифланувчи кўрсаткич ҳисобланади. **Меҳнат интенсивлиги деганда иш вақти бирлиги давомида меҳнат сарфининг ошиб бориши, яъни меҳнатнинг жадаллашиши тушунилади.**

Меҳнат интенсивлигининг ошиши муайян вақт давомида кўпроқ қиймат яратилишига имкон беради. Меҳнат

интенсивлиги ошганда вақт бирлиги ичида яратилган товар миқдори ошиши мумкин. Лекин қиймат ҳажми ҳам ошганлиги туфайли унинг бир бирлигига тўғри келадиган қиймат миқдори ўзгармай қолиши мумкин.


Товарнинг икки хил хусусиятини тахлил қилишдан келиб чиқадиган мантиқий хулоса шуки, агар ҳар қандай организмнинг, шу жумладан, иқтисодиётнинг ҳам бир хужайраси икки томонлама хусусиятга эга экан, у бошқаларининг ҳам, бутун иқтисодий муносабатларнинг ҳаммаси ҳам икки томонлама хусусиятга эга бўлишини тақозо этади. Ҳар бир хужайрасида гавдаланган меҳнат эса икки ёқлама тавсифга эга бўлади.

Бундан келиб чиқадики, бозор иқтисодиётидаги барча иқтисодий муносабатлар ҳам икки томонлама хусусиятга эга бўлади. Бу жараёни юқоридаги расмда тушуниш мумкин (1.3-расм).

Бу расмдан кўриниб турибдики, содир бўлаётган барча иқтисодий жараёнлар меҳнатнинг икки ёқлама тавсифи орқали бир-бири билан чамбарчас боғланган ҳолда изчил сабаб ва оқибатли тарзда содир бўлиб, ягона тизимни ташкил қилмоқда.

Бунда бир нарсага яна бир бор эътиборни жалб қилиб қараш керакки, ишчи томонидан сарфланаётган жонли меҳнат бир вақтнинг ўзида учта функцияни: нафлиликни яратиш, эски қийматни сақлаш ва уни янги товарга ўтказиш; янги қийматни яратиш вазифасини бажаради.

Энди бундан товар қийматининг шаклланиш жараёни икки йўналишдаги жараён эканлигини билиш мумкин бўлади. Бунда уларнинг бири аниқ меҳнат билан ишлаб чиқариш воситаси (капитал)да мавжуд бўлган эски қийматни янги товарга ўтказиш бўлса, иккинчиси абстракт меҳнат билан янги қийматни яратиш жараёнидир. Бу эса ўз навбатида товар қийматининг таркиби икки хил, эски ва янги яратилган қийматдан иборат эканлигини билиш имконини беради.




1.3-расм. Бозор иқтисодиёти шароитида товарнинг икки хил хусусияти тавсирида содир бўлаётган барча иқтисодий муносабатларнинг икки томонлама тавсирига эга бўлиши⁷

⁷ Муаллифлар ишламдаси

Товар қиймати шаклланишининг икки томонлама тус олиши ва товар қиймати таркибининг икки қисмдан иборат бўлиши уларнинг кейинги ҳаракатини кузатиш, товар қиймати таркибининг ўзгариш тенденциясини кузатиш ва билиш имконини беради. Фан-техниканинг ривожланиши натижасида янги-янги техникаларнинг, технологияларнинг кириб келиши, инновацияларнинг қўлланилиши натижасида ишлаб чиқариш жараёнида қўлланилаётган капиталнинг (ишлаб чиқариш воситаларининг) ҳажми кўпайиб боришини, жонли меҳнат сарфининг эса нисбатан камайиб бориш тенденциясини келтириб чиқаради. Бир томондан аниқ меҳнат билан ишлаб чиқаришда қўлланилаётган воситаларнинг (капитал) қиймати яратилган янги товарга ўтказилади. Шу йўл билан аниқ меҳнат икки функцияни бажаради. Бири ишлаб чиқариш воситаларида (капиталда) бўлган эски қийматни сақлаб қолади, унинг йўқ бўлиб кетишига йўл қўймайди. Иккинчи томондан эса, янги қийматнинг шаклланишига ҳисса қўшади. Бунда шу нарсани ҳисобга олиш керакки, асосий воситалар қиймати бўлиб-бўлиб аста-секинлик билан унинг ейилган қисми янги товарга ўтказилса, қўлланилаётган айланма воситаларнинг (хом-ашё, ёнилғи-мойлаш материаллари, энергия ва бошқа турли хил материаллар) қиймати бирданига янги товарга ўтказилади.

Бу ерда энг муҳим нарса шундан иборатки, қийматнинг шаклланиш жараёни бир вақтнинг ўзида икки томонлама жараён сифатида содир бўлади. Бир томондан, аниқ меҳнат билан эски қиймат янги товарга ўтказилса, иккинчи томондан абстракт меҳнат билан янги қиймат яратилади ва эскисига қўшилади. Шундай қилиб ўтказилган эски қиймат билан яратилган янги қиймат биргаликда яратилган янги товарнинг қийматини ташкил этади (1.4-расм). Бу нарсани тўғри тушуниш олимлар ўртасида узоқ даврлар давомида, то ҳозиргача давом этган тортишувларга сабаб бўлган муҳим бир чалкаш тугун ечилиб, бу тортишувларга чек қўйиш имконини беради.




1.4-расм. Товар қиймати шаклланиши жараёнининг икки томонламалиги ва қийматнинг икки хил таркиби.

Товарда гавдаланган меҳнатнинг икки ёқлама тавсифи ва ундан келиб чикувчи товарнинг икки хил хусусиятини яхши билиш бу мураккаб жараён таҳлилини янада чуқурлаштириш имконини беради. Энди товарнинг ҳар икки хусусияти ўз ҳаракати жараёнида иккиламчи тус олади. Бунда товарнинг нафлилиги иккиламчи тус олиб реал нафлилик ва расмий нафлиликка ажралади. Товарнинг реал нафлилиги юқорида айтганимиздан тушунарлики, у бевосита аниқ меҳнат билан табиат ашёларидан фойдаланган ҳолда яратилиб, кишиларнинг эҳтиёжини қондиришга қаратилгандир. Лекин расмий нафлилик аниқ меҳнат билан боғлиқ бўлсада, бевосита эмас, балки билвосита кишиларнинг талабини қондиради. Масалан, товар бевосита шахсий ва ишлаб чиқариш истеъмоли учун эмас, балки у орқали фойда олиш учун яъни қайта сотиш учун олинган товарлар, қимматбаҳо буюмлар, қимматли қоғозлар ва бошқалар. Кейинчалик бу

расмий нафлилик ривожланиб, олтин пул, қоғоз пул, кредит пулларнинг келиб чиқишига олиб келади (бу ҳақида кейинги бандда тўхталамиз).

Иккинчи томондан товарнинг қиймати, унинг шаклланиш жараёни ҳам икки томонлама тус олади (1.5-расм).



1.5-расм. Товар нафлилиги ва қийматининг икки томонлама тус олиши

Бунда товар ва хизматларнинг яратилиши жараёнида бир томондан аниқ меҳнат билан нафлилик яратилади ва кўпаяди, иккинчи тарафдан, абстракт меҳнат билан янги қиймат яратилади ва қийматнинг ўсиш жараёни содир бўлади.

Бу икки томонлама жараён алоҳида олинган бир корхонада эмас, балки, барча товар ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналарда содир бўлади ва натижада икки хил хусусиятга, нафлилик ва қийматга эга бўлган товар ва хизматлар массаси вужудга келади. Бу товарлар ва хизматлар массаси яратилиши билан бир жойда тўхтаб қолмайди, улар айирбошлаш, тақсимлаш ва истъмол жараёнларида яна ҳаракатда бўлади.

Бу ҳаракатлар товарлар дунёсининг ҳаракатидан иборат бўлиб, бир томондан, нафлиликка эга бўлган товарлар дунёсининг ҳаракати бўлса, иккинчи томондан, қийматнинг моддийлашган ифодаси, яъни пуллар ҳаракатидан иборат бўлади.

Кишилар ўртасида, корхоналар ўртасида, кишилар билан корхоналар ўртасида ҳамда уларнинг ҳар иккаласи билан давлат ўртасидаги содир бўлаётган иқтисодий муносабатлар шу товарлар ва пуллар массасининг ҳаракати билан боғлиқ бўлади.

Энди бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, қарама-қарши турган товарлар ва пуллар ҳаракатини тартибга солиш, бошқариш зарурати вужудга келади ва у амалга оширилади. Албатта бу бошқарув товарлар ва пуллар ҳаракатини, уларнинг хусусиятларини билиб, тўғри тушунган ҳолда тартибга солинса мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундан кўринадики, товарда гавдаланган меҳнатнинг икки ёқлама тавсифи ва ундан келиб чикувчи товарнинг икки хил хусусияти тўғрисидаги илмий концепция учта муҳим услубий функцияни бажаради:

1. Илмий тушунчалар тизимини яратиш ва тартиблаштириш;

2. Иқтисодий муносабатларнинг келиб чиқиш сабаблари (генетик асоси) шаклланиб қарор топиши ва ривожланиши жараёнини билиш, ойдинлаштириш;

3. Иқтисодиётда содир бўлаётган ва амал қилаётган муносабатларни бир тизимга келтириб, тизимли таҳлил қилиш имконини беради.

Товарда гавдаланган меҳнатнинг икки томонлама тавсифи ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқаришда иштирок этадиган оддий майда товар хўжалиги билан ривожланган йирик товар хўжалиги ўртасидаги фарқни аниқлаш, тушуниб етиш имконини беради. Ҳозирги даврда мамлакатимизда жуда кўп сондаги йирик товар ишлаб чиқарувчи корхоналар ва бир неча минглаб майда ишлаб чиқарувчилар ва хизмат

кўрсатувчилар мавжуд. 2017 йилда йирик корхоналар 52 мингтани ташкил этган бўлса, рўйхатдан ўтган кичик корхоналар ва микрофирмалар 233 мингтани ташкил этади. Буларга томорқа, деҳқон хўжаликлари, майда хунармандлар, касаначилар, якка ҳолда майда хизмат кўрсатувчилар якка ҳолда транспорт ва бошқа хилдаги хизмат кўрсатувчиларни киритиш мумкин.

Иккинчи томондан эса, йирик, ҳозирги замон мураккаб техника-технологиялардан фойдаланиб ишловчи йирик товар хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Ҳар иккала турдаги товар хўжалиklarининг асосий умумий томонлари бор. Масалан, ҳар икки турдаги товар хўжаликлари биринчидан, ўзларининг ва мамлакат аҳолисининг эҳтиёжларини қондириш қобилиятига эга бўлган нафли маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишдан иборат бўлса, иккинчидан, ҳар иккала турдаги товар хўжалиги ҳам товар ва хизматларни кўпайтириш йўли билан ўзлари билан бир қаторда бошқаларнинг эҳтиёжини қондиришга қаратилган товар ишлаб чиқаради ва айирбошлайди. Мамлакат ялпи ички маҳсулотини яратишга ва уни кўпайтириш йўлида ўз ҳиссаларини кўшишдан иборат.

Шу билан бирга улар ўртасида муҳим фарқлар ҳам мавжудки, уларни билиш яратилган барча товарлар массасининг хусусан, ялпи ички маҳсулотнинг ички тузилишини унинг мазмунини чуқурроқ тушунишга ёрдам беради. Бу фарқларни кўйидаги расмда тушуниш осонроқ бўлади.

1.6-расмдан кўриниб турибдики, ҳар иккала турдаги товар ишлаб чиқарувчилар меҳнати бир вақтнинг ўзида икки хил йўналишни олиб аниқ ва абстракт шаклида сарфланади. Бунда, юқорида айтилганидек, аниқ меҳнат билан маҳсулотнинг (товарнинг) нафлилиги яратилса, абстракт меҳнат билан қиймати, тўғрироғи янги қиймат яратилади.



*Т¹ ва П¹ белгилари уларнинг олдинги қийматдан юқорилигини яъни қийматнинг ўсганлигини билдиради.

1.6-расм. Майда ва йирик ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги фарқлар⁸

Шундан келиб чиққан ҳолда, майда товар хўжалигида асосан нафлилик яратилади. Чунки бу товар ишлаб чиқарувчи ўзи ишлаб чиқарган махсулотнинг бир қисмини ўзи истеъмол қилса, (томорқа деҳқон хўжаликларида ишлаб чиқарилган

⁸ Муаллифлар ишланмаси.

мева, сабзаёт, полиз ва чорва маҳсулотлари) қолган қисмини товар сифатида бозорга сотиб ўз истеъмоли учун зарур бўлган бошқа турдаги керакли товарларни сотиб олиб истеъмол қилади. Шунинг учун бу майда хўжаликларнинг асосий мақсади ҳам, бутун фаолияти ҳам нафлиликни яъни, ўзининг истеъмоли учун етарли ва зарур бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган бўлади. Хунармандчилик, касаначилик ва бошқа турли хил хизматларда эса ўзи ишлаб чиқарган маҳсулоти ёки хизматини ўзи бевосита истеъмол қилмасда, уларни сотиб, истеъмоли учун зарур бўлган бошқа турдаги товарларни сотиб олади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ривожланган йирик корхоналарда эса мулк шаклидан қатъий назар бозорга сотиш учун товар ишлаб чиқариб яратилган кўшимча қийматни фойда шаклида ўзлаштириб олиш мақсад қилиб кўйилган бўлади ва бутун фаолияти шунга қаратилган бўлади. Бу ерда шунини таъкидлаш жоизки, йирик корхоналарда нафлилик яратиш асосий мақсад эмас, асосий мақсад ишлаб чиқариш бошланишида сарфланган капитал қийматига нисбатан кўпроқ қийматга эга бўлиш, уни фойда шаклида ўзлаштириб олишдир. Лекин, қиймат фақат нафлилик бор жойда бўлади, нафлилик билан бирга бўлади, тўғрироғи қиймат нафлиликнинг танасида, унинг қобиғи сифатида намоён бўлади. Шунинг учун йирик корхоналар ҳам қиймат билан бир вақтда нафлиликни ҳам яратишга мажбурдирлар. Чунки бозорда нафсиз товарни ҳеч ким олмайди.

Бу ерда фойдани кўпайтиришни мақсад қилиб кўйган айрим йирик корхоналар билан аҳоли эҳтиёжини қондиришга қаратилган нафлиликни кўпайтиришни мақсад қилиб кўйган, жамият манфаатлари ўртасида қисман зиддият пайдо бўлиши мумкин. Масалан, фойда олиш мақсадида инсон манфаатига тамомила зид бўлган, ишлаб чиқариш воситаларини ишчи кучини тамомила бузишга, вайрон қилишга мўлжалланган наркотик моддаларни, мамлакат ҳимоясидан ташқари бўлган кўплаб ортиқча курул-яроқларни ишлаб чиқариб сотиш йўли

билан катта фойда олишга уриниш ҳолатлари учрайди. Бундан ташқари, турли хил йўллар билан маҳсулотлар (товар ва хизматлар) сифатини бузишга ва бинобарин нафлиликни камайтиришга уриниш масалан, вино ва бошқа ичимликлар, турли хил озиқ-овқатлар, дори-дармонлар сифатига путур етказиб, уларга кўшиладиган фойдали моддаларни камайтириб, умумий ҳажмини кўпайтириш эвазига фойда олишни ошириш, сифатсиз техника, сифатсиз уруғ, сифатсиз ўғит, сифатсиз хом-ашё сотиб фойдани кўпайтириш каби нохуш ҳодисалар ҳам учрайди. Бундай иллатлар уларга қарши кескин чоралар кўриш ва курашлар олиб бориш йўли билан аста-секин бартараф этиб борилади. Ундан ташқари, йирик корхоналар, компаниялар ва бошқаларни, нафлиликни кўпайтириш, аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган маҳсулотларни кўпайтиришга ундайдиган рағбатлантирувчи иқтисодий механизмларни кучайтириш масалан, сифатли маҳсулотларга устама нарх, сифатсизлари учун эса паст нарх белгилаш, паст сифатли ёки кераксиз маҳсулот ишлаб чиқаргани учун жарималар белгилаш кабиларни ишга солиш зарур бўлади.

Маълумки, иқтисодиёт назарияси фанида (бошқа аниқ фанларда ва амалиётда ҳам) меҳнат унумдорлиги деган илмий тушунча (категория) мавжуд бўлиб, у амалиётда ҳам эътиборга олинади ва ҳисобланади, у орқали корхоналарнинг, тармоқларнинг, ҳудудларнинг ва бутун иқтисодиётнинг фаолияти натижасига баҳо берилади. Ундан ташқари, меҳнат унумдорлигининг ошиши ёки камайиши яратилган маҳсулотнинг даражасига салмоқли таъсир кўрсатади ва уни кўпайтиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Маълумки, меҳнат унумдорлиги алоҳида олинган маҳсулотнинг ёки хизматнинг турлари бўйича ҳам, бутун мамлакат иқтисодиёти бўйича аниқланади.

Умумий кўринишда у аниқ меҳнатнинг вақт бирлиги ҳисобига яратилган маҳсулот (нафлилик) бирлиги билан ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг нафлиликнинг ҳар бир

бирлиги учун сарфланган меҳнат миқдори билан ўлчанади.

Шунга биноан иқтисодий фаолият жараёнида доимий равишда меҳнат унумдорлигини оширишга, яъни вақт бирлиги ичида яратилган маҳсулотни (нафлиликни) оширишга, бинобарин қийматни камайтиришга (пасайтиришга) ҳаракат қилинади.

Лекин баъзан иқтисодий адабиётларда ва даврий матбуотда, худдики, нафлилик четда қолиб қийматни кўпайтиришга, уни оширишга уриниш бўлаётганга ўхшатиб кўрсатилади. Бу маълум даражада иқтисодий жараёнларни тўғри тушунмасликдан, унинг икки томонлама табиатини билмаслик сабабли чалкашликка йўл қўйилганликдан далолат беради.

Тарихий ва ҳозирги даврдаги иқтисодий тараққиёт жараёни, яъни замон ва маконда бўлаётган иқтисодий ҳаракатларнинг барчаси ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришга, бинобарин меҳнат унумдорлигини оширишга, яъни, вақт бирлиги ичида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (нафлилик) миқдорини оширишга, унинг ҳар бир бирлигига тўғри келадиган қийматни (ҳаражатларни) камайтиришга қаратилган ҳаракатдан иборатдир. Нафлиликни четда қолдириб қийматни оширишга уриниш эса, тараққиётга тесқари ва зарарли ҳаракат ҳисобланади. Бу ҳолатни иқтисодий жараёнларни ўрганишда икки томонлама ёндашув ва таҳлил усулини қўллаш орқалигини билиш мумкин.


Ҳар бир мамлакат, ҳудуд, тармоқ ва корхонада маҳсулотни кўпайтириш жараёнида қийматнинг ҳажми ҳам маълум даражада ошиши мумкин. Бу ҳодиса маҳнат унумдорлигига нисбатан маҳсулот ҳажмининг тез ошган ҳолатда яъни маҳсулотни кўпайтириш қўшимча ишчи кучи жалб этиш йўли билан амалга оширилганда ёки меҳнат интенсивлиги (жадаллашиши) ошган ҳолатларда содир бўлади.

Маълумки, ялпи ички маҳсулот ҳажми икки омил эвазига

янги корхоналарни очиб, улар сонини ва ишчилар сонини иш жойларини кўпайтириш эвазига оширилади, ёки фан-техника янгиликларини, янги технологияларни энергия ва материалларнинг янги, арзон турини ишлаб чиқаришда қўллаб, меҳнат унумдорлигини ошириш эвазига кўпайтирилади. Бунда бир вақтнинг ўзида маҳсулотда мужассамлашган нафлилик ҳам қиймат ҳам кўпаяди. Шу билан бирга янги иш жойларини кўпайтириб, ишчилар сонини ошириш эвазига маҳсулот кўпайган бўлса, нафлилик ва қийматнинг бир вақтда ошиши тушунарли ҳолатдир. Лекин “маҳсулот меҳнат унумдорлигини ошириш эвазига кўпайтирилса, қиймат нега ошади?” деган қийин ва чалкаш савол пайдо бўлади.

Бу чалкаш жараёни тўғри ва тез тушунишда икки томонлама ёндашув ва таҳлил усулини қўллаш иш беради (1.7-расм).

Бу расмдан кўришиб турибдики, меҳнатнинг икки ёқлама тавсифи меҳнат унумдорлигининг ҳам икки томони, уни оширишнинг ҳам икки йўли борлигини кўрсатади. Меҳнат унумдорлиги ўз мазмунига кўра, меҳнатнинг вақт бирлиги ичида маҳсулот ишлаб чиқариш қобилиятини ифода этади. Лекин унинг (меҳнат унумдорлигининг) миқдор жиҳатдан ошириши икки омил эвазига, яъни, ишлаб чиқариш жараёнига фан-техника тараққиётининг янгиликларини, янги техника-технологияларни, энергия ва материалларнинг янги турларини қўллаб аниқ меҳнатнинг унумдорлик кучини ошириш ҳисобига, иккинчи томондан эса, вақт бирлиги ичида сарфланадиган меҳнатнинг жадаллашиши, ошиши эвазига эришилади. Бу икки томонлама жараён бир-бири билан боғлиқ равишда амалга ошади. Чунки айрим пайтда янги автоматлашган қурилма ва йўналишлар меҳнатнинг унумдорлик кучини ошириш билан биргаликда унинг жадаллашишини, яъни ҳаракатларнинг тезлашишини тақозо этади.



1.7-расм. Меҳнат унумдорлигининг икки томонлама таъсифи⁹

⁹ Мўаллифлар ишланмаси.

Меҳнат унумдорлигининг ошиши билан унинг таъсирида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ошиб боради. Лекин шу маҳсулотнинг икки хусусияти бўлган нафлилик ва қийматда бир хил ўзгариш бўлмайди. Уларнинг бири, нафлилик тез ўсиш хусусиятига эга бўлса, иккинчиси, қиймат секин ўсади. Бунинг натижасида вақт бирлиги ичида яратилган маҳсулотнинг бир бирлигига ҳисоблаганда унинг нафлилиги ўсиш хусусиятига, қиймати эса пасайиш хусусиятига эга бўлади. Ишлаб чиқарувчи кучлар, айниқса, фан ва техника тараққиёти энг муҳим натижаси бўлган бу жараёнда нафлилик ва қиймат қарама-қарши йўналиш бўйича ҳаракат қилиш хусусиятига эга бўлади. Бунда доимо қийматни эмас, нафлиликни яъни юқори нафлиликка эга бўлган сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, уларнинг ҳажмини оширишга ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ушбу баён қилинган услубий йўналишлар иқтисодий жараёнлар мазмунини, яратилган маҳсулотнинг таркибий қисмларини, такрор ишлаб чиқариш фазаларидаги ҳаракат шаклларини ва ниҳоят, унинг ҳар бир таркибий қисмининг функционал вазифаси ва ролини ёритишга имкон беради, деб ўйлаймиз.

1.3. Товардаги икки хил хусусиятнинг ривожланиши натижасида товарлар дунёсининг иккига: товарлар ва пуллар дунёсига бўлиниши. Пулнинг икки томонлама табиати ва уларнинг ўзгариб бориши

Пул узок замонлардан бери одамларга маълум бўлиб, ҳар доим, ҳар куни, ҳамма томонидан ишлатилади ва фойдаланилади. Пулнинг келиб чиқиши кўпчилик назариётчи олимлар томонидан товар айирбошлаш жараёнининг ривожланиши билан боглиқ ҳолда тушунтирилади. Албатта пул ва пул муносабатларига юзаки қараб, у давлат қарори билан чиқарилади дейдиганлар ҳам бор. Биз улар ҳақида тўхталмаймиз.

Борган сари мураккаблашиб, чалкаш тус олиб борувчи пул муносабатларини икки томонлама ёндашув ва тахлил усулисиз тушуниш ва билиш қийин.

Умумий эквивалент ролинг нодир металлларга, жумладан олтинга юклатилиш сабаблари қуйидагилар орқали изоҳланади:

- сифат жиҳатдан бир хил ўлчамга келтириш мумкинлиги;
- зангламаслиги ва узоқ муддат сақлаш мумкинлиги;
- бўлинувчанлиги ва бўлгандан кейин яна яхлит ҳолга келтириш мумкинлиги;
- бўлинганди ҳам ўз қийматини сақлаб қола олиши;
- табиатда нисбатан камёблиги;
- озгина миқдордаги ва оғирликдаги нодир металлни қиймати анча юқорилиги.


Шу хусусиятларга кўра умумий эквивалент ролини ўйновчи кўплаб товарлар ичидан махсус товар – олтин пул ажралиб чиқди. Шундай қилиб, **пул – бу ҳамма товарларни сотиш ва сотиб олиш мумкин бўлган, умумий эквивалент ролини ўйновчи махсус товардир.**

Биз бошида айтган товардаги бир-бирига қарама-қарши бўлган икки хусусият яъни нафлилик ва қиймат агар илгари билинар-билинамас ҳолатда бўлиб, уни фақат мушоҳада қилиб билиш мумкин бўлса, энди улар ривожланиб, моддийлашган алоҳида-алоҳида ҳаракат қилиш имкониятига эга бўлган жараёнга, ҳодисага айланади.

Агар аввал моддий ва хизматдан иборат бўлган товарлар нафлилик шаклида намоён бўлиб, қиймат унинг танасида ўралиб юрувчи қобик (мундир) сифатида намоён бўлган бўлса, энди уларнинг бири нафлиликнинг ифодаси бўлган товарлар шаклида, иккинчиси қийматнинг моддийлашган ифодаси бўлган пул шаклида намоён бўлади ва мустақил ҳаракат қилиш имкониятига эга бўлади. Энди улар нафлилик ва қиймат ифодаси сифатида товарлар массаси ва пул массаси сифатида бир-бирига қарама-қарши туради.

Пулнинг келиб чиқиши ва қатъий қарор топиши билан

товарлар дунёси иккига – бир томондан, нафлиликнинг ифодаси бўлган товарларга ва иккинчи томондан, қийматнинг моддийлашган ифодаси бўлган пулга ажралади. Буни куйидаги 1.8-расмда аниқроқ тушуниш мумкин.



1.8-расм. Товарлар дунёсининг иккига ажралоши

Бу расмдан шу нарсани аниқ тушунса бўладики, товар ҳам унинг икки томони: нафлилик ва қиймат ҳам, нафли товарлар массаси ҳам охир оқибатда пул ҳам бевосита товар ишлаб чиқарувчиларнинг меҳнати ва унинг икки томонлама тавсифи аниқ ва абстракт меҳнат билан боғлиқ экан.


Яна шу нарса ҳам муҳимки, талаб ва таклифнинг негизида ҳам мана шу меҳнатнинг икки ёклама тавсифи ва ундан келиб чикувчи товарнинг икки томонлама хусусияти ётади. Бир томондан аниқ меҳнат билан яратилган нафли товарлар таклифи, иккинчи томонда эса абстракт меҳнат билан яратилган қийматнинг моддийлашган шакли пул яъни,

тўловга тайёр турган пул массаси талаб сифатида майдонга чиқади.

Биз юқорида пулнинг келиб чиқишини, унинг бевосита товарнинг икки хил хусусияти билан чамбарчас боғлиқ эканлигини, пул ҳамма товарлар учун умумий эквивалент ролини ўйновчи алоҳида махсус товар бўлиб, бу функция олтинга юклатилганлигини кўриб чиққан эдик. Пул абстракт меҳнат билан яратилган қийматнинг моддий ифодаси сифатида шаклланиб ҳаракат қилади. Бошқа товарлар каби пул товари ҳам икки хил хусусиятга, нафлилик ва қийматга эга бўлади. Аммо пул товари бошқа товарлардан фарқли ўлароқ махсус тавсифга, махсус табиатга эга бўлади. Масалан, олтин пул оддий товар сифатида икки хил хусусиятга нафлилик ва қийматга эга бўлади. Лекин пул сифатида амал қила бошлаганда унинг янги қирралари пайдо бўлади. Унинг нафлилик томони ҳам, қиймат томони ҳам кўшимча иккиламчи хусусият касб этади.

Пул товарининг нафлилиги икки йўналиш касб этади. Агар унинг биринчи йўналиши (бизнинг мисолимизда олтин пул) олтиннинг оддий товар сифатидаги нафлилиги бўлса (бунда олтин турли хил безаклар, қимматбаҳо буюмлар ва ҳ.к.лар сифатида ишлатиш кўзда тутилади), иккинчи томондан унинг пул сифатидаги ижтимоий функциясидан келиб чиқувчи нафлилиги, яъни унга ҳамма товарларни сотиш ва сотиб олиш мумкинлигидир. Бошқача соддароқ қилиб айтганда, пулнинг иккинчи нафлилиги унинг эгаси ўз истеъмолига зарур бўлган ҳамма товарларни сотиб олиши мумкин. Пулнинг қиймати ҳам иккиламчи тус олади ёки икки хил қирра касб этади. Бири унинг товар сифатидаги қиймати бўлса, иккинчиси ижтимоий функция бажарувчи пул товар сифатидаги қиймат белгиси хусусиятидир. Бизга олдиндан маълумки, товар айрибошлаш жараёнида уларнинг қиймати бошқа товарлар билан, унинг қиймати ёки қиймат белгиси билан ифодаланади. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ҳамма товарлар умумий эквивалент ролини бажарувчи қоғоз

пуллар билан ўлчанади. Бу ёзилганлардан кўриниб турибдики, товар пулнинг таркиби, қирралари кўпайиб, уларни англаш ва тушунган ҳолда амалиётда қўллаш мураккаблашиб боради (1.9-расм).



1.9-расм. Товар пулнинг хусусияти ва қирралари

Расмдан кўриниб турибдики, олтин пулнинг ўзида унинг нафлилик томони ҳам, қиймат томони ҳам иккиламчи тус олиб, қирралари кўпайиб боради.

Ривожланган товар хўжалигида пул муомаласининг янги қирралари ва янги мазмунлари пайдо бўлиб, янада мураккаблашиб боради. Бу кредит пулларнинг келиб чиқиши билан вужудга келадиган муносабатдир.

Мураккаблашиб бораётган пулнинг моҳиятини тўлароқ тушуниш учун унинг қуйидаги **асосий вазифаларини** билиш

муҳимдир: 1) қиймат ўлчови; 2) муомала воситаси; 3) бойлик тўплаш воситаси; 4) тўлов воситаси.

Пулни**нг қиймат ўлчови** вазифасини идеал пул бажаради. Товар эгаси ёки сотиб олувчи фикран идеал равишда шу товарнинг алмашув қийматини пул билан белгилайди. Товарнинг нархи талаб ва таклиф миқдори тенг бўлган тақдирдагина унинг қийматига мувофиқ келади. Акс ҳолда, нарх қийматдан фарқ қилади. Демак, товарларнинг нархи уларнинг қиймати, пулни**нг қиймати**, талаб ва таклифнинг нисбати ва бошқа омилларга боғлиқ. Товар алмашув қийматининг пул билан ифодаланиши унинг нархини англатади. Товарнинг алмашув қийматини ўлчаш учун муайян миқдордаги пул материални бирлик қилиб олиш зарур. Бундай бирлик **нархлар ўлчови (масштаби)** деб аталади. Бир томондан нархлар ўлчови ҳар қандай ўлчов бирлиги каби шартлидир. Иккинчи томондан эса, у муайян мамлакатда ҳамма томонидан эътироф этилган бўлиши керак. Шунинг учун давлат пул бирлиги ҳуқуқини қонун билан мустаҳкамлайди, бу бирлик шу тариқа расмий тан олинади.

Товар муомаласи жараёнида нақд пул бўлиши керак, чунки товарларни олди-сотди пайтида уларнинг рамзий нархлари реал пулга айланмоғи лозим. Бу жараёнда пул **муомала воситаси** вазифасини бажаради. Дастлаб товарларни айирбошлашда пулни**нг бевосита кумуш ёки олтин қуймалар шаклида** мавжуд бўлиши муомала вақтида қийинчиликлар туғдирган: пул металлни ўлчаш уни майда бўлақларга бўлиш, сифатини белгилаш зарур бўлган. Кейинчалик металл қуймалари ўрнига монета (металл танга)лар ишлатила бошлаган. Узлуксиз муомалада бўлиш натижасида олтин тангалар ейилиб кетиши, ўз вазнининг бир қисмини йўқотиши сабабли муомалага тўла қийматли бўлмаган қиймат белгилари чиқарилган.

Пул муомаладан чиқарилганда **бойлик тўплаш** вазифасини бажара бошлайди. Натурал хўжалик шароитида бойлик тўплаш, жамғариш маҳсулот жамғариш шаклида

амалга оширилган. Товар хўжалигининг ривожланиши бойлик тўплашнинг пул жамғариш шаклини келтириб чиқаради. Товар хўжалиги тараққиётининг дастлабки даврларида пул жамғариш уни муомаладан чиқариб олиш йўли билан амалга оширилган. Кейинчалик фойда кетидан қувиш ҳукмрон аҳамият касб этиб, бўш ётган пул фойда келтирмаслиги сабабли пул эгалари уни ҳаракатга солишга, уни фойдали жойда ишлатиш йўлини топишга интилдилар.

Товарлар насияга тўлов муддати кечиктириб сотилганда, пул тўлов воситаси вазифасини бажаради. Харидорлар товарнинг пулини тўлов муддати келгандан кейингина тўлайди. Пулнинг бу вазифаси товар муомаласи доираси билан чекланмай, пул қарз берилганда, рента ва солиқларни тўлашда ҳам тўлов воситаси вазифасини бажаради. Қоғоз пуллар, вексел ва банкнотлар – пулнинг тўлов воситаси сифатидаги вазифасидан келиб чиққан.

Бугунги кунда замонавий, яъни қоғоз-кредит пулларнинг иқтисодий мазмуни ва табиати тўғрисида сўз юритилганда, Америка, Ғарбий Европа ва Россияда чоп этилган иқтисодий адабиётларнинг кўпчилигида қоғоз пулнинг товар эмаслиги қатъий таъкидланади. Бунда айрим иқтисодчилар пулнинг табиатини унинг ликвидлиги, бошқа бирлари эса унинг декрет пул, яъни қонун томонидан мустақкамланганлиги орқали белгилайдилар¹⁰.

Классиклар ҳам, миқдорийлик назарияси тарафдорлари ҳам пулнинг алоҳида товар эканлигини ва бошқа товарлардан унинг ана шу алоҳида хусусияти ажратиб туришини тушунмайдилар. Бизнинг назаримизда қоғоз пуллар ҳам алоҳида товар бўлиб, бошқа барча товарларнинг қийматини ифодалайдиган умумий эквивалент сифатида хизмат қилади. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида бизнинг кундалик


¹⁰ Қаралсин: Экономическая теория: Учебник. - Изд. испр. и доп. / Под общ. ред. акад. В.И.Видяпина, А.И.Добрынина, Г.П.Журавлевой, Л.С.Тарасевича. – М.: ИНФРА-М, 2005. 163-б.; Экономическая теория: Учебник / Под ред. А.Г.Грязновой, Т.В.Чечелевой. – М.: Издательство «Экзамен», 2004. 189-191-б.; Курс экономической теории. Учебное пособие под ред. Чепурина М.Н., Киселевой Е.А. Киров. изд-во «АСА». 1995. 96-б.

ҳаётимизда деярли дунёнинг ҳамма мамлакатларида барча валюта айирбошлаш пунктларида пул савдоси содир бўлиб турибди. Бу ҳодиса бир кунда бир марта эмас миллион марталаб содир бўлмоқда. Мана шунинг ўзи қоғоз пулларнинг товар эканлигин исботлайди. Ундан ташқари қоғоз пуллар ҳам бошқа товарлар каби икки томонлама хусусиятга эга: бир томондан, умуман товар сифатида бошқа товарлар сингари қийматга эга бўлса, иккинчи томондан, нафлиликка, яъни истеъмол қийматида эга. Унинг истеъмол қиймати умумий эквивалент сифатида бошқа исталган товарга алмашувчанлигида ифодаланади. Тўла қимматли пуллардан ўз қийматида эга бўлмаган пул белгиларини қўллашга ўтиш ҳамда нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг ривожланиши натижасида қоғоз пул оддий товарларга хос бўлган хусусиятлар – қиймат ва истеъмол қийматга эга бўлмайди. Аммо у махсус товар сифатида олтин пулдаги икки хусусиятни – қиймат белгиси ва расмий нафлиликни сақлаб қолади.

Қоғоз пул умумий эквивалентлик вазифасини бажарганда, бошқа товарлар қиймати бевосита қийматга эга бўлган товар (олтин) билан эмас, балки қиймат белгисига эга бўлган ваколатли «товар» билан ўлчанади¹¹ (1.10-расм).

Бозор иқтисодиёти шароитида пул фақатгина умумий эквивалент бўлиб эмас, балки ўз эгасининг қўлида фойда, даромад олиш воситаси бўлиб хизмат қилади, ўзидан-ўзи ўсувчи қийматга, бир сўз билан айтганда капиталга айланади. Бунинг натижасида қоғоз пуллар иккита таркибий қисмга ажралади: нақд пуллар (қоғоз пул, танга-чақалар) ва кредит пуллар (чек, вексел, сертификат, тўлов талабномалари ва ҳ.к.). Уларнинг туб хусусиятлари 1.11-расмда акс эттирилган.

¹¹ Юсупов Р.А. Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида миллий валюта барқарорлигини таъминлашнинг назарий асослари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация авторсферати. Т., 2001, 9-11-б.



1.10-расм. Олтин ва қоғоз пулларнинг ўзаро боғлиқлиги

Бундан кўринадики, пул капитал сифатида муомалада бўлади, унга қўшимча ижтимоий вазифа юклатилади. Энди у даромад келтирадиган махсус воситага айланади¹².



1.11-расм. Нақд ва кредит пулларнинг хусусиятлари

¹² Шодмонов Ш. Бозор иқтисодиётига ўтишда пулнинг янги мазмуни ва роли. Бозор, пул ва кредит. Журнали Махсус нашр, 2001. 9-б.

Шундай қилиб, товар ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва пулнинг келиб чиқиши ҳамда товар-пул муомаласининг ривожланиши бозор ва бозор иқтисодиётининг келиб чиқишига сабаб бўлди ва унинг ривожланишига шарт-шароит яратди.

1.4. Товарнинг икки томонлама хусусияти ва қиймат назариясининг икки хил йўналиши

Товар қийматининг негизини аниқлашда турли иқтисодчи олимлар ўртасида узоқ даврлар давомида, доимий равишда тортишувлар ва мунозараларга сабаб бўлиб, бу борада қуйидаги икки асосий йўналиш вужудга келди:

- 1) қийматнинг меҳнат назарияси;
- 2) қийматнинг нафлилик ёки кейинги қўшилган миқдор нафлилиги назарияси.

Бир тушунча бўйича бундай икки хил йўналишдаги назарияларнинг келиб чиқишидаги асосий сабаб бизнингча масалага фақат бир томондан ёндашилиб, товарда гавдаланган меҳнатнинг икки ёқлама тавсифи сабабли товарнинг икки хил хусусияти борлигини тушунмасликдан деб ўйлаймиз.

Қийматнинг меҳнат назарияси асосчилари Уильям Петти, Адам Смит, Давид Рикардолар ҳисобланади. У.Петти – қийматнинг меҳнат назариясининг дастлабки асосчиси бўлиб, у қийматнинг манбаи меҳнат ҳисобланишини, айнан меҳнат сарфи товар қиймати миқдорини белгилаб беришини кўрсатиб ўтган. Бироқ, У.Петти товарнинг нафлилиги ва қиймати ўртасидаги фарқни аниқ кўра олмаган. У товарнинг қиймати фақат қимматбаҳо металлларни ишлаб чиқаришга сарфланувчи меҳнат орқали яратилади, деб ҳисоблаган. А.Смит ўзининг «Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисида тадқиқотлар» (1776) номли асарида товарнинг истеъмол ва алмашув қийматини фарқлаб берган. У товар қийматининг ягона манбаи бўлиб моддий ишлаб

чиқаришнинг ҳар қандай соҳасида сарфланган меҳнат ҳисобланади, деган хулосага келган. Шу билан бирга, товар қийматининг миқдорини ҳар қандай меҳнат эмас, балки жамият учун зарур бўлган ўртача меҳнат белгилаб беришини кўрсатиб ўтган.

Д.Рикардо қийматнинг ягона мезони бўлиб товар ишлаб чиқаришга сарфланган (иш вақти сарфлари орқали аниқланувчи) меҳнат ҳисобланишини исботлаб берган. У товарнинг истеъмол қиймати ва қиймати ўртасидаги фарқни аниқ кўрсатиб, ҳар қандай ишлаб чиқаришда товарнинг қиймати сарфланган меҳнат орқали аниқланишини таъкидлаган. Демак, юқорида таъкидлаганимиздек, қийматнинг меҳнат назарияси тарафдорларининг фикрича, товарларни айирбошлаш уларнинг қиймати асосида амалга оширилади. Қийматнинг миқдори эса, товарларнинг ҳар бир бирлигини ишлаб чиқаришга ижтимоий меҳнат сарфлари билан, яъни ижтимоий иш вақти билан ўлчанади. Қийматнинг меҳнат назарияси тарафдорлари товар ишлаб чиқариш шароитида товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги алоқаларни, ижтимоий меҳнатни тақсимлаш ва рағбатлантиришни тартибга солувчи объектив қиймат қонунининг мавжудлигини эътироф этадилар. **Қиймат қонуни товар ишлаб чиқариш ва айирбошлаш унинг қиймати асосида амалга ошишини, қийматнинг ўзи эса ижтимоий зарурий меҳнат сарфлари орқали ўлчанишини ифодалайди.**

Қиймат қонуни индивидуал меҳнат сарфи ижтимоий зарур меҳнат сарфидан камроқ бўлган ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантиради. Бу билан ишлаб чиқарувчиларнинг меҳнат унумдорлигини оширишга ундайди. Акс ҳолда улар бозордан сиқиб чиқарилишлари ёки хонавайрон бўлишлари мумкин.

Қиймат қонуни товар ишлаб чиқарувчиларни табақалаштиради, меҳнат ва моддий сарфларни камайтиришни рағбатлантиради ва меҳнатнинг ишлаб чиқариш соҳалари бўйича тақсимланишини тартибга солиб

туради. Масалан, энг юксак меҳнат унумдорлигига эришган ишлаб чиқарувчилар ўз товарларини ижтимоий зарур сарфларидан камроқ сарфлашга эришиб бозор нархларида сотишлари ва юқори фойда олишлари мумкин. Лекин улар иш фаолиятининг муваффақияти кафолатланган деб бўлмайди. Чунки улар ишлаб чиқаришга фан-техника янгиликларини, самарали ишлаб чиқариш усулларини ўз вақтида қўллаб турмасалар, маълум вақтдан сўнг ўз устунликларидан ажралиб қолишлари мумкин.

Қиймат қонунининг тартибга солиб турувчи механизми рақобат кураши натижасида бозор нархларининг стихияли равишда тебраниб туришидан, уларнинг ижтимоий қийматдан фарқ қилиб туришидан иборат. Товар нархининг ижтимоий қийматидан четга чиқиш шарт-шароитлари қуйидагилардан иборат деб ҳисобланади:

Талаб = таклиф бўлган ҳолда нарх = қиймат.

Талаб > таклиф бўлган ҳолда нарх > қиймат.

Талаб < таклиф бўлган ҳолда нарх < қиймат.

Шундай қилиб, товарлар нархининг улар қийматидан фарқ қилиши товар ишлаб чиқарувчиларнинг хоҳиши билан содир бўлмай, балки объектив қиймат қонунининг кучи таъсири остида бўлади.

Нафлилик ва кейинги қўшилган миқдор нафлилиги¹³ назарияларининг дастлабки ғоялари XVIII аср охириларида пайдо бўлиб, унинг асосчиларидан бири Кондильяк ва Галиани деган иқтисодчилар эди. Кейинчалик унинг нисбатан ривожлантирилган ғоялари кейинги қўшилган миқдор нафлилиги” деган ғоя эди. Бу ғоянинг асосчилари австрия

¹³ «Кейинги қўшилган миқдор нафлилиги» атамасини қўлашда муаллифлар томонидан қўлаб мулоҳазаларга борилди. Сабаби – бугунги кунда иқтисодий адабиётларда бу атаманинг турли вариантлари («меъёрий нафлилик», «меъёрий фойдалилик», «чегаравий нафлилик», «чегаравий фойдалилик» ва х.к.) қўлланиб келмоқда. Бироқ, бу атамалар лугавий таржима сифатида ўринли қўлланилган бўлсада, мазкур тушунчанинг ҳақиқий мазмунини ифодалай олмайди. «Кейинги қўшилган миқдор нафлилиги» атамаси эса бу мазмунга кўпроқ мос тушади. Бобнинг баён этилишини осонлаштириш мақсадида кейинги ўринларда қўлланилувчи «сўнгги қўшилган миқдор нафлилиги», «қўшилган миқдор нафлилиги», «кейинги қўшилган нафлилик» каби иборалар бир хил маъно касб этади.


мактаби вакиллари К.Менгер (1840-1921), Ф.Визер (1851-1926), Е.Бем-Баверк (1851-1914) ва бошқалар ҳисобланади. Мазкур назарияга кўра, кишилар томонидан жуда хилма-хил моддий ва маънавий неъматлар (ҳамда хизматлар) уларни ишлаб чиқаришга ижтимоий нафли меҳнат сарфланганлиги учун эмас, балки ушбу неъматлар нафлиликка эга бўлганлиги учун қадрланади. Инсонлар томонидан маълум нафлиликларга эҳтиёж сезилганлиги сабабли у ёки бу товарни ишлаб чиқаришга меҳнат сарфлари амалга оширилади. Мазкур назария тарафдорлари фикрларига кўра, фақат товарнинг нафлилиги унинг қийматига ва бинобарин, нархига асос бўлиши мумкин. Кейинги қўшилган миқдор нафлилиги назарияси билан қийматнинг меҳнат назариясининг бир-бирига тўғри келмаслиги турли хил истеъмол қийматларини ёки нафлиликни ҳисобга олиш муаммоси билан боғлиқ. Чунки, турли кўринишдаги иккита товарнинг нафлилигини шунчаки умумий тарзда ўзаро таққослаш мумкин эмас.

Бу назария тарафдорлари нафлиликнинг икки турини ажратиб кўрсатиш зарур деб ҳисоблайдилар: а) абстракт ёки умумий нафлилик, яъни неъматларнинг кишилар бирон-бир эҳтиёжларини қондириш лаёқати; б) аниқ нафлилик, бу неъмат мазкур нусхаси фойдалилигининг субъектив нархини билдиради. Бу субъектив нарх икки омилга боғлиқ: мазкур неъматнинг мавжуд захираси ва унга бўлган эҳтиёжнинг тўйинганлик даражаси. Кейинги қўшилган миқдор нафлилиги муаммосини ўрмонда яшовчи чол эга бўлган беш қоп дон мисолида, унинг онгида содир бўлган психологик хаёл орқали тасвирлаб кўрсатадилар. Бу қоплардаги доннинг нафлилиги камайиб борувчи тартибда жойлашади: биринчи қопдаги дон энг зарур, яъни чолнинг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондириш учун истеъмол қилинади, иккинчиси – овқатланиш даражасини яхшилаш учун, учинчиси – уй паррандаларини боқиш, тўртинчиси – пиво тайёрлаш, бешинчиси – чолнинг ўз уйи атрофида сайраб юрган қушларни боқиб, кўнгилхушлик қилиши учун. Бундан кўринадики, бешинчи қопнинг

нафлилиги чол учун у қадар аҳамиятли эмас, чунки агар бу қопдаги дондан маҳрум бўлса у фақатгина кўнгилхушлик қилиш имкониятидан воз кечади холос. Бироқ, тўртинчи қопдаги доннинг йўқ бўлиши чолни пивосиз, учинчиси эса паррандаларсиз қолдириши мумкин. Фақат битта қопдаги дон қолган тақдирда чол учун унинг нафлилиги энг юқори даражага етади, яъни у овқатланиш эҳтиёжи билан тенглашади. Шу ўринда турли қоплардаги донларнинг нафлилиги турлича экан, уларнинг қайси бири донларнинг умумий нафлилик даражасини аниқлаб беради, деган савол туғилади. Ҳолбуки, қоплардаги донларнинг сифат бўйича бир-биридан фарқи йўқ экан, чол учун уларнинг нафлилиги бешинчи, сўнгги қопдаги доннинг нафлилиги орқали аниқланади. Демак, ҳар бир неъматнинг сўнгги қўшилган бирлиги, яъни унча муҳим бўлмаган эҳтиёжни қондирувчи бирлигининг нафлилиги билан белгиланиб, биринчисидан то бешинчи қопгача доннинг нафлилиги камайиб бориш хусусиятига эгадир.

Агар узоқ даврлар мобайнида тортишувлар ва бўлинишларга олиб келган бу икки йўналишдаги назарияларга эътибор билан қаралса, уларнинг ҳаммаси товарда гавдаланган меҳнатнинг икки томонлама тавсифини, ундан келиб чиқувчи товарнинг икки хил хусусияти (нафлилиги ва қиймати)ни тушунмасликдан, уни билишга бир томонлама ёндашувдан келиб чиққанлиги маълум бўлади (1.12-расм).

Қиймат ва нарх назариясида тадқиқотнинг янги синтез йўналишини бошлаб берган олим машҳур инглиз иқтисодчиси А.Маршалл ҳисобланади. Товарларнинг қийматини аниқлашда меҳнат назарияси ҳам, нафлилик ва қўшилган нафлилик назарияси ҳам етарли асосга эга эмас, деб ҳисоблаган А.Маршалл бир нечта назарияларни синтез қилиш йўли билан аниқлик киритишга ҳаракат қилади.



1.12-расм. Қўйматнинг меҳнат назарияси, нафшлик ва кейинги қўшилган миқдор нафшлиги назарияларининг ўзаро алоқаси ҳамда бир-бирини тўлдирishi

У қўшилган миқдор нафлилиги назариясининг бир томонламалигини товар қиймати ва баҳосини фақат нафлилик билан тушунтириб бўлмаслигини кўра билди. А.Маршалл кейинги қўшилган миқдор нафлилиги назариясини талаб ва таклиф назарияси ҳамда ишлаб чиқариш харажатлари назарияси билан боғлашга, уларни синтез қилишга ҳаракат қилди.

А.Маршаллнинг товар қиймати нима билан аниқланишини билишда қўшилган миқдор нафлилиги ва ишлаб чиқариш харажатларини синтез қилиш (умумлаштириш) зарурлиги ҳақидаги фикри жуда машҳур. Неоклассикларнинг қиймат ва нархнинг бир негизли (монистик) назариясини яратишга уринишдан чекинишлари хусусан А.Маршалл ишлари билан боғлиқ. Неоклассикларнинг қоидалари қийматнинг ягона манбаи, нархнинг ягона асоси ва бозор хўжалигида жамият даромадларининг ягона манбаи топилиши зарурлигини билдиради.

Бундай ягона манба, масалан, инглиз классик иқтисодий мактаби ва марксча назарияларда меҳнат, маржиналистларда қўшилган миқдор нафлилиги категорияси ҳисобланади.

А. Маршалл назариясида эса қиймат ва нарх ҳам талаб (қўшилган миқдор нафлилиги) ва ҳам таклиф (товар ишлаб чиқариш харажатлари) томонида ётувчи бозор кучлари ўзаро таъсири орқали аниқланади. А. Маршалл фикрича, товар қиймати тенг даражада кейинги қўшилган миқдор нафлилиги ва ишлаб чиқариш харажатлари билан аниқланади.

Шундай қилиб, А. Маршаллдан бошлаб иқтисодиёт назариясида турли назарияларни синтез қилишга ўтилди. Лекин А. Маршалл ушбу синтезни охиригача етказа олмади.

У ижтимоий зарурий нафлилик ва ижтимоий зарурий меҳнат товарнинг икки томони эканлигини аниқ кўра олмади. Шунинг учун, у ижтимоий зарурий нафлилик ўрнига қўшилган нафлиликни, ижтимоий зарурий меҳнат сарфлари ўрнига ишлаб чиқариш харажатларини қўйди. Натижада

товарнинг қиймати ҳам, нафлилиги ҳам тўлиқ ҳисобга олинмади. Умуман айтганда, узоқ тарихий даврдан бошлаб тортишувга сабаб бўлган нарса – товарда гавдаланган ижтимоий нафли меҳнатнинг икки ёқлама тавсифи ва шу асосда ҳосил бўладиган товарнинг икки хил хусусиятига эга бўлишини тугуна олмаслик ва уни инобатга олмасликдир. Меҳнат назариячилари товарга сарфланган меҳнат миқдорига асосий эътиборни қаратган бўлса, маржиналистлар унинг нафлилигига эътибор бериб келадилар. Уларнинг бири кўпроқ товарни ишлаб чиқарувчилар манфаати нуқтаи назаридан таҳлил қилган бўлса, иккинчиси истеъмолчи (харидорлар) манфаати нуқтаи-назаридан қарайдилар. Ҳолбуки товарнинг қийматини ва бинобарин нархини аниқлашда унинг икки томонига ва сотувчилар билан харидорлар манфаати тўқнашган тугунга эътибор қаратиш зарур.

II боб. ИККИ ТОМОНЛАМА ЁНДАШУВ ВА ТАХЛИЛ УСУЛИ ЁРДАМИДА ИШЧИ КУЧИ ТОВАРИНИНГ ВА МИЛЛИЙ БОЙЛИКНИНГ МАЗМУНИ ВА ИККИ ТОМОНЛАМА ТАБИАТИНИ АНИҚЛАШ

2.1. Икки томонлама ёндашув ва тахлил усулини қўллаб, ишчи кучи товарининг икки томонлама хусусиятини аниқлаш

Маълумки, ҳозирги кунда ишчи кучи бандлигини таъминлаш, мамлакатимизда мавжуд бўлган ишчи кучи ресурсларидан унумли ва самарали фойдаланиш масаласи 2019 йилнинг ва стратегик ҳаракатимизнинг муҳим вазибаларидан бири ҳисобланади.


Бозор иқтисодиёти шароитида ишчи кучидан фойдаланиш, унинг бандлигини таъминлаш асосан ишчи кучи бозори орқали содир бўлади,

Ишчи кучининг истеъмол қиймати ишга ёлланувчи ходимнинг билим, касб-малака даражаси, меҳнатга муносабати охир-оқибатда маҳсулот ва унинг таркибий қисми бўлган қўшимча маҳсулот яратиш қобилияти билан белгиланади.

Ишчи кучи ҳам товар сифатида бошқа товарларга ўхшаб ўз бозорида олди-сотди бўлади. У истеъмол қийматига (нафлиликка) ва қийматга эгадир. Ишчи кучининг нафлилиги ишловчининг ўз ишчи кучи қийматидан ортиқча бўлган янги қийматни ифодаловчи қўшимча маҳсулот яратиш қобилиятидан иборатдир.

Инсон юқори билим, касб-малакага маҳоратга эга бўлса, меҳнатга маъсулияти, ижодий муносабатда ёндошса, унинг ишчи кучи кўпроқ ва сифатли қўшимча маҳсулот яратиш қобилиятига, имкониятига, яъни юқори истеъмол қийматига эга бўлади. Ишчи кучининг нафлилиги унинг билим, касб-малака, маҳоратига, иш тажрибасига, иш берувчи белгилаган иш режимига ва меҳнат интизоми талабларига риоя этгишига, маъсулиятига ўзгарувчан бозор ва фан-техника тараққиёти

талабларига мослашувчанлигига боғлиқ бўлади. Шунингдек, ишчи кучининг истеъмол қиймати юқори сифатли, кўп миқдордаги неъматлар, истеъмол қийматлар яратиш қобилиятини ҳам ифодалайди. Инсоннинг ушбу қобилиятлари унинг ишчи кучи истеъмоли қийматини белгиловчи муҳим хусусиятлари ҳисобланади (2.1-расм).



2.1-расм. Ишчи кучининг икки томонлама хусусияти

Ишчи кучи товарнинг қийматини ва нафлилигини ташкил этувчи бу хусусиятларнинг ҳаммаси ҳам муҳим. Лекин бу хусусиятларнинг охир-оқибати бир нарсага яъни жамият ва тадбиркор ўзлаштириб олиши керак бўлган кўшимча маҳсулот миқдорига бориб тақалади. Ахир тадбиркорнинг ишчи кучини ёллашдан асосий мақсади фойда олишдир. Шунинг учун ҳам ишчи кучи нафлилигини белгиловчи кўрсатилган қатор хусусиятлар ичида тадбиркор учун энг муҳим бўлган кўрсаткич унинг (ишчининг) кўшимча маҳсулот яраташ қобилиятидир.

Ишчи кучи сотилмасдан, ишловчининг ўз эҳтиёжларини қондириш учун ишлаган ҳолда ҳам янги маҳсулот яратилади, унинг бир қисми зарурий маҳсулот сифатида ишчининг лаёқати унинг истеъмол қиймати бўлиб қолаверади. Бу ҳолда ишчи ўзи томонидан ўзлаштирилади, бир қисми эса солиқ (кўшимча маҳсулот) сифатида давлатга ўтади. Агар ишчи кучи товар сифатида сотиб олинса, унинг истеъмол қийматидан ишловчини ёллаган иш берувчи наф кўради. Яратилган янги қийматнинг ишчи кучи қийматидан ортиқча қисмини кўшимча маҳсулот (қиймат), яъни тадбиркорлик даромади ёки фойда сифатида уни ишга ёллаган иш берувчи ўзлаштиради.

Иқтисодий адабиётларда товар бўлган ишчи кучининг қиймаги ишловчининг меҳнат қилиш қобилиятлари нормал ҳолда такрор ишлатилиб туриши ва унинг оила аъзоларини таъминлаш учун зарур бўлган тирикчилик воситаларининг қиймати билан белгиланади, деб таъриф берилган. Ишчи кучи қийматига биз ўз дарслигимизда ва маърузаларимизда берган таъриф унинг мазмунини тўлиқроқ очиб беради. Бизнинг фикримизча, ишчи кучининг қиймати нафақат ишчининг шахсий эҳтиёжларини қондириб балки ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш ҳамда унинг сифатини ошириш жараёнларини етарли даражада таъминлаш учун зарур бўлган барча ҳаётий неъматларнинг жами қийматини ўз ичига олади. Шу билан бирга ишчи кучи қиймати тарихий, миллий,

ижтимоий ва моддий жиҳатларни ўз ичига олади.

Ишчи кучи қиймати турли мамлакат ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши даражаси, табиий шарт-шароити, аҳолининг ижтимоий турмуш даражаси ва шароитлари, унинг умумий билим, касб малака ва маданий-маънавий турмуш тарзига ҳам боғлиқдир. Бу компонентлар мамлакат ва унинг ҳудудларида ишчи кучи қийматининг умумий даражасини белгиловчи ташқи шарт-шароитларини ташкил этади. Шу билан бирга ҳар бир ишлаб чиқариш соҳаси, фаолият турида, аниқ нафлиликни яратишда, аниқ меҳнат жараёнида сарфланган ишчи кучи қиймати, яъни ишловчининг жисмоний ва ақлий, шу жумладан интеллектуал қобилият ҳамда кучларини тиклаш, уларни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш лозим бўлган ижтимоий-зарурий вақт билан белгиланади.

Ишчи кучининг қиймати қуйидагилардан шаклланади;


- ишчи кучини қайта тиклаш учун зарур бўлган ҳаётий воситаларни ташкил этувчи неъматлар қиймати.

- ишчи кучининг қиймати ишловчининг билими, касб-малака, маҳоратини, маданий ва маънавий савиясини ошириб боришини таъминлаш учун зарур бўлган тирикчилик воситалари қиймати;

- ишчи кучини табиий такрор ишлаб чиқаришни, яъни оиласини, фарзандларини, янги ишчи ўринбосарлари авлодини нормал равишда боқиш, етиштириш, ўқитиш учун зарур бўлган ҳаётий воситалар қийматини ўз ичига олади.

Шундай қилиб ишчи кучи товарнинг қиймати унинг яшаши, кўпайиши, камол топиши учун зарур бўлган ҳамма ҳаётий воситалар қийматидан, яъни уларни ишлаб чиқариш учун сарфланадиган ижтимоий зарурий меҳнатдан иборатдир.

Ишчи кучи товардаги бу икки хил хусусият умуман олганда турли товарларда гавдаланган меҳнатнинг икки томонлама табиати билан боғлиқ ҳолда келиб чиқади. Бу ҳолатни қуйидаги 2.2-расмда аниқроқ тушуниш мумкин.




2.2-расм. Ишчи кучи товарининг икки томонлама хусусияти

Ишчи кучи товарининг бошқа товарлардан фарқ қиладиган хусусияти ҳам икки томонламадир. Бир томондан агар ҳамма товарлар нафлилиги кишиларнинг бирон бир нарсага эҳтиёжини қондиришда намоён бўлса ишчи кучи товарининг нафлилиги кўшимча меҳнат қилиб жамиятнинг тадбиркорларнинг (кўшимча маҳсулотга) фойда олишга бўлган эҳтиёжини қондиради. Шунингдек, иккинчи томондан ишчи кучи товарининг қийматидан ўзгариш бошқа товарлар қийматидаги ўзгаришидан фарқ қилади. Бу фарқ шундан иборатки, ҳамма товарлар қиймати меҳнатнинг унумдорлик кучи ошиб борган сари унга тескари мутаносиб равишда пасайиб бориш тамойилларига эга бўлса, ишчи кучи товарининг қиймати эса баъзан пасаймай қолиши, баъзан бошқа товарлар қийматига нисбатан паст сураат билан пасайиши мумкин.

Ишчи кучи товар қиймати ўзгаришидаги бу фарқли хусусият бир-бири билан алоқадор бўлган икки омилнинг таъсирида рўй беради.

Биринчидан, юқорида айтганимиздек ишчи кучи

товарнинг қиймати ишчи ва унинг оиласи истеъмол қиладиган истеъмол буюмлари қиймати билан белгиланади. Бунда истеъмол буюмлари товарларнинг қиймати ўзгармаса уларни турлари қанча кўпайиб, кенгайиб борса ишчи кучи товарининг қийматининг миқдори шунча ошади. Яъни унга мутаносиб равишда ошиб боради. Реал ҳаётда ишчи ва унинг оиласи истеъмол қиладиган товар ва хизматларнинг турлари кўпайиб бораётгани ҳаммага маълум. Иккинчи томондан эса меҳнатнинг унумдорлик кучи ошиб борган сари товарлар қийматининг миқдори пасайиб бориш тенденциясига эга. Бу дегани, агар ишчи истеъмол қиладиган товарлар тури ва уларнинг ҳар бирининг миқдори ўзгармаса ишчи кучи товарининг қиймати, миқдори меҳнат унумдорлигига тескари мутаносиб равишда пасайиб боради.



2.3-расм. Ишчи кучи товари қийматини белгиловчи омилнинг икки томонлама табиати

Шундай қилиб, ишчи кучи товарининг қиймати бир томондан ишчи истеъмол қиладиган товар ва хизматларнинг ижтимоий зарурий миқдори билан, иккинчи томондан меҳнатнинг унумдорлик кучи билан боғлиқ бўлган шу товар ва хизматларнинг қиймати билан белгиланади. Ишчи кучи

товари қийматини белгиловчи бу икки томонлама омил товарларда гандаланган меҳнатнинг икки ёқлама ҳарактеридан келиб чиқади. Бу ҳолатни 2.3-расмда тезроқ ва аниқроқ тушуниш мумкин.

Бунда истеъмол товарлари ҳажми ортиб бориши ишчи кучи товари қийматининг ошишига тўртки бўлса меҳнатнинг унумдорлик кучининг ошиб бориши унинг пасайишига сабаб бўлади ва йўналиш беради.

Юқоридаги таҳлил бизга муҳим илмий хулоса чиқаришга имкон беради, яъни ишчиларнинг истеъмол товарларининг ҳажми меҳнат унумдорлигидан кўра тез ўсса ишчи кучи товарининг қиймати ошиши юз бериши мумкин ёки аксинча. Реал иқтисодий ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки ишчи истеъмол қиладиган товарлар ҳажми доимо меҳнат унумдорлигига нисбатан секин ўсмоқда. Бу ҳолат ишчи кучи қийматининг пасайиб бориш тенденциясига эга эканлигини кўрсатади.

2.2. Миллий бойликнинг мазмуни, манбалари, уларни кўпайтириш омилларини билишда икки томонлама ёндошув ва таҳлил усулининг роли

Бойлик мазмуни ва унинг тушунчасига иқтисодий адабиётларда турлича таърифлар бериб келинган бўлиб улардан, қадимги Ҳиндистон хўжалиги, ижтимоий тузуми ва иқтисодий фикрларини ўрганишнинг асосий манбаи ҳисобланмиш м.о. IV аср охирида Каутилья томонидан ёзилган «Артхашастра» асарида бойлик манбайи сифатида деҳқон, ҳунарманд меҳнати ва савдо фаолияти кўрсатиб ўтилган, милoddан олдинги IV–III асрларда Хитойда ёзилган «Гуань-цзи» асарида олтин марварид алоҳида бойлик сифатида кўрилмайди, бунда бойлик деб, энг аввало, моддий неъматлар (товар) эътироф этилади.

Ислom динимизнинг асоси бўлмиш Қуръони Каримда деҳқон, ҳунармандлар меҳнати, умуман ҳалол меҳнат улуғланиб, барча бойлик уларнинг меҳнати асосда пайдо

бўлиши уқтирилади.

Меркантилистларнинг асосий вакилларидан бўлмиш **Уильям Стаффорд (Англия), Гаскар Скарүффилар (Италия)** олтин ва кумушни бойликнинг мутлақ шакли деб қараган ва уни четдан олиб келиш йўли билан давлатни янада бой ва қудратли қиш мумкин деб ҳисоблаган. XVI асрнинг иккинчи ярмига келиб миллий саноат ва савдони ривожланишининг давлат томонидан рағбатлантирилиши сабабли, мамлакатлар ўртасида савдо алоқалари кенг ва мунтазам ривожлана бошлади. Дастлабки меркантилистларнинг «*пул баланси*» ўрнига кейинги меркантилистларнинг «*савдо баланси*» назарияси келиб чиқди. «*Савдо баланси*» назарияси (ёки етук меркантилизм) кенг тарқала бошлади. Кейинги меркантилистлардан Т.Меннинг фикрича экспорт ва импорт ўртасидаги мусбат фарқ яъни ижобий сальдо – мамлакат бойлигининг ўсишига хизмат қилади. Реал бойлик бу – «ўлик пуллар» йиғиндиси эмас, балки ҳаракатдаги пулларни, яъни пул капиталини вужудга келтирувчи пуллар ҳисобланишини таъкидлаган.

Меркантилизмнинг йирик намоёндаларидан бири **В.Петти** дастлаб бойлик савдода яратилади, бойлик пулдан иборат бўлади деган фикрга қўшилсада, кейинчалик ўз фикрини ўзгартириб бойлик нафақат қимматли металл, тошлар ҳамда пул *бойлик* ҳисобланади, балки мамлакатнинг ери, уйлар, кемалар, товарлар ва хатто уй жиҳозлари ҳам бойликни ташкил этади. У.Петти бойликни таърифлаб «*Меҳнат – бойликнинг отаси, ер эса унинг онаси*» деган машхур иборанинг муаллифи ҳисобланади.

Ундан кейин бойликни кўпайтириш тўғрисидаги ғоялардан XVIII асрда Францияда физиократлар концепцияси яратилди. Ушбу концепциянинг асосчиларидан бўлиб физиократлар етакчиси, француз иқтисодчиси Ф.Кенэ ҳисобланади. У ўзининг “Иқтисодий жадвал”ида миллий бойликнинг яратилиши ва синфлар ўртасида тақсимланишини миқдорий жиҳатдан кўрсатиб берган. Бу жадвалда у

иқтисодиётнинг асосий секторлари ўртасида товар ва хизматларнинг доиравий айланишини ва шу асосида бутун бир иқтисодиётнинг амал қилиш механизмларини ифодалашга ҳаракат қилган. Ф.Кенэ ишлаб чиқариш таркибига фақат қишлоқ хўжалиги ва қайта ишловчи саноатни киритади. У – “... ушбу соҳаларда ҳақиқий қиймат яратилади, бошқа соҳаларда эса, қишлоқ хўжалиги ва қайта ишловчи саноатда яратилган маҳсулотларнинг шакли ўзгартирилади халос”¹⁴ – деган ғояни илгари сурган.

Физиократларнинг бундай ғояси мамлакатда қишлоқ хўжалиги устувор тармоқ бўлган даврда вужудга келди.

Физиократларнинг фикрича бойлик – қишлоқ хўжалигида яратилади чунки ўша вақтда аҳолининг асосий қисми қишлоқларда яшаган, миллий бойликнинг 2/3 қисми шу соҳада юзага келтирилган. Улар қишлоқ хўжалигини иқтисодиётнинг ягона унумли соҳаси деб ҳисоблаганлар. Уларнинг фикрича, бойлик қишлоқ хўжалигида яратилиб, саноат ва савдода эса у қайта ишланади ва қайта тақсимланади. Албатта бу бойликни кўпайтиришнинг йўли аниқлаш бўйича қўйилган муҳим қадамлардан бири эди. Лекин, шуни айтиш жоизки, Ф Кенэнинг ушбу ғоялари ва тушунчалари чекланган (қишлоқ хўжалиги билан) бўлиб амалиёт синовиға узоқ вақт бардош бера олмади. Ушбу назарияларнинг камчилик томонлари қайта ишловчи саноатнинг шиддат билан ривожланиб бораётган даврида ҳамда бозор иқтисодиёти тараққий этаётган даврларида яққол намоён бўлди.

Англия Классик иқтисодий мактабининг йирик намоёндаси Адам Смит «Одамлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисида тадқиқот» асарида бойликни чинакам яратувчиси бу – “ҳар бир халқнинг йиллик меҳнати” деб кўрсатиб ўтади, демак у бойликнинг ягона манбаи меҳнатдир деган фикрда бўлган. А.Смит бу фикрни ривожлантириб,

¹⁴ Кенэ, Тьерго, Дюпон: Физиократы. Избранные экономические произведения. М.: ЭКСМО, 2018. – С. 138.

меҳнат тақсимоти бойликни яратишда ва кўпайтиришда асосий омил ҳисобланади деган ва ихтисослашув туфайли меҳнат унумдорлиги 240 баравардан кўпроқ ошириш мумкинлигини “Тўғноғич” ишлаб чиқариш мисолида тушунтириб берган. У, хунармандлар ва савдогарлар меҳнатини ер эгалари меҳнатига нисбатан кам унумли бўлади, негаки ер эгаларига табиат «ёрдам» беради ва «деҳқончиликка қўйилган капитал ҳақиқий бойликка ва даромадга анча кўп қиймат қўшади» деб ҳисоблаган.

А.Смит концепцияси меркантилистларга охириги катта зарбани берди ва бир пайтнинг ўзида физиократлар ғоясининг ҳам чекланганлигини кўрсатиб берди. Ушбу концепция Ғарб мамлакатларида жуда катта шон-шуҳрат қозонди ва охириги юз йилликда ишлаб чиқариш ва миллий бойлик хажмини кўпайтиришга асос бўлиб хизмат қилди. Айнан мана шу даврда А.Смит бойликни кўпайтиришнинг яна бир янги “... ишлаб чиқариш соҳаларига товар яратувчи (моддий бойликлар) ҳар қандай тармоқни киритиш мумкин, лекин хизмат кўрсатиш соҳалари моддий бойлик яратмаганлиги учун ишлаб чиқариш соҳаларига киритилиши мумкин эмас”¹⁵ – деган ғоясини илгари сурди. А.Смит хизмат кўрсатиш соҳасига сарфланган меҳнат унумсиз, саноат ва савдодаги меҳнатни кам унумли, қишлоқ хўжалигидаги меҳнатни эса, юқори унумли меҳнат, негаки, унга табиат “ёрдам” беради, деб ҳисоблаган.

Агар меркантилистлар бойлик савдода яратилади деб таъкидлаган бўлсалар, физиократлар қишлоқ хўжалигида яратилади, А.Смит фақат моддий товарларни яратувчи яъни моддий ишлаб чиқариш соҳаларида яратилади деган чекланган назарияларни ишлаб чиқди.

А.Смит миллий бойликнинг яратилиши ва кўпайтирилиши жараёнини фақат моддий ишлаб чиқариш билан боғлаган. Моддий маҳсулотва хизматлар орасидаги

¹⁵ А. Смит Исследование о природе и причинах богатства народов. –М.: Эксмо, 2016. – С. 87.

фарқни уларнинг хизмат қилиш муддати деб тушунган. Бунда у энг кўп, узоқ муддат хизмат қилган маҳсулотларни нафлилиги юқори даражага эга бўлган товар деб билган.

Ваҳоланки, узоқ муддатлилик моддий маҳсулотларнинг нафлилиги юқорилигини тўла равишда белгиламайди. А.Смит концепциясининг муҳим камчилиги яна шунда кўринадики, у моддий маҳсулотларни ишлаб чиқариш хизматларсиз ривож ҳам топмайди, истеъмол қилиш ҳам мумкин эмаслигини кўра билмаган масалан: фан ва таълимнинг ривожисиз моддий ишлаб чиқариш ҳеч қачон ривожланмайди, турли хизматларсиз аҳоли турмуш фаровонлиги ошмайди.

Айрим иқтисодчилар моддий ишлаб чиқариш концепцияси ишлаб чиқаришнинг кенгайтирилган концепциясидан олдин пайдо бўлган деган фикрларни билдирадilar. Лекин бундай фикрлашни тўғри деб бўлмайди, чунки юқорида кўрганимиздек, моддий ишлаб чиқариш концепцияси пайдо бўлишидан бир қанча йиллар олдин У.Петти ва П.Буагильберлар ўзларининг концепциясида ишлаб чиқариш ва миллий бойликни жуда кенг доирада ўрганиб, улар нафақат моддий ишлаб чиқариш соҳаларининг, балки хизмат кўрсатиш соҳаларининг ҳам миллий бойликни яратишда муҳим ўрин эгаллашини исботлашган. Улардан кейин А.Смит моддий ишлаб чиқариш концепцияси кенгайтирилган ишлаб чиқариш концепциясини вақтинча сиқиб чиқарди ва гўёки у биринчилардан бўлиб яратилгандек кўпчиликнинг эътиборини ўзига тортди. Яна шу нарсани таъкидлаш лозимки, А.Смит ва Д.Рикардолар яшаган даврда бойликнинг манбаи фақат меҳнатдир деган ноаниқ ғоя кенг тарқалган эди. Албатта меҳнат бойликни яратади. Лекин меҳнатнинг қайси тавсифи бойликнинг қийматини яратади, қайси тавсифи нафлилигини яратади деган савол очиқ қолган эди. Ундан ташқари табиат кучи ва ашёсисиз меҳнат ҳеч нарса ярата олмайди.

Юқорида баён қилинганлардан кўриниб турибдики миллий бойлик ҳақида турли назариячилар турлича фикрлар

баён қилганлар.

Классик иқтисодчилардан Ж.Б.Сейнинг уч омил (ер, капитал, меҳнат) назариясига асосланган ҳолда айтиш мумкинки бойлик яратишда омилларнинг ҳар учаласи ҳам қатнашади. Ж.Б.Сэйнинг фикрига кўра иқтисодиётнинг асосий соҳалари – саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида, яъни тўртта соҳанинг барчасида бойлик яратилади, чунки саноатда ҳам, қишлоқ хўжалигида ҳам, савдода ҳам, хизмат кўрсатишда ҳам нафлилик ишлаб чиқарилади.

Йирик иқтисодчилардан яна бири бўлмиш Ж.С.Милл фақат унумли меҳнат (натijasи кўриниб турадиган меҳнат) “бойлик” яъни “моддий неъматлар”ни яратади деган фикрни илгари сурган.


Ҳозирги бозор иқтисодиётига доир айрим адабиётларда ишлаб чиқаришнинг тўрт омили: меҳнат, капитал, ер (табиат) ва тадбиркорлик қобилияти бойликни кўпайтиришнинг омили сифатида тан олинмоқда.

Тадбиркорлик қобилияти ишчи кучининг таркибида турганлиги учун Ж.Б.Сэй томонидан илгари сурилган уч омилни асос қилиб олиб, фақат ернинг ўрнига табиат сўзи киритилса ва бойликни кўпайтириш омиллари сифатида уч омил меҳнат, капитал ва табиат деб юритилса мақсадга мувофиқ бўлар эди деб ҳисоблаймиз.

Юқоридаги иқтисодчиларнинг назарияларида бир томонламаликка йўл қўйилган бўлиб, миллий бойликнинг мазмуни ва манбаларини тўла равишда ёритиб беришга ожизлик қилади. Биз юқорида айтганимиздек ҳар бир иқтисодий масалага икки томонлама ёндошилиб, икки томонлама таҳлил қилинмаса унинг мазмунини ёритиш қийин бўлади. Энди биз мана шу икки томонлама ёндошув ва таҳлил усулини қўллаб миллий бойликнинг мазмунини аниқлаштиришга ҳаракат қиламиз.

Бозор иқтисодиёти даврида ҳамма яратилган маҳсулотлар ва тўпланган бойликлар, ҳатто ишчи кучи ҳам товар шаклида

ҳаракат қилади, чунки уларнинг ҳаммаси сотилади ва сотиб олинади. (Табиий бойликлар бундан мустасно). Агар биз тўпланган миллий бойликни товар йиғиндисидан ва ҳар бир товар унинг бир бўлақчаси, ҳужайраси деб қарасак унда миллий бойликнинг мазмунини тушуниш осон бўлади (2.4-расмга қаранг).



2.4-расм. Товарнинг икки хил хусусияти ва миллий бойликнинг икки томони

Шу нарсани таъкидлаш жоизки, табиатнинг кучлари ва ашёлари жуда катта миқёсда ва кенг бўлиб уларнинг ҳаммасини миллий бойлик таркибига киритиб бўлмайди. Чунки уларнинг жуда кўп қисми ҳали инсон томонидан ўзлаштирилиб фойдаланишга тортилмаган.

Табиат кучлари ва ашёларининг инсон томонидан фойдаланишга тортилган қисминигина миллий бойлик таркибига киритиш мумкин. Бизнинг расмизда у бир томондан нафлиликнинг ифодаси бўлган товарлар йиғиндисидан, иккинчи томонда эса қийматлар йиғиндисидан турибди. Чунки шамол кучи, қуёш энергиясидан фойдаланиб қурилган станциялар тегирмонлар ва бошқа қурилмалар ҳам вақти келиб товар сифатида сотилиши мумкин.

Расмдан кўриниб турибдики, тўпланган миллий бойликнинг икки томони бўлиб, унинг бир томони тўланган моддий ашёвий кўринишдаги нафлиликлар йиғиндисидан, иккинчи томони эса тўпланган қийматлар йиғиндисидан намоён бўлади.

Демак миллий бойлик икки томонлама тавсифга эга бўлиб, узоқ тарихий йиллар давомида тўпланган нафлиликлар ва қийматлар йиғиндисидан иборат бўлади. Миллий бойликнинг икки томонлама табиатини билиш кўпгина ноаниқ саволларга жавоб бериш имконини беради. Масалан, бойликнинг манбаи нима? У қандай ва қаерда яратилади? Деган саволлар бўйича олимлар ўртасида узоқ вақтлар давомида изланишларга, тортишувларга сабаб бўлган масалаларни ҳал қилиш имконини беради.

Меркантилизм оқимининг бойлик пулдан иборат (бунда улар олтин пулни кўзда тутган), у савдода кўпаяди, физиократларнинг бойлик фақат қишлоқ хўжалигида яратилади дейишгани ҳамда кўпгина олимларнинг (масалан, А.Смит ва бошқаларнинг) миллий бойликнинг манбаи фақат меҳнат, бойлик эса тўпланган қийматлардан ташкил топади деган бир томонлама назариялари тўғри эмаслигини билиш мумкин бўлади.


Тўғри ҳақиқатдан ҳам товарларни меҳнат яратади, лекин меҳнат табиат ашёларисиз ва табиат кучисиз ҳеч нарса ярата олмайди.

Миллий бойликнинг манбаи меҳнат ва табиат эканлигини аниқладик. Лекин бойлик бир миқдорда, бир жойда қотиб турмайди, у миқдор жиҳатдан кўпаяди ва сифат жиҳатдан яхшиланиб, ўзгариб боради. Унга бўлган талаб ҳам борган сари ошиб боради.

Иккинчи томондан эса фан-техника тараққиёти авж олиб янги техниклар, технологиялар кириб келади, энергиянинг хом-ашё материалларининг янги турлари табиатнинг турли янги кучлари ишга солинади. Буларнинг натижасида бойликни яратиш ва кўпайтиришнинг имкониятлари, омиллари кенгайиб боради. (2.5-расм).

Энди бойликни кўпайтиришнинг омиллари ҳам икки томонлама тус олиб бир томонда борган сари сифати ошиб боровчи аниқ меҳнат, табиат ва ишлаб чиқариш воситалари турса иккинчи тарафда абстракт қўшимча меҳнат туради.

Унинг биринчи тарафи бойликнинг буюмлашган ашёвий томони (нафлилигини кўпайтирувчи омил сифатида ҳаракат қилса, иккинчи тарафи кўшимча абстракт меҳнат, бойликнинг қиймат томонини кўпайтириш томонда ҳаракат қилади.



2.5-расм. Миллий бойликнинг икки манбаи ва кўпайтириш омиллари

Биз юқорида айтганимиздек табиат, аниқ меҳнат ва ишлаб чиқариш воситалари бойликнинг нафлилик тарафини яъни буюмлашган – ашёвий томонини кўпайтирса, кўшимча абстракт меҳнат унинг қиймат тарафини кўпайтиради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, миллий бойлик уни кўпайтириш масалалари ҳаммаси бозор иқтисодиёти шароитида бевосита товар ва унинг икки томонлама хусусияти билан боғлиқ экан.

2-бўлим. ҚЎШИМЧА МАҲСУЛОТ

III боб. ҚЎШИМЧА МАҲСУЛОТНИНГ ЯНГИ МАЗМУНИ, ЯРАТИЛИШИ ВА НАМОЁН БЎЛИШ ШАКЛЛАРИ

3.1. Қўшимча маҳсулотнинг янги мазмуни ва таркиби

Қўшимча маҳсулот иқтисодий назарияси фанининг марказий бўғинларидан бири ҳисобланиб, шунчаки бир иқтисодий категория бўлиб қолмасдан, балки жамият тараққиётининг асосини, унинг ривожлананиш даражасини кўрсатиб ва изоҳлаб берувчи, унга (тараққиётга) манба бўлиб хизмат қилувчи, ўзининг ривожланиши орқали ижтимоий маҳсулотнинг яратилиши, тақсимланиши ва истеъмол қилиниши жараёнларининг тараққиёт даражасини акс эттирувчи муҳим марказий тугунлардан ҳисобланади. Қўшимча маҳсулотнинг пайдо бўлиши билан инсониятнинг нафақат яшаб қолиши, балки тараққий этиши учун моддий асос яратилди. Минг йиллар давомида кўшимча меҳнат миқдорини ва ва бинобарин кўшимча маҳсулот ҳажмини оширишга бўлган хатти ҳаракатлар, уринишлар пировардида турли элатлар ва мамлакатларнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланишига, аста секинлик билан бўлсада инсон эркинлигининг шаклланишига, аҳоли турмуш даражасининг ошишига олиб келди.

Бироқ, ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, иқтисодий тизимларнинг ўзгаришидаги баъзи бир ҳолатлар ҳамда объектив иқтисодий ҳодиса ва жараёнларнинг моҳиятига бир томонлама, юзаки, субъектив ёндашувлар, кўшимча маҳсулотнинг умумиқтисодий категория эканлигини унутиш, уни кўшимча қиймат шаклида тасаввур қилиб, фақат марксизмга, қолаверса капитализмга хос деган ноўрин тасаввурлар туфайли, кўшимча маҳсулотнинг мазмуни, унинг объектив асослари, амал қилиш шакллари тўғрисидаги

назарий тадқиқотлар маълум даражада чекланиб, ҳатто тўхтаб қолди. Ҳатто бу масалани кераксиз деб ҳисоблаб, умуман фандан ва амалиётдан олиб ташлаш лозим деган валюнтаристик (ўзбошимчалик) таклифлар ҳам бўлди. Фақат ўз манфаатини ўйлайдиган айрим гуруҳлар томонидан иқтисодий қонунларнинг объективлигини менсимасдан ўзбошимчалик билан қилинган ҳаракатлар натижасида 25 йил давомида мамлакатимизда тараққиёт олға эмас орқага кетгани ҳаммага маълум. Бундай ҳолат нафақат назарияда, иқтисодий фанларда, балки иқтисодий ривожланиш амалиётида ҳам тараққиётнинг реал асоси тўғрисидаги тасаввурларга, фойда, рента, фоиз, солиқлар каби муҳим молиявий кўрсаткичларнинг ишлаб чиқариш жараёнидаги асл манбааларини тушунишга, уларнинг рағбатлантирувчи ролини оширишга салбий тўсиқ сифатида таъсир кўрсатди. Амалиётда эса қўшимча маҳсулот массаси ва нормасини аниқлашга, уларни кўпайтириш омиллари ва йўлларини топишга, ундан мамлакат тараққиёти йўлида фойдаланишга ҳаракат қилинмади. Масаланинг энг ёмон томони шундаки, қўшимча маҳсулот етарли даражада ўрганилмаётганлиги туфайли кўпгина кишилар қўшимча қиймат, қўшилган қиймат ва қўшимча маҳсулот каби алоҳида иқтисодий тушунчаларни бир хил синоним тушунча деб қараб ҳозиргача кўпгина чалкашликларга йўл қўйилмоқда. Ҳолбуки, улар орасида сифат ва миқдор жиҳатдан жуда катта фарқлар бўлиб, иқтисодий жараёнларнинг турли томонини ифода этувчи алоҳида-алоҳида тушунчалардир.

Қўшимча маҳсулотни рад қилиш ўрнига унинг мазмунини, таркибий қисмларини, аниқ намоён бўлишининг аниқ ҳаракат шакллари пухта ўрганиб, янада кўпайтириш ва тақсимланишини такомиллаштириш, ундан мамлакатимиз тараққиёти йўлида самарали фойдаланиш йўлларини қидиришга куч сарфлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Қўшимча маҳсулотнинг объектив умумиқтисодий категория сифатида амал қилишини билмасдан йўл қўйилган

мана шу ва шунга ўхшаш чалкашликларга аниқлик киритиш, унинг объектив иқтисодий категория сифатида кишиларнинг хоҳиш иродасига бўйсунмасдан амал қилишини ва унинг мамлақатимиз тараққиётининг асл манбаи эканлигини, уни ўрганиш ва амалий фаолиятимизда қўллаш зарурлигини ўқувчиларга, қизиқувчи кишиларга етказиш мақсадида ушбу тадқиқотга қўл урилди.

Қўшимча маҳсулот тўғрисида батафсилроқ билиш учун энг аввало унинг ўзи нима эканлигини билиш зарур.

Кишилик жамиятининг тараққиёти инсоннинг яратувчанлик роли ортиб бориши, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ҳамда иқтисодий муносабатларнинг такомиллашуви орқали намоён бўлади. Лекин бу тараққиёт даражаси нима билан ўлчанади? Унинг аниқ бир иқтисодий мезони борми? - деган саволга ҳозиргача аниқ бир тўхтамага келингани йўқ. Ҳозирги кунда Президентимиз томонидан мамлақатни модернизациялаш, диверсификациялаш, техника ва технологияларни узлуксиз янгилаб бориш ички имконият ва заҳираларни излаб топиш асосида иқтисодиётни ҳар томонлама жадал ривожлантириш асосий вазифа қилиб қўйилган. Мамлақатимизнинг Биринчи Президенти И.Каримов тараққиётга эришишнинг муҳим йўналиши сифатида “юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва турини кенгайтириб бориш зарур”лигини таъкидлаган эди.¹⁶ Бундай шароитда иқтисодий тараққиётнинг асосий мезонини белгилаб олиш муҳимдир. Кўплаб фалсафий, тарихий ва иқтисодий адабиётларни ўрганиш, кўп йиллик реал иқтисодий ҳаётни таҳлил қилиш ва кузатиш асосида айтишимиз мумкинки, мазкур ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг иқтисодий асоси бўлиб жамият томонидан

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир // Халқ сўзи, 2016 йил 16 январь

яратилаётган ЯИМнинг таркибий бир қисми бўлган қўшимча маҳсулот ҳажмининг ва нормасининг ўсиши ҳисобланади.

Қўшимча маҳсулот иқтисодиёт назарияси фанининг марказий бўғини сифатида доимо кишиларни қизиқтириб келган. Кишилиқ жамияти тараққиётининг қулдорлик, феодализм ва капитализм деб аталмиш босқичларида қўшимча маҳсулотнинг мавжудлиги турли шаклларда намоён бўлиши ҳақида ҳеч ким мунозара қилмайди.

Собик социалистик жамиятда қўпгина иқтисодчилар қўшимча қиймат фақат хусусий мулкчилик даврига хос деб тушуниб, ижтимоий мулк мавжуд бўлган даврда у бўлмайди, амал қилмайди деб келдилар. Улар бу тушунчаларнинг умумиқтисодий категория сифатида, моддий асоси ҳар доим сақланиб қолишини ва уларнинг ижтимоий шакли ўзгаришини хали тушуниб етмаган эдилар. Лекин улар ўша даврдаги корхоналар олаётган фойда, маҳсулотнинг қайси қисми эканлигини, фойда, фоиз, солиқ, рента каби юзаки кўриниб турадиган даромадларнинг манбаи нима эканлигини, давлат бошқаруви, мудофаа, таълим, фан-маданият учун зарур маблағлар қаердан олинишини, бу маблағларнинг туб манбаи нимадан иборат эканлигини тушунтириб бера олмаган эдилар. Ушбу масаланинг назарий жиҳатдан аниқланиши зарурияти кучайиб боргани туфайли 1965 йиллардан кейингина зарурий ва қўшимча маҳсулот тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар иқтисодий адабиётларда пайдо бўла бошлади, иқтисодчиларга ва бошқаларга тушунтирила бошланди. Ҳозир, бозор иқтисодиёти даврида ҳам бу тушунчаларни тушунмайдиганлар, ҳатто рад қилувчи кишилар анчагина топилади.

Лекин бундай иқтисодчилар иқтисодий жараёнларга бир томонлама, юзаки қараб мулкдорлар ва тадбиркорлар олаётган фойда, дивиденд даромадлари, банклар олаётган фоиз, давлат олаётган солиқлар, ер рентаси каби пул кўринишидаги даромадларнинг туб манбаи нима, улар қаерда ҳосил бўлади, миллий маҳсулот қайси қисмининг пулдаги

кўриниши, деган саволга жавоб бера олмайдилар. Фойда ва бошқа турли кўринишдаги даромадлар манбаини билмаслик нима учун товарларни ишлаб чиқарувчи корхоналар зарар кўради-ю, уни сотувчилар фойда кўради деган саволларга ҳам жавоб беришда ожизликка олиб келади. Улар иқтисодий ҳодиса ва жараёнларнинг туб илдизига эътибор бермасдан, унинг юзаки томонларини ўрганиш билангина чекланиб қолган кўринади.

Кўшимча маҳсулот тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар иқтисодий ҳаётнинг ва «Иқтисодиёт назарияси» фани ривожининг ўзок тарихига бориб тақалади. Масалан, милoddан олдинги 551-471 йилларда яшаб ўтган ўз фалсафий фикрлари билан ҳозиргача машхурлигини йўқотмаган Хитой файласуф мутафаккири Конфуций ҳақида шундай ривоят бор: У ёшлигида балиқчининг олдига борибди. Балиқчи унга тутган балиғидан бермоқчи бўлибди. Шунда ёш бола Конфуций балиқчига қараб, - менга ёрдам бермоқчи бўлсангиз балиқ берманг, балки балиқ тутишни ўргатинг. Шунда мен бу хунар билан ўзимни, оиламни боқаман, ундан ортса, қўшниларимга, ундан ҳам ортса сизга ва бошқаларга ҳам бераман, деган экан¹⁷.

Бу хикматли ривоятда ҳозирги замон илмий тилидаги махсус тушунчалар зарурий маҳсулот ва қўшимча маҳсулот тушунчалари ишлатилмасда, ундан осонгина тушунса бўладики, “ўзимни ва оиламни боқаман” дегани бу зарурий маҳсулот яратаман, ундан ортса “қўшниларимга бераман, ундан ҳам ортса сизга ва бошқаларга бераман”. Бу қўшимча маҳсулот яратиб қўшниларимга, сизга ва бошқаларга бераман деганидир. Бу хикматдан яна шу нарса ҳам аёнки, зарурий маҳсулот ўзига ва оиласига керак бўлиб ишчига тегишлидир, қўшимча маҳсулот эса ишчининг ўзига эмас, “бошқаларга”, хусусан бу ривоятда қўшниларга хунар ўргатган устозга ва бошқаларга тегишли эканлигига ишора қилинган. Ундан

¹⁷ Қаранг: М.А.Рахматов, Б.З.Зарипов “Билимсизлик инсоният учун қоронғу тундир” Конфуций ҳикматлари Т: “Замин нашриёти” 2019 й. 22 бет.

ташқари араб олими Ибн Холдун Абдурахмон Абу Зайд ўзининг 1370 йилда ёзилган «Китоб-ул-ибар» (Ибратли мисоллар китоби)да зарурий ва кўшимча маҳсулотнинг фарқига бориб, уларни ажратиб кўрсатишга ҳаракат қилган¹⁸.

Кейинчалик физиократлар мактабининг асосчиси Ф.Кенэ ўзининг «Иқтисодий жадвал» асарида меркантилистлардан фарқли иқтисодий фанда олға қадам ташлаб бойлик савдода ёки ташки савдода кўпаймаслигини, у фақат ишлаб чиқаришда ўсиб кўпайишини, бойликнинг бу кўпайиши соф маҳсулот, айниқса кўшимча маҳсулот эвазига содир бўлишини кўрсатиб берди. Ф.Кенэ ишлаб чиқарилган маҳсулот билан қилинган харажатлар ўртасидаги фарқни, яъни кўшимча маҳсулот ни соф маҳсулот деб атаган эди.

Кейинчалик кўшимча қиймат назарияси А.Смит ва Д.Рикардолар томонидан анча батафсил ривожлантирилди. Улар янги қиймат ёлланма ишчилар томонидан яратилишини, ёлланма ишчининг иш вақти иккига бўлиниб, зарурий иш вақтида ўзини ва оиласини боқиш учун зарур бўлган қиймат яратишини, иш кунининг қолган қисми бўлган кўшимча иш вақтида эса мулк эгалари ўзлаштириб оладиган кўшимча қиймат яратилишини кўрсатиб берган эдилар¹⁹.

Кўшимча қиймат назарияси К. Маркс назариясининг тамал тошини ташкил этиб, унинг 4 томлик “Капитал” асарида батафсил ёритилган.²⁰

Ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида Россияда 2000 йилдан кейинги йилларда нашр этилган катор янги адабиётларда, жумладан: В.Я.Иохин, В.Б.Акулов, О.В.Акулова, Е.Ф.Борисовлар томонидан ёзилган, шунингдек Д.Д.Москвин, А.Г.Грязнова ва Т.В.Чечеловалар раҳбарлигида муаллифлар

¹⁸ Қаранг: А.Раззоков, Ш.Тошматов, Н.Урмонов. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Тошкент. «Молия» нашриёти, 2002, 41-42-бетлар

¹⁹ Смит А. «Исследование о природе и причинах богатства народов». Рикардо Д. «Начало политической экономии и налогового обложения». Антология экономической классики. М., 1993. с.46.199

²⁰ Акулов В.Б., Акулова О.В., “Экономическая теория”, Учебное пособие. Петрозаводск: Петр ГУ. 2002. стр 156

гурухи томонидан ёзилиб, нашр қилинган иқтисодиёт назарияси дасрликлари ва кўлланмаларида, шунингдек, А.В.Сорокиннинг “Теория общественного богатства: категории модели”²¹ номли ўқув кўлланмасида, В.П.Петровнинг “Стоимость денги. Экономический кризисы перепроизводства” китоблари ва “О корректурка теории прибавочной стоимости” деган мақоласида Гюсилнинг “Стоимость потребительная стоимость и потребительская стоимость” каби мақолаларида, Ф.В.Чайковскийнинг “Теория общественного богатства: теория и методология формирования и применения добавленной стоимости в условиях МСФО на микро и макроуровне” мавзусидаги докторлик диссертацияси²², Н.Б. Шугалнинг “Моделирование взаимосвязей элементов валовой добавленной стоимости и конечного продукта”²³ мавзусидаги докторлик диссертациясида янги яратилган қиймат, кўшилган қийматларнинг таркибий - қисмлари бўлмиш зарурий ва кўшимча қийматларнинг мазмуни, ҳосил бўлиш жараёнлари, кўшимча қийматни кўпайтириш усуллари ҳақидаги масалалар қисман ёритилган.²⁴

Бу ва бошқа ҳозирги даврда чоп этилган кўпчилик адабиётларда ёзилганлардан кўриниб турибдики, асосан кўшимча маҳсулотнинг бир томонига, яъни қиймат тарафига эътибор берилган ва уни кўшимча қиймат деб таърифланган. Холбуки, биз юқорида айтганимиздек, кўшимча қиймат кўшимча маҳсулотнинг бир тарафи, яъни қиймат томони бўлиб, унинг нафлилик тарафи эътибордан четда қолдирилган. Ҳолбуки нафлилик бўлмаса қиймат мавжуд

²¹ А.В.Сорокиннинг “Теория общественного богатства: категории модели” номли ўқув кўлланмаси. Москва, Макс-пресс 2011 йил

²² Ф.В.Чайковскийнинг “Теория общественного богатства: теория и методология формирования и применения добавленной стоимости в условиях МСФО на микро и макроуровне” мавзусидаги докторлик диссертацияси. Орёл-2011 й.

²³ Н.Б. Шугалнинг “Моделирование взаимосвязей элементов валовой добавленной стоимости и конечного продукта” мавзусидаги номзодлик диссертацияси. Москва 2011 й.

²⁴ Акулов В.Б., Акулова О.В., “Экономическая теория”, Учебное пособие. Петрозаводск: ПетрГУ, 2002. стр 156

бўлмайди. Лекин шуни таъкидлаш жоизки, қўшимча маҳсулотни ким қандай шаклда тушунишидан қатъий назар, у доимо мавжуд бўлиб, объектив умумиктисодий категория сифатида амал қилиши кўпчилик олимлар томонидан тан олинган.

Бугунги кунда иқтисодиёт назарияси фанида қўшимча маҳсулот тўғрисидаги тадқиқотларини янада чуқурлаштириш, унинг яратилиши ва тақсимланиши механизмларини такомиллаштириш, турли қўшимча маҳсулотнинг намоён бўлиш шакллари иқтисодий табиатини ўрганиш долзарб аҳамият касб этади. Шуни таъкиблаш жоизки, қўшимча маҳсулот энг аввало, моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳасида яратилади, таркиб топади (биз бу ҳақда кейинроқ батафсил тўхталамиз). Лекин ҳозир қўшимча маҳсулотнинг янги мазмунини, унинг зарурлиги ва аҳамиятини тушуниш осонроқ бўлиши учун ялпи ички маҳсулотнинг таркибий қисмлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз. Ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотнинг уч қисмга бўлиниши ва унинг ҳар бир қисмининг функционал вазифасини тушуниш учун ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларининг кенгайган ҳолда узлуксиз такрорланиб туриши зарурлиги, бусиз тараққиёт ва фаровонлик ҳақида гапириш мумкин эмаслиги нуқтаи назаридан қараб чиқамиз.

Ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида турли жойларда, турли йўналишдаги корхоналарда, турли омилларнинг ҳаракати натижасида жуда кўп турдаги ва сифатдаги товарлар ва хизматлар массасидан иборат бўлган ялпи ички маҳсулот вужудга келади.

Шу яратилган жами товарлар ва хизматлар, яъни ялпи ички маҳсулотнинг йил давомидаги йиғиндиси мамлакат буйича ишлаб чиқаришнинг умумий натижаси бўлиб ҳисобланади. Бу умумий натижа турли даврларда турлича ном билан юритилади. Масалан, собиқ совет мамлакатаида жами ижтимоий маҳсулот (ЖИМ), айрим мамлакатларда ялпи

миллий маҳсулот (ЯММ) ва айрим мамлакатларда эса ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) деб юритилади. Ҳозирги даврда бизнинг мамлакатимизда йиллик маҳсулот ЯИМ деб юритилади.

Ишлаб чиқариш жараёнини тўхтовсиз давом эттириш, узлуксиз такрорлаб туриш учун биринчидан, истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситаларини фақат қиймат холидагина эмас, балки уни моддий буюм шаклида ҳам қайта тиклаш зарур. Бунинг учун албатта яратилган маҳсулот таркибида маълум миқдорда ишлаб чиқариш воситалари натурал шаклда мавжуд бўлиши керак. Иккинчидан, ишчи кучининг қайта тикланиши учун, мулк эгалари ва тадбиркорларнинг шахсий истеъмоли учун яратилган маҳсулот таркибида зарур истеъмол буюмлари мавжуд бўлиши шарт. Шунинг учун ҳам моддий маҳсулотлар икки тоифа товар маҳсулоти: ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмлари шаклида мавжуд бўлади, бу эса ўз навбатида, ишлаб чиқариш икки йирик бўлинмадан: ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмлари ишлаб чиқарувчи бўлинмалардан иборат бўлиб, улар ўртасида товар айирбошлаш бўлиб туришини тақозо этади. Ундан ташқари жуда кўп корхона ва ташкилотлар ишлаб чиқариш жараёнига ва аҳолига турли туман хизмат кўрсатиш билан шуғулланадики, улар меҳнатининг натижаси нафли хизматларда ва уларда мужассамлашган қийматларда намоён бўлади. Бу эса миллий маҳсулотнинг муҳим қисми турли хил хизматлардан иборат эканлигини кўрсатади. Шундай қилиб, йил давомида мамлакатда яратилган ялпи ички маҳсулот натурал-ашёвий яъни нафлилик жиҳатидан уч қисмдан: ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол буюмлари ва турли хил хизматлардан иборат бўлади.

Йил давомида ишлаб чиқарилган товар ва хизматларни, яъни ЯИМни бундай учта кўринишга бўлиб ўрганиш ва билиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эгадир. Чунки уларнинг ҳар бир қисмининг функционал вазифаси ва

объектив зарурлиги ойдинлашади ва маҳсулотлар ҳар бир тури буйича талаб ва таклифлар ўрганилиб, талабга яраша ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконини беради.

Яратилган маҳсулот фақатгина натурал-ашёвий жиҳатдан эмас, балки қиймат жиҳатдан ҳам ҳисобга олинади ва унинг қиймат таркиби ўрганилиб таҳлил қилинади.

Яратилган маҳсулот қиймат жиҳатдан ҳам уч қисмдан иборат бўлади, яъни:

1) ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган асосий ишлаб чиқариш воситалар (и.в.) қийматининг янги маҳсулотга ўтган қисми, яъни амортизация;

2) янгидан вужудга келтирилган соф маҳсулотнинг бир қисми, яъни ишчиларга тегишли қисми - зарурий маҳсулот (з.м.) қиймати;

3) янгидан вужудга келтирилган маҳсулотнинг мулкдорлар, тадбиркорлар ва жамият учун ишлаб чиқарилган қўшимча маҳсулот (қ.м.) қийматидан иборатдир.

Бошқача қилиб айтганда, йил давомида яратилган (ЯИМ)нинг қиймати олдинги ишлаб чиқариш жараёнларида яратилиб, ушбу ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситаларининг қийматидан ҳамда шу ишлаб чиқариш жараёнида яратилган янги қийматдан иборатдир. Ишлаб чиқаришнинг узлуксиз давом этиши ва ривожланиши учун истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситалари ҳар ҳил асбоб-ускуналар, хом-ашё, ёқилги ва бошқа ёрдамчи материаллар ўрнини тўлдириб қайта тиклаб турилиши талаб қилинади. Бунинг учун йил давомида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг бир қисми уларни қайта тиклаш учун фойдаланилади. Яратилган маҳсулот қийматидан истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситалари қиймати чегириб ташланса, қолган қисми соф маҳсулот қийматидан иборат бўлади. Демак, соф маҳсулот бевосита ишлаб чиқаришда ва хизмат кўрсатишда банд бўлган менежерлар, ишчилар, деҳқонлар, мухандислар, техник ходимлар, хунармандлар,

касаначилар, тикувчилар, чеварлар ва бошқаларнинг янгидан сарф қилинган меҳнати билан яратилган зарурий ва қўшимча маҳсулот қийматидан иборатдир.

Ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксиз кенгайган ҳолда такрорланиб туриш зарурлиги нафақат истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситаларининг доимий равишда қопланиб яна янгиланиб туришини, шу билан бирга ишлаб чиқаришда қатнашаётган ишчи кучини (бу ерда барча ишловчи хидимлар кўзда тутилади) ҳам такрор ишлаб чиқаришни тақозо этади. Шунинг учун ҳар қандай ижтимоий шароитда соф маҳсулотнинг бир қисми ишчи кучини тиклаш, шунингдек, унинг ўринбосарлари, яъни оиласи фарзандлари ҳаётий фаолиятларини таъминлаш, уларни ўқитиб, замон талабига мос ишчи қилиб тайёрлаш учун сарфланади. Соф маҳсулотнинг бу қисми зарурий маҳсулот ҳисобланади. **Зарурий маҳсулот ишчи меҳнатининг ижтимоий шаклидан қатъий назар, объектив равишда мавжуд бўлиб, ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришнинг моддий асоси бўлиб хизмат қилади. Зарурий маҳсулот деб ишчи ва хизматчилар иш вақтининг бир қисми бўлган зарурий иш вақтида зарурий меҳнат билан яратилган, ишчи кучини нормал ҳолатда сақлаш ва замон талабига мос равишда қайта тиклаш учун зарур бўлган маҳсулотга айтилади.** Бунга келгуси авлод ишчиларини етиштириш, яъни ишчиларнинг оиласи ва болалари уларни ўқитиш, тарбиялаш учун зарур бўлган маҳсулот ҳам киради.

Зарурий маҳсулот соф маҳсулотнинг муҳим қисми бўлиб, бевосита ишчи ва хизматчиларга тегишлидир.

Зарурий маҳсулот ўз ичига моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги ишчи, хизматчилар ва улар оилаларининг ўзларини жисмоний эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган ҳаётий воситалар фонди, шунингдек, ишчилар ҳамда жамият ишлаб чиқарувчи кучлари ривожига даражасига мос келувчи маълум сифатдаги ишчи кучига айланиши учун уларнинг фарзандларига таълим бериш ва тарбиялаш

харажатларини олади. Бунда нафақат табиий ва жисмоний шарт-шароитлар орқали пайдо бўлган моддий неъматларга алоҳида эҳтиёжларни, балки ижтимоий шарт-шароитлардан келиб чикувчи эҳтиёжларни ҳам ҳисобга олиш зарур.

Ривожланган маданиятли жамиятда зарурий ва қўшимча маҳсулот ҳажми ва таркибида ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бундай жамиятда зарурий маҳсулотнинг доиралари кенгаяди. Бу кенгайиш истеъмол товарлари турлари ва ҳажмининг кенгайиб бориши, сифатининг ошиши билан боғлиқ бўлади. Бироқ унинг кенгайиш чегаралари меҳнатнинг унумдорлик кучи ошганлик даражаси билан белгиланади. Чунки, бу чегаралар умумий истеъмолга сарфланувчи маҳсулот ҳажмига салбий таъсир кўрсатмаслиги лозим.

Хар қандай ижтимоий-иқтисодий жамиятда зарурий маҳсулот билан бир қаторда қўшимча маҳсулотга нисбатан ҳам объектив зарурат мавжуд бўлади. Масалан, ибтидоий жамоа тузумида, меҳнат куроллари ўта содда бўлган даврда, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот шу қадар оз эдики, у ҳаттоки энг зарур эҳтиёжларни қондиришга ҳам етарли эмасди. Бироқ, кишилар ўзларининг иш вақтларининг бир қисмини қўшимча иш вақти, бинобарин қўшимча меҳнат сифатида ажратиб меҳнат куролларини, истеъмол буюмлари захираларини тайёрлаш учун сарфлашга мажбур эдилар. Ундан ташқари улар яратилган неъматларнинг маълум қисмини турли табиий офат ва бошқа тасодифлардан сақланиш учун эҳтиёт жамғармасини ҳосил қилиш учун ажратилишга мажбур эдилар. Жамият тараққиётининг ҳамма босқичларида қўшимча маҳсулот мавжуд бўлиб, унинг турли босқичларида қўшимча маҳсулотнинг ижтимоий шакли турлича бўлади. Масалан, у кулдорлик жамиятида кулдорлар ёки латифундистлар даромади, феодал жамиятида уч кўринишдаги (баршчина, оброк, пул солиғи) ер рентаси, капитализмда эса қўшимча қиймат кўринишларида намоён бўлган.

Жамиятда ишлаб чиқарувчи кучларнинг доимий равишда

ривожланиб бориши меҳнат унумдорлигининг ошиб боришини таъминлайди ва унинг эвазига зарурий иш вақтининг қисқаришига, тегишли равишда, қўшимча иш вақтининг ва бинобарин қўшимча маҳсулотнинг ўсишини таъминлаш имкониятини яратади.


Шундай қилиб, соф маҳсулотнинг икки таркибий қисмларга ажратилиши ижтимоий тараққиётнинг барча босқичлари ва барча ижтимоий-иқтисодий тизимлар учун умумий иқтисодий қонуниятга айланади. Бу қонуният ҳар қандай ижтимоий ишлаб чиқаришнинг табиатидан, кишилиқ жамияти прогрессив ривожланиши қонунидан келиб чиқади.

Объектив зарурият ва жараён сифатида қўшимча маҳсулотнинг вужудга келиши ва ўсиши ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ҳамда ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ошиши билан боғлиқдир. Бу жараёнлар инсонга ўз иш вақти ва меҳнатининг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган неъматларни яратишга сарфланувчи қисмини камайтириш, ва шунга мувофиқ ҳолда, бошқалар учун маҳсулот яратувчи қўшимча иш вақти ва қўшимча меҳнатни кўпайтириш имконини берди.

Соф маҳсулотнинг зарурий маҳсулотдан ортикча қисми, яъни қўшимча иш вақтида қўшимча меҳнат билан яратилган қисми қўшимча маҳсулот дейилади. Қўшимча маҳсулотнинг мазмунини ва унинг қўшимча қийматдан фарқини тушуниш учун унинг икки томонлама табиатига эътибор бериш лозим бўлади (3.1-расм).

Бу расмдан кўриниб турибдики, қўшимча қиймат қўшимча маҳсулотдан фарқ қилиб унинг фақат бир томонини, яъни қиймат тарафини ифодалайди, қўшимча маҳсулот эса ҳар иккала томонни, ҳам қўшимча нафтилиқни, ҳам қўшимча қийматни ва уларнинг ўзгаришини ифодалайди. Бу ерда шуни таъкидлаш жоизки, ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланиши натижасида меҳнат унумдорлигининг ўсиши (зарурий маҳсулот ўзгармаган ҳолатда) қўшимча маҳсулот миқдорининг ўсишига олиб келади. Қўшимча қиймат эса

ўзгармай қолади. Бошқача қилиб айтганда,



3.1-расм. Яратилган қўшимча маҳсулотнинг икки томонлама табиати

Кўшимча маҳсулот миқдор жиҳатдан – қўшимча қиймат ва меҳнат унумдорлигининг кўпайтмасига тенгдир.

Демак, қўшимча маҳсулот миқдор жиҳатидан қўшимча қийматдан меҳнатнинг унумдорлик кучи миқдорига тенг даражада кўпроқ бўлади. Масалан, қўшимча қиймат миқдори 200 минг сўм бўлиб, меҳнат унумдорлиги 1,5 баробарга ошган бўлса қўшимча маҳсулот ($200 \cdot 1,5 = 300$) 300 минг сўмга тенг бўлади.

Яна шу нарсани ҳам таъкидлаш жоизки, айрим эълон қилинган мақола ва китобларда айрим муаллифлар қўшимча маҳсулот, қўшилган қиймат ва қўшимча қийматни бир хил синоним тушунча деб қарамокдалар. Лекин улар орасида жуда катта фарқ мавжуддир.

Қўшилган қиймат – амортизация фонди, иш ҳақи, турли ижтимоий фондлар, солиқ ва бошқа тўловларни ўз ичига олади.

Қўшимча маҳсулот эса қўшилган қийматдан амортизация, иш ҳақи ва турли ижтимоий фондлар чегириб ташлангандан қолган қисмини ўз ичига олади. Қўшимча қиймат эса юқорида айтганимиздек, қўшимча маҳсулотнинг бир

томонини, яъни қиймат томонини ифода этади.

Мана шу таъкидланган жиҳатлар қўшимча маҳсулот мазмунини тўғри тушуниш имконини беради деган умиддамиз.

Бу қўшимча маҳсулот бевосита ишчига эмас, балки тадбиркорларга, мулкдорларга ва давлатга умуман олганда бутун жамиятга тегишли бўлиб қуйидагиларни ўз ичига олади. Қўшимча маҳсулот энг аввало ижтимоий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини кенгайтириш ва такомиллаштиришга йўналтирилувчи маҳсулот қисмини ўз ичига олади. Шунинг учун, яратилган қўшимча маҳсулотнинг маълум қисми ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмларини жамғаришга, қўшимча ишчиларни ёллашга, яъни унумли жамғаришга йўналтирилган бўлиши лозим.

Жамиятнинг жўшқин ривожланиши ноишлаб чиқариш соҳаларида ҳам жамғариш амалга оширилишини тақозо этади. Бунда маҳсулотнинг бир қисми янги мактаблар, касалхоналар, стадионлар ва ҳоказолар қуришга, яъни ноишлаб чиқариш соҳасининг ривожланиши учун - мўлжалланган капитал қўйилмаларга, ишлаб чиқаришга янги жалб этилган ишчиларни ҳаётий воситалар билан таъминлашга сарфланиши лозим. Бу соҳаларга қўшимча маҳсулотнинг бир қисмини ажратиш орқали жамиятнинг прогрессив ривожланишини таъминлаш мумкин.

Ундан ташқари қўшимча маҳсулот давлат мудофаасини мустаҳкамлаш, тартиб интизомни сақлаш ва мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш, шунингдек, давлатни бошқаришга кетадиган харажатларни ҳам ўз ичига олади. Бу айтилганлар мамлакатнинг барқарор ривожлантиришнинг иқтисодий манбаи сифатида қўшимча маҳсулотни тўхтовсиз кўпайтириб боришни тақозо этади.

Ишлаб чиқаришнинг мулк шаклидан қатъий назар ҳар бир корхонада, тармоқда қўшимча маҳсулотни кўпайтиришга ҳаракат қилинади. Уни кўпайтириш асосан уч йўл билан - ишловчилар сонини кўпайтириш, иш кунини ўзайтириш ва

иш куни чегараси ўзгармаган ҳолда зарурий иш вақтини камайтириш эвазига кўшимча иш вақтини узайтириш йўли билан амалга оширилади.

Ишчилар сонини кўпайтириш ва иш кунини ўзайтириш йўли билан олинган кўшимча маҳсулот абсолют кўшимча маҳсулот деб, иш куни ўзгармаган ҳолда, зарурий иш вақтини камайтириб, кўшимча иш вақтини узайтириш эвазига олинган кўшимча маҳсулот эса нисбий кўшимча маҳсулот деб аталади. Кўшимча маҳсулотни кўпайтиришнинг биринчи икки йўли чекланган тавсифга эга бўлиб, тарихан ўз умрини ўтаб бўлган усуллардир. Унинг учинчи йўли эса чекланмаган тавсифга эга бўлиб, ҳозирги ва кейинги давр учун мосдир. Фақат у фан техника, технологиялар ривожини талаб этадиган йўлдир.

Йил давомида олинган кўшимча маҳсулот лар йиғиндиси кўшимча маҳсулот массаси, унинг зарурий маҳсулотга нисбати эса (фоизда ифодаланиши) кўшимча маҳсулот нормаси деб юритилади.

Агар кўшимча маҳсулот нормасини қ.м.н, массасини қ.м, зарурий маҳсулотни з.м. билан белгиласак кўшимча маҳсулот нормаси

$$\text{Қ. М. Н.} = \frac{\text{Қ. М.}}{\text{З. М.}} \times 100\%$$

кўринишдаги формула билан аниқланади.


Ишлаб чиқарилган кўшимча маҳсулот икки таркибий қисмларга бўлинади: биринчи қисми - типик кўшимча маҳсулот ; иккинчи қисми устама кўшимча маҳсулот. Кўшимча маҳсулот нинг биринчи қисми хар бир муайян ишлаб чиқариш тармоғининг барча корхоналари учун одатий ҳисобланган меҳнат: куруллари, технологиялар, меҳнатни ташкил этиш шакллари ва ишлаб чиқаришни бошқариш шаклларида яратилади. Бу кўшимча маҳсулот иқтисодий адабиётларда одатдаги, анъанавий, асл кўшимча маҳсулот каби номлар билан юритилади.

Устама кўшимча маҳсулот типик кўшимча маҳсулотдан фарқли ўларок тармоқдаги у ёки бу корхонада нисбатан яхшироқ табиий ва иқтисодий шароитлар, омиллар, ресурслар ёрдамида таркиб топади. Ишлаб чиқаришнинг табиий омиллари иқтисодий (сунъий) омиллардан фарқ қилиши сабабли устама кўшимча маҳсулотнинг ҳам икки тури фарқланади. Биринчи тури нисбатан қулай табиий ресурслар (нисбатан юқори тупроқ унумдорлиги, қулай биологик жараён, бозорга нисбатан қулай жойлашув ва х-к.) шароитида таркиб топади. Табиий омилларнинг ҳам тармоқ ичида, ҳам ҳудуд ичидаги табақалашуви жуда кескин намоён бўлади. Меҳнат унумдорлигига табиат кучларининг таъсири ижобий ва салбий бўлади. Ўта қулай шароитдаги омилнинг самардорлиги нисбатан пастроқ қулайликдаги омилнинг самардорлигидан бир неча баробар катта бўлиши мумкин. Ижобий табиат кучларининг табақалашуви биринчи кўринишдаги устама кўшимча маҳсулотнинг табақалашувини белгилаб беради. Салбий табиат кучлари нафақат биринчи турдаги устама кўшимча маҳсулотни, балки унинг муайян жой ва муайян вақтдаги умумий ҳажмининг пасайишига олиб келади. Биринчи турдаги устама кўшимча маҳсулот доимий ҳисобланади.

Иккинчи турдаги устама кўшимча маҳсулот нисбатан қулай сунъий омиллар воситасида таркиб топади. Булар - техник, технологик, ташкилий янгиликларнинг жорий этилиши - ишлаб чиқаришга фан-техника тараққиётининг ютуқларини жорий этиш натижаси ҳисобланади ва келгусидаги тараққиётнинг манбаи бўлиб хизмат қилади.

Ривожланган товар ишлаб чиқариш шароитида дехқончилик ва саноатдаги кўшимча маҳсулотнинг таркибий тузилиши фарқ қилади.


Дехқончиликдаги кўшимча маҳсулотнинг таркибий тузилишини кўйидаги расм орқали кўриш мумкин (3.2-расм).



3.2-расм. Дехқончиликдаги қўшимча маҳсулотнинг таркибий тузилиши

Саноатдаги қўшимча маҳсулотнинг таркибий тузилишини эса қўйидагича акс эттириш мумкин (3.3-расм).

Расмлардан кўринадики, дехқончиликдаги қўшимча маҳсулотнинг таркибий тузилиши саноатдагига қараганда мураккаброқ бўлиб, бу дехқончиликдаги доимий равишда рўй берувчи, бартараф этиб бўлмайдиган хусусиятларнинг мавжудлиги, сунъий жараённинг биологик жараён билан чапишиб кетиши, бунинг натижасида тупроқнинг иқтисодий унумдорлиги таркиб топиши билан боғлиқ. Бироқ қўшимча маҳсулот умумий ҳажмининг ўсишида фан-техника тараққиётининг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда жадал суръатлар билан ўсувчи саноат қўшимча маҳсулоти катта аҳамият касб этади.



3.3- расм. Саноатдаги қўшимча маҳсулотнинг таркибий тузилиши

Ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўлган қўшимча маҳсулот сотилиш жараёнида корхонанинг умумий фойдасига айланади. Фойдадан давлат солиқ сифатида, ссуда капитал эгалари эса фоиз сифатида, ер эгалари рента сифатида ўз улушларини оладилар. Бу даромад турлари қўшимча маҳсулотнинг сотилиб, дастлабки тақсимлангандан кейинги ўзгарган шакллари дир. Юзаки реал ҳаётда қўшимча маҳсулот юқоридаги шаклларда намоён бўлади. Кимки **иктисодий** жараёнларнинг туб илдизини тушунмаса, бу даромадларнинг манбаини, қаерда ва ким томонидан яратилишини тушунмасдан қолаверади. Зарурий ва қўшимча маҳсулотларнинг мазмунини тушунишда уларнинг реал ҳаётда намоён бўлиш шакллари билиш муҳим рол ўйнайди.

Кўриниб турибдики, қўшимча маҳсулотни кўпайтириш ҳеч кимга зарар бермайди, аксинча жамият аъзоларининг ҳаммаси учун зарур манфаатлидир.

Маълумки, қўшимча маҳсулот билан зарурий маҳсулот ўртасида хар доим зиддият ва алоқадорлик бўлади. Уларнинг

хар иккаласидан ҳам бутун иқтисодиётни ривожлантириш ва жамият аъзоларининг фаровонлигини ошириш мақсадларида фойдаланилади.

Лекин уларнинг соф миллий маҳсулотдаги хиссаси турли омиллар таъсирида, масалан, техника тараққиётининг ривожланиши, ижтимоий ишлаб чиқариш таркибининг ўзгариши меҳнат унумдорлигининг ошиши натижасида ўзгариб туради. Меҳнат унумдорлигининг ўсиши натижасида зарурий маҳсулотнинг абсолют миқдори ўсган ҳолда соф миллий маҳсулотдаги хиссаси камайиб, кўшимча маҳсулотнинг хиссаси ошиб боради. Бундай ҳолатлар кўшимча маҳсулот нормасининг ошишида ўз аксини топади.

Бу баён этилганлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, кўшимча меҳнат ва бинобарин, кўшимча маҳсулот бутун-бутун тарихий тараққиёт давомида ишлаб чиқаришни, фан техникани, таълимни, соғлиқни сақлашни, маданиятни ривожлантиришнинг иқтисодий манбаи бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

3.2. Кўшимча маҳсулотни яратиш учун зарур бўлган омиллар ва инфратузилмалар

Энг аввало шуни билиш лозимки, ҳамма товарлар ва хизматлар ҳамда уларнинг таркибий қисмлари, жумладан кўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларида яратилади. Ишлаб чиқаришни олиб бориш учун эса унинг омиллари ва инфратузилмаси бўлиши зарур.

Ишлаб чиқариш жараёнининг мазмунини чуқур англаш учун энг аввало, ишлаб чиқариш омиллари ва уларнинг таркибий қисмлари билан танишиб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қўлланилувчи барча ресурслар ишлаб чиқариш омиллари дейилади. Иқтисодиётнинг тизими ва шаклидан қатъий назар ишлаб чиқариш содир бўлиши учун учта омил: ишчи кучи, меҳнат

қуроллари ва меҳнат предметлари бўлиши шарт. Бундан кўринадик, ишлаб чиқариш омиллари, иқтисодий ресурслардан фарқли ўлароқ, ўз ичига фақат ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида бевосита иштирок этувчи унсурларни олади. Мисол учун, иқтисодий ресурсларнинг муҳим таркибий қисмларидан ҳисобланган пул ресурслари истеъмол моллари захиралари ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қўлланилмаганлиги сабабли, ишлаб чиқариш омили бўла олмайди. Ишлаб чиқариш омилларининг моҳиятини янада кенгроқ тушуниш учун уларнинг ҳар бирига алоҳида таъриф бериб ўтамиз.

Ишчи кучи деб инсоннинг меҳнат қилишга бўлган ақлий ва жисмоний қобилиятларининг йигиндисига айтилади. Ишчи кучи меҳнат қобилиятига эга бўлган кишилар учун хосдир. Лекин ишчи кучи инсоннинг ўзи эмас ёки унинг меҳнати ҳам эмас, унинг меҳнатга бўлган қобилиятидан иборатдир.

Меҳнат қуроллари деб, инсон унинг ёрдамида табиатга, меҳнат предметларига таъсир қиладиган воситаларга айтилади. Буларга турли хилдаги машиналар, станоклар, тракторлар, қурилмалар, ускуналар ва бошқаларни мисол келтириш мумкин.

Меҳнат предметлари эса бевосита меҳнат таъсир қиладиган, яъни маҳсулот тайёрланадиган нарсалардир. Ер, сув, хомашё ва бошқа турли материаллар меҳнат предметининг асосий турларини ташкил этади. Меҳнат предметлари табиатда тайёр ҳолда учраши мумкин ёки олдинги даврдаги меҳнат маҳсули, яъни хомашё бўлиши мумкин. Масалан, табиатда ўсиб турган турли хил ўсимликлар, дарахтлар, ўрмонлар, ер ости бойликлари ва бошқалар табиатда тайёр учрайдиган меҳнат предмети бўлса, қазиб олинган темир, мис, кўрғошин, нефт, ишлаб чиқарилган пахта ғалла сут каби маҳсулотлар инсон меҳнати ишловидан ишловидан ўтган хомашёлардир.


Меҳнат қуроллари ва меҳнат предметлари биргаликда

ишлаб чиқариш воситалари деб юритилади. Бу эса меҳнат жараёнининг табиатидан келиб чиқади; шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш воситалари барча ижтимоий-иқтисодий тизимлар, инсоният тараққиётининг ҳамма босқичлари учун хосдир.

Ишлаб чиқариш омиллари инсоният тараққиётининг ҳамма босқичлари учун умумий бўлсада, бу омилларга турли адабиётларда турлича таъриф берилади. Жумладан, «Сиёсий иқтисод» дарсликларида ишлаб чиқаришнинг икки омили: моддий ва шахсий омиллари мавжудлиги тан олинади. Бунда меҳнат куrollари ва меҳнат предметларидан иборат ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқаришнинг моддий омилини ташкил этади, ишчи кучи эса унинг шахсий омили деб юритилади. Ҳозирги бозор иқтисодиётига доир кўпчилик адабиётларда эса ишлаб чиқаришнинг тўрт омили: меҳнат, капитал, ер, тадбиркорлик қобилияти тан олинади.

Бу ерда ишчи кучи билан меҳнат ўртасидаги фарқни англаб олиш жуда муҳимдир. Чунки, **меҳнат инсоннинг, тўғрироғи ишчи кучининг маълум мақсадга қаратилган фаолияти жараёни бўлиб, ишчи кучи тушунчасидан тамомила фарқланади.** Кўпгина адабиётларда эса уларга синоним (бир хил тушунча) сифатида қаралиб, бундай ҳолат кўплаб чалкашликларни келтириб чиқаради. Бизга маълумки, **ишчи кучи инсоннинг меҳнатга бўлган ақлий ва жисмоний қобилиятларининг йиғиндисидир.** Меҳнат эса барча омилларнинг биргалликдаги ҳаракати ишчи кучининг ишлаб чиқариш воситалари билан қўшилиши натижасида содир бўладиган ва маълум самара олишга қаратилган фаолиятдир.

Шунинг учун биз меҳнат деган тушунчани эмас, балки ишчи кучи деган тушунчани ишлаб чиқаришнинг омили деб биламиз ва ишлаб чиқариш омиллари ишчи кучи, капитал, табиат каби уч омилдан иборат деб таъкидлаймиз (3.4-расм).



3.4-расм. Ишлаб чиқариш омилларининг туркумланиши

Ишчи кучи инсоннинг меҳнатга бўлган ақлий ва жисмоний қобилиятларининг йиғиндиси бўлганлиги учун бозор иқтисодиёти даврида инсон эмас, меҳнат жараёни ҳам эмас, балки ишчи кучи товар сифатида сотилади ва сотиб олинади. Ишчи кучининг бошқа товарлар каби қиймати ва нафлилиги мавжуддир ва бинобарин, унинг бозори ҳам мавжуд бўлади. Шунинг учун ҳозирги кунда кенг қўлланилаётган меҳнат бозори тушунчаси ўрнига ишчи кучи бозори, меҳнат ресурслари ўрнига ишчи кучи ресурслари дейилса тўғри ва тушунарли бўлар эди.

Капитал тушунчаси ҳам турли адабиётларда турлича талқин қилинади. Кўпчилик капитал тушунчасини тарихий тушунча деб қараб, унинг капитализмга хослигини исботлайди ва капитални ўз эгасига қўшимча қиймат келтирувчи қиймат, ўз-ўзидан кўпаювчи, ўсувчи қиймат деб ҳисоблайди. Айрим ғарб иқтисодчилари ҳам, масалан, Ж.Кларк, Л.Вальрас, И.Фишерлар капиталга даромад келтирувчи, фойда келтирувчи, фоиз келтирувчи қиймат деб қарайдилар.

Қатор ғарб иқтисодчиларининг жумладан, Д.Хайман, П.Хейне, Э.Долон, Ж.Робинсон, Р.Дорнбуш ва бошқаларнинг фикрини келтириб ва уларни умумлаштириб, проф. В.Д.Камаев ўзининг раҳбарлигида ёзилган дарслигида «ҳақиқатдан ҳам — капитал ўзидан ўзи кўпаювчи қиймат»²⁵ деб ёзади. Бундай фикр Д.Д.Москвин, В.Я.Иохин,

²⁵ Қаранг: Экономическая теория: Учеб. для студ. высш. учеб. заведений / Под ред. В.Д.Камаева. – 10-е изд., перераб. и доп. – М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2004. 217-бет.

А.Г.Грязнова, Е.Ф.Борисов ва бошқаларнинг раҳбарлигида нашр этилган қатор иқтисодиёт назарияси китобларида ҳам айтилади. Лекин, Америка ва Европа мамлакатларидан кириб келган «Экономикс» дарсликлари ва бошқа айрим адабиётларда капитални барча ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида қўлланиладиган моддий воситалардан, яъни ҳамма турдаги машиналар, асбоб-ускуналар, иншоотлар, завод-фабрикалар, омборлар, транспорт воситалари ва бошқа шу кабилардан иборат деб кўрсатади, унга пул ва товарни киритмайди. Бундан кўриниб турибдики, айрим иқтисодчилар капиталистик иқтисодий тузумнинг социал моҳиятини очиш учун масалага бир томонлама қараб, ишлаб чиқариш омилларининг қийматига эътиборни кучайтирган. Иқтисодчиларнинг айримлари эса капитални бир томонлама қараб, унинг қиймат тарафини эътиборга олмасдан фақат моддий ашёвий томонини кўрсатадилар ва капитал тушунчасининг тарихийлигини эътибордан четда қолдирадилар. Шунинг учун ҳам улар уни қотиб қолган доимий, ўзгармас тушунча деб ишлаб чиқариш воситаларини (унинг фақат моддий-ашёвий томонини ҳисобга олиб) капитал деб атайдилар. Биз бу капитал тушунчасига бўлган икки томонлама ёндашув усулини қўллаб, уни (капитал тушунчасини) бир танганинг икки томони, бир тушунчанинг, яъни капитал тушунчасининг икки томони борлигини: унинг бир томони моддий ва ашёвий кўриниши, иккинчи томони эса унинг қиймат кўриниши эканлигини эътиборга оламиз ва уни бозор иқтисодиёти шароитида капитал деб ишлатамиз. Биз капитал деганда ёлланма меҳнат томонидан ҳаракатга келтирилиб, ўз эгаларига даромад, фойда келтирадиган, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг ҳамма соҳаларида қўлланиладиган ишлаб чиқариш воситаларини, сотишга тайёр турган товарларни, янги воситалар ва ишчи кучини сотиб олишга мўлжалланган пул маблағларини, уларнинг ашёвий томони ва қийматининг бирлигини тушунамиз. Бошқача қилиб айтганда, «капитал» ҳам қийматга, ҳам нафлиликка

эга бўлган, маълум фойда олиш мақсадида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида фойдаланиладиган, ёлланма ишчи кучи томонидан ҳаракатга келтириладиган воситалардир.

Ҳамма адабиётларда ерга деярли бир хил тушунча берилади, яъни ер деганда тупроқнинг унумли қатлами, ўтлоқлар, яйловлар, сув, ҳаво, ўрмон, қазилма бойликлар, умуман табиий ресурслар тушунилади. Маълумки, кейинги вақтларда куёшдан, шамолдан энергия олинмоқда, ҳаводан фойдаланилмоқда. Шуларни ҳисобга олган ҳолда ер деган сўз ўрнига табиат сўзини ишлатсак тўғри бўлар деб ўйлаймиз.

Бозор иқтисодиёти шароитида катта эътибор бериладиган омиллардан бири тадбиркорлик қобилиятидир. Тадбиркор деб иқтисодий ресурслар, яъни ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучи ресурсларининг, табиий ресурсларнинг бир-бирига қўшилишини таъминлайдиган, ташкилотчи, янгиликка интилувчи, ташаббускор, иқтисодий ва бошқа хавфдан, жавобгарликдан кўркмайдиган кишиларга айтилади; бу хислатлар мажмуи эса тадбиркорлик қобилияти деб юритилади. Ҳозирги даврда айрим адабиётларда ахборот ва унинг воситаларини, экологияни ҳам алоҳида омил деб кўрсатадилар. Бизнинг фикримизча, улар табиат ва капитал омилларида ўз ифодасини топади. Шунинг учун уларни алоҳида омил деб қарашга ҳожат йўқ.

Ишлаб чиқариш омиллари ҳеч қачон бир жойда қотиб турмайди, балки у доимо сифат жиҳатидан ривожланиб, миқдор жиҳатидан ўсиб боради. Ишлаб чиқариш воситалари ҳам, ишчи кучи ҳам доимо ҳаракатда, ривожланишда бўлади. Илгариги оддий белкурак, кетмон, омоч-бўйинтириқ, болға ва болтага асосланган ишлаб чиқаришдан ҳозирги замон механизациялашган, автоматлашган, компьютерлашган, роботлашган ишлаб чиқаришгача келиш фикримизнинг далилидир.

Ишлаб чиқариш жараёнининг содир бўлиши учун унинг

омиллари билан бир қаторда инфратузилмаси маълум даражада ривожланган бўлиши зарур. Чунки, шу инфратузилма бўлмаган, ривожланмаган жойда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг кўпгина турларини амалга ошириб бўлмайди. Масалан, табиат, ишчи кучи, капитал бор бўлса, электр энергияси, газ, сув ва йўл бўлмаса ишлаб чиқаришни бошлаб бўлмайди. Шунинг учун улар бир-бирига мос равишда ривожланиб бориши зарур.

Миллий иқтисодиётнинг тараққий этишида ишлаб чиқариш инфратузилмасининг роли ҳисобга олинган ҳолда унинг иқтисодий категория сифатидаги мазмун-моҳиятини чуқурроқ тушунишни ҳамда ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашдаги ўрнини аниқлаб олишни тақозо этади.

“Инфратузилма” тушунчаси латинча “infra” – қуйи, ости ва “structura” – тузилма сўзларидан пайдо бўлган (яъни, “остки тузилма” ёки “қўшимча” маъносида талқин қилиш мумкин). XX аср бошларида бу атама орқали қуролли кучларнинг ҳаракатини таъминловчи фронт орти иншоотлар мажмуи ифодаланган (моддий воситалар омборлари, ҳарбий базалар, полигонлар ва ҳ.к.). 40-йилларнинг ўрталаридан бошлаб мазкур тушунча ғарб иқтисодий фанига, кейин эса амалий иқтисодиётга кириб келди. У орқали саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига хизмат қилувчи хўжалик тармоқлари мажмуи тушунилади бошланди²⁶.

Юқоридаги бир қатор фикр-мулоҳазалардан хулоса қилиш мумкинки, **ишлаб чиқариш инфратузилмаси деганда асосий ишлаб чиқариш соҳасига хизмат қилувчи, яъни ижтимоий ишлаб чиқаришнинг нормал амал қилиши учун зарур бўлган умумий шарт-шароитларни яратувчи ва таъминловчи объектлар мажмуини тушунилади.**

Бундан кўринадики, ишлаб чиқариш инфратузилмасининг табиати асосий ишлаб чиқаришга ёрдамчи хизматлар

²⁶ Комаров М.П. Инфраструктура регионов мира. – М., 2006. – С.20.

кўрсатувчи субъектларни мунтазам ажратиб бориш ҳамда тармоқдаги алоҳида корхоналар кўринишида ташкил этиш орқали намоён бўлади. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси корхоналари асосий ишлаб чиқаришга нисбатан иккиламчи даражани намоён этиб, ўз тараққиётида доимо товар ишлаб чиқарувчиларнинг эҳтиёжларига йўналтирилган бўлади. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси иқтисодий тизимда такрор ишлаб чиқариш барча фазаларининг (ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш ва истеъмол) бирлигини, унинг узлуксиз амал қилишини таъминлаб, иқтисодий тизим амал қилиши ва ривожланишининг бевосита ва мажбурий шартларидан бирига айланади.


Ишлаб чиқариш жараёни ва унинг инфратузилмасининг бир-бири билан боғлиқлигини ва ўзаро таъсирини куйида ифода этиш мумкин (3.5-расм).

Миллий иқтисодийetni модернизациялаш ва диверсификациялаш, унинг мутаносиб ва барқарор ўсишини таъминлаш кўп жihatдан ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ривожланганлик даражасига боғлиқ.

Мана шу сабабларга кўра, иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида умуман инфратузилмани, хусусан ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Шунга кўра, кейинги йилларда Ўзбекистонда ишлаб чиқариш инфратузилмасини, транспорт ва коммуникация қурилишини комплекс ва жадал равишда ривожлантириш ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналиши сифатида қаралмоқда. Жумладан, замонавий ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантиришни таъминлаш, шу асосда иқтисодийetni изчил ва барқарор юксалтириш учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 21 декабрда “2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-1446-сон Қарори билан

маъқулланган “2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги Дастури қабул қилинди.



3.5-расм. Ишлаб чиқариш омиллари ва унинг инфратузилмасининг бир-бири билан боғлиқлиги ва ўзаро таъсири

Таъкидлаш жоизки, бу дастурни амалга ошириш мақсадида 85 та инвестиция лойиҳасини жорий этиш ва бу ишларга барча манбалар ҳисобидан қарийб 7 миллиард доллар йўналтириш мўлжалланган бўлиб, улар тез суръатлар билан амалга оширилди. Бу чора-тадбирларнинг барчаси пировардида мамлакатимиз иқтисодиётининг жадал суръатлар билан ўсиши учун замин яратади.

Ҳозирги даврда мамлакатимиз Президенти ва ҳукумати томонидан иқтисодийни жадал ривожлантириш, уни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида мазкур йўналишга яъни ишлаб чиқариш инфратузилмасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясида “Йўл-транспорт ва коммуникация қурилишини янада ривожлантириш, иқтисодий-ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш”²⁷ вазифалари белгиланган. Бундай алоҳида эътиборнинг бир қатор сабаблари бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1) инфратузилмани ривожлантириш янги корхоналарни жойлаштириш ва бутун иқтисодийни тараққий эттириш учун зарур қулай шарт-шароитлар яратиши, мамлакатимизнинг турли минтақа ва ҳудудларида мавжуд бўлган бой минерал-хомашё ресурсларини ўзлаштириш имкониятларини кенгайтириши;

2) ишлаб чиқариш инфратузилмаси ишлаб чиқаришдаги умумий харажатларни камайтиришнинг муҳим шарти ва омили ҳисобланиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва бутун иқтисодийтимизнинг рақобатбардошлигини ошириши;

3) ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аҳолини тоза ичимлик суви, энергия билан таъминлаш, ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш, пировард натижада аҳолининг турмуш даражасини оширишга хизмат қилиши;

4) инфратузилмани ривожлантириш кўп меҳнат талаб қиладиган кенг кўламли соҳа ҳисобланиб, янги иш ўринларини ташкил этиш, ишчи кучи бандлигини таъминлаш, аҳоли даромадлари ва фаровонлигини ошириш имконини бериши ва ҳ.к.

Ҳозирги вақтда ишлаб чиқариш инфратузилмасининг айрим турлари ва йўналишларини жадал ривожлантириш

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, ПФ-4947-сонли Фармони.

бўйича белгиланган вазифалар ва уларнинг бажарилиши ҳақидаги айрим жараёнларни келтириб ўтамиз.

Иқтисодиётнинг умумий ривож, аҳоли барча қатламларининг ҳаёт сифати йўл хўжалиги тизимининг самарали фаолият кўрсатишига боғлиқ. Мамлакатимизда кўп йиллардан бери умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари бошқариш тизими, автомобиль йўллари сақлаш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш ишларига йўналтирилаётган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигининг пастлиги ҳамда ана шу йўлларнинг бугунги кундаги ҳолати билан боғлиқ бир қатор муаммолар ҳал этилмасдан қолаётган эди. Мамлакатимизда автомобиль йўллари тармоғи бўйича юзага келган ҳақиқий ҳолат ва ривожланиш даражаси йўл хўжалигининг барча йўналишига доир аниқ ва самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқишни, автомобиль йўллари бошқаришда ҳамда иқтисодиёт ва аҳоли эҳтиёжларига мувофиқ республикамизда йўл тармоғи ҳолатини сифат жиҳатидан ўзгартиришга қаратилган кўшимча чоралар қабул қилишни тақозо этиб турган эди.

Президентимизнинг 2017 йил 14 февралдаги “Йўл хўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат-акциядорлик компанияси (“Ўзавтойўл” ДАК) тугатилиб, унинг негизда Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ташкил этилди, қўмитанинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари белгиланди.

Фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Йўл-қурилиш ишларининг сифати устидан назорат олиб борадиган Давлат инспекцияси ташкил этилди. Мазкур Давлат инспекцияси юридик ва жисмоний шахслар томонидан йўл қурилиши ишларида, йўл-қурилиш материаллари, маҳсулотлар ва конструкцияларни ишлаб чиқаришда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилишини назорат

қилади. Қурилиши тугалланган йўл объектларини фойдаланишга қабул қилиш бўйича комиссиялар ишида қатнашади. Йўл қурилиши бўйича шаҳарсозлик қонунчилигига риоя қилиниши устидан назорат қилишни ташкил этиш борасида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида норматив ҳужжатларни такомиллаштиришга доир таклифлар киритиш ва унда иштирақ этади. Йўл-қурилиш материаллари, маҳсулотлар ва конструкцияларни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш ишларини олиб боради. Шунингдек, фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсундирилиб, унинг асосий вазифалари белгиланди.

Мамлакатимиздаги минтақавий автомобиль йўлларининг йўл қопламалари ҳолатини зарур даражага келтириш ва уларни эксплуатация қилиш хусусиятларини ошириш орқали йўл-транспорт инфратузилмасини янада такомиллаштириш, аҳолининг ҳаёт фаолияти учун, айниқса, қишлоқ жойларда қулай шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларини ва ҳудудларини истиқболли ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2018 йилларда минтақавий автомобиль йўлларини ривожлантириш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур дастурга мувофиқ 2017-2018 йилларда 5454 километр (2017 йилда – 2700 километр, 2018 йилда – 2754 километр) хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқ ва овулларнинг кўчаларини капитал ва жорий таъмирланади. Хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқ ва овулларнинг кўчаларини жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун минтақавий йўлларни таъмирлашга ихтисослаштирилган ташкилотлар 330 та йўл техникаси билан таъминланади. Мавжуд республика хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқ ва овуллар

кўчаларини босқичма-босқич хатловдан ўтказиш ва уларни паспортлаштириш, бу борадаги ишлар натижалари бўйича электрон маълумотлар базаси яратилмоқда.

Шу билан бирга, Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 295 километр, Андижон вилояти бўйича – 324 километр, Бухоро вилояти бўйича – 439 километр, Жиззах вилояти бўйича – 222 километр, Қашқадарё вилояти бўйича – 679 километр, Навоий вилояти бўйича – 216 километр, Наманган вилояти бўйича – 309 километр, Самарқанд вилояти бўйича – 479 километр, Сурхондарё вилояти бўйича – 535 километр, Сирдарё вилояти бўйича – 267 километр, Тошкент вилояти бўйича – 516 километр, Фарғона вилояти бўйича – 520 километр, Хоразм вилояти бўйича – 321 километр ва Тошкент шаҳри бўйича – 332 километр йўллар ва кўчаларни таъмирлаш назарда тутилган.

Ушбу вазифаларнинг амалга оширилиши натижасида, аввало, йўл хўжалигини бошқариш тизими такомиллаштирилиб, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг замонавий тармоғи янада ривожлантирилади. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш ишларига йўналтирилаётган маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги оширилади. Буларнинг барчаси иқтисодиётимиз ривожига, шаҳар ва қишлоқларимизни янада обод қилиш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтиришга хизмат қилади.

Ундан ташқари Президентимизнинг 2017 йил 19 майдаги қарори билан “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг пойтахтимиз атрофини тўлиқ қамраб олувчи темир йўл линиясини қуриш ҳамда йўловчи поездлар қатновини йўлга қўйиш лойиҳасини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тасдиқланди. Мазкур темир йўл шаҳар транспорт-коммуникациясини такомиллаштириш, экология, мусавфолигини таъминлаш, аҳолига қўшимча қулайлик яратиши билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Қолаверса, у пойтахтда бунёд этилаётган йўлсозлик ишлари билан

ҳамоҳанг олиб борилади. Автомобиль ҳалқа йўли бўйлаб бунёд этиладиган линиянинг бир тарафлама узунлиги 71 километру 200 метрни, жами узунлиги эса қарийб 145 километрни ташкил қилади.

“Boshtransloyiha” акциядорлик жамияти мутахассислари хорижнинг илғор тажрибасини пухта ўрганган ҳолда тайёрлаган лойиҳада ҳаракат хавфсизлигига алоҳида эътибор қаратилган. Электрлаштирилган янги темир йўлда 26 та тўхташ пункти бунёд этилади. У Бўзсув, Салар каналлари устидан ўтиши сабабли 70 та икки томонлама кўприк ва йўлўтказгичларни ўз ичига қамраб олади ҳамда улар поездларнинг хавфсиз ҳаракатланишига мослаштирилади. Шунингдек, лойиҳа доирасида бир нечта электр узатиш станциялари, Яшнобод туманида эса электропоездларга хизмат кўрсатувчи депо қурилади. Ҳар бир тўхташ пункти транспорт инфратузилмасига мос равишда қад ростлайди. Яъни уларда кутиш ҳудуди, махсус айвонлар барпо этилиши баробарида, бошқа зарур хизматлар ҳам ташкил қилинади. Тўхташ пунктлари томонлари 5 та вагонга мўлжалланган 120 метр узунликдаги платформа билан таъминланади. Лойиҳа амалиётга киритилгач, тирбандлик туфайли юзага келадиган кўплаб ноқулайликларнинг олди олинади. Яъни у нафақат шаҳар ичидаги транспорт воситалари ҳаракатини енгиллаштиради, балки пойтахт аҳолиси ва меҳмонлари масофасини ҳам қисқартиради.

Шунингдек, 2017 йилда «Қарши-Термиз» темир йўл линиясини электрлаштириш, «Бухоро-Мискин» янги темир йўл линиясини қуриш ишлари бажарилмоқда. 2017-2019 йилларда Поп-Наманган-Андижон темир йўл участкаси электрлаштирилади, темир йўллар қайта тикланади, йўловчи вагонлар таркиби янгиланади.

Ҳозирги даврда ишлаб чиқариш инфратузилмасининг муҳим йўналишларидан бири ахборот ва коммуникациялар тармоғидир.

Халқаро иқтисодий ташкилотлар томонидан ўтказилган

Ўрганиш натижаларига кўра, ҳозирги пайтда дунёда ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) инновацияларнинг ривожланишида, мамлакатнинг ишлаб чиқариш ва рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодий диверсификация қилиш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда аҳолининг ҳаёт даражасини оширишда муҳим ўрин тутди. Бугунги кунда АКТнинг ривожланиш ҳолати ва мамлакатнинг иқтисодий барқарорлиги ўртасидаги боғлиқлик илмий жиҳатдан исботланган бўлиб, кўпчиликка маълум.

Мамлакатимизда сўнги йилларда АКТни барча ижтимоий-иқтисодий тармоқларга, жумладан давлат бошқаруви ҳамда давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида жорий қилиш бўйича босқичма-босқич ислохотлар амалга оширилди. Бу ўз ўрнида мамлакатимизда электрон ҳукумат тизимини жорий қилишда сезиларли натижаларга эришиш имконини берди. Жумладан, АКТни кенг қўллаш натижасида халқ билан давлат ўртасида алоқа ўрнатишнинг самарали тизими жорий қилинди.

Бироқ аксарият ривожланган давлатларга таққослаганда Ўзбекистонда ахборот технологияларининг бугунги ҳолати, уларни иқтисодий соҳасига жорий қилиш, шунингдек экспорт даражаси паст бўлиб қолмоқда, рақобатбардош ахборот технологиялари соҳасини шакллантиришда мамлакатимизнинг илмий-тадқиқот салоҳиятидан тўлиқ фойдаланилмапти. Бу ўз навбатида давлатимизнинг халқаро рейтингига ўз таъсирини кўрсатмоқда. АКТнинг жадал ривожланиши янги имкониятларни очиб берар экан, давлат томонидан кенг кўламли қўллаб-қувватлашни ҳамда республиканинг халқаро АКТ бозоридаги ўрнини кучайтиришни талаб қилади.

Шу боис 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида амалга

оширишга оид Давлат дастурида 2017 йилда мамлакатимиз ҳудудларида 2300 километр оптик толали алоқа линияларини қурилди. Бу ишларга 5,7 миллион доллар йўналтирилди. Натижада, мамлакатимиз аҳолисининг юқори тезликда Интернетга уланиши, мультимедиа ва IP-TV хизматларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилмоқда.

2017-2018 йилларда амалга ошириладиган, 44,7 миллион долларлик Коммутация марказларини IMS технологияси асосида модернизация қилиш лойиҳаси натижасида шаҳарлараро автоматик телефон станциялар сифимлари 17152 та Е1 портга оширилади.

2017 йилдаги яна бир лойиҳа – республика ҳудудларида мобиль алоқа операторларининг 1843 та база станцияларини ўрнатиш ишларига 115,2 миллион доллар йўналтирилмоқда. Бу билан мобиль алоқа операторларининг тармоқлари қамрови ҳудудларини кенгайтиришга эришилади. Шунингдек, бу йилда мамлакатимиз ҳудудларида 66 та юқори қувватли ва 328 та кам қувватли рақамли телевидение узаткичларини ўрнатиш ва ишга тушириш мўлжалланган. Бу лойиҳанинг қиймати 62,5 миллион доллар бўлиб, натижада, халқимизни, шу жумладан, тоғли ва бориш қийин бўлган ҳудудлардаги аҳолини рақамли телевидение билан қамраб олиш даражаси 100 фоизга етказилади.

Президентимизнинг 2017 йил 30 июндаги “Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони бу борадаги ишлар кўламини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган.

Мазкур фармон билан мамлакатимизда биринчи мартаба ахборот технологиялари соҳасида хўжалик юритувчи субъектларни, дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларни бирлаштирадиган Ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишни қўллаб-қувватлаш бўйича «Mirzo Ulugbek Innovation Center» инновация маркази тузилди. Инновация маркази мамлакатимиз ҳудуди доирасида

экстерриториаллик принципи асосида ташкил қилинди, яъни АКТ соҳасидаги корхоналар республикада жойлашган ҳудудидан қатъи назар, Инновация маркази резидентлари бўлиши мумкин. Ушбу тамойил мамлакатда АКТ маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун энг кулай шарт-шароитларни яратишга хизмат қилади.

Фармонга мувофиқ Инновация маркази резидентларига қатор имтиёз ва преференциялар берилди. **Биринчидан**, 2028 йилнинг 1 январигача улар барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни, шунингдек ягона ижтимоий тўловни тўлашдан, белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, ўз эҳтиёжлари учун олиб кирилаётган ускуналар, бутловчи қисмлар, деталлар, узеллар, технологик ҳужжатлар, дастурий таъминот воситалари учун божхона тўловлари тўлашдан (божхона йиғимларидан ташқари), ўзи ишлаб чиқарадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспорт қилишдан тушадиган валюта тушумининг бир қисмини мажбурий сотишдан озод этилди.

Иккинчидан, Инновация маркази резидентларига ўзи ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспорт қилишдан тушган пул маблағлари доирасида ходимларга иш ҳақи ва дивидендларни халқаро тўлов карталарига ўтказиш йўли билан нақд бўлмаган шаклда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳисоб-китобларни чет эл валютасида амалга ошириш, шунингдек экспорт контракти мавжуд бўлмаган ҳолда Интернет тармоғидаги онлайн дўконлар орқали ишлар ва хизматлар экспортини чет эл валютасида амалга ошириш ҳуқуқи берилди. **Учинчидан**, Инновация маркази резидентларининг ходимлари учун кўшимча имтиёзлар, жумладан 2028 йилнинг 1 январига қадар олинган меҳнатга ҳақ тўлаш кўринишидаги даромадлар 7,5 фоиз миқдордаги қатъий белгиланган ставка бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғига, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига 4,5 фоизли ставка бўйича фуқароларнинг

суғурта бадалларига тортилиши кўзда тутилган. Бунда ушбу даромадлар солиқ солиш мақсадида белгиланадиган жисмоний шахсларнинг умумий йиллик даромадлари ҳажмига киритилмаслиги белгилаб қўйилди. Мазкур фармоннинг амалга оширилиши ахборот технологияларининг янада ривожланиши, АКТ соҳасида мутахассисларнинг иштирокини кенгайтириш, илмий-тадқиқот ташкилотларининг ҳамда олий таълим муассасаларининг ишлаб чиқариш билан ҳамкорлигини таъминлаш учун зарур ташкилий-техник ва иқтисодий шарт-шароитларни яратиш, шунингдек мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ошириш имконини беради.

Ҳозирги даврда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ривожлантиришни энергия ва унинг манбаисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Халқаро экспертларнинг фикрича, дунёда муқобил ва қайта тикланадиган энергия манбаларини излаб топиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш, бунда, аввало, қуёш, шамол, тўлқинлар каби қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишга қизиқиш жадал ўсиб бормоқда. Бунинг асосий сабаби – жаҳон иқтисодиётида энергияга бўлган талабнинг йил сайин ортиб бораётганида. Боз устига, табиий газ, нефть, кўмир каби анъанавий табиий ресурслар захиралари кескин камайиб кетмоқда, уларнинг янги манбаларини ўзлаштириш тобора қийинлашмоқда. Бугун энергия ресурслари манбаларига эга давлат наинки чексиз даромад олиш, балки халқаро майдонда ўз мавқеи ва таъсирини ошириш имконига ҳам эга бўлиши ҳеч кимга сир эмас.

Мамлакатимизда жадал ва барқарор ривожланишни таъминлаш мақсадида тикланувчи энергия ресурсларининг барча турларини оммалаштиришга, хусусан, биоэнергия, гидроэнергия, қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланишни кенгайтириш, энергетик хавфсизликни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биринчи Президентимиз Исло

Каримов 2013 йил ноябрда пойтахтимизда бўлиб ўтган Осиё Қуёш энергияси форумининг олтинчи йиғилишидаги нутқида Ўзбекистонда қуёш энергиясининг ялпи салоҳияти 51 миллиард тонна нефть эквивалентидан ортиқ эканини, ана шу ресурслар ҳисобидан мамлакатимизда истеъмол қилинадиган электр энергиясидан 40 баробар кўп ҳажмдаги электр энергияси ишлаб чиқариш мумкинлигини таъкидлаганди.

Ўтган йиллар давомида бу борада кенг қамровли лойиҳалар амалга оширилди. Хусусан, мамлакатимиз Президентининг 2013 йил 1 мартдаги “Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, 2015 йил 5 майдаги “2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан энергия самарадорлиги ва энергиянинг қайта тикланувчи манбаларини ривожлантириш масалалари бўйича республика комиссияси ташкил этилди, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги таркибида республика комиссиясининг ишчи органи сифатида энергия самарадорлигини ошириш бўлими ташкил этилди. Тошкент шаҳрида Қуёш энергияси халқаро институти фаолият кўрсата бошлади.

Ўзбекистон қайта тикланадиган энергия манбаларининг мураккаб илмий асос талаб этиши ва қимматлигига қарамай, ушбу энергия турларини ривожлантиришга жиддий киришган. 2016 йилнинг апрель ойида Ўзбекистонда МДХ худудидаги биринчи энг йирик деб эълон қилинган қуёш электр станцияси ишга туширилди. 1,2 мегаватт қувватга эга мобиль қуёш электр станцияси Бирлашган Араб Амирликларининг ENESOL компанияси ёрдамида барпо этилди ва ишга туширилди. Янги станция Бухоро вилоятининг Қандим туманидаги Россиянинг “Лукойл” компаниясига тегишли газ конлари ва қурилиш объектларини электр энергияси билан таъминлаши зарур. Қуёш

станциясининг қуввати 1,5 минг нафар киши истиқомат қиладиган аҳоли пунктини узлуксиз энергия билан таъминлайди.

Шу билан бирга, ҳозирги кунда муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни жадал ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган бир қатор ўз ечимини кутаётган масалалар мавжуд. Хусусан, мамлакатимиз ҳудудларида қайта тикланувчи энергия манбалари энергиясидан фойдаланиш бўйича захиралар тўлалигича ишга солинмагани улар бўйича ҳудудий манзилли дастурлар ишлаб чиқилиши заруратни юзага келтирди. 2030 йилга бориб 2016 йилга нисбатан ялпи ички маҳсулотнинг энергия сиғимини икки баробарга қисқартириш бўйича қўйилган топшириқларни ҳисобга олган ҳолда, корхона ва ташкилотларга энергия сарфи ҳажмини қисқартириш бўйича аниқ мақсадли параметрларни белгилаш ҳам кун тартибидаги масаладир.

Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 26 майда “2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ иккита вазифани ҳал этиш орқали иқтисодиётни энергия ресурслари билан таъминлаш назарда тутилмоқда.

Биринчи вазифа – қайта тикланувчи энергия ресурсларидан кенг фойдаланиш орқали ёқилғи балансини диверсификациялаш бўлиб, бунда анъанавий ёқилғи турлари қайта тикланадиган энергия турларига алмаштирилиши ҳисобига уларнинг электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқаришдаги ҳиссасини камайтиришга эришилади.

Иккинчи вазифа – иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқаришнинг энергия сиғимини қисқартиришнинг узоқ муддатли дастурини амалга ошириш бўлиб бунга sanoat фаолияти ҳудудларининг экологик ҳолатини яхшилаш орқали эришилади.

Яқин истикболда устувор вазифа сифатида иқтисодиётнинг энергия ва ресурс сифimini қисқартириш, ишлаб чиқаришга энергияни тежайдиган технологияларни кенг жорий қилиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, меҳнат самарадорлигини ошириш кўзда тутилмоқда. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан жадал фойдаланиш бўйича комплекс чоратадбирларни амалга ошириш иссиқлик ва электр энергияси каби энергиянинг sanoat турларини олишни таъминлашга йўналтирилган бўлиб, бу углеводородларнинг ўрнини босишга ва уларни юқори ликвидли маҳсулотлар, хусусан, полимерлар, ёқилғининг синтетик турларини ишлаб чиқаришга йўналтириш имконини беради.

Қарор билан қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантиришнинг мақсадли параметрлари тасдиқланди. Бунда 2025 йилга келиб электр энергиясини ишлаб чиқариш қувватлари таркибида қайта тикланувчи энергия манбаларининг ҳиссасини 12,7 фоиздан 19,7 фоизга (жумладан, гидроэлектростанциялар бўйича 12,7 фоиздан 15,8 фоизга, куёш энергетикаси бўйича 2,3 фоизга, шамол энергетикаси бўйича 1,6 фоизга) етказиш кўзда тутилмоқда. Қайта тикланувчи энергетикани ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларининг рўйхати шакллантирилди. Бунга кўра 2017-2025 йилларда умумий қиймати 5,3 миллиард доллар бўлган 810 лойиҳа амалга оширилади.

2017-2021 йилларда иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳада қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш ва энергия самарадорлигини ошириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, манзилли дастурлар ишлаб чиқиш ва бошқа устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича 28 та чора-тадбир кўзда тутилган. Шу даврда иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқаришнинг энергия сарф ҳажмини қисқартиришнинг мақсадли параметрлари, бунда 25 та йирик ташкилот ва корхона бўйича sanoat маҳсулотлари (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришда

энергия сарфининг солиштирма нормаларини қисқартиришнинг прогноз кўрсаткичлари белгиланган.

2017-2021 йилларда бюджет ташкилотларида энергия истеъмоли жиҳатидан самарадор иситиш қозонларини жорий қилиш жадвалига кўра, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 6333 та бюджет ташкилотининг 17251 та иситиш қозонини алмаштириш кўзда тутилган. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг сув хўжалиги ташкилотлари насос станцияларида энергия истеъмоли жиҳатидан самарадор насослар ва электродвигателларни жорий қилиш графиги, бунда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг сув хўжалиги ташкилотларида 879 та насос ва 1523 та электродвигателни алмаштириш режалаштирилган. Ушбу ишларни молиялаштириш учун 2017-2021 йилларда давлат бюджетидан 314,1 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 1 июнда қабул қилинган “Қайта тикланувчи энергия бўйича Халқаро агентлик Уставини (Бонн, 2009 йил 26 январь) ратификация қилиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни бу борадаги ишларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлади. Мазкур қонун мамлакатнинг хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан муносабатларни янги стратегик босқичга олиб чиқишга, кенг қамровли ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш, янги бозорларни ўзлаштириш, шунингдек, энергия тежовчи технологияларни ва қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш борасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Мамлакатимиз энергетика стратегиясининг муҳим вазифаларидан бири— энергия тежамкорлигини рағбатлантириш ҳисобланади. Бугунги кунда ёритиш тизимларида чўгланма лампалардан фойдаланиш аста-секин

тўхтатилиб, люминесцент ёки светодиод лампалардан фойдаланишга ўтилмоқда. Чўғланма лампалардан фойдаланиш – энергия тежамкорлик нуқтаи-назаридан бугун самарасиз амалиёт ҳисобланади. Чунки уларнинг фойдали иш коэффициентлари 5 фоиздан камроқни ташкил этади. Бу электр энергиясининг 95 фоизи иссиқликка, фақатгина 5 фоизи ёритишга сарфланишини англатади. Норматив бўйича ишлаш муддати 1 минг соатга яқин.

Энергия тежайдиган лампаларнинг ишлаш давомийлиги чўғланма лампаларга нисбатан 10 баробарга кўпроқ бўлиб, ёруғлик самарадорлиги 4-5 баробар юқори. Агар ёритиш ускуналарининг энергия самарадорлиги кўрсаткичи чўғланма лампаларда 1 ватт электр қувватига 13 люмен/ваттдан кам бўлмаган миқдорни ташкил этса, люминесцент лампаларда 65 люмен/ваттни, светодиод лампаларда 110 люмен/ваттни ташкил этади.

Бугун «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти таркибидаги «EGL-NUR» Ўзбекистон – Жанубий Корея қўшма корхонасида ойига бир неча турдаги 200 минг дона светодиод лампа ва 1000 дона ёритгич ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу тежамкор лампалардан фойдаланиш муддати 30 минг соатдан ортиқ. Бу оддий чўғланма лампадан 30 баробар кўп дегани. Оддий чўғланма лампага нисбатан 9-10 баробар кам энергия сарфлайди. Светодиод лампалар ҳисобидан хонадонларда энергия сарфи бир неча баробар камаймоқда. Бу аҳоли турмуш даражасини яхшилаш билан бирга, мамлакатимиз иқтисодий тараққиётига ҳам хизмат қилади.

Ўзбекистон – гидроэнергетика ресурсларига бой мамлакат. Бу борада республикада ўзлаштирилиши мумкин бўлган гидроэнергетика ресурслари йилига 27,4 миллиард киловатт/соат электроэнергия ишлаб чиқариш ҳажмига тенглигини айтишнинг ўзи kifоя. Шу билан бирга, ҳозирда мамлакатимиз гидроэнергетика салоҳиятининг атиги 6,5 миллиард киловатт/соати ёки 23,7 фоизи ўзлаштирилган, холос.

Гидроэнергетика ресурслари табиий, экологик тоза ва қайта тикланувчи энергия манбаи бўлгани сабабли улардан фойдаланишни хар томонлама кенгайтириш республикамизнинг замонавий тараққиёт стратегиясига мосдир. Бу саноат ва коммунал корхоналари, қишлоқ хўжалиги ва ҳудудларда аҳолининг электр энергиясига бўлган ошиб бораётган эҳтиёжини кафолатли қоплашни, мамлакатимиздаги органик ёқилғи захираларидан оқилона фойдаланиш ва уларни тежашни, шунингдек, атроф-муҳитга зарарли чиқиндилар чиқарилиши камайтирилишини таъминлайди.

Президентимизнинг 2017 йил 2 майдаги қарори билан 2017-2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тасдиқланди. Мазкур дастур республикамизнинг гидроэнергетика салоҳиятидан самарали фойдаланиш, электр энергия ишлаб чиқариш таркибида қайта тикланувчи гидроэнергетик ресурслар улушини ошириш имконини беради. Янги экологик тоза ишлаб чиқариш қувватларини яратиш ҳамда мавжуд гидроэлектростанцияларни техник ва технологик қайта жиҳозлашга хизмат қилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон гидроэнергетика соҳаси 36 та гидроэлектростанцияларни ўз ичига олади. Улардан 25 таси қирқ-саксон йил муқаддам ишга туширилган ва ўзининг техник ресурсларини деярли ўтаб бўлган, асбоб-ускуналар ва иншоотлар модернизация ва реконструкцияга муҳтождир. Қолаверса, гидроэлектростанцияларнинг йилига ўртача 5,2 миллиард килловатт/соат электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга 28 таси “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамияти тизимига кирса, йилига ўртача 1,3 миллиард килловатт/соат электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга 8 та гидроэлектростанция Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги «Ўзсувэнерго» бирлашмаси тасарруфида эди. Бу каби бўлиниш пировардида гидроэнергетика соҳасини техник бошқаришнинг зарурий яхлитлигини

таъминламаслиги табиий.

Шу боис бу борадаги долзарб муаммоларни ҳал қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 майдаги фармони билан “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамияти таркибига кирган ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг “Ўзсувэнерго” бирлашмасига қарашли бўлган барча гидроэлектростанцияларни бирлаштирувчи “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти ташкил этилди.

Буларнинг натижасида республикамызда мавжуд барча гидроэлектростанцияларнинг моддий-техник базасини ва уларга хизмат кўрсатувчи қурилиш, монтаж, таъмирлаш, созлаш, илмий-лойиҳалаштириш ташкилотларини ягона гидроэнергетика соҳасига бирлаштириш имкони пайдо бўлди. Натижада, электр энергиясини ишлаб чиқариш тартиби мувофиқлаштирилиб, гидроэлектростанцияларнинг асбоб-ускуналари ва иншоотларидан кўп йиллик хавфсиз фойдаланиш стратегияси амалга оширилади. Бу чоратадбирлар мавжуд табиий салоҳият ва атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабат орқали республикамызда сув ва энергетика манбалари комплекс ўзлаштирилишини таъминлаш, энергетика, сув хўжалиги, ирригация, ичимлик суви ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш манфаатлари йўлида улардан оқилона фойдаланишга хизмат қилади. Энг муҳими, мазкур амалий ишлар мамлакатимизнинг энергетика мустақиллигини кучайтириш, мавжуд гидроэлектростанциялардан самарали ва хавфсиз фойдаланиш, юқори маневрли ва самарали янги электр энергияси ишлаб чиқариш ташкилотларини яратиш орқали Ўзбекистонда ягона гидроэнергетика соҳасини яратиш йўлида улкан қадам ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида атом энергетикасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизда атом энергиясидан фойдаланишни тартибга

солишга қаратилган.

Шунга кўра мамлакатимизда, Ўзбекистон, Россия ва Халқаро атом энергияси агентлиги ҳамкорликда умумий қуввати 2400 МВт бўлган атом электр станцияси (АЭС)ни қуриш келишиб олинди.

Халқаро энергетика агентлиги атом саноатининг Европа Иттифоқи иқтисодиётига қандай таъсир кўрсатаётгани ва 2050 йилга бориб, бу борадаги вазият қандай бўлишини ўрганиш мақсадида “Deloitte” компанияси томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига таяниб маълум қилишча, Европа атом саноати жами бўлиб Европа Иттифоқиға аъзо мамлакатларда 1,1 млн иш ўрни яратган ва унинг Иттифоқ ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси 500 млрд еврони ташкил этмоқда.

“Deloitte” таҳлил компанияси томонидан Европа атом форуми (Foratom) сўрови асосида ўтказилган тадқиқот натижасидан маълум бўлишча, атом электр станциясининг ҳар бир гигаватт қуввати атом саноати ва иқтисодиётнинг тегишли тармоқларига йилига 10 миллион евро миқдорида сармоя жалб этиш билан бирга, қарийб 10 минг кишини иш билан таъминлайди ва Европа Иттифоқи ялпи ички маҳсулотига 4,3 миллиард евро миқдорида ҳисса қўшади.

Таққослаш учун, шамол энергетикаси (160 ГВт қувватга тенг бўлгани) 250 мингдан зиёд иш ўрни яратади ва ялпи ички маҳсулотда унинг ҳиссаси 36 миллиард еврони ташкил этади, 100 ГВт қувватга эга қуёш энергияси эса 80 мингдан ортиқ иш ўрни яратади.

Шундай қилиб ишлаб чиқариш омиллари ҳам унинг инфратузилмаси ҳам бир жойда қотиб турмайди, балки доимо ривожланишда бўлади. Айниқса, ҳозирги даврда уларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, тез ривожлантирилмоқда ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ривожлантиришга база яратилмоқда.

3.3. Моддий ишлаб чиқариш жараёни ва унда қўшимча маҳсулотнинг яратилиши

Жамиятнинг иқтисодий асосини, инсон ҳаётий фаолиятининг манбаини тушуниш учун ишлаб чиқариш жараёнининг мазмунини билиш зарур.

Ишлаб чиқариш жараёни – бу кишилик жамиятининг яшаши ва ривожланиши учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматларни яратишга қаратилган мақсадга мувофиқ фаолиятдир. Моддий ва маънавий неъматлар яратиш, турли хизматлар кўрсатиш жараёни кишилар иқтисодий фаолиятининг асосий томонидир.

Маълумки, ҳар қандай ишлаб чиқариш, биринчи навбатда, меҳнат жараёнидир ёки бошқача қилиб айтганда, табиатдаги бор нарсаларнинг кўринишини ўзгартириб, ўзининг истеъмоли учун мувофиқ ҳолга келтириш учун қилинган меҳнат фаолиятдан иборатдир. Масалан, кишилар табиатда мавжуд бўлган ердан фойдаланиб турли хил деҳқончилик, чорвачилик маҳсулотларини етиштирадилар. Ўрмонлардаги дарахтлардан фойдаланиб, уларнинг шаклини ўзгартириб, турли хил ёғоч буюмлар ясайдилар, уйлар курадилар. Ер бағрида (конларда) мавжуд бўлган турли рудалар (темир, мис, рух, қўрғошин ва ҳ.к.), минерал хомашёлардан фойдаланиб, ўзлари учун зарур истеъмол буюмлари, ишлаб чиқариш воситалари яратадилар. Ана шу меҳнат жараёнида кишилар, энг аввало, табиат билан, унинг кучлари ва ашёлари билан ҳамда ўзаро бир-бирлари билан маълум муносабатда бўладилар.

Мамлакатимиз биринчи Президенти И.Каримов таъкидлаганларидек, “хомашёни жаҳон бозорида талаб катта бўлган маҳсулотга айлантириш учун қайта ишлашнинг 3-4 босқичли тизимига ўтишимиз зарур. Бу тизимнинг маъномоҳияти шундан иборатки, у биринчи босқичда хомашёни дастлабки қайта ишлаш, яъни ярим фабрикатлар тайёрлаш, кейинги босқичда саноат асосида ишлаб чиқариш учун тайёр


материалларга айлантириш, **учинчи, якуний босқичда эса истеъмол учун тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни назарда тутди.**

Бу борадаги дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ҳар бир турдаги бирламчи хомашё, яъни ярим фабрикатларни чуқур қайта ишлашдан тортиб, уни истеъмол учун тайёр маҳсулотга айлантиришгача бўлган якуний босқичга қадар бутун ишлаб чиқариш жараёнини кузатиб бориш зарурати пайдо бўлмоқда”²⁸

Кишилар ўзларининг онгли, мақсадга мувофиқ унумли меҳнати билан табиат моддаларининг шакллариини ўзгартирадилар ва истеъмол учун зарур бўлган маҳсулотни вужудга келтирадилар. Меҳнат жараёнида кишилар ҳамда табиат ўртасидаги моддалар алмашинуви билан бирга инсоннинг ўзи ҳам ҳар томонлама камол топиб боради, яъни кишилар ўзининг меҳнатга бўлган қобилиятини, билимини оширади ва уларни амалда қўллашни кенгайтириб боради. Шундай қилиб, ишлаб чиқариш жараёни истеъмол қийматларни вужудга келтириш учун мақсадга мувофиқ қилинадиган ҳаракатдир, табиат яратган нарсаларни инсон истеъмоли учун ўзлаштириб олишдир, инсон билан табиат ўртасидаги модда алмашувининг умумий шартидир, инсон ҳаётининг абадий табиий шароитидир.

Ишлаб чиқаришнинг **таркибий тузилиши** муҳим аҳамият касб этиб, у турли соҳалар, бўлинмалар, яратилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматлар турларини ифодалайди. Энг аввало, ишлаб чиқаришни моддий ишлаб **чиқариш ва номоддий ишлаб чиқариш соҳаларига ажратиш лозим (3.6-расм).**

²⁸ И.Каримов. “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни. иқтисодийетимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш. хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир” // Халқ сўзи. 2016 йил 16 январь.



3.6-расм. Ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилиши

Ўз навбатида моддий ишлаб чиқариш соҳаси **моддий неъматларни ишлаб чиқариш** (масалан, автомобиль, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар ва х.к.) ва **моддий хизматлар кўрсатиш** (транспорт, алоқа, савдо, маиший хизмат ва бошқалар)дан иборат бўлади.

Номоддий ишлаб чиқариш соҳаси ҳам **номоддий неъматларни ишлаб чиқариш** (масалан, мусиқа асарлари, бадий ва илмий асарлар, ихтиро ва кашфиётлар) ва **номоддий хизматлар кўрсатиш** (ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, ўқитиш, малака ошириш ва бошқалар)га ажралади. Бу соҳалар бир-бири билан чамбарчас боғланган ҳолда ривожланади ва бир-бирига таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон миллий иқтисодиётида моддий товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг ЯИМдаги мутлақ миқдори ва нисбий улуши ҳисобга олинади. Улар қуйидаги маълумотлар билан тавсифланади (3.1-жадвал).

Ўзбекистон ЯИМда товарлар ва хизматлар улуши
(жорий нархларда)²⁹

Кўрсаткичлар	Ялпи ички маҳсулот	Шу жумладан:			
		Ишлаб чиқарилган товарлар қиймати	Кўрсатилган хизматлар қиймати	Соф солиқлар	
2000	млрд. сўм	3194,5	1614,2	1173,9	406,4
	%	100	50,5	36,8	12,7
2008	млрд. сўм	36839,4	16725,1	16688,2	3426,1
	%	100	45,4	45,3	9,3
2012	млрд. сўм	96589,8	40084,8	49036,5	7468,6
	%	100	41,5	50,8	7,7
2014	млрд. сўм	145846,4	54611,8	78754,4	12480,2
	%	100	37,4	54,0	8,6
2015	млрд. сўм	171369	62924,9	93367	15077,1
	%	100	36,7	54,5	8,8
2016	млрд. сўм	198871,6	90822,8	87230,3	20818,5
	%	100	45,7	43,9	10,5
2017	млрд. сўм	302536,8	143402,4	128578,1	34792
	%	100	47,4	42,5	11,5
2018	млрд. сўм	407515,5	216797,7	145075,2	45563,4
	%	100	53,2	35,6	11,2

Жадвалдан кўринадики, 2000 йилда ЯИМ ҳажмининг 50,5 фоизини ишлаб чиқарилган моддий товарлар ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб эса бу кўрсаткич 53,2 фоизни ташкил этди. Бундан кўришимиз мумкинки, кейинги даврларда ишлаб чиқариш ҳажми тўхтовсиз ўсиб бориш билан бир қаторда мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасига кенгроқ этибор бериши натижасида ЯИМ таркибида моддий ишлаб чиқаришнинг улуши нисбатан пасайиб, номоддий ишлаб чиқариш улуши эса ўсиб бормоқда.

Ишлаб чиқарилган моддий товарлар ва хизматлар

²⁹ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида

таркибининг ўзгаришига қарамай ЯИМ ҳажми йилдан-йилга ўсиб бормоқда. ЯИМнинг изчил ўсиб бориши янги-янги ишлаб чиқариш корхоналарининг ишга туширилиши ёки эскиларининг кенгайтирилиши эвазига содир бўлмоқда.

Шу билан бирга мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳаси сезиларли равишда ривожланиб бормоқда. Республика ЯИМдаги хизмат кўрсатишнинг улуши 2000 йилда 36,8 фоизни ташкил қилган бўлса, 2015 йилга қадар бу кўрсаткич ўсиб бориш тенденциясига эга бўлган бўлса (54,5 фоизгача), 2015 йилдан кейинги даврларда ЯИМ да хизматлар кўрсатишнинг улуши нисбатан пасайиб борди ва 2018 йилда бу кўрсаткич 35,6 фоизни ташкил қилди. Бу эса мамлакатимизда кейинги йилларда аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш учун олиб бораётган комплекс тадбирлар қаторида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга қаратилган Давлат дастурларининг амалга оширилиши натижаси ҳисобланади.

Моддий ишлаб чиқариш соҳаси ўз навбатида икки бўлинмадан иборат бўлиб, биринчи бўлинмада **ишлаб чиқариш воситалари** (станок, машина, асбоб-ускуна, транспорт воситалари, хомашё ва турли материаллар) яратилса, иккинчи бўлинмада эса **истеъмол буюмлари** ишлаб чиқарилади.

Биринчи бўлинмада ишлаб чиқаришдан чиққан товарлар шу йилнинг ўзида иккинчи бўлинмада ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ишлаб чиқариш воситаси сифатида ишлатилиши мумкин, иккинчи бўлинмада яратилган товарлар ва номоддий соҳа хизматлари ўз навбатида биринчи бўлинма учун зарурдир. Шунинг учун улар ўртасида доимо товар айирбошлаш ва бошқа иқтисодий алоқалар содир бўлиб туради.

Сарфланаётган меҳнат икки хил тавсифга эга бўлганлиги учун ҳар қандай маҳсулот, шу жумладан, бозор шароитидаги ёки унга ўтиш давридаги меҳнат маҳсули ҳам икки хил хусусиятга эга: истеъмол қийматига, яъни маълум бир

нафлиликка ва қийматга эга бўлиб, жонли ва буюмлашган меҳнат сарфининг маълум миқдорини ўзида мужассамлаштиради. Бу товарнинг ўзаро боғлиқ ва ҳамшиша бир-бирини такозо қиладиган икки томонидир (бу ҳақда кейинги бобда батафсилроқ тўхталамиз). Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш жараёнига ҳамшиша унинг пировард мақсади билан биргаликда қаралади. Ишлаб чиқаришнинг мақсади чекланган ресурслардан унумли фойдаланиб, кишилар эҳтиёжини қондириш экан, унинг самараси товар ва хизматларнинг натурал ва қиймат жиҳатдан ўсишида, кўпайишида кўринади. Шу нуқтаи назардан олганда ишлаб чиқариш жараёни ҳамшиша нафлиликни, яъни истеъмол қийматини яратиш, кўпайтириш ва қийматларнинг ўсиш жараёни ҳисобланади, унинг асосий мақсади эса, истеъмол қийматини, яъни нафли товарни яратишдан иборат бўлади.

Ишлаб чиқаришнинг чекланган ресурслардан фойдаланган ҳолда кишилар эҳтиёжини қондиришга қаратилиши ва шунга зарур бўлган сифат ва миқдорда истеъмол қиймати яратишни бош мақсад қилиб қўйиши унинг ижтимоий йўналишини ифода этади. Лекин бу умумий ижтимоий йўналиш аниқ кишиларнинг, тадбиркорларнинг манфаати билан боғлангандагина амалга ошади. Бозор иқтисодиёти шароитида ёки унга ўтиш даврида ҳар бир мулк эгаси ёки тадбиркор маълум миқдорда фойда олишни, сарфланган воситаларига, пул маблағларига нисбатан кўпроқ қийматга эга бўлишни мақсад қилиб қўяди. Шунинг учун ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёни бир томондан, нафлиликни яратиш жараёни бўлса, иккинчи томондан, қийматнинг ўсиш жараёни бўлиб ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай ишлаб чиқариш, бир томондан товарларнинг (маҳсулот) нафлилигини яратиш ва кўпайтиришдир, иккинчи томондан, моддий воситалар ва меҳнатнинг сарфланиши, янги қийматнинг яратилиши, бошқача қилиб айтганда, қийматнинг ўсиш жараёнидир. Бу ишлаб чиқариш


жараёнининг икки томонлама хусусиятидир.

Масалан, тадбиркор ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун 10 млн. сўмлик пахта толаси сотиб олди, дейлик. Толадан ип йигириш учун қўлланилган асосий воситалар амортизацияси, энергия, ёнилғи ва бошқа харажатлар 4 млн. сўмни, иш ҳақи 3 млн. сўмни ташкил этиб, 3 млн. сўмлик қўшимча маҳсулот яратилиб, уни тадбиркор фойда сифатида оладиган бўлса, яратилган маҳсулотнинг қиймати 20 млн. сўмни, қўшилган қиймат 10 млн. сўмни, янги яратилган қиймат 6 млн. сўмни ташкил этади. Агар (4 млн. сўм + 10 млн. сўмни) олдинги яратилган қиймат деб ҳисобласак, у 6 млн. сўмга кўпайиб 20 млн. сўмга этади. Бу 20 млн. сўм ҳам нафлиликнинг ҳам қийматнинг ўсишини ифодалайди.

Агар биз 8 млн. сўмлик қўшилган қийматдан 2 млн. сўмини амортизация, энергия ва бошқалардан иборат моддий харажатлар, яъни олдиндан яратилган қийматлар деб қарасак, 6 млн. сўмлик қиймат, яъни 4 млн. сўмлик иш ҳақи ва 2 млн. сўмлик фойда шу ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил қилинган янги қиймат ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида товардаги икки хил хусусиятдан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш жараёнининг икки томонлама табиатини қуйидагича ифода этишимиз мумкин (3.7-расм).


Ишлаб чиқариш жараёнини икки томонлама таҳлил қилиб ўрганиш унинг мазмунини тўғри тушуниш имконини беради ва турли хил чалкашликлар, мунозарали тортишувларга чек қўяди. Жумладан, шунини таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этаётган ишлаб чиқариш воситалари қиймати кўпаймаган ҳолда, қанча қийматга эга бўлса шунча қиймат аниқ меҳнат билан ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қийматига ўтказилади. Лекин ишлаб чиқаришнинг охирида қиймат ошиқчаа бўлиб чиқади. Бу ишчи кучи томонидан яратилган янги қиймат эвазига содир бўлади.



3.7-расм. Ишлаб чиқариш жараёнининг икки томонлама табиати

Табиат ва капитал яъни, ишлаб чиқариш воситалари нафлиликни яратишда тўлиқ қатнашади, қийматнинг ташкил топишида эса капитал қисман, яъни унинг эскирган қисми қатнашади. Бу ишлаб чиқариш жараёнида қатнашаётган айрим табиий кучлар (масалан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда тупроқ унумдорлиги, қуёш ва шамол энергияси) қийматга эга эмас, шунинг учун улар товарнинг нафлилигини ҳосил қилишда омил сифатида тўлиқ қатнашсада, лекин қийматнинг ташкил топишида, унинг кўпайишида умуман қатнашмайди (3.8-расм).

Демак, ишлаб чиқарилган товарларнинг нафлилигини яратишда ҳар учала омил: табиат, капитал, ишчи кучи қатнашади, қийматнинг ташкил топишида эса меҳнат тўлиқ, капитал қисман қатнашади, табиат эса умуман қатнашмайди. Бу нарсани билиш, муҳим назарий ва услубий аҳамиятга эга бўлиб, қиймат ёки нафлиликнинг ўсишида қайси омил муҳим роль ўйнашини билиш имконини беради ва шу билан бирга турли хил бехуда мунозараларга чек қўйилади.



3.8-расм. Товар ва хизматлар нафлилиги ва қийматининг яратилишида ишлаб чиқариш омилларининг роли

Ишлаб чиқариш жараёнининг икки томонлама табиати унинг натижаларининг ҳам икки томонлама тавсифи борлигини кўрсатади. Ишлаб чиқариш жараёнининг даражаси бир жойда тўхтаб турмайди, доимо ўзгаришда, ривожланишда бўлади ва унинг натижаси ҳам кўпайиб боради.

3.4. Ишлаб чиқаришнинг умумий ва пировард натижалари

Ишлаб чиқариш жараёнида турли омилларнинг бир-бирлари билан ўзаро таъсирда бўлиши ва бирикиши асосан турли хилдаги корхоналарда амалга оширилади. Бундай корхоналар сонининг ўсиши ва йириклашуви айни пайтда иқтисодиётдаги товар ва хизматлар турлари ва ҳажмининг

ўсишидан дарак беради. Жумладан, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, энг муҳими, Конституциямизда кўзда тутилганидек, хусусий мулкнинг қонуний, меъёрий-ҳуқуқий ва амалий жиҳатдан устувор ролини таъминлаш, Ўзбекистон иқтисодиётида товар ва хизматлар ҳажмини босқичма-босқич кўпайтиришга қаратилган.

Юзаки қараганда, ҳар бир корхонадаги (давлат, хусусий, қўшма корхона, фермер, деҳқон, томорқа хўжалиги) индивидуал ишлаб чиқариш мустақил, бир-биридан ажралган ҳолда амалга ошадиганга ўхшаб кўринади. Аммо хилма-хил товарлар ва ресурсларнинг узлуксиз оқимида индивидуал ишлаб чиқарилган товарлар ва маблағларнинг ҳаракатлари бир-бири билан қўшилиб, ўралиб-чатишиб кетади. Чунки алоҳида олинган индивидуал ишлаб чиқарувчиларнинг фаолияти ва айрим маблағлар, маҳсулотларнинг ҳаракати ўзаро боғлангандир. Шу сабабли, индивидуал меҳнатлар ва товарлар ҳаракатининг қўшилиб кетиши, бутун ижтимоий ишлаб чиқаришнинг, жами яратилган товар ва хизматларнинг ҳаракатини билдиради. Демак, **ижтимоий ишлаб чиқариш ўзаро боғланган ва алоқада бўлган барча индивидуал ишлаб чиқаришларнинг йиғиндисидир.** Ҳар бир индивидуал ишлаб чиқариш, унинг сармояси ва ресурслари эса ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ажралмас бир бўлагидир.

Ижтимоий ишлаб чиқариш, яъни турли омилларнинг ҳаракати натижасида жуда кўп турдаги товарлар ва хизматлар массасидан иборат бўлган ялпи ички маҳсулот вужудга келади. Бу яратилган маҳсулотлар мамлакатимиз аҳолисининг талабларин қондириб, уларнинг турмуш даражасини оширишга, ишлаб чиқаришни сифат ва миқдор жиҳатдан янада кенгайтиришга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Президенти ва ҳукумати томонидан ялпи ички маҳсулотни кўпайтириш бўйича белгиланган чора-тадбирлари изчил амалга ошириб келинмоқда.

Маълумки, ҳар йили йилнинг бошида мамлакатимизда олдинги йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг якунлари ва янги йилдаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг устувор йўналишлари белгилаб олинади. Ушбу устувор йўналишлардан келиб чиқувчи вазифалар амалга оширилиб, салмоқли натижа ва сезиларли ўзгаришлар қўлга киритилмоқда. Иқтисодиётнинг юқори барқарор суръатлар билан ўсиши ва макроиқтисодий мувозанати ва мутаносиблиги маълум даражада таъминланмоқда, ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш ва модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, диверсификациялаш ишлари давом эттирилмоқда. Шунинг айтиш керакки, бугунги кунда мамлакатимизда бу борадаги ишлар танқидий таҳлил қилиниб, янгича ёндашув билан билан олиб борилмоқда. Айни вақтда бу таҳлиллар юқори салоҳиятга эга бўлган корхоналарга ҳар бир турдаги маҳсулотни хомашё ва ярим фабрикат бўйича чуқур қайта ишлашнинг узоқ ва яқин келажакдаги йилларга мўлжалланган аниқ истиқболга эга бўлган мутлақо янги дастурий комплекс ёндашуви асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни талаб этмоқда. Бу қўрилган чора ва тадбирлар натижасида ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ўсиш суръатлари таъминланиб келмоқда.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ва саноат тармоқларининг рақобатбардошлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2016 йилда 2015 йилга нисбатан 6,6 фоизга ўсишини таъминлади. Юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган саноат тармоқларида динамик ривожланиш таъминланди. 2016 йилда маҳаллий хомашё ресурсларини босқичма-босқич чуқур қайта ишлаш ва тайёр истеъмол маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш тармоқлари эвазига саноат маҳсулотларининг юқори ўсиш суръатларига эришилди.

Хусусан, тўқимачилик буюмлари, кийим ва чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш 111,7 фоиз, озиқ-овқат маҳсулотлари 110,8 фоиз, фармацевтика маҳсулоти ва препаратлари 123,9 фоиз, кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлари 129,7 фоиз, бошқа норуда минерал маҳсулотлар 113,8 фоизга ошди.

Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг тармоқ таркибида ҳам сезиларли ўзгаришлар юз берди (3.2-жадвал).

3.2-жадвал

Ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотнинг асосий тармоқлар бўйича таркиби (%)³⁰

Кўрсаткичлар	2008	2010	2012	2014	2016	2017	2018
Саноат	22,3	23,9	24	24,0	25,7	22,3	26,3
Қурилиш	5,6	6,5	5,9	6,7	7,2	5,7	5,7
Қишлоқ хўжалиги	19,4	17,5	17,5	17,4	17,6	34,0	32,4
Хизматлар соҳаси	42,8	42,9	44,4	43,5	49,5	42,5	35,6
Соф солиқлар	9,9	9,2	8,2	8,6	8,7	11,5	11,2

Республика ялпи ички маҳсулотининг ишлаб чиқариш таркиби бўйича саноат маҳсулотининг нисбатан тезроқ ўсиши натижада унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2008 йилдаги 22,3 фоизни, қурилиш эса 5,6 фоизни ташкил қилган эди, 2018 йилда эса саноатнинг улуши 26,3 фоиз ва қурилиш 5,7 фоизни ташкил этди. Шу давр ичида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари салмоғининг 19,4 фоиздан 32,4 фоизга қадар пасайиши эса мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибининг такомиллашиб, унда саноат, қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг улуши йилдан-йилга ошиб бораётганлигини англатади. Айни пайтда ялпи ички маҳсулот таркибидаги соф

³⁰ Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

солиқлар ҳиссасининг 9,9 фоиздан 11,2 фоизга қадар ошганлиги мамлакатимиздаги солиқ тизимининг нақадар яхшиланиб бораётганлигини кўрсатади.

Наманган вилоятининг Поп туманида 130 киловатт қувватга эга бўлган қуёш фотоэлектр станцияси ишга туширилди. Ҳозирча бу лойиҳа синовдан ўтказилмоқда. 2020 йилга бориб мамлакатимизда ҳар бири 100 мегаватт қувватга эга яна учта қуёш электр станциясини фойдаланишга топшириш режалаштирилмоқда”.

ЯИМ ҳажмини ва унинг ўсиб боришини ифодалашда уни тўғри ҳисоблаш муҳим аҳамиятга эгадир. Мустақилликдан олдинги даврда собиқ СССРда ва унинг таркибида бўлган ҳозирги МДҲ давлатларида мамлакат бўйича ишлаб чиқаришда вужудга келтирилган маҳсулотлар йиғиндиси жами ижтимоий маҳсулот деб аталган. **Жами ижтимоий маҳсулот кўрсаткичида йил мобайнида яратилган моддий неъматлар йиғиндиси ҳисобга олинган, унда хизмат кўрсатиш соҳаларида вужудга келтирилган маънавий неъматлар ва хизматлар қиймати акс этмаган.** Лекин бир ишлаб чиқариш тармоғидан чиққан ҳозирги вақтда оралик истеъмоли деб аталмиш хомашё, материаллар, ёнилғи ва энергияларнинг қиймати бошқа босқичларда ва тармоқларда ишлатилиб, бир неча бор такрор-такрор ҳисобга олиниб, маҳсулотнинг ҳажми сунъий равишда ошириб кўрсатилган, истеъмолга бориб тушадиган тайёр маҳсулот эса ундан бир неча баробар кам бўлган (3.3-жадвал).

Жадвалдан кўринадикки, жами ижтимоий маҳсулот 1515 бирликни, ялпи ички маҳсулот эса 585 бирликни ташкил этади. Демак, мамлакат миқёсида такрор ҳисобга йўл қўймаслик учун ялпи ички маҳсулотни ҳисоблашда сотиб олинган хомашё, ёнилғи ва материаллар қиймати ҳисобга олинмайди, фақат қўшилган қиймат ҳисобга олинади. Аммо ҳар бир корхона ва тармоқ учун сотилган товар маҳсулоти фақатгина ялпи ички маҳсулотдан эмас, балки яратилган ялпи маҳсулотдан иборатдир.

**Ялпи ички маҳсулотнинг технологик босқичлар
бўйича тузилиши
(шартли рақамлар мисолида)**

Изчил тармоқлар	Оралик маҳсулот	Қўшилган қиймат				Ялпи ички маҳсулот	Жами ижтимоий маҳсулот
		Амортизация	Иш ҳақи	Солиқ ва тўловлар	Фойда		
	Истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситалари қиймати А (аморт)	Зарурий маҳсулот (з.м.)	Қўшимча маҳсулот (қ.м.)				
Пахта ишлаб чиқариш	40	30	30	20	20	100	140
Пахтани қайта ишлаш	140	40	50	25	30	145	285
Тўқима-чилик	285	50	60	30	40	180	465
Тикув-чилик	465	45	50	35	30	160	625
Жами	930	165	190	110	120	585	1515
		c=1095	v=190		m=230	585	1515

Шуни таъкидлаш лозимки, жами ижтимоий маҳсулот ёки ялпи маҳсулот таркибида оралик маҳсулот ҳамда айрим такрорий ҳисоблар мавжуд бўлганлиги сабабли у ишлаб чиқариш натижасига тўғри баҳо бера олмайди.

Такрорий ҳисоб – бу тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнининг бир неча технологик босқичлардан ўтиши натижасида оралик истеъмоли деб аталмиш баъзи маҳсулот (хомашё, ёқилғи, материал, энергия ва ҳ.к.)лар қийматларининг такроран ҳисобга олинishi. Жадвалдаги мисолимиздан кўринадикки, пахта толаси, йигирилган ип,

газламанинг қийматини ташкил этувчи хомашё, ёқилғи, материал ва бошқаларнинг ишлаб чиқаришнинг турли технологик босқичларида қайта-қайта қатнашади, уларнинг ҳисобга олиниши натижасида такрорий ҳисоб 930 бирликни ташкил этган.

Ялпи ички маҳсулот қийматини тўғри баҳолаш, унда такрорий ҳисобга йўл қўймаслик учун оралик ва пировард маҳсулот тушунчаларини ҳам ажратиб олиш лозим. Оралик маҳсулот – бу тугалланмаган ишлаб чиқариш, келгусида яна қайта ишлов берилиши зарур бўлган ёки қайта сотиш учун мўлжалланган товар ва хизматлардир. Бизнинг мисолимизда 140 бирлик пахта хомашёси, 285 бирлик пахта толаси ва йигирилган ип, 465 бирлик тўқилган газялама оралик маҳсулотлар бўлиб ҳисобланади. Чунки улар тикувчилик маҳсулоти (кўйлак ёки костюм) ишлаб чиқаришнинг изчил жараёнида навбатдаги босқичда қайта ишлов беришга муҳтождирлар. Айнан 625 бирлик қийматга эга тикувчилик маҳсулоти эса пировард маҳсулот ҳисобланади. Демак, пировард маҳсулот – бу ишлаб чиқаришнинг барча технологик жараёнларидан ўтган ҳамда бевосита истеъмол учун мўлжалланган тайёр маҳсулотдир.

Бундан кўринадик, жамият аъзоларини ишлаб чиқаришнинг умумий натижасидан кўра кўпроқ ишлаб чиқаришнинг пировард натижалари қизиқтиради.

Ишлаб чиқаришнинг муҳим пировард натижаси бўлиб такрорий ҳисобни ўз ичига олмаган, жамият аъзоларининг эҳтиёжларини бевосита қондиришга мўлжалланган тайёр маҳсулотлар ва хизматлар ҳисобланади. Шунга кўра, кўпинча ижтимоий ишлаб чиқаришнинг пировард натижаси сифатида ялпи ички маҳсулот, соф ички маҳсулот (миллий даромад) ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин (1993 йилдан бошлаб) миллий ҳисоблар тизими жорий қилинди ва бунга асосан мамлакат ҳудудида яратилган маҳсулот ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) деб аталиб, шу шаклда ҳисобга олина бошланди.

Ялпи ички маҳсулот деб мамлакатда йил давомида меҳнат қилаётган кишилар томонидан яратилган, шу мамлакат тараққиёти ва аҳолиси фаровонлиги йўлида фойдаланадиган, бевосита истеъмолчиларга етказиладиган тайёр маҳсулотга айтилади.

Яратилган ялпи ички маҳсулот ҳажми ва таркибини ҳисоблашда унинг ўзгариш динамикасини таҳлил қилишда икки томонлама – нафлилик (натурал ашёвий) ва қиймат жиҳатидан ёндашиш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга ЯИМнинг ўзгариш динамикасини таҳлил қилишда доимо уни такрор ишлаб чиқариш нуктаи назаридан қараб, унинг уч қисмдан иборат эканлигини ва ҳар бир қисмининг функционал вазифаси борлигини ҳисобга олиш лозим.

Нафлилик (натурал ашёвий) жиҳатдан ёндашилганда, ишлаб чиқариш жараёнини давом эттириш учун, биринчидан, истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситаларини фақат қиймат ҳолидагина эмас, балки уни моддий буюм шаклида ҳам қайта тиклаш зарур. Бунинг учун албатта мамлакатда яратилган ялпи ички маҳсулот таркибида маълум миқдорда турли-туман ишлаб чиқариш воситалари натурал (асосий ва айланма воситалар) шаклда мавжуд бўлиши керак. Чунки бу воситаларсиз ишлаб чиқаришни такрорлаб бўлмайди. Иккинчидан, ишчи кучининг қайта тикланиши учун зарур истеъмол буюмлари мавжуд бўлиши шарт. Шунинг учун ҳам моддий маҳсулотлар икки хил товар маҳсулот сифатида ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмлари шаклида мавжуд бўлади, бу эса ўз навбатида, икки йирик бўлинма ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи ва истеъмол буюмлари ишлаб чиқарувчи бўлинмалар ўртасида товар айирбошлаш имконини беради. Ундан ташқари жуда кўп корхона ва ташкилотлар аҳолига турли-туман хизмат кўрсатиш билан шуғулланадики, улар меҳнатининг нагижаси хизматларда намоён бўлади. Бу эса ялпи ички маҳсулотнинг муҳим қисми бўлган турли хил хизматлардан иборат эканлигини кўрсатади. Шундай қилиб, йил давомида

мамлакатда яратилган ялпи ички маҳсулот нафлилик (натурал ашёвий) жиҳатидан уч қисмдан: ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол буюмлари ва турли хил хизматлардан иборат бўлади. Йил давомида ишлаб чиқарилган товар ва хизматларни, яъни миллий маҳсулотни бундай учта кўринишга бўлиб ўрганиш ва билиш муҳим илмий, амалий ва услубий аҳамиятга эгадир. Чунки уларнинг ҳар бир тури бўйича талаб ва таклифлар ўрганилиб, талабга яраша ишлаб чиқаришни ташкил қилиш имконини беради.

Бу ерда шу нарсани таъкидлаш жоизки, ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситалари икки қисмдан: асосий ва айланма воситалардан иборат бўлади. Лекин ялпи ички маҳсулот таркибига фақат ейилган асосий воситалар қиймати киради, айланма воситалар эса кўшилмайди, улар оралиқ маҳсулотлар таркибида қолади.

Яратилган маҳсулот қиймат жиҳатдан ҳам уч қисмдан иборат бўлади, яъни:

1) ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситалари қийматининг маҳсулотга ўтган қисми амортизация фонди (АФ);

2) янгидан вужудга келтирилган маҳсулотнинг бир қисми, яъни, ишчиларга тегишли қисми – зарурий маҳсулот қиймати (ЗМ);

3) янгидан вужудга келтирилган маҳсулотнинг мулкдорлар, тадбиркорлар ва жамият учун ишлаб чиқарилган қисми – қўшимча маҳсулот қиймати (ҚМ)дан иборатдир.

Ҳозирги даврдаги бозор иқтисодиётига доир адабиётларда ишлаб чиқариш омиллари билан унинг самараси ўртасидаги боғлиқлик ишлаб чиқариш функцияси деб аталади. Масалан, ишлаб чиқариш омиллари – табиат (N), капитал (K) ва ишчи кучи (L)ни ишлаб чиқаришда қўллашдан олинган маҳсулотни M дан иборат деб фарз қилсак, ишлаб чиқариш функцияси $M = f(N, K, L)$ дан иборат бўлади. Бу формула ишлаб чиқаришга жалб қилинган омилларнинг, яъни сарфларнинг ҳар бирлиги эвазига олинган маҳсулотни билдиради ва

этиборни кам ресурс сарфлаб, кўпроқ маҳсулот олиш имкониятини қидиришга қаратади. Ундан ташқари, бу кўрсаткич ҳар бир маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга ва кўпайтириш мўлжалланган маҳсулот ҳажмини ишлаб чиқаришга қанча ресурс сарфи талаб қилинишини олдиндан аниқлаш имконини беради.

Ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган турли хил омиллар сарфини бирданига ёки уларнинг айрим турларини кўпайтириш йўли билан маҳсулот ҳажмини кўпайтириш мумкин. Лекин бошқа омиллар ва шароитлар тенг бўлгани ҳолда айрим омиллар сарфини ошириш йўли билан маҳсулотни чексиз кўпайтириб бўлмайди. Омиллардан фойдаланиш ва уларнинг миқдорини ошириш эвазига олинган маҳсулот уч хил ўлчанади: умумий маҳсулот, ўртача маҳсулот ва сўнгги қўшилган маҳсулот.

Умумий маҳсулот – жалб қилинган барча ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш эвазига олинган маҳсулотнинг мутлақ ҳажми. Одатда корхона ёки якка тартибдаги ишлаб чиқарувчининг фаолияти энг аввало унинг умумий маҳсулоти орқали баҳоланади. Мисол учун, «А» корхонада 1 ой давомида барча мавжуд ресурслардан фойдаланган ҳолда 100 бирлик маҳсулот яратилди, деб фараз қилайлик. Бу ўринда 100 бирлик ҳажмдаги умумий маҳсулот уни яратишга сарфланган ресурслар тўғрисида маълумот бера олмайди. Биз фақат ушбу корхона фаолиятини бошқа бир корхона фаолияти натижасига таққослаб, баҳолашимиз мумкин. Масалан, худди шу турдаги маҳсулотни ишлаб чиқарувчи «В» корхонада бир ой давомида 80 бирлик маҳсулот ишлаб чиқарилган, дейлик. У ҳолда, «А» корхонада «В» корхонага нисбатан 1,25 баравар кўп умумий маҳсулот ишлаб чиқарилган, деб хулоса чиқариш мумкин. Бироқ, бу маҳсулот нима эвазига, қандай сарфлар ҳисобига яратилганлигини айта олмаймиз. Бунинг учун бизга ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган омиллар тўғрисида ҳам маълумот керак бўлади. Бу маълумотлардан фойдаланган ҳолда ўртача маҳсулотни ҳисоблаш мумкин.

Ўртача маҳсулот – жалб қилинган барча ишлаб чиқариш омилларининг бир бирлигига тўғри келадиган маҳсулот ҳажми:

$$\bar{M} = M / (И, К)$$

Айтайлик, 100 бирлик маҳсулот 10 бирлик ишчи кучи, 8 бирлик капитал ва 15 бирлик табиий ресурсларни сарфлаш эвазига яратилган. У ҳолда ҳар қайси омилнинг бир бирлигига тўғри келадиган маҳсулот ҳажмини ҳисоблаймиз:

1) ишчи кучи омили бирлигига тўғри келадиган ўртача маҳсулот:

$$\bar{M}_И = \frac{100}{10} = 10 \text{ бирликка тенг.}$$

2) капитал омили бирлигига тўғри келадиган ўртача маҳсулот:

$$\bar{M}_К = \frac{100}{8} = 12,5 \text{ бирликка тенг.}$$

3) табиий ресурс омили бирлигига тўғри келадиган ўртача маҳсулот:

$$\bar{M}_E = \frac{100}{15} \approx 6,7 \text{ бирликка тенг.}$$

Ишлаб чиқариш натижасини баҳолашда ишлаб чиқариш омиллари навбатдаги бирлигини сарфлашнинг мақсадга мувофиқлигини ўрганиш, яъни ҳар бир омил кўшимча сарфининг у келтирадиган самара билан таққослаш муҳимдир. Бу сўнгги кўшилган маҳсулот кўрсаткичи орқали ифодаланади.

Сўнгги кўшилган маҳсулот – энг сўнгги кўшилган омил (капитал ёки ишчи кучи) эвазига ўсган маҳсулот ҳажми.

«А» корхонада кейинги ойда бошқа ишлаб чиқариш омиллари сарфи ўзгармагани ҳолда, ишчи кучи ресурсларининг сони 2 бирликка оширилган, яъни 12 бирликни ташкил этиб, бунинг натижасида умумий маҳсулот 110 бирликка етган бўлсин. У ҳолда, ишчи кучи омилининг

сўнгги қўшилган маҳсулоти 5 бирлик (10/2)ни ташкил этади.

Ҳар бир қўшилган омил эвазига олинган қўшилган маҳсулот сўнгги қўшилган омил унумдорлиги деб айтилади. Сўнгги қўшилган маҳсулот (ўсган) миқдорини сўнгги қўшилган (ўсган) ишчи кучи ёки капитал миқдорига бўлиш йўли билан қўшилган омил, яъни қўшилган капитал ёки қўшилган ишчи кучи унумдорлиги аниқланади, яъни:

$$KM = \Delta M / \Delta K \text{ ёки } KM = \Delta M / \Delta I.$$

Бу тушунчаларни яна бир шартли мисол аниқроқ ифодалаш мумкин (3.4-жадвал).

3.4-жадвал

Қўшилган маҳсулот ва қўшилган омиллар унумдорлиги

	1-йил	2-йил	Сўнгги қўшилган миқдор	Қўшилган омиллар унумдорлиги $\Delta M / \Delta O$
Жалб қилинган капитал, минг сўм	120	150	30	1
Ишчи кучи (ишчилар сони, нафар)	100	120	20	1,5
Олинган умумий маҳсулот, дона	100	130	30	-
Ўртача маҳсулот:	100	130	30	-
а) минг сўм капиталга, дона	0,83	0,87	0,04	-
б) 1 ишчига, дона	1	1,08	0,08	-

Юқорида айтилганидек, алоҳида олинган омил эвазига қўшилган маҳсулот маълум даражага боргандан кейин камаё бошлайди. Бу камайиш айниқса унинг ҳар бир бирлиги эвазига қўшилган маҳсулотда аниқ сезилади. Мана шу қўшилган омил унумдорлигининг пасайишига қараб маржиналистик йўналиш вакиллари унумдорликнинг пасайиб

бориши қонуни деган қонунни кашф қилишган. Уларнинг ғояси бўйича ҳар бир кейинги қилинган харажат ёки омил олдингисига қараганда кам самара беради ва оқибатда умумий ўртача маҳсулот ҳам пасайиб кетади.

Бироқ, шуни таъкидлаш лозимки, кейинги жалб қилинган омил ёки харажат унумдорлигининг пасайиб бориши қонуни ҳар доим ҳам амал қилавермайди. Балки у қуйидагича тўрт ҳолат мавжуд бўлган шароитдагина амал қилиши мумкин:

1) ишлаб чиқаришнинг бошқа омиллари ўзгармай фақат бир омил тўхтовсиз оширилганда;

2) фан-техника тараққий этмай тўхтаб қолганда ёки унинг янгиликлари ишлаб чиқаришга жалб қилинмаганда;

3) омиллар ўртасидаги миқдор ва сифат нисбатлари бузилганда;

4) шарт-шароитни ҳисобга олмасдан харажатлар ҳўжасизларча, кўр-кўрона амалга оширилганда.

Юқорида белгилангандан бошқа ҳолатларда бу қонун амал қилмайди.

3.5. Хизмат кўрсатиш жараёнида қўшимча маҳсулотнинг яратилиши

Хизмат кўрсатиш жараёни ишлаб чиқариш жараёнининг ажралмас қисми ва муҳим йўналишидир.

Шунинг учун ҳам дунёнинг кўпгина мамлакатларида хизмат кўрсатиш соҳаларини жадал ривожлантириш эвазига ялпи ички ва қўшимча маҳсулот ҳажмини кўпайтириш, таркибини такомиллаштириш, аҳолининг турмуш даражасини оширишга эришилмоқда. Ҳозирги кунда дунёнинг ривожланган мамлакатларида ишчи кучининг 70 фоиздан ортиғи ушбу соҳада фаолият юритишмоқда. 2016 йил маълумотларига кўра АҚШ ялпи ички маҳсулотида хизматлар соҳасининг улуши 81 фоиз, Японияда 76 фоиз, Германияда 69

фоиз ва Россияда 62 фоизни ташкил қилмоқда.³¹

Шу сабабли хизмат кўрсатиш соҳаларининг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётига таъсирини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва уни интенсив ривожлантиришнинг аниқ йўлларини излаб топиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Бу борада мамлакатимиз Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан – “Саноат, қишлоқ хўжалиги, капитал қурилиш, транспорт-коммуникация, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаларида салмоқли ютуқлар қўлга киритилди”³² – дея таъкидланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонида ҳам мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган. Жумладан, мазкур Фармон асосида қабул қилинган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да - “Хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматлар роли ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматларнинг тузилмасини, энг аввало, хизматларнинг замонавий, технологик турларини тубдан ўзгартириш”³³ лозимлиги белгилаб қўйилиши ушбу соҳанинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида нақадар катта аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Ҳаммамизга маълумки, собиқ иттифоқ даврида унинг таркибига кирувчи барча республикалар, жумладан Ўзбекистонда ҳам нашр қилинган иқтисодий адабиётларда

³¹ Ю.Иванов Доля сферы услуг в ВВП России. –М.: Вопросы статистики. 2017 й. №3

³² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи. 2018 йил 29 декабрь.

³³ “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. http://strategy.gov.uz/uz/pages/action_strategy

хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳеч қандай қиймат, маҳсулот ва даромад яратилмаслиги тўғрисидаги нотўғри назариялар мавжуд эди. Ўша даврда уларнинг фикрича, фақатгина моддий ишлаб чиқариш соҳаларида маҳсулот яратилади ва у барча даромадлар, шу жумладан, жамият миллий даромадининг асосий манбаи деб ҳисобланган. Хизмат кўрсатиш соҳасида эса ҳеч қандай маҳсулот яратилмайди ва у жамиятнинг моддий бойлигини кўпайтирмайди, деб ўйлашган.

Бундай нотўғри ғоянинг асосчиси машҳур иқтисодчи олим А.Смит бўлиб, унинг “Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари” номли асарида бу ғоя илгари сурилган. Ушбу нотўғри концепция фақатгина илмий ғоя сифатида эмас, балки кўпгина мамлакатларнинг, жумладан собиқ СССРнинг ҳам иқтисодий ва статистик амалиётининг асосини ташкил қилди. Хизмат кўрсатиш соҳаларининг маҳсулоти миллий маҳсулот ҳажми ва таркибида ҳисобга олинмас эди.

Ривожланган мамлакатларнинг аксарияти ушбу концепциянинг нотўғри эканлигини биздан кўра анча илгари тушунишди ва ўз иқтисодий амалиётида миллий маҳсулот ҳажми ва таркибини ҳисоблаш жараёнида хизматлар соҳасининг маҳсулотларини ҳисобга оладиган бўлишди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин (1993 йилдан бошлаб) босқичма-босқич миллий ҳисоблар тизимига ўтишни бошлади ва шундан кейингина ЯИМ таркибида хизматлар соҳасининг маҳсули ҳисобга олинадиган бўлди.

ЯИМ таркибида хизмат кўрсатиш соҳасининг маҳсулини ҳисобга олишнинг тўғри ва зарурлигини тушунишда унинг назарий жиҳатларига эътибор бериш муҳим ҳисобланади. Айниқса, кўрсатилган хизматлар маҳсулининг икки томонлама табиатини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Хизмат кўрсатиш соҳасида яратилган маҳсулот бошқа буюмлашган товарларга ўхшаб моддий шаклда намоён бўлмайди. Лекин, кўрсатилган хизматлар ҳам худди бошқа

буюмлашган товарлар сингари икки томонлама хусусиятган эга: нафлилик (истеъмол қиймат) ва қиймат (алмашинув қиймати). Хизмат кўрсатиш соҳаси маҳсулотининг бундай иккита хусусиятга эга бўлиши хизмат кўрсатиш жараёнида унга сарфланган меҳнатнинг икки ёқлама характеридан яъни, меҳнатнинг аниқ ва абстракт тавсифга эгалигидан келиб чиқади.

Хизматлар маҳсулининг истеъмол қиймати (нафлилик) унга сарфланган аниқ нафли меҳнат маҳсули эканлигидадир. Маълум бир самарали натижага эришиш учун муайян мақсадга йўналтирилган аниқ меҳнат ва шунга мос равишда ишлаб чиқариш воситалари, яъни, ишлаб чиқариш воситалари, энергия, ёнилғи, хом-ашё ва шу кабилар сарфланади. Бундан кўринадики, ҳар бир хизматнинг тури бўйича барча сарфлар аниқ меҳнат ва аниқ моддий-буюмлашган шаклда амалга ошади.

Бироқ, хизматлар меҳнат маҳсули сифатида моддий-буюмлашган шаклга эга бўлмайди ва аксарият ҳолатларда улар ишлаб чиқариш жараёнининг ўзидаёқ истеъмол қилинади. Масалан, врачнинг беморни даволаши, ўқитувчининг дарс бериши, сартарош ва бошқа касб эгаларининг кўрсатадиган хизматлари, ижтимоий овқатланиш жараёнидаги хизматлар ўша хизмат кўрсатилган пайтнинг ўзидаёқ истеъмол қилинади ва инсонларнинг эҳтиёжини қондиради. Бу ерда хизматларнинг ишлаб чиқарилиши ва истеъмол қилиниш вақти бир пайтнинг ўзида амалга ошади. Бундан ташқари, хизматларнинг истеъмол қилиниши ўзидан кейин маълум бир фойдали натижалар қолдиради. Масалан, бемор шифо топади, саводсиз киши билимли бўлади, пасажжир ёки юк ўз манзилига етади, уй ёки квартира таъмирланади ва ҳоказолар.

Шундай қилиб, аҳолининг турли хилдаги хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш жараёнида турли хил шакллардаги аниқ меҳнат ва ишлаб чиқариш воситалари сарфланади ва эвазига самарали нафлиликнинг турли хил

шакллари етказиб берилади. Хизмат маҳсулотининг қиймати кўрсатилган хизматнинг самарали нафлиликка айланади.

Кўрсатилган хизматларнинг қиймати худди моддий буюмлашган товарлар қиймати каби унга сарфланган жонли ва буюмлашган меҳнат билан яъни, ишлаб чиқариш харажатлари (ишчи кучига тўланган иш ҳақи, ишлаб чиқариш воситалари) ва хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият юритаётган ишчилар ва хизматчиларнинг қўшимча меҳнати билан яратилган қўшимча маҳсулот қиймати билан белгиланади.

Хизматлар қиймати худди моддий буюмлашган товарлар қиймати шакллангани каби қўлланилаётган воситаларга ишчи кучига сарфланган харажатлар қиймати ва қўшимча маҳсулот қийматидан иборат бўлиб, ўз табиатига эга бўлади ва ўзининг харакати жараёнида умумиктисодий қонуниятларга бўйсунди.

Товар – “хизмат” бошқа товарлар каби ўз эквиваленти бўйича пулга алмашади, яъни пул шаклидаги худди шундай қийматга алмашади.

Товар – “хизмат”нинг иккиёқлама табиатини қуйидаги 3.9-расмда тез ва осон тушуниш мумкин:



3.9-расм. Товар – “хизмат”нинг икки ёқлама табиати

Товар – “хизмат” иккиёқлама табиатининг мазмун-моҳиятини тўғри тушуниш жуда катта илмий, услубий ва амалий аҳамиятга эгадир. Товар – “хизмат” нафлилигининг хусусияти шундаки, у яратилган вақтнинг ўзидаёқ истеъмол қилинади, у бошқа моддий буюмлашган товарлар каби узоқ муддат ҳаракатда юрмайди, сақланмайди ва жамғарилмайди. Унинг пул шаклидаги қиймати эса ўз ҳаракатини давом қилдираверади ва у худди моддий буюмлашган товарлар қиймати каби такрор ишлаб чиқарилади ва жамғарилади. Товар – “хизмат”нинг ушбу қиймати бошқа товарларга айирбошланади, яъни хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган барча корхона ва ташкилотлар ўз эҳтиёжлари учун зарур бўлган асосий ва айланма воситалар ҳамда ишчи кучини ўз товар – “хизмат”ларини сотишдан тушган пул маблағлари ҳисобига сотиб олишади. Бундан ташқари, йилдан йилга уларнинг пул ва бошқа маблағлари ошиб, кўпайиб боради. Товар – “хизмат”ларнинг иккиёқлама табиатини тушунишнинг муҳимлиги шундаки, хизматлар йил давомида яратилган ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ошишида, ишлаб чиқариш кучларининг кенгайишида ва аҳолининг турли хилдаги хизматларга бўлган эҳтиёжини қондиришда жуда катта аҳамият касб этади. Бундан ташқари, у мамлакат статистика тизими ва иқтисодиётни прогнозлаштиришда жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Хизматлар кўрсатиш соҳасида яратилган маҳсулот ҳам моддий ишлаб чиқариш маҳсулотлари каби уч таркибий қисмга: истеъмол қилинаётган асосий воситалар амортизацияси (А), зарурий маҳсулот (З.М.) қўшимча маҳсулот (Қ.М.) дан иборат бўлади.

Хизматлар соҳасининг иқтисодий тараққиётдаги салмоқли ўрнини ҳисобга олиб, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида, айниқса, кейинги йилларда иқтисодиётни диверсификациялаш ва таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, мамлакат аҳолисининг бандлигини, даромадларини ва турмуш сифатини оширишнинг,

эҳтиёжларни қондиришнинг муҳим йўналишлари ва омилларидан бири сифатида хизматлар соҳаси ва сервисни жадал ривожлантириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди.

Хизматлар соҳасини ривожлантириш дастурининг асосий вазифалари ва йўналишларини амалга ошириш жараёнида, 2010-2018 йилларда бозор хизматлари ҳажми 2,7 мартага ошиб, 92,5 трлн.сўмгача кўпайди. Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми мазкур даврда 4455,6 минг сўмни ташкил этди (3.6-жадвал).

3.6-жадвал


Ўзбекистон Республикаси бўйича хизматлар соҳаси асосий кўрсаткичларининг динамикаси³⁴

	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2018
Хизматлар ҳажми, трлн. сўм	26,0	33,7	42,6	53,7	65,9	75,4	92,5	146,8
Ўтган йилга нисбатан ўсиш, фоизда	116,1	117,2	114,7	114,4	115,1	114,0	114,5	108,4
Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми, минг сўм	911,7	1148,7	1429,1	1774,0	2141,9	2407,6	2905,6	4455,6

Хизматлар соҳасини ривожлантириш дастурининг амалга оширилиши ҳисобига Ўзбекистон Республикасида 2010 йилдан 2018 йилгача соҳанинг ЯИМдаги ҳиссаси ортиб борди. Хусусан, 2010 йилда ЯИМда хизматлар соҳасининг улуши 46,9 фоизни ташкил қилган бўлса, 2018 йил якуни бўйича (дастлабки маълумот) 35,8 фоизга сифатида эътироф

³⁴<https://stat.uz/uz/432-analiticheskie-materialy-uz/2027-o-zbekiston-respublikasida-xizmatlar-sohasining-rivojlanishi>

этилди (3.10-расм).




3.10-расм. ЯИМда хизматлар улуши, фоизда³⁵

Аҳоли томонидан ҳар хил турдаги хизмат кўрсатиш турларига бўлган талабнинг доимий ўсиши ва давлат томонидан ушбу соҳага алоқадор инфратузилмаларни (ижтимоий, транспорт-коммуникация, савдо ва бошқалар) ривожлантириш бўйича қўрилаётган амалий чоралар хизматлар соҳасининг барча тармоқларини жадал ривожланишини таъминлади.

Телекоммуникация тармоқлари, компютерлаштириш ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва реконструкция қилиш миллий дастурларининг амалга оширилиши, симсиз телефон алоқаларнинг ўсишига, уяли алоқа абонентлари ва Интернет тармоғига жамоавий уланиш жойлари сонининг кўпайишига олиб келмоқда.

³⁵<https://stat.uz/uz/432-analitcheskie-materialy-uz/2027-o-zbekiston-respublikasida-xizmatlar-sohasining-rivojlanishi>




3.11-расм. Молиявий хизматларнинг ўсиши (ўтган йилга нисбатан фоизда)³⁶

2010-2018 йилларда молиявий хизматлар ҳажми ўтган йилга нисбатан ўсиш даражаси бир меёрда амалга оширилиб келаётганлигина инobatга оладиган бўлсак, 2018 йилда амалга оширилган ислохотлар натижасида 2017 йилга нисбатан 25,8 фоизга ошди. Бундай ўсишга, тижорат банкларининг, уларни капиталлаштириш ва молиявий барқарорлигини оширишни ўз ичига олган фаолиятларини такомиллаштириш натижасида эришилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашнинг такомиллашган механизми, истиқболли инвестиция лойиҳаларини кредитлашни кенгайтириш, шунингдек янги электрон тўлов технологияларини жорий қилган ҳолда молиявий ташкилотларнинг ҳудудий тармоқларини кенгайтириш молиявий хизматларнинг ўсишига таъсир кўрсатган бошқа омиллар бўлди.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш бўйича кўрсатилаётган хизматлар тизимининг ислох қилиниши, юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича тиббий хизмат кўрсатиш

³⁶<https://stat.uz/uz/432-analiticheskie-materialy-uz/2027-o-zbekiston-respublikasida-xizmatlar-sohasining-rivojlanishi>

даражасининг оширилиши, соғлиқни сақлаш амалиётига илғор чет эл тажрибаларини кенг жорий этилиши соғлиқни сақлаш соҳаси хизматларини 6 мартага ошириш имконини берди (3.12-расм).



3.12-расм. Соғлиқни сақлаш соҳасида хизматлар ҳажми, млрд.сўм³⁷

Ҳозирги вақтда, хизматлар ишлаб чиқариш истеъмолчиларнинг даромадлари даражаси, диди ва нимани афзал кўришларига қараб табақаланиб бормоқда.

Ҳажмларнинг ўсиши билан бирга, бозор хизматларининг таркибий нисбатлари ҳам ўзгарди. Хизматлар умумий ҳажмида транспорт хизматлари қисқариб, янги бозор хизматларининг улуши кўпайди.

Умуман хулоса сифатида айтиш мумкинки, мамлакатда иқтисодиёт субъектлари томонидан кўрсатилган ҳар қандай хизмат турларининг икки томонлама табиатини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Хизматлар ҳам худди моддий товарлар сингари иккита хусусиятга (нафлилик ва қиймат) эга бўлиб, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида ўта муҳим аҳамиятга эгадир. Республикамизда хизмат кўрсатиш

³⁷ <https://stat.uz/uz/432-analiticheskie-materialy-uz/2027-o-zbekiston-respublikasida-xizmatlar-sohasining-tivojlanishi>

соҳаларида янги иш ўринларини ташкил этиш, ушбу соҳада инвестиция, солиқ, пул-кредит ва илмий-техник сиёсатни такомиллаштириш ҳамда янги ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, бозор хизматларининг тармоқ тузилмасида сифатли таркибий ўзгаришлар амалга ошириш ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш омиллари ҳисобланади. Ушбу омиллардан самарали фойдаланиш мамлакатимиз аҳолисига турли хилдаги хизматлар кўрсатиш ва уларни истеъмол қилишнинг оқилона тузилмасини шакллантириш ҳамда аҳоли турмуш даражаси ва сифатини янада оширилишини таъминлаш имконини беради. Бежизга “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да республикамизда хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ва унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини ошириш учун – “...туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификациялаш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш, йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш”³⁸ - белгилаб қўйилган.

3.6. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида яратилган маҳсулотларнинг уч таркибий қисми ва уларнинг функционал вазифалари

Биз юқорида қўшимча маҳсулотнинг мазмунини ёритишда (ЯИМ)нинг уч таркибий қисмга бўлинишини ва унинг бир қисмини қўшимча маҳсулот эканлигини қисқача кўрсатиб ўтган эдик. Энди бу масалага батафсилроқ тўхталамиз. Ишлаб

³⁸ “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. http://strategy.gov.uz/uz/pages/action_strategy

чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг умумий натижаси асосан ялпи ички маҳсулотда намоён бўлиб, у уч таркибий қисмдан иборат бўлади.³⁹

$$\text{ЯИМ}=\text{А}+\text{ЗМ}+\text{ҚМ} \text{ (1)}^{40}$$

Яъни:

1) ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган асосий ишлаб чиқариш воситалари қийматининг маҳсулотга ўтган қисми: Амортизация (**А**);

2) янгидан вужудга келтирилган маҳсулотнинг бир қисми, яъни, ишчиларга тегишли қисми - зарурий маҳсулот (**ЗМ**);

3) янгидан вужудга келтирилган маҳсулотнинг зарурий маҳсулотдан ортиқча қисми, яъни, мулкдорлар, тадбиркорлар ва давлат учун ишлаб чиқарилган қисми, қўшимча маҳсулот (**ҚМ**)дан иборатдир.

Бошқача қилиб айтганда, ЯИМ олдинги ишлаб чиқариш жараёнларида яратилган ва ушбу ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган асосий ишлаб чиқариш воситаларининг қийматидан ҳамда шу ишлаб чиқариш жараёнида яратилган янги маҳсулотдан иборатдир. Чунки яратилган маҳсулотнинг бир қисмидан ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситаларининг ўрнини қоплаш, уни қайта тиклаш ва ривожлантириш учун фойдаланилади. Ишлаб чиқаришнинг узлуксиз давом этиши ва ривожланиши учун истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситалари асбоб-ускуналар, хом ашё, ёқилғи ва бошқа ёрдамчи материаллар ўрнини тўлдириб, қопланиб, янгиланиб туриши талаб қилинади. Бунинг учун ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг бир қисмидан фойдаланилади. Усиз ишлаб чиқаришни барқарор такрорлаб, жамиятнинг турли хил маҳсулотга бўлган талабини қондириб бўлмайди. Бу ҳодиса такрор ишлаб чиқаришнинг умумий қонуниятидир. Яратилган маҳсулотдан истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситалари қиймати


³⁹ Бу ҳақда биз шу бўлимнинг 1-бобида қисқача тўхталган эдик. Энди эса унга батафсилроқ тўхталамиз.

⁴⁰ Ушбу формула муаллифлар ишланмаси

чегириб ташланса, қолган қисми соф маҳсулот дейилади.

Ҳозир мавжуд бўлган тартиб қоида бўйича ЯИМ таркибида фақат ишлатилган асосий воситаларнинг эскирган (ейилган) қисми ҳисобга олинади. Бошқа айланма воситалар қиймати фақат ҳудудий ёки оралик маҳсулотда ҳисобга олинади. Демак, соф маҳсулот бевосита ишлаб чиқаришда банд бўлган иш юритувчилар, ишчилар, деҳқонлар, муҳандислар, техник ходимлар ва бошқаларнинг янгидан сарф қилинган меҳнати билан яратилган зарурий маҳсулот ва қўшимча маҳсулотдан иборатдир. Буни яхши тушуниб олиш учун яратилган маҳсулотнинг таркибий қисмларга бўлиб, уларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида таҳлил қиламиз.

Ялпи ички маҳсулотнинг уч таркибий қисмлари амортизация, зарурий маҳсулот ва қўшимча маҳсулотдан иборат бўлади (3.13-расм).



3.13-расм. ЯИМнинг ишлаб чиқариш таркиби⁴¹

3.13-расмдан кўринадики, амортизация ва соф ички маҳсулот ялпи ички маҳсулотнинг таркибий қисмлари бўлиб, агар ялпи ички маҳсулотдан амортизация ажратмасини

⁴¹ Муаллифлар ишланмаси

чегириб ташласак, кейинги қолган қисми соф маҳсулотдир. Биз соф ички маҳсулотни моҳиятини аниқлашдан олдин амортизация ажратмаси тушунчасини аниқлашимиз, яъни тўғри ва аниқ тушуниб олишимиз лозим.

Шунинг учун биз бу ерда ишлаб чиқариш жараёнида яратилган ялпи ички маҳсулотнинг уч таркибий қисмига алоҳида тўхталиб ўтишни жоиз деб ҳисобладик.

Амортизация асосий капитал эскириб боришига қараб, унинг қийматини аста-секин ишлаб чиқарилган маҳсулотга ўтказиш, асосий капитални кейинчалик қайта тиклаш мақсадларида маҳсулотнинг амортизация миқдорига тенг қисмини ажратиб боришдан иборат. Асосий капиталнинг эскириши билан амортизация ўртасида мустақкам алоқа бор. Бироқ булар бир хил тушунчалар эмас. Эскириш асосий воситалардан фойдаланиш жараёнида уларнинг техник-ишлаб чиқариш хоссаларининг аста-секин йўқотиб бориш жараёнини акс этиради. Амортизация анча мураккаб жараён бўлиб, истеъмол қилинган асосий воситалар қийматини уларнинг эскиришига мувофиқ равишда маҳсулотга ўтказиб бориши, истеъмол қилинган асосий воситаларнинг ўрнини қоплаш мақсадида пул фондиди жамғариш жараёнини акс этиради. Шундай қилиб, эскириш амортизациянинг дастлабки босқичи ва шарт-шароитидир.

Амалиётда амортизация нормаси деган тушунча мавжуд. Амортизация нормаси амортизация ажратмалари йиллик суммасининг шу асосий капитал қийматиغا нисбатан аниқланади ва фойзда ифодаланади. Амортизация ажратмаларининг умумий нормаси асосий капитални такрор ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ равишда икки қисмдан иборат бўлади: бир қисми асосий капитални тўла қоплашга (қайта тиклашга), иккинчиси уларни қисман қоплашга (капитал таъмирлашга) мўлжалланади.

Амалиётда умумий йиллик амортизация нормаларини (A_n) белгилашда асосий капитал қиймати ($K_{ас}$) асосий капиталнинг

ҳаракат қилиши муддати давомида капитал таъмирлаш учун сарфлар, (T_k) эскирган меҳнат воситаларини тугатишдан олинган маблағ (M_T) ва шу воситанинг хизмат даври (X_d) ҳисобга олинади:

$$A_n = \frac{K_{ac} + T_k + M_m}{X_d} \times 100\% \quad (1)^{42}$$

Амортизация нормалари меҳнат воситалари жисмоний ва маънавий ейилишининг ҳақиқий миқдорини акс эттириши керак. Оширилган нормалар маҳсулот таннархини сунъий равишда ўстириб юборади, пасайтирилган нормалар эса асосий капитал тикланиш даврини кечиктиради ва шу тариқа тараққиётга тўсиқ бўлади.

Ҳозирги шароитда амортизация ажратмалари ривожланган мамлакатларда капитал қўйилмаларни молиялаштиришнинг асосий манбаи ҳисобланади. Шунга кўра давлат кўпинча фирмаларга жадаллаштирилган амортизация усулини қўллашга рухсат беради. Жадаллаштирилган амортизация ажратмаларнинг юқори нормаларини белгилаш орқали асосий фондлар қийматини нисбатан қисқароқ вақт ичида ҳисобдан чиқариш имконини беради.

Бундай ҳолатда маҳсулотнинг қиймати ошади, лекин нафлилиги (натурал ашёвий жиҳати) кўпаймайди. Ишлаб чиқарувчи компаниялар ва уларнинг бир тўда эгалари катта фойда кўради, унинг оғирлиги эса истеъмолчиларга бориб тушади. Шунинг учун бизнинг фикримизча жадаллашган амортизация усулидан кўра одатда меъёрий амортизация нормасини қўллаган маъқул деб ҳисоблаймиз. Одатда жадаллаштирилган амортизацияни қўллаш асосий капиталнинг актив қисми учун рухсат этилади. Бироқ, бу ҳолат нафақат асосий капиталнинг тезроқ янгилаinishини, балки ишлаб чиқариш харажатларини амортизация

⁴² Ш.Ш.Шодмонов, У.В.Ғафуров Иқтисодиёт назарияси. –Т.: “Молия” 2010 й. 182-б.

ажратмаларига тўғри келувчи қисмининг ва маҳсулот таннархининг, охир-оқибатда баҳоларнинг ошиб кетишига ҳам олиб келади.

Асосий капитал кўпчилик турларининг фойдали хизмат муддати узоқ даврни ташкил қилиб, уларнинг қиймати жонли аниқ меҳнат ёрдамида яратилган маҳсулотга қисман ўтказиб борилади. Инвестицион товарларни сотиб олишга қилинадиган сарфлар ва уларнинг унумли хизмат муддати амалда бир даврга тўғри келмайди. Шу сабабли корхоналар инвестицион товарларнинг фойдали хизмат муддатини ҳисоблайди ва уларнинг умумий қийматини бутун хизмат муддатига тенг тақсимлайди. Асосий капиталнинг йил давомида ейилиб ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган қисми амортизация, яратилаётган маҳсулотдан кўчирилган қиймати эса амортизация ажратмаси дейилади. Амортизация ажратмаси асосий капитал турлари бўйича белгиланган меъёрга ҳар йили ажратиб борилади. Масалан, тўқув дастгоҳининг қиймати 5 млн. сўм, хизмат муддати 10 йилга тенг деб олинса, йиллик амортизация ажратмаси 0,5 млн. сўмни (5:10) ташкил қилади.

Амортизация ажратмаси шу йил ишлаб чиқарилган маҳсулот (ЯИМ) қиймати таркибига ишлаб чиқариш харажатлари сифатида кириб, маҳсулот сотилиши натижасида пул шаклида қайтиб келади ва амортизация фонди ҳисобида тўпланиб бориб, амортизация фондини ташкил этади.

Амортизация фондининг функционал вазифаси - йиғилган маблағлар ҳисобига истеъмол қилинган асосий капитални қайта тиклаш, яъни янги инвестицион товарлар сотиб олиш ва амал қилиб турганларини капитал таъмирлаш, ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш, уни кенгайтириш ва кредит ресурсларининг манбаини шакллантириш ҳисобланади.

ЯИМни ишлаб чиқариш таркибининг иккинчи муҳим қисми зарурий маҳсулот деб аталиб, ишлаб чиқаришнинг узлуксиз давом этишини, яъни такрор ишлаб чиқаришни бир

маромда олиб боришда алоҳида ўрин тутади. **Зарурий маҳсулот деб ишчи ва хизматчилар иш вақтининг бир қисми бўлган зарурий иш вақтида зарурий меҳнат билан яратилган, ишчи кучини нормал ҳолатда сақлаш ва қайта тиклаш учун зарур бўлган маҳсулотга айтилади.** Бунга келгуси авлод ишчиларини етиштириш, яъни ишчиларнинг оиласи ва болалари учун зарур бўлган маҳсулот ҳам киради.

Зарурий маҳсулотнинг объектив асосини ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият юритувчи ишчи ва хизматчи ходимларнинг ўз ишчи кучларини такрор ҳосил қилиш жараёни ташкил қилади. Ишчи кучини такрор ҳосил қилиш учун сарфланадиган барча моддий ва маънавий воситалар зарурий маҳсулот ҳажмини ташкил қилади. Унинг ҳар бир ишчига тўғри келадиган мутлоқ ҳажми йилдан йилга ортиши мумкин. Техника-технология даражаси ошгани сари ушбу кўрсаткич нафақат турли даврларда, балки турли хил мамлакатларда ва минтақаларда турли хил соҳа ва тармоқларда ҳам турлича бўлиши мумкин. Чунки ҳар хил минтақаларда, соҳа ва тармоқларда ҳамда меҳнат шароити ва интенсивлигига турлича бўлган турли хил даражада малакага эга бўлган ишчилар фаолият юритади. Ходимларнинг меҳнат интенсивлиги ва малакаси, юқори бўлган тармоқ ва корхоналарда меҳнат унумдорлиги юқори бўлади ва кўпроқ соф маҳсулот яратилади. Бу эса, ўз навбатида, ҳар бир ишчи-ходимга тўғри келадиган зарурий маҳсулотнинг ҳам юқори даражада бўлишига олиб келади. Лекин фан-техника ва технологияларнинг юксалиши, инновацион технологияларнинг қўлланилиши ишчи ва хизматчи ходимлар малакасининг, билим савиясининг юқори даражада бўлишини, маълум тайёргарликдан ўтишини тақозо этади, ўз навбатида бу ишчи хизматчи ходимларни тайёрлаш харажатларининг, яъни зарурий маҳсулот миқдорининг ошиб боришига олиб келади. Фан-техника тараққиёти натижасида меҳнат унумдорлигининг ошиши эвазига зарурий маҳсулотни ишлаб чиқаришга кетадиган иш вақти миқдори камайиб

бориш, натижада кўшимча иш вақти узайиб, кўшимча маҳсулот миқдори эса ошиб бориши мумкин. Бу албатта зиддиятли ҳолат бўлиб, алоҳида тадқиқот талаб қиладиган жараёндир.

Зарурий маҳсулот ўз ичига моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги ишчи, хизматчилар ва улар оилаларининг ўзларини жисмоний эҳтиёжларини кондиришга йўналтирилган ҳаётий воситалар фонди, шунингдек, ишчилар ҳамда жамият ишлаб чиқарувчи кучлари ривожига даражасига мос келувчи маълум сифатдаги ишчи кучига айланиши учун уларнинг фарзандларига таълим бериш ва тарбиялаш ҳаражатларини ҳам ўз ичига олади. Бунда нафақат табиий ва жисмоний шарт-шароитлар орқали пайдо бўлган моддий неъматларга алоҳида эҳтиёжларни, шу билан бирга ижтимоий шарт-шароитлардан келиб чиқувчи эҳтиёжларни ҳам ҳисобга олиш зарур. Бунга ўқитиш, билим савияси ва малакасини ошириш, дам олиш учун кетган ҳаражатлар ҳам киради.

Таъкидлаш мумкинки, зарурий маҳсулотнинг функционал вазифаси – нафақат ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият юритувчи ишчиларнинг ўз ишчи кучларини, балки мамлакат бўйича ялпи ишчи кучини такрор ҳосил қилиш, келгуси авлод ишчиларини етиштириш, турли хилдаги ижтимоий фондларни ҳосил қилиш ва шу орқали аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишдан иборат.


Шундай қилиб зарурий маҳсулот соф ички маҳсулотнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, бевосита ишчи ва хизматчиларга тегишлидир. Зарурий маҳсулот тушунчаси бир жойда қотиб қолган ўзгармас тушунча эмас. У ҳам бошқа иқтисодий категориялар каби доимо ҳаракатда, ўзгаришда ва ривожланишда бўлади. Зарурий маҳсулот такрор ишлаб чиқариш фазаларидаги ҳаракатида ҳам ўз шаклини ўзгартиради. Масалан, у ишлаб чиқариш бошланишидан олдин мулк шаклидан қатъий назар тадбиркор ихтиёридаги ишчи кучини сотиб олишга мўлжалланган пул капитали, аниқроғи, айланма капиталнинг бир қисми сифатида мавжуд

бўлади. Ишлаб чиқариш жараёнида эса у тадбиркор қўлидан иш ҳақи шаклида ишчининг қўлига ўтади. Иш ҳақи ҳозирги даврда ҳам кўпчилик мамлакатларда жумладан, бизнинг мамлакатимизда ҳам зарурий маҳсулотнинг асосий ўзгарган шакли сифатида намоён бўлмоқда. Лекин ҳозирги даврда хусусан бизнинг мамлакатимизда аҳоли турмуш даражасини ошириш мақсадида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг турли йўналишлари: хунармандчилик, касаначилик ва бошқа майда хизмат кўрсатиш соҳалари, шунингдек, қишлоқ хўжалигида томорқа, деҳқон ва бошқа турли йўналишлардаги хўжаликлар ривожлантирилиб, уларда турли туман маҳсулотлар яратилмоқдаки, бунинг натижасида бозорларимиз мўл-кўл, ҳаётимиз тўкин-сочин, рўзгорларимиз обод бўлмоқда. Бу маҳсулотлар энг аввало, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибига кириб, унинг ҳажмини оширмоқда, қолаверса, бу маҳсулотлар зарурий маҳсулот сифатида ишчи кучини кенгайган ҳолда такрор ишлаб чиқаришда муҳим роль ўйнамоқда. Бу майда хўжаликларда яратилган маҳсулотлар асосан зарурий маҳсулот таркибида бўлиб, ўз яратувчилари эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади. Шунга асосан, зарурий маҳсулотнинг реал иқтисодий ҳаётдаги юзага чиқиб кўринадиган аниқ шакллари фақатгина иш ҳақи эмас, балки бир нечта турларда намоён бўлади. Ҳозирги даврда мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар натижасида зарурий маҳсулот ўзгарган шакллари кўпайиб турлича кўринишларда намоён бўлмоқда.

Зарурий маҳсулотнинг намоён бўлиш шаклларини қўйидаги расмда аниқроқ кўришимиз мумкин (3.14-расм).

Ҳаммага маълумки, илгари собиқ совет даврида зарурий маҳсулотнинг реал ҳаётдаги аниқ шакли фақат икки хил кўринишда, яъни иш ҳақи ва ижтимоий истеъмол фондлари сифатида намоён бўларди. Ҳозир эса у бир қанча шаклларда намоён бўлмоқда. Буларга мисол қилиб иш ҳақи, ижтимоий тўловлар (пенсия, нафақа, стипендия ва х.к), уй хўжаликларидан олинган маҳсулотлар, хунармандчилик,

касаначилиқ ва турли хил хизматлар кўрсатишдан олинган даромадларни кўрсатиш мумкин.



3.14-расм. Зарурий маҳсулотнинг намоён бўлиш шакллари

Мамлакатимизда “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ва унинг “Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари” деб номланган тўртинчи устувор йўналишининг 4.1-бандида – “Аҳолининг бандлиги ва реал даромадларини босқичма-босқич ошириш, аҳолининг реал пул даромадлари ва ҳарид қобилиятини ошириш, бюджет муассасаси ҳодимларининг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақаларнинг ҳажмини инфляция суръатларига нисбатан жадал миқдорда босқичма-босқич ошириш”⁴³ – вазифаларининг белгилаб қўйилиши мамлакатимизда зарурий маҳсулотнинг энг асосий таркибий қисмлари бўлган иш ҳақи ва ижтимоий тўловларни ошириш орқали аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга нақадар катта аҳамият берилаётганлигидан далолат беради.

⁴³ “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. http://strategy.gov.uz/uz/pages/action_strategy

Сўнги йилларда ҳукуратимиз томонидан аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини янада ошириш, фуқароларни ижтимоий қўллаб қувватлаш мақсадида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар, иш ҳақи ва пенсиялар изчил равишда ўсиб боргани яққол намоён бўлмоқда.

Қуйида келтирилган маълумотларга кўра, 2000-2018 йилларда аҳоли жон бошига даромадлар, иш ҳақи ва пенсияларнинг йилдан-йилга ўсиб бориш тенденцияларини кузатиш мумкин (3.7-жадвал).

3.7-жадвал

Республика аҳолиси даромадлари, иш ҳақи ва пенсияларнинг ўзгариш динамикаси⁴⁴

Кўрсаткичлар номи	2000	2005	2010	2016	2017	2018
Аҳоли жон бошига умумий даромадлар, минг сўм	96,4	371,8	1668,1	4565,2	5750,2	8601,2
Ўртача номинал ҳисобланган иш ҳақи, минг сўм	13,5	81,5	504,8	1293,8	1453,2	1822,2
Белгиланган ўртача пенсия миқдори (йил охирига), минг сўм	7,4	31,7	171,9	494,2	564,4	891,5

Ўтган давр мобайнида аҳоли жон бошига даромадлар мунтазам равишда ошиб борган ва 2018 йилда 8601,2 минг сўмни ташкил этган. Шунингдек, ушбу давр оралиғида ўртача иш ҳақи ҳамда пенсиялар миқдори мос равишда 1822,2 минг сўм ва 564,4 минг сўмни ташкил этган.

Зарурий маҳсулот модификациялашган шаклларида бири бу – уй, деҳқон ва томорқа хўжаликларида етиштириладиган маҳсулотлар ҳисобланади.

Уй хўжаликлари истеъмоли ички бозорни кенгайтириб иқтисодий ўсишга шароит ҳозирласа, уларнинг ишлаб

⁴⁴ <http://stat.uz/136-tahliliy-ma-lumotlar/1477-o-zbekiston-respublikasida-aholi-turmush-darajasi-va-faravonligining-rivojlanishi-tahlili>

чиқариш фаолияти ЯИМ ҳажмини кўпайтиришга бевосита ҳисса қўшади. Бу ердаги ишлаб чиқариш жараёни бевосита меҳнат жараёни, асосан нафлиликни, ўз истеъмоли учун товар ва хизматларни яратишдир.

Уй хўжалиқларида уларнинг индивидуал мулки бўлган моддий ва пул ресурслари қатнашади. Булар хонадоннинг умумий мулки бўлади ва айрим кишилар ўртасида тақсимланмайди. Булар автомобиль, меҳнат қуроллари, турли ашёлар, кичик қурилмалар ва шу кабилардан иборатдир.

Ушбу хўжалиқларда ишлаб чиқариш жараёни ўзи ва оила аъзолари меҳнати асосида амалга ошади. Бу хўжалиқлардан олинган маҳсулотлар, айниқса, деҳқон ва томорқа хўжалиқлари маҳсулотларининг бир қисми натурал ҳолда ўз эҳтиёжларини қондириш учун ишлатилиши мумкин. Бу кичик хўжалиқларда ишлаб чиқаришнинг мақсади фойда олиш эмас, балки, ўз оилавий эҳтиёжларини қондиришдир. Ушбу ишлаб чиқариш тури кўлами кичик бўлганлиги сабабли уни мини ишлаб чиқариш деб ҳам айтиш мумкин. Улар томонидан яратилган маҳсулот ва хизматлар иккиёқлама характерга эга. Биринчидан, бу маҳсулотлар қисман натурал характерга эга. Чунки, унинг бир қисми ишлаб чиқарувчининг ўзи томонидан истеъмол қилинади. Айрим ҳолларда ишлаб чиқариш билан бир вақтнинг ўзида истеъмол ҳам юз беради. Иккинчидан, товар характерига эга, яъни унинг ўз истеъмолидан ортиқча қисми бозорга чиқариб сотилади.

Уй хўжалиқлардаги ишлаб чиқаришни ўзига хос натурал-товар ишлаб чиқариш деб айтиш мумкин. Айтилган белгилар уй хўжалигидаги ишлаб чиқаришни корхоналар ва фермер хўжалиқларидаги ишлаб чиқаришдан фарқлантириш учун асос бўлади.

Айрим иқтисодчилар уй хўжалиги ишлаб чиқаришига кичик ва оилавий бизнес ҳамда касаначиликни киритадилар. Лекин бунда қандай илмий мезонлар қўлланилгани

номаълумлигича қолади⁴⁵. Кичик бизнесга келсак, у фойда топишни кўзлайди, ишлаб чиқаришга капитални жалб этади ва чекланган бўлсада ишлаб чиқариш жараёнида ёлланма меҳнатдан фойдаланади. Ушбу белгилари билан кичик ёки оилавий бизнес уй хўжаликларидан ажралиб туради. Касаначиликда ишчилар корхоналар буюртмаси бўйича уй шароитида фаолият юритишади. Ишлаб чиқариш жараёнидаги ресурслар корхонага тегишли бўлиб, ходимдан фақатгина ўз ишчи кучини сарфлаши талаб қилинади.

Бизнинг фикримизча, уй хўжаликларининг ишлаб чиқариш фаолияти қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Томорқа ва деҳқон хўжалиги.
2. Якка тартибдаги меҳнат фаолияти (хунармандчилик, касаначилик).
3. Уй рўзғордаги ишлаб чиқариш.
4. Турли хилдаги хизматлар кўрсатиш.

Булар орасида томорқа-деҳқон хўжалиги илгариги даврдан сақланиб келган, лекин у бозор ислохотлари туфайли трансформациялашган ишлаб чиқаришдир. Республикамизда томорқа хўжаликлари мустақилликдан кейинги даврларда чуқур аграр илохотлар натижасида янгидан шаклланди ва ривожланди. Уларнинг экин майдони кенгайтирилди ва бириктирилган ерларга умрбод эгалик қилиш ва унинг авлоддан-авлодга ўтишига эришилди. Томорқаларнинг бир қисми деҳқон хўжаликларига айлантилди. Шу сабабли у янги бозор муносабатларини биринчилар қаторида ва тезда ўзига сингдира олди. Улар давлат томонидан қўллаб-қувватланиши натижасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг муҳим жабҳасига айланди. Бу хўжалик ўз характери жиҳатидан кичик оилавий бизнесга яқин туради ва майда товар ишлаб чиқарувчилар сифатида сон жиҳатидан жуда кўпчиликини ташкил қилади. Улар эркин деҳқон бозори учун ишлайди ва бу бозордаги ўзгаришларга тез мослаша

⁴⁵ Ахмедов Ф.А. Бозор муносабатлари шароитида хонадон хўжаликларини ривожлантиришнинг иқтисодий-ижтимоий жиҳатлари. Т. 2011. 13-бет.

олади. Бирок, улар ғоят тарқоқ хўжалик бўлиб, уларнинг фаолиятига стихиялик хосдир. Томорқа-деҳқон хўжаликлари оилавий меҳнатга таянади ва у ердаги ишлаб чиқариш қисман бўлсада натурал характерга эга. Либераллик даражаси бошқаларга нисбатан юқори, чунки у катта мустақилликка эга ва эркин рақобатли бозор шароитида фаолият юритади.

Мамлакатнинг иқтисодий барқарорлиги ва аҳолининг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлашда деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, уларнинг ер майдонларидан самарали фойдаланиш масаласи алоҳида ўрин тутди.

Шу сабабли ўтган давр мобайнида деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кенгайтириш каби йўналишларда бир қатор ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони⁴⁶ ва 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси⁴⁷ да белгиланган устувор вазифалар мамлакатимизда ушбу соҳани жадал ривожлантириш, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали тизимини яратиш, ушбу соҳада норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, соҳа субъектларининг экин майдонларидан самарали

⁴⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.10.2017 йилдаги ПФ-5199 сонли «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 41-сон, 1061-модда.

⁴⁷ http://strategy.gov.uz/uz/pages/action_strategy. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси

фойдаланишдаги шахсий манфаатдорлиги ва масъулиятини ошириш, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, уларнинг тайёрлов, қайта ишлаш, таъминот ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ўзаро муносабатларида замонавий бозор механизмларини жорий этиш, «Томорқа – қўшимча даромад манбаи!» шиорини қишлоқ аҳолиси орасида кенг тарғиб қилиш ҳамда ер эгаларининг кундалик фаолиятига сингдириш, ер эгаларининг билим ва тажрибаларини ошириш, уларни зарур маълумот ва ахборотлар билан таъминлаш тизимини ривожлантириш, соҳага замонавий технологияларни кенг жорий этиш каби бир қатор аниқ чоратадбирларни амалга оширишни назарда тутди.

Соф маҳсулотнинг зарурий маҳсулотдан ортиқча қисми, яъни ишчи ва хизматчилар томонидан қўшимча иш вақтида сарфланган қўшимча меҳнат билан яратилган қисми қўшимча маҳсулот дейилади.

Биз бу ерда қўшимча маҳсулотнинг мазмунига батафсил тўхталмаймиз. Чунки, уни шу бўлимнинг биринчи бандида ёритганмиз.

Лекин шу нарсани яна бир-бор таъкидламоқчимизки, қўшимча қиймат қўшимча маҳсулотдан фарқ қилиб, унинг бир томонини, яъни қиймат томонини ифодалайди, қўшимча маҳсулот эса ҳар иккала томонни, ҳам қўшимча нафтиликни, ҳам қўшимча қийматни ва уларнинг ўзгаришини ифодалайди. Бу ерда шуни таъкидлаш жоизки, ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланиши натижасида меҳнатнинг унумдорлик кучи ўсиши (зарурий маҳсулот ўзгармаган ҳолатда) қўшимча маҳсулот миқдорининг ўсишига олиб келади. Қўшимча қиймат эса ўзгармай қолади.

Қўшимча маҳсулот – қўшимча қиймат ва меҳнатнинг унумдорлик кучи кўпайтмасига тенгдир. Демак, қўшимча маҳсулот миқдор жиҳатидан қўшимча қийматдан меҳнатнинг унумдорлик кучи миқдорига тенг даражада кўпроқ бўлади. Масалан, қўшимча қиймат миқдори 200 минг сўм бўлиб,

меҳнат унумдорлиги 1,5 баробарга ошган бўлса қўшимча маҳсулот ($200 \times 1,5 = 300$) 300 минг сўмга тенг бўлади.

Яна шу нарсани ҳам таъкидлаш жоизки, иқтисодий адабиётлар ва даврий матбуотда айрим муаллифлар қўшилган қиймат билан қўшимча қийматни бир хил тушунча деб қарамоқдалар. Лекин улар орасида миқдор ва сифат жиҳатдан жуда катта фарқ мавжуддир.

Қўшилган қиймат – амортизация фонди, иш ҳақи, турли ижтимоий фондлар, солиқ ва бошқа тўловларни ўз ичига олади.

Қўшимча маҳсулот эса қўшилган қийматдан амортизация, иш ҳақи ва турли ижтимоий фондлар чегириб ташлангандан қолган қисмини ўз ичига олади.

Мана шу таъкидланган жиҳатлар ва қўшимча маҳсулотнинг функционал вазифасини билиш қўшимча маҳсулот мазмунини тўғри тушуниш имконини беради, деб ўйлаймиз.

Қўшимча маҳсулотнинг функционал вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Қўшимча маҳсулот уни яратувчи ишчига эмас, балки тадбиркорлар, мулкдорлар ва давлатга, умуман олганда, бутун жамиятга тегишли бўлиб, у орқали ижтимоий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари кенгайтирилади ва такомиллаштирилади. Шунинг учун, яратилган қўшимча маҳсулотнинг маълум қисми ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмларини кўпайтиришга, қўшимча ишчиларни ёллашга, яъни унумли жамғаришга йўналтирилган бўлиши лозим.

2. Қўшимча маҳсулотнинг бир қисми янги мактаблар, касалхоналар, стадионлар, ижтимоий объектлар ва ҳоказолар қуришга, яъни ноишлаб чиқариш соҳасининг ривожланиши учун - мўлжалланган капитал қўйилмаларга, ишлаб чиқаришга янги жалб этилган ишчиларни ҳаётий воситалар билан таъминлашга хизмат қилди. Бу соҳаларга қўшимча маҳсулотнинг бир қисмини ажратиш орқали жамиятнинг

прогрессив ривожланишни таъминлаш мумкин.

3. Қўшимча маҳсулот мамлакат мудофаасини мустаҳкамлаш, тартиб интизомни сақлаш ва мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш, шунингдек, давлатни бошқаришга кетадиган ҳаражатларни молиялаширишга хизмат қилди.

Кўриниб турибдики, қўшимча маҳсулотни кўпайтириш ҳеч кимга зарар бермайди, аксинча жамият аъзоларининг ҳаммаси учун манфаатлидир.

Бу айтилганлар мамлакатни барқарор ривожлантиришнинг иқтисодий манбаи сифатида қўшимча маҳсулотни тўхтовсиз кўпайтириб боришни тақозо этади.

Йил давомида олинган қўшимча маҳсулотлар йигиндиси қўшимча маҳсулот массаси, унинг зарурий маҳсулотга нисбати эса (фоизда ифодаланиши) қўшимча маҳсулот нормаси деб юритилади.

Ишлаб чиқарилган қўшимча маҳсулот икки таркибий қисмларга бўлинади: биринчи қисми - типик қўшимча маҳсулот ; иккинчи қисми устама қўшимча маҳсулот. Қўшимча маҳсулотнинг биринчи қисми ҳар бир муайян ишлаб чиқариш тармоғининг барча корхоналари учун одатий ҳисобланган меҳнат қуроллари, технологиялар, меҳнатни ташкил этиш шакллари ва ишлаб чиқаришни бошқариш шаклларида яратилади. Бу қўшимча маҳсулот иқтисодий адабиётларда одатдаги, анъанавий, асл қўшимча маҳсулот каби номлар билан юритилади.

Устама қўшимча маҳсулот типик қўшимча маҳсулотдан фарқли ўлароқ тармоқдаги у ёки бу корхонада нисбатан яхшироқ табиий ва иқтисодий шароитлар, омиллар, ресурслар ёрдамида таркиб топади. Ишлаб чиқаришнинг табиий омиллари иқтисодий (сунъий) омиллардан фарқ қилиши сабабли устама қўшимча маҳсулотнинг ҳам икки тури фарқланади. Биринчи тури нисбатан қулай табиий ресурслар (нисбатан юқори тупроқ унумдорлиги, қулай биологик жараён, бозорга нисбатан қулай жойлашув ва х-к.) шароитида таркиб топади. Табиий омилларнинг ҳам тармоқ ичида, ҳам

худуд ичидаги табақалашуви жуда кескин намоён бўлади. Меҳнат унумдорлигига табиат кучларининг таъсири ижобий ва салбий бўлади. Ўта қулай шароитдаги омилнинг самардорлиги нисбатан пастроқ қулайликдаги омилнинг самардорлигидан бир неча баробар катта бўлиши мумкин. Ижобий табиат кучларининг табақалашуви биринчи кўринишдаги устама қўшимча маҳсулотнинг табақалашувини белгилаб беради. Салбий табиат кучлари нафақат биринчи турдаги устама қўшимча маҳсулотни, балки унинг муайян жой ва муайян вақтдаги умумий ҳажмининг пасайишига олиб келади. Биринчи турдаги устама қўшимча маҳсулот доимий ҳисобланади.

Иккинчи турдаги устама қўшимча маҳсулот нисбатан қулай сунъий омиллар воситасида таркиб топади. Булар - техник, технологик, ташкилий янгиликларнинг жорий этилиши - ишлаб чиқаришга фан-техника тараққиётининг ютуқларини жорий этиш натижаси ҳисобланади ва келгусидаги тараққиётнинг манбаи бўлиб хизмат қилади.

Ишлаб чиқариш миқёси ва мулк шаклидан қатъий назар ҳар бир корхонада, тармоқда қўшимча маҳсулотни кўпайтиришга ҳаракат қилинади. Уни кўпайтириш асосан уч йўл билан - ишловчилар сонини кўпайтириш, иш кунини ўзайтириш ва иш куни чегараси ўзгармаган ҳолда зарурий иш вақтини камайтириш эвазига қўшимча иш вақтини узайтириш йўли билан амалга оширилади.

Ишчилар сонини кўпайтириш ва иш кунини ўзайтириш йўли билан олинган қўшимча маҳсулот **абсолют қўшимча маҳсулот** деб, иш куни ўзгармаган ҳолда, зарурий иш вақтини камайтириб, қўшимча иш вақтини узайтириш эвазига олинган қўшимча маҳсулот эса **нисбий қўшимча маҳсулот** деб аталади. Қўшимча маҳсулотни кўпайтиришнинг биринчи икки йўли чекланган тавсифга эга бўлиб, тарихан ўз умрини ўтаб бўлган усуллардир. Унинг учинчи йўли эса чекланмаган тавсифга эга бўлиб, ҳозирги ва кейинги давр учун мосдир. Фақат у фан техника, технологиялар ривожини талаб этадиган

йўлдир.

Шундай қилиб, зарурий ва қўшимча маҳсулотларнинг бир-биридан фарқланиш жиҳатларини қуйидагилар билан изоҳлашимиз мумкин:

1. Соф маҳсулотни зарурий ва қўшимча маҳсулотларга бўлишнинг асосида ишчи кучини нормал ҳолатда такрор хосил қилиш масаласи ётиши керак. Шунинг учун ҳам соф маҳсулотнинг ишчи кучини такрор хосил қилишга сарфланган қисми зарурий маҳсулот, ундан органи эса қўшимча маҳсулот ҳисобланади.

2. Фан-техника ютуқларининг ишлаб чиқаришга жорий қилиниши умумтаълим тизимининг ривожлантирилишини ва ходимларнинг малакасини ошириш талаб қилади. Шунинг учун ҳам зарурий маҳсулот ҳажми бир томондан нафақат табиий шарт-шароитларга, балки муайян даврда ва маконда фан, техника, маданият, таълим соҳаларида эришилган ютуқларга ва бинобарин меҳнат унумдорлиги даражасига ҳам боғлиқ ҳисобланади. Шу сабабли зарурий маҳсулот ҳажмининг ҳар бир ишчи ходимга тўғри келадиган қисми нафақат йиллар ёки ҳудудлар бўйича, балки тармоқлар, корхона ва ташкилотлар бўйича ҳам бир-биридан фарқ қилади.

3. Зарурий ва қўшимча маҳсулотларнинг ҳажмини ҳисоблашда зарурий маҳсулот таркибига соф маҳсулотнинг қуйидаги унсурларини киритишимиз зарур: ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлган ишчи ходимларнинг иш ҳақи; аҳоли жон бошига тўғри келадиган истеъмол фондлари; уй хўжаликларида етиштириладиган соф маҳсулот.

Иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқлари бўйича зарурий маҳсулот меъри ва массасини ҳисоблашдан олдин уларда яратилаётган соф маҳсулот ҳажмини аниқлаш зарур. Ишлаб чиқариш жараёнида сарфланган қўшимча меҳнат ҳар доим иш кунининг маълум бир қисминигина ташкил қилади, қўшимча қиймат эса барча янгитдан яратилган қийматларнинг бир

қисмини ўзида мужассамлаштиради. Яратилган қўшимча маҳсулотнинг хажми нафақат соф маҳсулот хажмига, балки зарурий маҳсулот хажмига ҳам боғлиқдир.


Бу баён этилганлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, қўшимча меҳнат ва бинобарин, қўшимча маҳсулот бутун-бутун тарихий тараққиёт давомида ишлаб чиқаришни, фан техникани, таълимни, соғлиқни сақлашни, маданиятни ривожлантиришнинг иқтисодий манбаи бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Ушбу масалага бағишланган адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, зарурий ва қўшимча маҳсулотни ким қандай тушунишидан қатъий назар, доимо мавжуд бўлган объектив умумиқтисодий категориядир. Лекин шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги даврдаги адабиётларда ҳам асосан зарурий ва қўшимча маҳсулотнинг бир томонига, яъни қиймат тарафига эътибор берилган, уни зарурий ва қўшимча қиймат деб таърифланган. Холбуки, биз юқорида айтганимиздек, зарурий ва қўшимча қиймат зарурий ва қўшимча маҳсулотнинг бир тарафи, яъни уларнинг қиймат тарафи бўлиб, унинг нафлилик тарафи эътибордан четда қолмоқда.

ЯИМни учга бўлиб ўрганишни ва унинг бир қисми бўлган қўшимча маҳсулотни рад қилиш ўрнига унинг мазмунини, ҳаракат шаклларини пухта ўрганиб, янада кўпайтириш ва тақсимланишини такомиллаштириш йўлларини қидиришга куч сарфлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

3.7. Қўшимча маҳсулотнинг намоён бўлиш шакллари

Биз юқорида зарурий маҳсулот (ЗМ)нинг намоён бўлиш шакллари ҳақида қисқача тўхталган эдик. Энди эса қўшимча маҳсулотнинг намоён бўлиш шаклларини ёритишга ҳаракат қиламиз. Қўшимча маҳсулотнинг мазмунини тушунишда уларнинг реал ҳаётдаги намоён бўлиш шаклларини билиш муҳим рол ўйнайди. Маълумки, қўшимча маҳсулот яратилган маҳсулотнинг таркибий қисми сифатида уларнинг бевосита

ишлаб чиқариш жараёнидаги кўриниши бўлиб, кўпгина молиявий ва бошқа қатор категорияларнинг туб илдизини, манбаини ташкил этади. Аммо, улар айирбошлаш (олди-сотди) ва тақсимлаш жараёнларидан ўтиб, ўз шаклларини ўзгартириб, модификациялашган шаклларда намоён бўладилар. Яратилган кўшимча маҳсулотнинг намоён бўлиш шакллари 3.15-расмда аниқроқ тасвирлаш мумкин.



3.15-расм. Кўшимча маҳсулотнинг намоён бўлиш шакллари.

Ҳар бир корхонада ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўлган кўшимча маҳсулот айрибошлаш (олди-сотди) ва тақсимланиш жараёнида фойдага айланади. Бу фойда корхонада яратилган товар ва хизматларни сотишдан келган умумий пул даромадларидан ишлаб чиқариш харажатларини чегириб ташлаш йўли билан аниқланади. Буни ҳозирги даврда корхонанинг умумий фойдаси деб юритилади. Фойдадан давлат солиқ сифатида, ссуда капитал эгалари эса фоиз сифатида, ер эгалари рента сифатида ўз улушларини оладилар. Фойданинг турли тўловлардан қолган қисми эса тадбиркорларнинг соф фойдаси бўлиб, унинг ҳисобидан ўзларининг истеъмолини қондиради, инвестицияни, турли социал йўналишдаги ишларни амалга оширадилар. Кўришиб турибдики, кўшимча маҳсулотни кўпайтириш ҳеч кимга зарар бермайди, аксинча жамият аъзоларининг ҳаммаси учун манфаатлидир. Бу даромад турлари кўшимча маҳсулотнинг сотилиб, дастлабки тақсимлангандан кейинги ўзгарган шаклларидир. Юзаки реал ҳаётда кўшимча маҳсулот

юқоридаги 2.15-расмдаги шаклда намоён бўлади.

Иқтисодий жараёнлар, рўй бераётган иқтисодий воқеа ва ҳодисаларни тадқиқ қилишда ва реал иқтисодий ҳаётда қўшимча маҳсулотнинг эътиборсиз қолдирилаётганлигига асосий сабаблардан бири, бизнинг назаримизда, унинг юзаки реал иқтисодий ҳаётдаги ўзгарган, модификациялашган шакллари билан чуқур илдизи ўртасидаги боғланишни ва уларнинг бевосита бир-бирига ўзаро таъсирини билмасликдан келиб чиқса керак, деб ўйлаймиз. Мамлакат иқтисодиётининг барча соҳаларидаги олинган ялпи фойда миқдори даражаси қўшимча маҳсулот массасига тенг бўлади. Лекин тармоқлар, ҳудудлар ва корхоналарда яратилган қўшимча маҳсулот миқдори билан ялпи фойда ҳажми бир-бирига тенг келмайди, чунки, рақобат курашлари, нархлар ва бошқа тақсимлаш механизмлари орқали бир муайян корхона, тармоқ ёки ҳудудда яратилган қўшимча маҳсулот бошқаларига ўтиб кетиш ҳолатлари юз бериб туради.

Товар ва хизматлар сотилганда уларнинг умумий қиймати пул тушумига, яъни пул даромадларига, ундаги қўшимча маҳсулот эса ялпи фойдага айланади. Бундан кўришиб турибдики, олинган ялпи фойданинг ҳақиқий манбаи қўшимча маҳсулотдир.

Шу ўринда, таъкидлаш жоизки, республикамизда таҳлил қилинаётган даврда қўшимча маҳсулот модификациялашган шакллари билан бири бўлган фойда ҳажми иқтисодиётнинг турли хил тармоқ ва соҳаларида турлича даражада ўсиш тенденцияси кузатилди. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиёт тармоқларида фойда миқдорининг ошишига ижобий таъсир кўрсатмоқда (3.8-жадвал).

3.8-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2000 йил sanoatда ялпи фойда миқдори 84 миллиард сўмдан ортиқроқ бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2005 йилга келиб 14 баробарга, 2016 йилда эса, 2000 йилга нисбатан 162 баробарга ортган ва иқтисодиёт ялпи фойдасининг деярли 71,5 фоиздан ортигини ташкил этган. Бундан ташқари, транспорт, алоқа, савдо ва

умумий овқатланиш соҳаларида ҳам фойда миқдорида сезиларли ижобий ўзгаришларга эришилган.

3.8-жадвал⁴⁸

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича фойда, зарар(-) (млрд. сўм)*

Кўрсаткичлар	Йиллар					
	2000	2005	2010	2015	2016	2018
Фойда – жами	283,3	1837,2	4520,8	14364,1	19323,1	22096,7
Шу жумладан						
Саноат	84,4	1246,7	3245,1	9762,4	13658,4	14355,9
Қурилиш	16,0	43,6	81,5	346,1	420,9	109,8
Транспорт ва алоқа	98,8	451,3	879,2	2637,5	3215,4	4365,7
Моддий-техника таъминоти	18,3	8,2	1,3	12,6	18,4	182,6
Савдо ва умумий овқатланиш	28,4	40,2	220,6	1237,4	1584,6	1652,9
Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш-нинг ноишлаб чиқариш турлари	1,5	0,3	6,3	49,2	56,3	76,2
Коммунал хўжалик	3,5	65,5	-12,4	44,1	49,2	18,8
Бошқа тармоқлар	13,1	29,8	69,7	227,1	264,8	1157,9

Бу мамлакатимизда саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг жадал суръатлар билан ривожланиб бораётганлигидан далолоат беради. Бунга асосан, давлат томонидан қулай инвестицион муҳитнинг яратилганлиги, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларига турли хилдаги имтиёзларнинг берилганлиги, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ишларининг пухта ўйлаб чиқилганлиги ва иқтисодиётни модернизациялаш дастурларининг амалга оширилганлиги туфайли эришилди.

3.8-жадвал маълумотлари иқтисодиётда фойда ҳажмининг

⁴⁸ “Ўзбекистоннинг йиллик статистик тўплами 2015” 207-бет, Т: 2016, Ўз.Рес. давлат статистика қўмитаси ва интернет маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилди.

* Бюджет ва сўғурта ташкилотлари, банклар, чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, кичик корхона ва микрофирмлар, деҳқон ва фермер хўжаликларисиз.

номинал кўринишини ифодалайди холос. Ушбу кўрсаткичларга асосланиб, хулоса чиқаришдан олдин мамлакатда нархлар даражасининг ўзгариши (ўсиши) реал иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга таъсирини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун иқтисодиётда ялпи фойда ҳажмини ЯИМга нисбатан фоизда ифодалаш иқтисодий ҳодиса ва жараёнларнинг реал ҳолатини акс эттиришда ва тегишли хулосалар чиқаришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Илмий изланишларимиз натижасида республикада ЯИМ ҳажмининг ортиши ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари ҳали-ҳанузгача экстенсив омиллар ҳисобига амалга оширилаётганлиги кузатилмоқда. Буни республика иқтисодиётида яратилган маҳсулотларни сотишдан олинган ялпи пул тушумларида таннарх ва фойда улушининг ўзгаришидан англаш мумкин.

ЯИМ таркибининг сифат жиҳатдан такомиллаштириб борилиши ва иқтисодий ўсишда интенсив омиллар ролини ошириш талаби маҳсулот ишлаб чиқаришга қилинадиган харажатларни камайтириш ҳисобига унинг таннархини пасайтириб боришни тақозо этади. Ҳолбуки, таҳлилларимиз натижасида, республикада маҳсулот таннархи ва уларнинг сотишдан олинган пул тушумларида фойда улушининг бир хил даражада сақланиб қолишга мойиллиги кузатилди (3.9-жадвал).

Жадвал маълумотларида бу ҳолат, мамлакатимизда иқтисодий ўсиш суръатлари ва ЯИМ ҳажмининг ортиши устувор экстенсив омиллар ҳисобига таъминланаётганлигини англатади. Ички бозорда нархларнинг нисбатан барқарор сақланиб туриши, импорт товарлар нархининг ўсиб бориши, жаҳон бозорида экспорт қилинадиган товарлар нархларидаги салбий ўзгаришлар (асосан хом-ашё ва ярим тайёр маҳсулотларига) ҳам ЯИМ таннархининг ўсиб, сотилган маҳсулот бирлиги ҳисобига олинган фойда миқдорининг камайиб боришига ўз таъсирини кўрсатган.

**Ўзбекистонда ЯИМ қиймат таркибидаги
ўзгаришларнинг тамойиллари⁴⁹**

	2000	2005	2010	2015	2016	2018
Сотилган 100 сўмлик маҳсулот таннархи (сўм)	71,3	71,8	72,6	72,4	73,1	72,1
<i>Сотилган маҳсулотнинг 100 сўми ҳисобига олинган</i>						
ялпи фойда	28,8	28,3	27,4	27,6	26,9	27,9
солиқлар тўлангунга қадар фойда	12,8	12,5	11,7	12,7	13,2	13,5
соф фойда	9,1	8,8	8,1	7,9	8,4	9,1

Ушбу салбий оқибатларни бартараф қилиш мақсадида мамлакатимизда Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ташаббуслари билан “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ишлаб чиқилди ва унда иқтисодиётни интенсив омиллар ҳисобига ривожлантиришни таъминлайдиган бир қатор аниқ вазифалар белгилаб қўйилди. Республикада иқтисодиётни интенсив ривожлантириш орқали унинг тармоқ ва соҳаларида фойда меъёрининг ошишига фақатгина “...ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш” орқали эришиш мумкин.⁵⁰

Иқтисодий таҳлил ва кузатувларимиз шуни кўрсатдики, олинаётган фойда бир томондан, ЯИМ ҳажми ва кўшимча

⁴⁹ Ушбу жадал Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси расмий маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилди.

⁵⁰ “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. http://strategy.gov.uz/uz/pages/action_strategy

маҳсулот массасининг ошиш натижаси бўлса, иккинчи томондан, ҳар бир корхона, тармоқ ва ҳудуд фойдани кўпайтиришга интилиб, ЯИМ ва кўшимча маҳсулотнинг тўхтовсиз кўпайиб боришига таъсир кўрсатмоқда. Фойда ЯИМ ҳажмини кўпайтиришни рағбатлантиришнинг ўта таъсирчан ричаги бўлиб ҳисобланади. Иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларини ривожлантиришда ушбу ричагдан унумли фойдаланиш зарур.

Кўшимча маҳсулотнинг модификациялашган шаклларида яна бири бу - фоиз ҳисобланади. Ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш соҳаларига қарзга берилган пул капитали (кредит) ҳисобига олинadиган даромад фоиз ёки фоизли даромад дейилади.

Ҳар қандай мамлакатда кредит муносабатлари, ставкалари ва тартиб-қоидалари Марказий банкнинг монетар сиёсати орқали тартибга солинади.

Кўшимча маҳсулотнинг намоён бўлиш шаклларида бири бу - фоиз ҳисобланади. Ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш соҳаларига қарзга берилган пул капитали (кредит) ҳисобига олинadиган даромад фоиз ёки фоизли даромад дейилади.

Ҳар қандай мамлакатда кредит муносабатлари, ставкалари ва тартиб-қоидалари Марказий банкнинг монетар сиёсати орқали тартибга солинади.

Монетар, яъни пул-кредит сиёсати давлат иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми сифатида мамлакатда кўшимча маҳсулот ҳажмини кўпайтиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Аммо пул-кредит сиёсатини амалга оширишда йўл қўйилган хатолар иқтисодиётда салбий оқибатларга, ҳусусан, ЯИМ ҳажми, айниқса, кўшимча маҳсулотнинг пасайишига, инфляция жараёнларининг кучайишига, қолаверса, мамлакат иқтисодиётининг инқирозга юз тутишига ҳам олиб келиши мумкин. Шу боис, иқтисодий инқирознинг олдини олишда ва макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашда монетар сиёсатнинг самарадорлигини ошириб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Монетар сиёсат умумдават иқтисодий сиёсатининг таркибий ва ажралмас қисми сифатида мамлакатда макроиқтисодий барқарорликка эришиш, маҳсулот ҳажми, турлари ва сифати ошишига ва бинобарин, иқтисодий ўсишни таъминлаш ҳамда уни мустаҳкамлашда энг муҳим ўринни эгаллаб келганлиги аллақачон жаҳон тажрибасида исботланган ва у ҳозирги пайтда ҳам иқтисодиётда ўз самарасини бермоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, пул-кредит сиёсатининг келгуси даврлар учун мўлжалланган асосий йўналишлари ишлаб чиқиладиганда Марказий банк эътиборни ҳукумат томонидан қўйилган қатор мақсадларга: жумладан, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси” да белгилаб берилган энг асосий вазифалардан “...илғор хорижий тажрибага мувофиқ самарали инструментлардан фойдаланиш ҳисобига пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш ва миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш”⁵¹, ЯИМ ҳажмини ошириш, инфляция даражасини пасайтириш, валюта курси, фоиз ставкалари, тўлов баланси, молия, хусусан, пул ва валюта бозорларининг барқарорлигини таъминлашга қаратади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ЯИМнинг ўсиш суръатларини таъминлашда монетар омилларнинг ўрни ва роли аҳамиятли даражада бўлди (3.10-жадвал)

3.10-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2000-2018 йиллар мобайнида банк активлари (147 баробар), ишлаб чиқаришга бериладиган кредитлар (147 баробар), банклар томонидан жалб қилинган депозитлар (167 баробар), банкларнинг умумий капитали (113 баробар) ўсиши мамлакатда инвестицион фаоллик, ишлаб чиқариш ва турли хилдаги хизматлар кўрсатиш ҳажмининг ошишига олиб келган. Бу эса, ўз навбатида, ўрганиладиган даврда ЯИМ

⁵¹ “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. http://strategy.gov.uz/uz/pages/action_strategy.

ҳажми ва суръатининг ўсишига таъсир кўрсатган.

3.10-жадвал

Ўзбекистон Республикасида ялпи ички маҳсулот ва тижорат банклари депозитлари, кредитлари, капиталининг ўсиш суръатлари⁵²

Кўрсаткичлар	2000	2005	2010	2015	2018	2018 йилда 2000 йилга нисбатан ўзгариши
ЯИМнинг йиллик ўсиш суръати	3,8	7,0	8,5	7,9	5,1	-
Активлар, млрд. сўм	1462,3	5630,6	7207,5	9276,1	214420	147 марта
Кредитлар, млрд. сўм	1138,2	3853,3	4104,2	4777,6	167391	147 марта
Депозитлар, млрд. сўм	418,6	1688,7	2544,5	3829,2	70001	167 марта
Умумий капитал, млрд. сўм	236,7	930,9	1070,1	1502,6	26679	113 марта

Мамлакатда қўшимча маҳсулот ҳажмининг ошишини таъминлашда Марказий банкнинг энг асосий ричагларида бири бўлган қайта молиялаш ставкаси муҳим аҳамиятга молик бўлган омиллардан саналади. Чунки ушбу ричаг тижорат банклари томонидан ишлаб чиқарувчиларга бериладиган кредит ставкаларини белгилаб беради. Ушбу ставка қанчалик паст бўлса, маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажми шунчалик юқори бўлади ёки аксинча.

Марказий банкнинг қайта молиялаштириш сиёсати деганда, унинг тижорат банкларини кредитлаш билан боғлиқ тадбирлари мажмуи ҳисобланади.


⁵² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг бюллетенлари (2006 й., 2011 й., 2018 й.) ва Марказий банкнинг статистик маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ҳисобланди.

Марказий банк қайта молиялаш ставкасини ўзгартириш йўли билан тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкаси ва уларнинг фоизли даромалари ҳажмига таъсир кўрсатади. Унинг ҳисоб ставкаси ошса, тижорат банкларининг ҳам фоиз ставкаси ошади. Бу эса, ўз навбатида, кредитларнинг қимматлашувига, кейинчалик, кредит олувчилар сонининг камайишига ва натижада ЯИМ ҳажми ва ўсиш суръатларининг, охир-оқибатда фозли даромадлар (қўшимча маҳсулот)нинг пасайишига сабаб бўлади.

Қайта молиялаштириш ставкасини пасайтириш йўли билан мамлакатда банк кредитларининг фоиз ставкасини пасайтиришга эришиши мумкин. Бунда инвестиция жараёнларини молиялаштиришни рағбатлантириш имкони юзага келтиради. Бу эса ўз навбатида, тижорат банкларининг фоизли даромадлари, ЯИМ ҳажми ва қўшимча маҳсулот массасининг ошишига туртки бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси кейинги йилларда барқарор даражада сақланиб қолди. Бу эса, тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкалари ва шунга мос равишда фоизли даромадларининг ҳамда ЯИМ ўсиш суръатларининг барқарорлигини таъминлашда муҳим рол ўйнади.

Республикамизда 2005 йилдан кейинги даврларда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан ЯИМ ҳажми ва ўсиш суръатларини ошириш, иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқларида қўшимча маҳсулот массаси ва нормасини кўпайтириш ҳамда мамлакатда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш мақсадида самарали фойдаланилди. Ундан (2005 йил) олдинги даврларда эса асосан инфляциян жараёнларни жиловлаш мақсадида фойдаланилган. (3.16-расм)



3.16-расм. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкаси динамикаси, фоизда⁵³

3.16-расм маълумотларидан кўринадикки, республикада Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ўзгарувчан тенденцияга эга. Миллий валюта киритилган пайтда қайта молиялаш ставкасининг йиллик даражаси 150 фоизни ташкил этар эди. Аммо инфляция даражасининг юқори эканлиги қайта молиялаш ставкасини салбий даражада бўлишига сабаб бўлди. Шу сабабли, 1994 йилнинг октябр ойидан бошлаб расмий қайта молиялаштириш ставкаси 150 фоиздан 225 фоизга кўтарилди. 1995 йил феврал ойида расмий қайта молиялаш ставкаси 250 фоиз қилиб белгиланган бўлса, март ойидан бошлаб у 300 фоиз қилиб белгиланди. Инфляция даражасининг 1995 йилдан бошлаб пасайиб бориши қайта молиялаш ставкасини

⁵³ www.cbu.uz – Марказий банкнинг расмий веб-сайти маълумотлари.

пасайтириш учун замин яратди. 1996 йилда қайта молиялаш ставкаси 50 фоиздан пастга тушган бўлса, 2005 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб бу кўрсаткич 16 фоизни ташкил этади. 2006-2010 йилларда 14 фоиз, 2011-2013 йилларда 12 фоиз, 2014 йилда 10 фоиз, 2015-2017 йилнинг ярмигача 9 фоизгача пасайиб келган бўлса, 2017 йилнинг ярмидан яна 14 фоиз қилиб белгиланди. 2018 йил 25 сентябрдан бошлаб эса Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси яна ҳам кўтарилиб 16 фоиз этиб белгиланди.

Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, республикамизда қайта молиялаш ставкасидан мамлакатда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини рағбатлантириш, ЯИМ ҳажми ва ўсиш суръатларини ошириш, кўшимча маҳсулот ҳажмини кўпайтириш воситаси сифатида эмас, балки фақатгина инфляцияни жиловлаш воситаси сифатида фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкасини инфляция даражасига боғлиқ равишда пасайтирилиб ёки кўтарилиб борилиши, фикримизча, ижобий ҳолат сифатида баҳоланмайди. Бунинг сабаби шундаки, қайта молиялаш ставкаси ссуда капиталлари бозоридаги талаб ва таклифга боғлиқ равишда ўзгартирилиши лозим. Чунки мазкур ставка кредитларнинг фоиз ставкаларига таъсир этиш йўли билан муомаладаги пул массасини тартибга солиш ва ЯИМ ҳажмини кўпайтириш мақсадида қўлланилади. Шунинг учун, фикримизча, республикамизда қайта молиялаш ставкасидан тўғри тарзда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.


Тижорат банклари даромадларининг асосий қисми фоизли даромадлардан шаклланади. Уларнинг фоизли даромадлари мижозларга бериладиган ва Марказий банкдан олинadиган кредитлар ўртасидаги фарқдан келиб чиқади.

Банклар қўлга киритидаган фоизли даромаднинг асосий қисми - уларнинг маълум бир ставка бўйича кредитларнинг берилadиган миқдорига боғлиқ бўлади. Айти пайтда мамлакатимизда банкларнинг иқтисодий ўсишни молиявий

қўллаб-қувватлашдаги иштироки янада фаоллашиб, иқтисодиётнинг реал секторига ажратилаётган кредит қўйилмалари динамикаси йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Тижорат банклари 2016 йилда ҳам устувор вазифа этиб белгиланган мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлашга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирларни амалга оширди.

Натижада 2016 йилда иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми 2000 йилга нисбатан 15 баробардан ортиқроқни ташкил этиб, таҳлил қилинаётган йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 42,6 триллион сўмни ташкил этди (3.17-расм)




3.17-расм. Тижорат банкларининг кредит қўйилмалари динамикаси, триллион сўм⁵⁴

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, тижорат банклари кредит қўйилмаларининг 16 йил давомида деярли

⁵⁴ www.cbu.uz – Марказий банкнинг расмий веб-сайти маълумотлари.

15 баробардан ортиқроққа ошишида Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг (фоиз ставкаси) пасайтириб борилиши асосий омил бўлган. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банкларининг инвестицион кредитлар ажратишлари учун кенг имконият яратган. Банкларнинг инвестицион кредитлари иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, маҳаллийлаштириш ва ҳудудларни ривожлантириш давлат дастурларига киритилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан минитехнологияларни сотиб олишни молиялаштиришга йўналтирилмоқда.

2000-2018 йиллар мобайнида корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадлари учун тижорат банклари томонидан инвестицион кредитлар ажратиб келинмоқда, жумладан, 2018 йилда бу йўналишда жами 38,7 триллион сўм ёки 2000 йилга нисбатан 55,2 баробардан кўпроқ инвестицион кредитлар ажратилди (3.18-расм).



3.18-расм. Тижорат банклари томонидан берилган инвестицион кредитлар динамикаси, триллион сўм⁵⁵

⁵⁵ www.cbu.uz – Марказий банкнинг расмий веб-сайти маълумотлари.

Таҳлил қилинаётган даврда тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар эвазига иқтисодиётимизнинг турли соҳаларида миллионлаган янги иш ўринлари ташкил этилди. Самарасиз ишлаётган бир нечта корхоналар тижорат банклари балансига ўтказилди ва уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти тикланди ҳамда янги мулкдорларга сотилди. Ана шу корхоналарда модернизация ва ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш жараёнларини амалга ошириш учун жуда катта ҳажмдаги инвестиция киритилди. Ҳозирги кунда мазкур корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар дунёнинг жуда кўп мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, кўшимча маҳсулот модификациялашган шаклларида бири бўлган фоиз - мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш, иқтисодиётни модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, иқтисодиётнинг турли хил тармоқ ва соҳаларига инвестициялар киритиш, ишчи кучининг самарали бандлигига эришиш, аҳоли даромадларини ошириш каби бир қатор ижобий натижаларни қўлга киритиш манбаи ҳисобланади.

Кўшимча маҳсулотнинг намоён бўлиш шаклларида яна бири бу – ер рентасидир. Ер рентаси бу - ер эгаллигини иқтисодий жиҳатдан амалга ошириш (реализация қилиш)нинг шаклидир. Ер рентасининг бир қанча тарихий кўринишлари мавжуд. Масалан, баршчина (ишлаб бериш), оброк (натурал солиқ) ва пул солиғи шаклларидаги феодал ренталари шулар жумласидандир. Ҳозирги кунда турли мамлакатларда рента ўзининг вужудга келиш сабаблари ва шарт-шароитларига қараб абсолют, дифференциал, монопол, қазилма бойликлар, қурилиш участкалари жойлашган ерлардан олинадиган ренталарга ажратилиши ҳаммага маълум.

Айни пайтда мамлакатимизда ер давлат мулки ҳисобланганлиги сабабли ер рентаси ер солиғи шаклида ундирилади. Яъни ер рентасининг турли хил шаклларда

ундирилишини ҳисобга олган ҳолда ер солиғи ҳам иқтисодиёт субъектларига ажратилган ерларнинг табиий ҳамда иқтисодий унумдорлиги, саноат марказларига яқин ёки узоқлиги, турли хилдаги инфратузилмаларнинг мавжудлиги ва ҳоказоларни эътиборга олган ҳолда турлича даражада ундирилади. Ушбу масала бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 октябрдаги “Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғини жорий этиш тўғрисида” ги Фармониға мувофиқ 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғи жорий қилинди. Унга кўра ерларнинг табиий ва иқтисодий унумдорлиги, турли хил қулай шарт-шароитларға эғалиги ҳисобға олиниб, балл бонитетлар ҳамда турли хилдаги тузатиш коэффициентлари ишлаб чиқилган (3.11-жадвал).

Мамлакатимизда ҳозирги кунда ҳам юқоридаги мезонлар асосида иқтисодиёт субъектларидан ердан фойдаланганликлари учун ягона ер солиғи ундирилиши ва у давлат бюджетига тушаётган жами солиқлар таркибида ўз ифодасини топиши кўрсатилган⁵⁶.

Кўшимча маҳсулотнинг намоён бўлиш шаклларида бири бу – солиқлардир. Улар давлат бюджети даромадлар қисмининг асосий манбаи бўлиб ҳисобланади. Республикамиз бюджет тизимининг ўзига хослиги шундаки, бизда давлат бюджетининг асосий қисми (85 фоизи) фақатгина солиқ ва шу каби бошқа мажбурий тўловлар орқали тўлдирилади. Чунки республикамиз бюджети бошқа мамлакатларға ўхшаб (масалан, Россия, Қозоғистон, Туркменистон, Араб мамлакатлари ва ҳоказолар) турли хилдаги табиий бойликлар, жумладан, нефть ва табиий газ кабилар ҳисобига тўлдирилмайди. Чунки мамлакатимизда бундай табиий бойликлар оддий аҳоли эҳтиёжини қондиришға етмайди.

⁵⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29-декабрдаги “Ўзбекистон республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида” ги ПҚ-3454-сон қарори.

Ягона ер солигининг асосий мезонлари ва улар учун тузатиш коэффициентлари⁵⁷

Кўрсаткичлар	Кoeffициентлар
Суғориладиган ерлар	
Балл-бонитетлари	
0-10	Базавий ставка
11-20	1,50
21-30	2,25
31-40	3,29
41-50	4,67
51-60	6,54
61-70	9,00
71-80	11,68
81-90	14,55
91-100	17,50
Бўз ерлар	
Текисликлар	Базавий ставка
Текислик-тепаликлар	1,19
Тоғ олди ва тоғли зоналар	1,67
Пичанзор ва яйловлар	
“Чўл” минтақаси	Базавий ставка
“Адир” минтақаси	1,51
Қурилиш участкалари жойлашган ерлар	
1-тоифали суғориладиган ерлар ставкаси	20,44
Канал, коллектор ва йўллар билан банд бўлган ерлар	
1-тоифали суғориладиган ерлар ставкаси	0,04
Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар	
1-тоифали суғориладиган ерлар ставкаси	0,004

Шу сабабли республика бюджетининг асосий қисми солиқлар орқали тўлдирилади ва айнан улар ҳисобига давлат миқёсидаги инвестицион лойиҳалар амалга оширилади, аҳоли ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватланади, мамлакат

⁵⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси маълумотлари

мудофаси ва хавфсизлиги таъминланади, таълим, маданият, тиббиёт, бошқарув, суд, ижро ва шу каби бир қатор соҳалар ривожлантирилади.

Бугунги кунда ҳалигача давом этаётган ва тобора жиддийлашиб бораётган иқтисодий-сиёсий инқироз ҳар бир мамлакат ҳукумати олдида макроиқтисодий барқарорлик ва ЯИМнинг изчил ўсиш суръатларини таъминлашга йўналтирилган иқтисодий сиёсатни юритиш вазифасини кўймоқда. Бунда кўшимча маҳсулот ҳажмининг ошиб боришини рағбатлантиришга йўналтирилган солиқ сиёсатини юритиш масаласи марказий ўринни эгалламоқда.

Айтиш мумкинки, давлатнинг солиқ сиёсати мамлакатда ЯИМ ва унинг таркибий қисми бўлган кўшимча маҳсулот ҳажми ошишининг бош омилidir. Давлат солиқлар орқали мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётига бевосита таъсир ўтказади.

Мамлакатимизда ЯИМ ва унинг таркибий қисмларидан бири бўлган кўшимча маҳсулот ҳажмини ошириш асосан "...солиқ юкни камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш йўлини давом этиш, солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш ва рағбатлантиришнинг тегишли чораларини кенгайтириш"⁵⁸ орқали амалга оширилади.


Ўзбекистон солиқ сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишлари иқтисодий сиёсатнинг устуворлигини таъминлаш, ЯИМ ва кўшимча маҳсулот реал ҳажмини кўпайтириш, солиқ тўловчиларнинг ишчанлик кайфиятини кўтариш, уларнинг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжларини қондириш ҳамда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари ва тамойилларига асосланган ҳолда олиб борилмоқда. Бунинг натижасида йилдан-йилга солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юки иқтисодий ривожланишнинг даражасига монанд ҳолда босқичма-босқич камайиб бормоқда, солиқ

⁵⁸ "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси" http://strategy.gov.uz/uz/pages/action_strategy

қонунчилиги жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилмоқда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини солиқ тизими орқали рағбатлантириш ортиб, реал сектор корхоналар, шунингдек, экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналар фаолияти ҳамда миллий иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг жалб этилишини солиқ имтиёзлари орқали рағбатлантириш жараёнлари кучайтирилмоқда. Бу жараёнларнинг умумий самараси сифатида бир томондан солиқ юки даражасининг йилдан-йилга камайишига эришилган бўлса, бошқа томондан давлат бюджетининг профицит билан бажарилиши таъминланмоқда.

Республикада солиқ юкининг иқтисодиётга нисбатан босқичма-босқич камайтириб борилиши соҳасидаги ислохотларнинг самарадорлигини таъминлаш, иқтисодиётнинг барқарор суръатларда ривожланишига хизмат қилди. Агар 1994 йилда корхоналарнинг фойда солиғи ставкаси 45 фоизни ташкил қилган бўлса, 2016 йилга келиб 7,5 фоизгача, яъни 6 баробар пасайди. Қўшилган қиймат солиғи бугунги кунга келиб, 30 фоиздан 20 фоизга ёки 1,5 баробар, кичик бизнес субъектлари учун ягона солиқ тўлови 15,2 фоиздан 5 фоизгача, яъни 3 баробардан кўпроқ пасайди. Солиқ имтиёзларининг берилиши натижасида 50 мингдан ортиқ корхоналар ихтиёрида йилига ўртача 9 триллион сўм пул маблағлари қолмоқда. Бу эса, ўз навбатида, умумий солиқ юкининг ЯИМга нисбатан 20 фоизгача тушиб, Ўзбекистон энг қулай солиқ муҳити шаклланган давлатлар қаторидан жой эгаллашига сабаб бўлди. (3.19-расм)

Ваҳоланки, бугунги кунда солиқ юки даражаси чет мамлакатлар, масалан, Австрияда 43,4 фоиз, Туркияда – 32,5 фоиз, эстонияда – 32,3 фоиз ва Қозоғистонда – 26,8 фоизни ташкил этади.




3.19-расм. Ялли ички маҳсулотга нисбатан солиқ юкининг ўзгариш динамикаси⁵⁹

2.19-расмдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, солиқ юки даражаси юртимизда изчиллик билан камайиб бормоқда. Агар ушбу кўрсаткич 2000 йилда ЯИМ га нисбатан 39,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2005 йилга келиб эса 16,9 пунктга камайиб 22,6 фоизни ташкил этди. 2017-2018 йилларда эса мамлакатимизда солиқ юки даражаси 20,0 фозни ташкил қилди ва бу 2000 йил билан таққослаганда деярли 2 бараварга камайганлигини билдиради.

Мамлакатимизда солиқ юкининг пасийиб бориши натижасида турли хил соҳа ва тармоқларда янгидан-янги корхоналар фаолият юритишни бошлашди. 2017 йил 1 январ ҳолатига, республика бўйича рўйхатдан ўтган корхоналар ва

⁵⁹ www.soliq.uz сайти ва Ўзбекистон Республикаси ДСҚ ахборот хизматининг 2018 йилги солиқ сисъатининг асосий йўналишлари, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларидаги ўзгаришлар ҳамда солиқ олишнинг айрим масалалари юзасидан киритилган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисидаги маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилди.

ташкilotлар сони (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари) 285,3 мингга ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 2,5 фоизга ошганлигини кўрсатди. (3.20-расм)




3.20-расм. Рўйхатдан ўтган корхоналар ва ташкilotлар сони динамикаси⁶⁰

Ушбу корхоналарнинг асосий қисми, 62,4 мингтаси Тошкент шаҳрига, 30,8 мингтаси Тошкент, 26,0 мингтаси Андижон, 26,0 мингтаси Фарғона, 22,5 мингтаси Самарқанд, 21,0 мингтаси Наманган, 19,2 мингтаси Қашқадарё вилоятларига ва 14,4 мингтаси Қорақалпоғистон Республикасига тўғри келади.

Ҳозирги кунда янги ташкил қилинган корхоналар иқтисодиётнинг турли хил тармоқ ва соҳаларида самарали фаолият юритишмоқда. Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматлар мамлакатимиз ЯИМ ҳажмини кўпайтиришда муҳим омиллардан бўлмоқда (3.21-расм)

⁶⁰ <https://stat.uz>, Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатдан ўтган
корхоналар ва ташкилотларнинг сони
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)**



**3.21-расм. 2019 йилда фаолият кўрсатаётган
корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони
(минг бирлик) (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)⁶¹**

Иқтисодий фаолият турлари бўйича 2019 йил 1 январ ҳолатига республикада фаолият кўрсатаётган 339,0 мингта корхонанинг (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари) 59,3 мингтаси саноат, 30,5 мингтаси қурилиш, 26,0 мингтаси қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 75,1 мингтаси савдо, 13,8 мингтаси ташиш ва сақлаш, 21,1 мингтаси яшаш ва овқатланиш хизматлари, 7,4 мингтаси ахборот ва алоқа, 6,9 мингтаси соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда 98,9 мингтаси бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келади. Улар томонидан яратилаётган товар ва хизматлар ҳисобига 2018 йил якунига кўра ЯИМнинг 5,1 фоизга ўсганлиги диққатга сазавордир.

Солиқ юқини иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни эътиборга олган ҳолда камайтириб бориш ўз самарасини

⁶¹ <https://stat.uz/uz/432-analitcheskie-materialy-uz/2032-korxonalar-va-tashkilotlarning-demografiyasi>

бермоқда. Миллий бозорни маҳаллий товарлар (хизмат, ишлар) билан тўлдирилаётган, экспортга маҳсулот чиқараётган, ички ва ташқи инвестицияларни ишлаб чиқаришга жалб қилаётган, шунингдек, кичик бизнес субъектлари шаклидаги солиқ тўловчиларга солиқ имтиёзларининг кенгайтирилишига қарамасдан, ялпи ички маҳсулот ва давлат бюджетининг даромадлар ҳажмида йил сайин ўсиш таъминланмоқда.

IV-боб. ҚЎШИМЧА МАҲСУЛОТНИНГ КЎПАЙТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

4.1. Табиий бойликлар ва уларнинг турларидан унумли, тежамли фойдаланиш

Бизга маълумки қўшимча маҳсулотни асосан жонли меҳнат яратади. Лекин жонли меҳнат, яъни инсон меҳнати табиат кучларисиз ва ашёларисиз ҳеч нарса ярата олмайди.

Жонли меҳнат табиат кучлари ва ашёларидан фойдаланиб маҳсулот ва унинг таркибий қисми бўлган қўшимча маҳсулот яратади ва бойликни кўпайтириб боради. Шунинг учун мавжуд бўлган табиий ресурслар ва уларнинг таркибини билиш муҳимдир. Шунини ҳисобга олган ҳолда биз табиий бойликлар турларини ва уларнинг жойланишини таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Бутун дунё бўйича мамлакатларнинг ривожланганлик даражаси ва аҳолисининг турмуш фаровонлиги ушбу мамлакатда йил давомида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот миқдори билан аниқланади.


Бу кўрсаткични оширишда ҳар бир мамлакатнинг табиий бойлиги жуда катта роль ўйнайди. Чунки аҳолининг шахсий истеъмоли ва ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ҳамма товарлар ва хизматларни табиат кучлари ва ашёларидан фойдаланилган ҳолда ишчи кучининг жонли меҳнати билан яратилади.

Табиат бойликларининг асоси табиат маҳсули бўлиб, булар: тоза ҳаво, қуёш ва шамол ва бошқа табиат кучлари, уларнинг энергияси, фойдали қазилма бойликлар, ўрмонлар, океан бойликлари, сув ва ер ресурслари ҳисобланади ҳамда бойликни янада кўпайтириш ва ишлаб чиқаришда муҳим аҳамиятга эгаллиги билан ажралиб туради. Табиат бойликлари ер юзи бўйича бир текисда жойлашмаган ва барча давлатлар ҳудудларида бир хил миқдорда тақсимланмаган, шундан хулоса қилиш мумкинки дунё мамлакатлари ва минтақалар

табиат бойликлари бўлмиш табиий ресурслар билан турли даражада таъминланган. Келиб чиқишига кўра табиий бойликлар минерал, ер, сув ва биологик ресурс турларига ажратилади.

Минерал ресурслар ёки фойдали қазилмаларга – инсонлар томонидан фойдаланиладиган турли минераллар ва тоғ жинслари киради.

Инсонлар хўжалик юритиш давомида ер қаридан кўмир, нефть, газ, қора ва рангли металллар ҳамда бошқа фойдали қазилмаларни қазиб олишади. Минерал ресурслар ишлатилишига қараб ёқилги, рудалар (металли), норудалар (металл бўлмаган) 4.1-расм.



4.1-расм. Ишлатилишига кўра минерал ресурсларнинг турлари⁶²

⁶² П.С.Лопух, Н.Л.Стреха, О.В.Сарычева, А.Г.Шандроха. География. Страны и народы – Минск: ЦРГО, 2019. – 221 с

Дунё миқёсида табиий бойликлари миқдори (4.1-жадвал) бўйича Россия 75 триллион АҚШ долларига тенг миқдордаги бойлик билан биринчи ўринни эгаллаган бўлиб улардан 28,5 триллион АҚШ долларига тенг ёғоч бойлиги бўлиб уларнинг майдони 1,95 млрд. акрни ташкил этади, 19 млрд АҚШ долларига тенг табиий газ ва 7 млрд АҚШ долларига тенг нефт бойлигига эга ҳисобланади. Шу билан биргаликда Россия кўмир захираси бўйича 2 ўринда ва олтин захираси бўйича 3 ўринда туради.

Иккинчи ўринда 45 трлн. АҚШ доллари миқдоридаги табиий бойликлари билан АҚШ туради, бойлигининг 30 трлн АҚШ долларига тенг қисмини кўмир захираси ва 11 трлн АҚШ долларига тенг қисмини ёғоч бойликлари ташкил қилади. Шунинг билан биргаликда АҚШ кўпмиқдорда табиий газ, мис ва олтин зағирасига эга ҳисобланади.

Учинчи ўринда 34,4 трлн АҚШ долларига тенг табиий бойликларга эга Саудия Арабистони туради. Уларнинг бойлигини 31,5 АҚШ долларига тенг қисми нефть ва 2,9 трлн АҚШ долларига тенг қисми табиий газдан иборат. Айнан шу мамлакатда дунё нефт захирасининг энг катта қисим 20% жойлашган.

Тўртинчи ўринда 33,2 трлн. АҚШ долларига тенг табиий бойликларга эга Канада туради. Бу мамлакатнинг бойлигининг асосий 21 трлн. АҚШ долларига тенг қисмини нефт ташкил этади ва шу билан биргаликда Канада ёғоч ва уран ҳажми бўйича биринчи учликка киради.

Бешинчи ўринда 27,3 трлн АҚШ долларига тенг табиий бойликларга эга Эрон туради. Унинг бойлигининг 16 трлн. АҚШ долларига тенг қисми нефть захиралари ҳисобланади ва шу сабабли Эрон нефть захиралари бўйича кучли учталikka киради. 11 трлн. АҚШ долларига тенг табиий газ захираларига эга.

**Табий ресурсларнинг алоҳида турларини казиб
олишда етакчи давлатлар⁶³ (2010-2017 й.й.)**

№	Дунё миқёсида хом ашё турларини ишлаб чиқаришнинг йиллик миқдори	Асосий ишлаб чиқарувчи давлатлар
1.	Нефт - 4,4 млрд тонна	Саудия Арабистони, АҚШ, Россия, Эрон, Ироқ, Венесуэлла, Мексика, Хитой, БАА, Кувайт, Канада, Бразилия.
2.	Табий газ – 3,7 трлн.м ³ дан ортиқ	АҚШ, Россия, Канада, Эрон, Қатар, Хитой, Норвегия, Саудия Арабистони, Алжир, Туркменистон, Индонезия.
3.	Кўмир – 7,7 млрд. тонна	Хитой, Ҳиндистон, АҚШ, Австралия, Россия, Индонезия, ЖАР, Германия, Полша, Қозоғистон.
4.	Калий тузи – 37 млн. тонна	Канада, Россия, Беларус, Германия, Хитой, Исроил, АҚШ.
5.	Фосфоритлар – 225 млн. тонна	Хитой, АҚШ, Марокко, Россия, Тунис, Иордания, Бразилия.
6.	Бокситлар – 230 млн тоннадан ортиқ.	Австралия, Хитой, Бразилия, Гвинея, Ҳиндистон, Ямайка, Қозоғистон, Россия, Венесуэлла, Суринам.
7.	Темир рудаси – 2,4 млрд. тонна	Хитой, Австрия, Бразилия, Ҳиндистон, Россия, АҚШ, Украина, Канада, ЖАР, Эрон.
8.	Мис рудаси – 15 млн. тоннадан ортиқ	Чили, АҚШ, Перу, Канада, Индонезия, Замбия, Россия, Австралия, Мексика, Қозоғистон, Полша.
9.	Уран рудаси – 59 минг тонна	Қозоғистон, Канада, Австралия, нигерия, Намбия, Россия, АҚШ, Хитой, Ўзбекистон, Украина.

⁶³ Лопух П.С., Стреха Н.Л., Сарычева О.В., Шандроха А.Г. География. Страны и народы – Минск : НПО, 2019. – 221 с.

Инсоният XX асрга келиб фойдали қазилмаларни янада кўпроқ қазиб ола бошлади, саноатнинг жадал ривожланиши ҳисобига фақатгина 20 асрнинг ўзида шу вақтгача қазиб олинган минералларга тенг микдорда минераллар қазиб олинган. Охириги 100 йилда, инсоният пайдо бўлган даврдан бошлаб ишлатилган ёқилғидан кўра 35 баробар кўп ёқилғи қазиб олинган. Агарда нефть, газ, тош кўмир ва бошқа фойдали қазилмалар ҳозирги даражада интенсив равишда фойдаланиладиган бўлса, уларнинг аниқланган ва фойдаланилаётган кўмир захиралари -3000 йил, темир рудаси захиралари -460 йил, газ захиралари -50 йил ва нефть захиралари 36 йилларда тамом бўлиши олимлар томонидан ҳисоблаб чиқилган. Натижада инсоният олдида минерал ресурслар етишмовчилиги муаммоси пайдо бўлади⁶⁴.

Табиат ресурсларидан яна бири бу ер ресурси бўлиб – унга инсоният ҳаёт кечириши ва фаолият кўрсатиши учун яроқли бўлган ер қисмига айтилади. Ер юзида 13,5 млрд.га ер ресурси мавжуд бўлиб бу дунё ер фонди деб ҳам аталади. Инсониятни ер ресурси билан таъминланганлиги 2-расмда кўрсатилган. Ер ресурси қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экиш учун яроқли ерлар, яйловлар, ўрмон, аҳоли яшаш пунктлари ва саноат корхоналари ерларидан иборат бўлади.

Инсонлар учун бирламчи эҳтиёж ҳисобланган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ер ресурсининг бор-йўғи 11 % дан фойдаланилади. Қишлоқ хўжалигида фойдаланишга яроқли ерлар ҳажми бўйича АҚШ, Ҳиндистон, Хитой Россия ва Канадалар етакчилик қилишади.

Ер ресурслари таркибидаги яйловлар 23 %га тенг бўлиб бу борада дунёда Австралия, Хитой, АҚШ, Бразилия ва Қозоғистон етакчи ҳисобланади.

Ер ресурсларининг асосий қисмини 30 %ни ўрмон ва бутазорлар ташкил этади. Ўрмон ва бутазорларнинг ҳажми бўйича Россия, Бразилия, Канада, АҚШ, Хитой мамлакатлари

⁶⁴ Абдуллаев О. “Иқтисодий география ва экология”. (Ўқув қўлланма) “Наманган” нашриёти 2002 й. – 177 б.

етакчилардан ҳисобланади.

Ер ресурсларининг энг кагта қисмини 33 % кам ишлатиладиган ва ишлатилмайдиган ерлар (чўллар, баланд тоғлар ва муз билан қопланган ерлар) ташкил қилади.

Ер ресурслари фонди таркиби доимий равишда ўзгариб туради бир томондан инсонлар томонидан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун янги ерлар ўзлаштирилса (Россия, АҚШ, Қозоғистон, Хитой, Канада Бразилия) иккинчи томондан унумдор ерларнинг эрозияси ҳисобига хар йили дунё бўйича 6-7 млн.га ер қишлоқ хўжалигида фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолади. Ундан ташқари шўрланиш ва ботқоклашиш ҳисобига яна 1,5 млн.га унумдор ер йўқотилмоқда. Сахара, Атакама чўллари худуди кенгайиб бомоқда, Осиё Африка, Австралия ва Американинг баъзи худудларида янги чўллар пайдо бўлмоқда. Ҳозирда бу жойларда қарийб 1 млрд инсон яшамоқда, ер эрозиясини олдини олиш ва чўллашишни тўхтатиш кўп маблағ ва кўп вақт талаб қилади. Шунинг учун ҳам ер ресурсларини муҳофаза қилиш инсониятнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Сув ресурслари – инсоният томонидан фойдаланилаётган ёки фойдаланиши мумкин бўлган ер ости ва ер усти сувларидан иборат ҳисобланади. Сув ресурслари таркиби океан, денгиз, дарё, кўл, каналлар, сув омборлари, ер ости сувлари, тоғлардаги ва қутублардаги музликлардан иборат бўлади.

Дунё океани - Ернинг сув қопламидан, яъни океан ва денгизлар тизимидан иборат. Планетамиз сатхининг (510 млн. км²) 361 млн. км² ёки 71 % дунё океани акваторияси ташкил қилади.⁶⁵ Дунё бўйича умумий сув ресурслари миқдори 1390 млн.км³. ни ташкил этади, улардан 97% денгиз ва океанлардаги шўр сувлар ва атига 3% ичимлик суви ташкил этади.

⁶⁵ О.Абдуллаев “Иқтисодий география ва экология”. (Ўқув қўлланма) “Наманган” нашриёти 2002 й. – 177 б.

Ривожланиб бораётган жахон саноатининг хом ашё билан таъминланиши истиқболини Дунё океани суви ва сув ости ресурслари билан боғламоқдалар. Дунё океанидан минерал хом ашё олиш хусусиятларига кўра учга: денгиз бўйи (бу сув таркибида кўплаб ғоят қимматли химиявий элементлар мавжуд бўлиб суюқ руда деб хам юритилади), денгиз туби ва қирғоқ бўйи шельф минтақасига бўлинади.

Денгиз суви таркибида элементлар даврий системасидаги 80 дан ортиқ элементлар мавжуд (4.2-жадвал).

4.2-жадвал

Денгиз сувидаги айрим элементларнинг ўртача концентрацияси⁶⁶.

(Величко Е.А. , Контер Е.А. маълумотлари)


Элементлар	Таркиби (л/мг)	Хажми (млн.т)
Вольфрам.	0,0001	150
Висмут	0,00003	30
Олтин	0,0000014	5,5
Кобальт	0,0005	800
Литий	0,17	260000
Магний	1350	2 x 109
Мис	0,003	4000
Молибден	0,01	16000
Никель	0,002	3000
Калайи	0,003	4000
Кўрғошин	0,00003	45
Кумуш	0,00003	45
Сурма	0,0005	800
Уран	0,003	4000

Денгиз сувидаги кўпгина металллар келажакда, илмий-техника истиқболининг навбатдаги босқичларидаги энергетика ва технология ютуқлари асосидагина ўзлаштирилиши мумкин. Денгиз сувидан саноат миқёсида

⁶⁶ О.Абдуллаев “Иқтисодий география ва экология”. (Ўқув қўлланма) “Наманган” нашриёти 2002 й. – 177 б.

бром (80 фоиз дунё бўйича), 35-40 фоиз ош тузи ва уран (Япония) олинмоқда⁶⁷.

Ичимлик сувининг катта қисми 77,6% музликлардан иборат, 21,8% ичимлик суви ер остида жойлашган ва 0,6% ичимлик суви ер устида жойлашган. Ичимлик суви захирасидан кишлоқ хўжалиги мақсадларида, саноатда ва хўжалик эҳтиёжларида фойдаланилади 4.2-расм.



4.2-расм Биологик ресурслар таркиби⁶⁸

Табиий сув хавзалари (дарё, кўл, сув омборлари ва каналлар) дан сув транспортлари учун магистрал сифатида фойдаланилади. Дунё мамлакатлари сув ресурслари билан бирдек таъминланмаган. Ўртача ер шаригаги хар бир одамга 24646 М³ сув ресурси тўғри келсада, мамлакатлар орасида аҳоли жон бошига Кувайтда 6,8 М³, Бирлашган Араб

⁶⁷ Ўша ерда.

⁶⁸ Лопух П.С., Стреха Н.Л., Сарычева О.В., Шандроха А.Г. География. Страны и народы – Минск: ВШУ, 2019 – 221 с.

амирликларида 33,4 М³, Қатарда 45,3 М³ Багам оролларида 59,2 М³ Оманда 91,6 М³ Саудия арабистонида 95,2 М³ ва Ливияда 95,3 М³ ичимлик суви тўғри келади.

Сув билан яхши таъминланган мамлакатлар Бразилия, Россия, АҚШ, Канада, Индонезия ва Хитой бўлса, африка ва араб давлатларида сув ресурслари танқис ҳисобланади. Бошқа русурслардан фарқли равишда инсонлар сув ресурсларини бошқара оладилар, сув омбори, каналлар қурилади, сувлар тозаланади ва ҳк.

Биологик ресурслар – бу ердаги инсонлар томонидан фойдаланилаётган ва фойдаланиши мумкин бўлган жонли табиат, ўсимликлар ва хайвонлардир. Биологик ресурсларга ўсимлик ва хайвонот дунёси киради.

Инсонларнинг ўсимлик ва хайвонот дунёсига таъсири натижасида ҳозирги кунда баъзи турдаги ўсимликлар ва хайвонларнинг йўқолиб кетишига олиб келди.

Биологик ресурсларни баҳолаш учун қуйдаги иборалардан фойдаланилади:

1. Биомасса – барча жонли организмлар массаси.

2. Фитомасса – ўсимликларнинг умумий массаси.

3. Зоомасса – хайвонларнинг умумий массаси.

4. Биомахсулдорлик – бир вақт оралиғида биомассанинг ўсиши.

Ердаги барча биомассанинг 99%ни фитомасса ташкил этади. Зоомасса эса 1 %ни ташкил қилади.

Табиат ресурслари такрор ҳосил қилинадиган ва такрор ҳосил қилинмайдиганларга бўлинади.

Такрор ҳосил қилинадиган ресурсларга ўрмонлар кесилган дарахталр ўрнига янгиларини ўтказиш мумкин, тупроқ қоплами мисол бўла олади.

Такрор ҳосил қилинмайдиган ресурсларга табиий шароитларда уларни ҳосил қилиш учун минглаб ва ҳатто миллионлаб йиллар талаб қилинадиган нефть, кўмир, темир рудаси ва ҳоказолар киради.

Табиий ресурсларнинг захиралари иқтисодий тараққий

этишнинг жуда муҳим хусусияти бўлишига қарамасдан уларнинг мавжудлиги юқори ўсиш суръатлари ва иқтисодиётнинг юқори самарадорлигини таъминлайдиган асосий омил бўла олмайди.

Дунёдаги барча мамлакатлар қаторида мамлакатимизда ҳам бойликнинг икки манбайи етарли даражада мавжуд бўлиб, улар табиий бойликлар ва ишчи кучи ресурсларидан иборатдир. Бу иккала омил мамлакат миллий бойлигини кўпайтириб аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ва келажак авлодни фаровон ҳаёт кечиришлари учун замин яратишга хизмат қилади.

Бундан келиб чиқадиган асосий вазифа, инсон учун зарур бўлган қайта тикланадиган ва қайта тикланмайдиган бойликлардан оқилона фойдаланиш, сув ва ҳавони тоза сақлаш, тупроқни эрозиядан сақлаш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраб қолиш, ресурсларни қайта тиклаш ҳамда хушманзара жойлар (шаршара, шовва, ажойиб манзаралар, булоқ ва бошқалар)ни табиий ҳолича сақлай олиш уларни муҳофаза қилинаётганлигини англатади. Бу борада юртимизда керакли қонунлар ва қарорлар қабул қилиниб амалга оширилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек “...мамлакатимизнинг бетакрор табиати, миллий кўриқхоналар, тоғли ҳудудларда туризмни ривожлантириш учун катта салоҳият мавжуд. Айниқса, тиббиёт туризми, зиёрат туризми ва экотуризмни ривожлантириш нафақат иқтисодиёт, балки ижтимоий соҳалар ривожига ҳам катта тurtки беради”⁶⁹. Чунки мамлакатимизнинг табиий-географик жойлашуви айнан шу соҳаларни янада ривожлантириш имкониятига эга ҳисобланади.

Ўзбекистон табиат бойликларини дан самарали фойдаланишда кўриқхона, миллий боғ ва

⁶⁹ 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга Мурожаатномаси

буюртмахоналарнинг аҳамияти беқиёс бўлиб, Ўзбекистон ҳудудида 2016-йил ҳолатига кўра 8 та давлат кўрикхонаси, 3 та миллий боғ, 12 та буюртмахона, 1 та биосфера резервати ҳамда 3 та парваришхоналар мавжуд⁷⁰.

Дунё харитасида Бизнинг мамлакатимиз каби табиий бойликларга бой мамлакатлар жуда кам ҳисобланади. Чунки мамлакатимиз ерларида жаҳон бозорида юқори талабга эга бўлган 100 хилдаги минерал хомашёлар ва бойликлар заҳираси мавжуд бўлиб, Д.Менделеев жадвалидаги барча моддаларни учратиш мумкин. Мамлакатимизда аниқланган фойдали қазилмалар заҳирасининг умумий қиймати 3 трлн. АҚШ доллариغا тенг ҳисобланади. Дунё миқёсида Ўзбекистон:

Олтин заҳираси бўйича -4 ўринда, уни қазиб олиш бўйича 7-ўринда туради, уран заҳираси бўйича 7-8 ўринларда, мис заҳираси бўйича 10-11 ўринларда туради ва шунинг билан биргаликда кумуш, вольфрам заҳиралари бўйича ҳам дунёда етакчи мамлакатлардан бири ҳисобланади. Мамлакатимиз ҳудудий жиҳатдан табиий газ ва углеводород хомашёларига бой ҳисобланади. Мамлакатимиз МДХ мамлакатлари орасида ўрганилган табиий газ заҳираси бўйича 3-ўринда туради. Ўрта Осё мамлакатларининг 74%-газ конденцатлари, 51 нефти, 40% табиий гази ва 55% кўмир заҳираси Ўзбекистон ҳудудида жойлашган.

Ўзбекистоннинг расмий тасдиқланган нефт заҳираси-5,3 млрд. тонна, газ конденцати 480 млн. тонна ва табиий газ заҳираси -5095 млрд. куб.м.ни ташкил қилади⁷¹.

Ҳозирги кунда аниқланган табиий бойликларни хорижий инвесторларни жалб қилган ҳолда фан техника ютуқларидан фойдаланган ҳолда қазиб олиш йўлга қўйилмоқда, олинган ресурслар ишлаб чиқаришга жалб этилган ҳолда экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган.

Иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида энергетик

⁷⁰ <http://geography.uz> – Ўзбекистон география портали.

⁷¹ <http://www.silkway.uz/uzb>

ресурсларга тежамкорлик тартибини жорий қилиш алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Буни маҳсулот бирлигига уларнинг сарфи ривожланган мамлакатлар даражасидан бирмунча (2,0-2,5 баробар) юқори эканлиги бартараф этиш зарурияти ҳам кўрсатиб турибди. Реал секторнинг асосий соҳаларидан бири-энергетикани техник ва технологик янгилашга алоҳида эътибор қаратиш. Ушбу муҳим соҳада амалга оширилаётган иқтисодий ислохатлар мамлакат энергетика салоҳиятини янада ривожлантириш, корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этиш, истеъмолчиларни электр ва иссиқлик энергияси билан таъминлашнинг ишончли ва сифатли тизимини шакллантиришга қаратилади.

Бугунги кунда Ўзбекистондаги мавжуд бўлган қимматбаҳо, рангли ва нодир металллар 435та ер ости участкасининг 380таси (87%) республиканинг минерал-хом ашё базасини ривожлантириш дастурларига қамраб олинмаган. Қаттиқ фойдали қазилма конларининг 120 тасида (71%) қайта ишлаш йўлга қўйилмаган⁷².

Мустақиллик йилларида республикамизнинг иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳасида энергия самарадорлигини ошириш ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳрида Куёш энергияси халқаро институти иш бошлади, Осиё тараққиёт банки кўмагида Ўзбекистонда куёш энергетикасини ривожлантиришнинг “йўл харитаси” ишлаб чиқилди, Наманган вилоятининг Поп туманида Корея Республикасининг Савдо, саноат ва энергетика вазирлиги кўмагида 2014 йилнинг декабрь ойида қуввати 130 кВт бўлган куёш фотоэлектрик станцияси қурилди ва ишга туширилди, ушбу станция ягона электр энергетикаси тармоғига уланган ва йилига 234,3 минг кВт.соат электр энергияси ишлаб

⁷² <https://sputniknews-uz.com/society/20170221/4844961/Shavkat-Mirziyoev-tabiiy-boyliklarni-samaraliroq-izlashni-taklif-qildi>

чиқармоқда, Жаҳон банки иштирокида Ўзбекистон Республикасининг шамоллар Атласи ишлаб чиқилди, Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида қуввати 750 кВт бўлган тажрибавий шамол энергоқурилмасини қуриш бўйича инвестиция лойиҳалари яқунловчи босқичига кирди.

Мамлакатимиз иқтисодиёт тармоқларида 2016/2017 йил куз-қиш мавсумида энергоресурсларни тежаш бўйича кўшимча чора-тадбирларни ҳисобга олган ҳолда, 1210,3 миллион кВт.соат электр энергияси ва 991,2 миллион куб метр табиий газни иқтисод қилишга эришилди, бу эса тармоқларнинг 2016 йилдаги истеъмолининг мос равишда 5,1 ва 3,6 фоизини ташкил этади. Амалга оширилган ишлар натижасида 2015 йилда ялпи ички маҳсулотнинг энергия сифимини 10,8 фоизга, 2016 йилда 7,2 фоизга ва 2017 йилнинг биринчи чорагида 12,7 фоизга қисқаришига эришилди.

Мамлакатимизда 2025 йилга келиб электр энергияси ишлаб чиқариш қувватлари таркибида қайта тикланувчи энергия манбаларининг улушини 12,7 фоиздан 19,7 фоизга етказиш, ишлаб чиқаришнинг энергия сифимини кескин қисқартириш (9 792,0 тонна шартли ёқилги ёки йилига 8-10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда)⁷³ белгилаб олинган. 2025 йилга келиб гидроэлектростанциялар бўйича 12,7 фоиздан 15,8 фоизга, куёш энергетикаси бўйича 2,3 фоизга, шамол энергетикаси бўйича 1,6 фоизга етказиш мақсадида қайта тикланувчи энергетикани ривожлантириш бўйича қиймати 5,3 миллиард доллар бўлган 810 та инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда⁷⁴.

Умумий хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, мамлакатимиз табиий бойлигининг кўплиги мамлакатимиз

⁷³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори 2017 йил 26 майдаги «2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури бўйича»

⁷⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори 2017 йил 26 майдаги «2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури бўйича»

миллий бойлигини янада кўпайтириш учун қулай имкониятлар мавжудлигини англатади.

4.2. Ишчи кучи ресурсларидан унумли фойдаланиш ва уларнинг сифати, таркибининг такомиллаштирилиши

Иқтисодиётнинг барча соҳаларида, шунингдек, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг ҳамма фазаларида ишчи кучи энг фаол омил ҳисобланади. Чунки бошқа ҳамма омиллар ишчи кучи ёрдамида ҳаракатга келтирилади, уларнинг қийматлари сақлаб қолиниб, янги маҳсулотга ўтказилади, янги маҳсулот янги қиймат ва уларнинг таркибий қисми бўлган қўшимча маҳсулот шу ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида ишчи кучи томонидан яратилади. Умуман маҳсулот хусусан қўшимча маҳсулот яратиш албатта табиий омиллардан ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланилади улар маҳсулотнинг нафлилигини яратишда иштирок этади, лекин, қўшимча маҳсулотнинг қиймат тарафини фақат жонли меҳнат яратади. Шу сабабли мамлакат миқёсида ишчи кучининг мазмуни, таркиби, улардан фойдаланиш даражасини ва ишчи кучи бозорини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ишчи кучи – бу инсоннинг меҳнатга бўлган ақлий ва жисмоний қобилиятларининг йиғиндиси бўлиб, жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи ҳисобланади. Такрор ишлаб чиқариш жараёнида фақатгина ишлаб чиқаришнинг моддий-ашёвий омилларигина эмас, балки шахсий омили, яъни ишчи кучи ҳам такрор ишлаб чиқарилади.

Ишчи кучини такрор ҳосил қилиш ёки уни такрор ишлаб чиқариш деганда энг аввало ишчининг меҳнат қобилиятини қайта тиклаши, яъни унинг овқатланиши, кийиниши, дам олиши ва маданий ҳордиқ чиқариши тушунилади. Бу эса ишчи учун оила, уй-жой ва бошқа шарт-шароитлар яратилиши билан боғлиқдир. Бундан ташқари, ишчи ва хизматчиларнинг ҳозирги авлоди маълум вақт ўтиши билан

қарийди. Уларнинг ўринларини босадиган ўринбосарлар ҳам тайёрланиши лозим бўлади. Бунинг учун эса ишчининг оиласи, фарзандлари бўлиши лозим, уларнинг ўсиб-улғайиши, ўқиши, замон талабига жавоб берадиган ишчи кучи сифатида камол топиши учун ҳам шарт-шароит бўлиши зарур.

Ишчи кучини такрор ҳосил қилиш жараёнини тадқиқ этиш унинг миқдорий ва сифат жиҳатларини ажратишни тақозо этади. Ишчи кучининг миқдори мамлакат аҳолисининг меҳнатга лаёқатли бўлган қисми орқали ифодаланиб, у ишчи кучи ресурслари деб ҳам аталади. Инсоннинг ишчи кучи ресурслари таркибига киритилишининг асосий мезони унинг ёши ва меҳнатга бўлган қобилияти ҳисобланади. Одатда ишчи кучи ресурслари таркибига 16 ёшдан то пенсиягача (60 ёшгача бўлган эркаклар, 55 ёшгача бўлган аёллар) бўлганлар киритилади. Лекин ижтимоий ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда банд бўлган пенсионерлар ҳам ишлаши мумкин.

Ишчи кучи ресурсларининг сони ва сифати мамлакат аҳолиси сони, жинси ва ёши жиҳатидан таркиби билан белгиланади. Республикада 2010 йилда иқтисодиётда иш билан банд бўлган ишчилар сони 12286,6 минг кишини ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб бу кўрсаткич 14641,6 минг кишини ташкил қилди (4.3-жадвал).

Жадвалдан кўринадики, 2010 йилда Ўзбекистон аҳолиси сони 28,5 млн. кишини ташкил этган бўлса, 2018 йилда 33,3 млн. кишига етди.

Аҳолининг табиий ўсиши, уни такрор ишлаб чиқариш хусусияти кўпгина ҳолатлар билан мамлакатнинг индустриал тараққиёти ва урбанизация даражаси, ижтимоий шарт-шароитлар, маданият ва маиший турмуш анъаналари, аниқ тарихий омиллар билан белгиланади. Улар жумласига демография омилини ҳисобга олган ҳолда уй-жой шароитларини яхшилаш, болаларга нафақалар бериш, уларни болалар муассасалари билан таъминлаш, хомиладорлик ва бола туғилгандан кейинги таътилларни узайтириш, оилани

мустаҳкамлаш, шунингдек, жамоада маънавий муҳитни яхшилаш киради.

4.3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси бўйича ишчи кучи ресурсларининг иш билан бандлиги ҳолати (минг киши ҳисобида)⁷⁵

Йил	Аҳоли сони, (млн.киши)	Иқтисодий фаол ишчи кучи сони	Иқтисодиётда банд бўлганлар сони	Ишсизлар сони
2010	28,5	12286,6	11628,4	658,2
2011	29,1	12541,5	11919,1	622,4
2012	29,5	12844,1	12223,8	620,3
2013	30,5	13163,0	12523,3	639,7
2014	31,0	13606,3	12818,4	653,8
2015	31,5	13767,7	13058,3	709,4
2016	32,1	14022,4	13298,4	724,0
2017	32,7	14357,3	13520,3	837,0
2018	33,3	14641,6	13219,9	1421,7

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотларига қараганда, бугунги кунда республикада ишчи кучи ресурслари сони (2018 йил) 18835,6 минг кишини ташкил этади (4.4-жадвал).

4.4-жадвалдан кўринадики, 2014-2018 йиллар давомида республикада ишчи кучи ресурслари сони 18048,0 минг кишидан 18835,6 мингга ёки 4,4 фоизга ортган.

Ишчи кучи ресурслари иқтисодий фаол ва нофаол ишчиларга ажратилади. Иқтисодий фаол ишчиларга меҳнат билан банд бўлган фуқаролар ва ишсизлар киради.

Иқтисодий фаол бўлмаган ишчи кучи таркибига - меҳнат билан банд ва ишсиз деб ҳисобланмайдиган шахслар, шу жумладан:

⁷⁵ Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

– уй бекалари ҳамда болаларни парвариш қилиш билан банд бўлган ишламаётган аёллар;

– ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётган ҳамда иш ҳақига ёки меҳнат даромадига эга бўлмаган ўқувчилар ва талабалар;

– ишламаётган учинчи гуруҳ ногиронлари;

– кўчар ва кўчмас мулкдан даромад олаётган ишламаётган шахслар;

– ихтиёрий равишда меҳнат билан банд бўлмаган шахслар⁷⁶.

4.4-жадвал

Ўзбекистон Республикасида ишчи кучи ресурсларининг иқтисодий фаол ва нофаол ишчи кучига тақсимланиши, минг киши⁷⁷

Кўрсаткичлар	2014 йил	2015 йил	2018 йил	2018 йилда 2014 йилга нисбатан	
				(+,-)	(%)
Жами ишчи кучи ресурслари сони	18048,0	18277,1	18835,6	787,6	104,4
Шундан:					
Иқтисодий фаол ишчилар сони	13505,4	13767,7	14641,7	1136,3	108,4
Иқтисодий фаол ишчиларнинг улуши, %	74,9	75,3	77,7	2,8	-
Иқтисодий нофаол ишчилар сони	4542,6	4509,4	4193,9	-348,7	92,3
Иқтисодий нофаол ишчилар улуши, %	25,1	24,7	22,3	-2,8	-

⁷⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 27 майдаги “Ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасини такомиллаштириш тўғрисида”ги 106-сонли қарори // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”. 2007 йил. 21-сон. 216-модда.

⁷⁷ Жадвал Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Куйидагилар иш билан таъминланган деб ҳисобланади:

- ёлланиб ишлаётган, шу жумладан, ишни тўлиқсиз иш вақтида ҳақ эвазига бажараётган касаначилик билан шуғулланаётган, шунингдек ҳақ тўланадиган бошқа ишга, шу жумладан, вақтинчалик ишга эга бўлган фуқаролар;

- бетоблиги, меҳнат таътилида, касбга қайта тайёрлашда, малака оширишда эканлиги, ишлаб чиқаришнинг тўхтатиб қўйилганлиги муносабати билан, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ вақтинча иш жойида бўлмаганда ходимнинг иш жойи сақланиб турадиган бошқа ҳолларда вақтинча иш жойида бўлмаган фуқаролар;

- ўзини иш билан мустақил таъминлаётган фуқаролар, шу жумладан, юридик шахс ташкил қилмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролар, кооперативларнинг аъзолари, фермерлар ва уларнинг ишлаб чиқаришда қатнашаётган оила аъзолари;

- Қуролли Кучларда, Миллий хавфсизлик хизмати ва ички ишлар органлари ва қўшинларида хизматни ўтаётган, шунингдек муқобил хизматни ўтаётган фуқаролар;

- таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётган фуқаролар;

- Қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият олиб бораётган жамоат бирлашмалари ва диний муассасаларда ишлаётган фуқаролар⁷⁸.

Мамлакатларда меҳнатда бандлик ва ишсизликни кўп йиллик ўрганиш тажрибаси шуни кўрсатадики, меҳнатга яроқли аҳолининг 94-95 фоизи меҳнатда банд бўлса, иқтисодиёт меъёрида ривожланаётган ҳисобланади.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотларига кўра, республикада иқтисодий фаол аҳолининг 95 фоизини иш билан бандлар ташкил этади (4.5-жадвал).

⁷⁸ Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги 616-1-сон Қонуни // www.lex.uz.

4.5-жадвал

Ўзбекистон Республикасида иш билан банд ишчилар сони ва таркибининг ўзгариши, минг киши⁷⁹

Т/р	Кўрсаткичлар	2014	2015	2017	2018
1	Жами иш билан бандлар	12818,4	13058,3	13520,3	13273,1
	<i>Шу жумладан:</i>				
1.1.	<i>Иқтисодиётнинг расмий секторида иш билан бандлар сони</i>	7755,7	7849,2	5280,6	5403,0
	<i>Шундан:</i>				
1.1.1.	Иқтисодиёт тармоқларида иш билан бандлар сони (йирик бизнесда)	2419,8	2431,6	5003,8	5049,9
1.1.2.	Кичик корхоналар ва фермер хўжаликларида иш билан бандлар сони	2228,7	2229,5	-	22,7
1.1.3.	Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахс сифатида расман рўйхатга олинган фуқаролар сони	844,2	871,1	276,8	330,4
1.2.	<i>Иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан бандлар сони</i>	3989,1	4207,8	8239,7	7870,1
	<i>шундан:</i>				
1.2.1.	Номуайян, бир марталик ва мавсумий ишларни бажарувчилар сони	1572,4	1656,8	1614,1	1692,2
1.2.2.	Меҳнат муносабатларини расмийлаштирмасдан оила бошлиқларига уларнинг тадбиркорлик фаолиятида ёрдам берувчи оила аъзолари	991,2	1081,3	1083,4	879,6
1.2.3.	Рўйхатдан ўтмасдан ва тегишли рухсатсиз фаолият олиб борувчи тадбиркорлар	1425,5	1469,7	2300,2	1470,6
1.2.4.	Деҳқон хўжаликларида иш билан бандлар сони	1815,2	1869,2	1908,3	1442,9
1.2.5.	Бошқа ташкилот ва муассасаларда иш билан бандлар сони	447,8	447,8	1333,7	2384,8

⁷⁹ Жадвал Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

4.5-жадвалдан кўришиб турибдики, 2014-2018 йиллар давомида иш билан банд ишчилар сони 12818,4 минг кишидан 13273,1 минг кишига етган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 27 майдаги “Ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасини такомиллаштириш тўғрисида”ги 106-сонли қарорига асосан иш билан бандлар қуйидаги турларга бўлинади:

- иқтисодиётнинг расмий секторида иш билан бандлар;
- иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан бандлар;
- республикадан ташқарига ишлаш мақсадида кетган

фуқаролар.

Ишчи кучининг сифати унинг таркибининг замон талаблари жиҳатидан ижтимоий ишлаб чиқариш эҳтиёжларига мувофиқлиги даражасини намоён этади. Ишчи кучининг сифати унинг маълумот, касбий тайёргарлик, малака, иш тажрибаси даражалари каби кўрсаткичлар орқали ифодаланади. Фан-техника тараққиётининг жадаллашиб бориши билан ишчи кучининг сифатига бўлган талаб ҳам ортиб боради.

Ишчи кучи тақлифини сифат жиҳатдан такомиллаштиришда таълим тизими алоҳида аҳамият касб этади. Шуни тўғри англаган ҳолда Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг бир қанча ишларни амалга оширди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабридаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда таълим тизимига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади. “Олий таълим муассасаларида илмий салоҳиятни янада ошириш, илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш кўламини кенгайтириш — энг муҳим масалалардан биридир.

Ҳар бир ишлаб чиқариш соҳасида тармоқ илмий-тадқиқот муассасалари, конструкторлик бюrolари, тажриба-ишлаб чиқариш ва инновацион марказлар бўлиши мақсадга мувофиқдир”⁸⁰.

Шу жумладан, ёш мутахассислар тайёрланаётган ихтисосликларга иқтисодиётимиз соҳа ва тармоқларида амалда нечоғлик талаб борлигини ўрганиш, заруратга қараб ихтисослик йўналишларига ўзгартиришлар киритиш керак бўлса, айрим касб-ҳунар таълими муассасаларини қайта ихтисослаштириш зарурлиги қайд этилди. Бундан кўзланган мақсад жамиятимизда ёшларнинг ўз ўрнини топишига, уларнинг турмуш фаровонлиги ошишига кўмаклашишдан иборатдир.

Айниқса, 2019 йилнинг “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб эълон қилиниши ва бу бўйича давлат дастурининг ишлаб чиқилиши натижасида нафақат мактабларда, лицейларда, коллеж ва олий таълим муассасаларида, балки ҳар бир оиланинг ҳаётида замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, рақамли ҳамда кенг форматли телекоммуникация алоқа воситалари, Интернет тизимини татбиқ этиш, ўзлаштириш ва янада ривожлантириш олдимизга қўйилган асосий мақсадлардан бири бўлиб қолди.

Республикамиз аҳолисининг демографик таркибида 18 ёшгача бўлган ёшлар жами аҳолининг деярли 40% ни ташкил этади. Бу аҳолининг катта қисми болалар ва ёшлардан иборат эканлигини билдиради ҳамда давлат сиёсати учун ушбу ҳолатнинг оқибатлари қуйидагича бўлиши мумкин:

Биринчидан, ўз ишчи кучини тақлиф қилувчи ёшлар сони кўпчиликни ташкил этади. Оилада турмуш даражасини сақлаш ва муносиб ҳаёт кечиришни кафолатлаш, сони ортиб бораётган меҳнатга лаёқатли ёшдагиларни иш билан таъминлашга янада кучлироқ эътибор қаратиш лозим бўлади;

Иккинчидан, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ишчи кучи

⁸⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи. 2018 йил 29 декабрь

бозорида рақобатлашиш имкониятини ошириш ва малакали ишчи кучига нисбатан ортиб бораётган эҳтиёжни қондириш учун уларнинг таълим олишини таъминлаш зарур бўлади.

Бундан ташқари, бу ёшдагилар ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими муассасаларининг потенциал таркибини ташкил этади. Инсон тараққиёти тўғрисидаи маърузада таъкидланганидек, “Ўрта махсус, касб-хунар таълимининг мақсади фақат жадал интеллектуал ривожлантириш, умумтаълим фанларини чуқур ўргатишдан иборат эмас. Энг асосийси – битирувчига муайян касбни ўргатиш ва умумтаълим фанлар бўйича билим бериш орқали уни ишчи кучи бозорида ишлашга тайёрлаш ҳисобланади”⁸¹. Бундан кўринадики, битирувчи ёш кадрларнинг маълум қисми ишчи кучи бозорига таклиф этиладиган тайёр кичик мутахассислар сифатида кириб келади. Ишчи кучи бозорига кириб келаётганларнинг бир қисми академик лицейлар битирувчилари бўлиб, бу таълим муассасалари битирувчилари олий ва ўрта махсус таълим тизимида ўқишни давом эттиришлари кўзда тутилган, лекин уларнинг қанча миқдори ишлаб чиқаришга жалб этилиши ва қанчаси олий таълим тизимида ўқишни давом эттириши кўрсаткичлари олдиндан маълум эмас.

Ёшларнинг қанчаси ишлаб чиқаришда банд бўлади, олий таълимда қанчаси ўқишни давом эттиради – бу кўрсаткичларни прогноз қилишнинг аниқ механизми ишлаб чиқилмаган, бунга қуйидаги сабаблар имкон бермайди: а) олий таълим муассасаларига қабул қилишнинг танлов (тест) йўли билан ўтказилиши; б) ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими битирувчиларининг олий таълимда ўқишни давом эттириш ёки эттирмаслик борасидаги қарорининг аниқ эмаслиги; в) давлат грантига нисбатан тўлов-контракт асосидаги таълим тури нисбатининг ошиб бориши.

Мамлакатимизда ўрта махсус, касб-хунар таълимини

⁸¹ Инсон тараққиёти тўғрисидаги маъруза. 2007/2008. БМГТД, Ўзбекистон. – Т.: “Мега Басим”, 2008, 16-бет.

битирувчиларнинг 9-10 фоизи олий таълим муассасаларига кириш имконияти мавжуд эди. Сўнги икки йилда амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли уларнинг камраб олиниш даражаси 15 фоиздан ортди.

Кўрсатилган сабаблар ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими битирувчиларининг қанча миқдори ишчи кучи бозорига таклиф этилишини аниқ прогноз қилиш имконини бермас экан, бу жараённинг статистикаси ва мониторингини изчил юритиш орқалигина назорат қилиб, бошқариб бориш мумкин. Бу жараёнга тортилувчи битирувчи ёшларнинг аксарият қисми касб-хунар коллежларини тугатган кичик мутахассисларни ташкил этганлиги сабабли, ушбу муаммо Ўзбекистон Республикаси давлат ижтимоий сиёсатининг долзарб муаммоси саналади.

Ишчи кучи таклифи сифатини талаб даражасига етказишнинг дастлабки босқичи бўлиб умумтаълим мактаблари ҳисобланади. Ўзбекистонда амалга оширилаётган таълим борасидаги ислохотлар туфайли умумтаълим мактабларининг 10-11-синфларидаги таълим босқичма-босқич ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртларидаги таълим билан алмаштирилди. Шу сабабли 2002-2003 ўқув йилидан 2009-2010 ўқув йилларида умумтаълим мактаблари ўқувчилари сони нисбатан камайиб кетди. Республикамизда 2002-2003 ўқув йилида 9799 та умумтаълим мактаблари фаолият юритган бўлиб, 2018-2019 ўқув йилида бундай мактаблар сони 9774 тага етди (4.6-жадвал).

Ўз вақтида янги ташкил этилган кўплаб касб-хунар коллежлари ҳисобига 9-синф битирувчиларининг у ерларда таҳсил олиши натижасида 10-11-синфларда ўқувчилар сони камайиб кетди ва ушбу синфларнинг ёпилишига сабаб бўлди. Лекин, умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг ишчи кучи бозорига чиқиши ва у ерда таклифни яратиши жуда кам ҳоллардагина вужудга келади. Чунки, умумтаълим мактаблари битирувчиларининг қарийб барчаси академик лицей ва касб-хунар коллежларига ўқишга жойлашмоқдалар.

Шу сабабдан ҳам, ишчи кучи бозорида 18 ёшгача бўлганлар сони жуда озчиликни ташкил қилади.

4.6-жадвал

Таълим тизими асосий кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси (ўқув йили бошида)⁸²

Кўрсаткичлар	2009/ 2010	2013/ 2014	2014/ 2015	2017/ 2018	2018/ 2019
Мақтаблар сони	9806	9758	9733	9718	9774
Жами 9-синф битирувчилари, минг киши	594,3	536,9	500,2	466,1	475,7
Жами 11-синф битирувчилари, минг киши	70,8	3,9	-	-	-
Ўрта махсус ўқув муассасалари сони	1539	1556	1557	1556	1537
Касб-хунар коллежлари битирувчилари, минг киши	415,3	498,1	534,5	489,8	486,5
Олий ўқув юртлари ва филиаллари сони	65	66	68	91	98
Жами қабул қилинганлар сони, минг киши	60,7	62,3	64,1	63	114,5
Жами битирувчилар сони, минг киши	71,8	63,1	67,6	67,4	70,3

Бошқа жиҳатдан эса умумтаълим мактаблари битирувчиларининг ишчи кучи бозорига сифатсиз ҳамда рақобатга бардош бера олмаслиги билан ҳам ажралиб туради. Уларнинг таълим олишни давом эттириши касб ўрганиши эса ишчи кучининг рақобатбардошлигини янада оширади.

Ишчи кучига бўлган таклифнинг сифатини оширишда иккинчи босқич касб-хунар бўлиб ҳисобланади. Президентимиз таъкидлаганларидек, “Бугунги кунда олий ва

⁸²Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳамда Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза. Ўзбекистон, 2007-2008. –Т., ПРООН, 2008, 99-бег маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилди.

ўрта махсус таълим муассасаларини битирган ёшларни иш билан таъминлаш долзарб ва жиддий масала эканлигидан барчамиз хабардормиз”⁸³. Чунки, таълимнинг ушбу бўғинида умумтаълим тизимида олинган билимлар асосида касб-хунарга эга бўлган ишчи кучи шаклланади.

2002-2003 ўқув йилида 465 та ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари мавжуд бўлган бўлса, 2018-2019 ўқув йилида республикамизда 1537 та ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Табиийки, ўқув муассасалари сони ошгандан кейин, шунга мос равишда улардаги ўқувчилар сони ва уларни қабул қилиш режаси ҳам ошади. Худди шунингдек, бу йиллар давомида ўрта махсус, касб-хунар таълимига ўқувчиларни қабул қилиш ҳам икки баробарга ошди. Лекин 2017 йилга қадар касб-хунар коллежлари умумтаълим мактаблари битирувчиларини деярли тўлиқлигича қамраб олар эди. 2018-2019 ўқув йилидан бошлаб эса 10-11 синфларнинг қайта ташкил этилиши ҳисобига унда ўқишни хоҳловчиларнинг сони ошиб, КХКларига топширувчилар сони камайди.

Олий таълимнинг мақсади малакали, рақобатбардош, олий маълумотли мутахассисларга қўйиладиган талабларга жавоб берадиган, танлаган соҳаси ва мутахассислиги бўйича ишлай оладиган, республикани илмий-техникавий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантиришга қодир, юксак маънавий, маданий ва ахлоқий фазилатларга эга кадрларни тайёрлашни таъминлашдан иборат⁸⁴. Шу сабабли, олий маълумотли ишчи кучи таклифи миқдори ва сифатини талаб даражасига етказишда олий таълим тизимининг ўрни беқиёс ҳисобланади. Олий маълумотли кадрларни тайёрлаш мақсадида ҳозирги даврда Республикамиз бўйича 65 та олий

⁸³ Ватанимиз босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган тапганали маросимдаги маърузаси. Халқ сўзи 2008 йил 6 декабрь

⁸⁴ Инсон тараққиёти тўғрисидаги маъруза. 2007/2008. БМТГД, Ўзбекистон – Т.: “Мега Басим” 2008. 16 б.

ўқув юртлари фаолият юритмоқда⁸⁵.

Таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш натижасида 2018-2019 ўқув йилида олий ўқув юртларига ўқишга қабул қилиш 108,7 минг нафарни ташкил қилди.⁸⁶

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда таркибий ўзгаришларни инобатга оладиган бўлсак, турли касб мутахассисликларининг кўпайиши ва ушбу касб соҳалари бўйича етук мутахассисларнинг етишмаслиги кўриниб қолди. Айниқса, техник ходимларнинг етишмаслигини кўриш мумкин. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Республикада кўпгина тармоқларнинг жадаллик билан ривожланиб бориши натижасида уларга бўлган кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масаласи долзарб бўлиб қолди.

Кичик мутахассислар касбий йўналишлари таркибини ўрганиш натижасида иқтисодиётда бозор муносабатларининг либераллашиб бориши шароитида ёшларнинг ҳуқуқшунос, дипломат, иқтисодчи, бошқарувчи, банк-молия ходими, солиқ нозири, божхона назоратчиси, бизнес соҳаси, хорижий тиллар каби мутахассисликларни эгаллашга интилишлари кучайди. Натижада, ишчи кучи бозорида мутахассисларнинг таклифи уларга бўлган талабдан ортиб кетиши натижасида талаб ва таклиф ўртасида мувозанатлик ҳолатининг бузилиши юзага келди. Бу ҳолат амалда таркибий ишсизлик даражасининг мавжудлигида намоён бўлиши мумкин. Ишчи кучи бозорида иш ўринлари учун рақобатлашиш жараёнида олий маълумотли мутахассислар юқори имкониятларга эга бўлади. Натижада, ўрта махсус маълумотли кичик мутахассислар ишлаши мумкин бўлган лавозимларда олий малакали

⁸⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳамда Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза. Ўзбекистон, 2007-2008. –Т., ПРООН, 2008, 105-бет, маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилди.

⁸⁶ Қуйидаги манба асосида муаллифлар томонидан тузилган: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари ҳамда Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза. Ўзбекистон, 2007-2008. –Т., ПРООН, 2008, 105-бет.

мутахассислар бандлиги кўзга ташланади. Юқорида кўрсатилган касбларни эгаллаган кичик мутахассисларнинг ишчи кучи бозорида ортиқчалиги сезилиб қолади.

Ишчи кучи бозорида ўрта бўғин мутахассисликлари бўйича талаб ва таклиф мувозанатлигига ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида кичик мутахассисларни иқтисодиёт соҳаларидаги реал талаб асосида тайёрлаш орқали эришиш имконияти мавжуд.

2017 йилда Олий таълим муассасаларининг бакалаврият босқичида таълим олаётган жами талабаларнинг 288471 нафарни ташкил этган бўлиб, гуманитар соҳада 121446 нафар, ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ йўналишида 27418 нафар, ишлаб чиқариш ва техник соҳада 85539 нафар, қишлоқ ва сув хўжалиги йўналишида 23479 нафар, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот йўналишида 18879 нафар, хизматлар соҳасида 11710 нафар талабалар таълим олмоқда⁸⁷.

Олий таълим муассасаларининг магистратура босқичида таълим олаётган жами талабалар сони 9218 нафарни ташкил этиб, улардан 27,4 фоизи гуманитар соҳада, 24,3 фоизи ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ мутахассислиги бўйича, 23,7 фоизи ишлаб чиқариш ва техник соҳада, 4,8 фоизи қишлоқ ва сув хўжалиги мутахассислиги бўйича, 17,4 фоизи соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот мутахассислиги бўйича, 2,3 фоизи хизматлар соҳасида таълим олмоқда.

2017 йилда олий таълим муассасалари магистратура босқичининг 5594 нафар битирувчиларидан, 1803 нафари гуманитар соҳа, 1263 нафари ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ мутахассислиги бўйича, 1431 нафари ишлаб чиқариш ва техник соҳада, 312 нафари қишлоқ ва сув хўжалиги, 668 нафари соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот, 117 нафари хизматлар соҳасига оид мутахассисликка эга бўлди.

Лекин кейинги йилларда бошқа тармоқларнинг ривожланиб бораётганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ушбу

⁸⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида

тармоқлардаги битирувчилар сонининг аста-секинлик билан ошириб бориш талаб этилади. Чунки, кейинги йилларда бу соҳаларни ривожлантиришга кенг эътибор берилганлиги ва тармоқлар бўйича йўналишларнинг очилганлиги сабабли, ушбу тармоқлар бўйича олий маълумотли мутахассисларни тайёрлашга жиддий киришилди. Айниқса, иқтисодиёт ва алоқа тармоқларида модернизациялаш жараёнининг жадал ривожлантирилаётганлиги туфайли ушбу тармоқларга алоҳида эътибор қилинмоқда.

Ишчи кучи бозоридаги конъюнктуранинг тез ўзгарувчанлиги бир қатор тадбирларни доимий ўтказишни тақозо этади, бу тадбирлар таълим соҳасида:

а) ишчи кучи бозори тўғрисидаги ахборотнинг бўлишини таъминлайди;

б) стратегик менежмент фаолиятининг ишлаб чиқилишига асос яратади.

Ўзбекистон Республикасида олий ва ўрта махсус маълумотига эга сифатли мутахассисларни талабга кўра тайёрлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш олий ўқув юртли ва касб-хунар коллежлари билан корхона (ташкilot)лар ўртасида ҳамкорликни ташкил этишни тақозо этади, бу ҳамкорлик қуйидаги шаклларда йўлга қўйилиши мумкин:

1) мутахассисларни ҳудудий талабни ҳисобга олган ҳолда корхоналар буюртмаси асосида тайёрлаш;

2) буюртма бўйича тайёрланган мутахассисларни тўлиқ иш жойи билан таъминлаш;

3) мутахассисларнинг таълим олиш жараёнида амалиёт билан алоқасини таъминлаш.

Юқоридаги уч вазифа натижасида мутахассисларнинг истеъмолчиси аниқ бўлиб, иш ўрни кафолатланади ва уларнинг касбий тайёргарлик сифатини ошириш имконияти яратилади.

Республикамиз ҳудудларида бандликка кўмаклашувчи марказларига мурожаат қилган ва мавжуд иш ўринларига

касби ва мутахассислиги тўғри келмайдиган кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича бир қанча ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда ишларни амалга оширади.

Жумладан, халқ таълими тизими, уларнинг ҳудудлардаги бошқарма ва бўлимлари ёрдамида кадрларни ўқитишни ташкил қилади ҳамда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш марказлари кўмагида уларни корхона ва ташкилотларда ўз малакаларини оширишларига шароитлар яратиб беради.

Ишсизларни касбга ўқитиш ва қайта ўқитишнинг самарасини ошириш мақсадида ҳудудлар кесимида 217 та базавий касб-хунар коллежлари ва ушбу коллежларда ишсизларни касбга тайёрлашнинг 100 та йўналиши аниқлаб олинди⁸⁸.

Ишчи кучи бозори талаблари асосида ўрта таълим муассасаларида янги ихтисосликлар киритиш ёки айрим ихтисосликлардан воз кечиш замирида ҳам битирувчиларни иш билан банд этиш масаласи ётибди. Республикамизда бир қанча йўналишларда ўқишни тамомлаган ёшларни ишга жойлаштириш коэффициенти нисбатан пастлиги сабабли, ушбу мутахассисликларга ўқувчилар қабул қилиш режаси анча камайтирилди. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида ёш мутахассисларга талаб ортаётгани учун “Компьютер саводхонлиги”, “Умумий овқатланишни ташкил этиш”, “Маиший газ ва электр жиҳозларини таъмирлаш”, “Инқирозга қарши бошқарув” каби ўнга яқин янги йўналишлар киритилди.

Бундан ташқари, ривожланган давлатлар тажрибаларидан ўринли фойдаланиш ҳам ўз самарасини бермоқда. Ўқув юртлари ўқувчи-талабалари хоҳиш-истакларига кўра салоҳиятли ташкилотларга бириктирилиб, назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлаши учун имкон яратилмоқда, яъни амалий машғулотларни ишлаб чиқариш корхоналарида, ташкилотларда ўтказиш қатор афзалликларга

⁸⁸ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари.

эга. Чунки ўқувчи ўзи танлаган соҳа билан яқиндан танишади, хужжатлар билан ишлашни, меҳнат интизомига риоя этишни ўрганади. Корхона ва ташкилотларда амалий машғулотларни олиб бориш ўқувчиларнинг салоҳияти ва иқтидорини амалда кўриш имкониятини беради.

Ишчи кучи бозорининг яна бир талаби – ёш кадр ўз ихтисослиги бўйича чуқур билимга, илмий-техникавий ижодкорлик салоҳиятига ва қатъий ҳаётий вазиятга эга, дунёқараши кенг, айнаи вақтда замонавий ахборот технологиялари билан ишлаш имкониятига эга бўлиши зарур. Шу маънода, ҳозирги кунда республикамизда академик лицей, касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш устувор вазифага айлантирилиши лозим. Юқори педагогик технологиялар асосида билим бериш учун ўқув муассасаларини жаҳон андозаларига мос жиҳозлаш билан бирга малакали ўқитувчилар сафини кенгайтиришга ҳам ҳаракат қилиш лозим. Республикамиз таълим тизимида раҳбар ходимлар ва педагог кадрларни танлаш, аттестациядан ўтказиш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга қаратилган мақсадли дастур ишлаб чиқилиб, амалда жорий этилмоқда. “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан, шунингдек, қатор халқаро лойиҳалари асосида кўплаб профессор-ўқитувчи ва кадрлар хориж давлатларида малака ошириб, тажриба алмашиб қайтмоқдалар.

Дарҳақиқат, узлуксиз таълим мамлакат тараққиётини таъминловчи шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий-ижтимоий, маданий-маънавий эҳтиёжларига хизмат қилувчи тизимдир. Кадрлар тайёрлашни сифат босқичига кўтариш вазифаси бу тизимда алоҳида ўрин тутувчи олий ва ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари зиммасига қатор вазифалар юклайди. Мамлакатимиз ишчи кучи бозорида мазкур ўқув муассасаларининг битирувчилари ўз ўрнини топаётган экан, демак, бу жабҳада изланишлар ўз самарасини бермоқда.

Биз бу ерда мавжуд ишчилар ва уларнинг иш билан, ёки таълим, тарбия билан банд бўлганларнинг сонини ҳамда улардан малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини таҳлил қилдик.

Шу нарсани таъкидлаш жоизки, ишчи кучи сонининг кўпайиши билан ўзидан-ўзи маҳсулот ёки қўшимча маҳсулот кўпайиб қолмайди, балки ишчи кучи ресурсларидан ўз ўрнида самарали фойдалансагина қўшимча маҳсулот кўпаяди. Оддий кўриниб турган мисол 2018 йилда 18835,6 минг ишчи бўлган бўлса, шундан 658,2 минг киши умуман иш билан банд бўлмаган. Бу ишчилар ҳеч қандай маҳсулот, жумладан қўшимча маҳсулот яратмаган. Шунинг учун ҳозирги даврда ишга яроқли ишчиларни иш билан таъминлаш ўта муҳим ва долзарб масаладир.

4.3. Фан техника тараққиёти ва инновацион омиллардан кенг фойдаланиш

Ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида фан-техника тараққиёти (ФТТ) ва унинг натижасида юзага келган инновацион силжишларнинг аҳамияти беқиёсдир. Чунки, илм-фан тараққиётисиз, унинг энг сўнги ютуқларни амалиётга қўлламастан туриб, ҳеч қандай инновация ҳам, модернизация ва диверсификациялаш жараёнлари ҳам амалга ошмайди.

Мамлакатда қўшимча маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига, айниқса нормасининг ошишига таъсир қилувчи энг асосий омиллардан бири бўлган – фан техника тараққиёти (ФТТ) жуда мураккаб ва кўп қиррали жараёндир. У ижтимоий-иқтисодий ва шахсий ҳаётнинг ҳамма томонларини ўз ичига камраб олади. Шу сабабли ҳам фан-техника тараққиёти доимо ҳаракатда ва ривожланишда бўлади.

Шу ерда фан техника тараққиётининг натижаларини ва инновацион янгиликларни қўлашнинг қўшимча маҳсулот

миқдори ва нормасининг ошишига таъсирини тушуниш учун мисол келтириб ўтамиз.

Биз олдинги бандда (1-банд) қўшимча маҳсулотни кўпайтиришнинг ҳозирги давр учун мақбул бўлган йўли ишчининг иш вақти узаймаган ҳолда зарурий иш вақтини қисқартириб қўшимча иш вақтини узайтириш ва шу йўл билан қўшимча маҳсулот миқдори ва нормасини ошириш эканлигини айтиб ўтган эдик. Буни амалга ошириш фақат фан-техника янгиликлари ва инновацияларни қўллаш йўли билан амалга оширилади.

Фан техника тараққиёти ва инновацияларни қўллаш натижасида меҳнат унумдорлиги кескин ошиб ҳар бир ишчи ўзининг ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш учун сарфлайдиган иш вақтини камайтириб, қўшимча иш вақтин узайтириш имконига эга бўлади. Бу жараёни қуйдаги мисол орқали тушунтириш осонроқ бўлади. Масалан, иш куни 8 соат бўлиб, унинг 4 соати зарурий иш вақти, 4 соати эса қўшимча иш вақти бўлсин. ($4 \text{ соат} * 2 \text{ долл} = 8 \text{ долл.}$) Агар ишчи ҳар бир соатда икки долларлик маҳсулот яратади деб олсак, ишчи бир кунлик иш вақтида 8 долл. Зарурий маҳсулот ва 8 долл. Қўшимча маҳсулот, ҳаммаси бўлиб 16 доллар янги маҳсулот яратади. Энди меҳнат унумдорлиги 25% га ошди деб фараз қилайлсак ишчи ўзи учун зарур бўлган маҳсулотни 4 соатда эмас 3,2 соатда яратиш имкониятига эга бўлади.

Шунда шу куннинг таркиби ўзгариб зарурий иш вақти 3,2 соат, қўшимча иш вақти эса 4,8 соатга етади. Бу давр ичида яратилган зарурий маҳсулот ўзгармай қолса 8 долларни, қўшимча маҳсулот эса 12 долларни ташкил этади.

Қўшимча маҳсулот нормаси дастлабки ҳолатда 100 % ни ташкил қилган бўлса, кейинги яъни меҳнат унумдорлиги 25 % га ошган ҳолда 150% ни ташкил этади. Бунда қўшимча маҳсулот нормаси икки омил эвазига: зарурий иш вақтининг камайиши ва бинобарин қўшимча иш вақтининг узайиши ҳисобига, ҳамда шу қўшимча иш вақтида меҳнат унумдорлигининг ошиши эвазига ошади.

Шунинг учун ҳам мамлакатимизнинг келгусидаги ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашда “Илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юрлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш”⁸⁹ масалалари энг устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Шунингдек, мамлакатимизда 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси ва Ўзбекистонни 2030 йилгача инновацион ривожлантиришга қаратилган яна бир ҳужжат ишлаб чиқилди ва кенг омма олдида муҳокама қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2018 йил 21 сентябрь кuni 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги Фармонни имзолади.

Бош мақсадга эришишда Стратегиянинг асосий вазифаларидан бири Ўзбекистонни 2030 йилга бориб, Глобал инновацион индекс рейтингини бўйича жаҳоннинг 50 илғор мамлақати қаторига киритишдан иборат.

Ўзбекистоннинг Инновацион ривожлантириш вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги, Давлат статистикаси қўмитаси ва бошқа идоралар билан биргаликда Ўзбекистон ҳар йили Глобал инновацион индекс рейтингига киритилиши учун халқаро ташкилотларга зарур маълумотлар ва кўрсаткичларни мунтазам юборилишини таъминлаб боради.

Фан-техника тараққиётининг асосини илмий билимлар ташкил этади. Илм ва билим асосида янги техника ва технология яратилади, эскилари эса такомиллашади, махсулот ва хизмат турлари кўпаяди, кишиларнинг оғири энгил, узоғи яқин бўлади.

⁸⁹ “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. http://strategy.gov.uz/uz/pages/action_strategy

Фан-техника тараққиёти – ишлаб чиқаришнинг янгидан-янги восита ва предметлари, ёқилғи ва энергия, технологик жараён, бошқариш, меҳнатни техник жиҳатдан қуроллантириш кабиларнинг замонавий усулларини яратишни ўз ичига олади. Ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган ишловчиларнинг умумий маълумоти, маҳоратини узлуксиз, тизимли равишда ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳам фан-техника тараққиётининг моҳияти ва аҳамияти билан чамбарчас боғлиқдир.

Фан-техника тараққиётининг вазифаси қуйидагилардан иборат:

- тежамкорликни амалга ошириш (вақт, хомашё ва материаллар, ёқилғи, электр энергияси ва ҳ.к. ларни тежаш);

- ишлаб чиқариш жараёнларини осонлаштириш, меҳнатни энгиллаштириш;

- меҳнатнинг мазмуни ва характерини ўзгартириш;

- ишлаб чиқаришнинг ижтимоий ва иқтисодий самарадорлигини янада юқори даражага кўтариш.

Фан техника тараққиёти ва унинг натижасида юзага келадиган инновацион ғоялар мамлакатда олиб борилаётган илмий тадқиқот натижалари ҳамда уларнинг амалиётга жорий қилинганлик даражасига боғлиқ. Илмий тадқиқот фаолияти билан эса тегишли таълим муассасалари, илмий текшириш ва илмий-тадқиқот институтлари, турли хилдаги ихтисослаштирилган марказлар ва ҳоказолар шуғулланиши ҳеч кимга сир эмас. Масалан, дунёдаги ривожланган мамлакатларнинг аксариятида илмий тадқиқот фаолиятларининг такомиллашганлиги ва улар натижаларидан амалиётда самарали фойдаланилиши туфайли ишлаб чиқариш соҳаси бўйича “Инновацион фаол корхоналар” саноатдаги барча корхоналарнинг 1/3 қисмини ташкил қилади. Бу жуда катта кўрсаткич ҳисобланади ва бундай натижага улар фақатгина ФТТни жадаллаштириш ҳисобига эришганлиги ҳаммага маълум.

Шу сабабли мамлакатимизда фан техника тараққиёти

даражасини юксалтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги ПФ-4456 сонли Фармониغا асосан диссертация ҳимоя қилиш ва фан доктори илмий даражасини бериш бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими жорий қилинди, бу катта илмий ходим изланувчилар сонининг ортишига ҳам сабаб бўлди. Хусусан, ушбу муассасаларда докторант сифатида ўқиётганлар сони 2016 йилда 2000 йилдаги сонидан 4 баробардан ортиқроққа ошди ва 334 нафардан 1370 нафаргача етди (4.7-жадвал).

4.7-жадвал

Таянч докторантура ва докторантурада ўқийдиганларнинг фан соҳалари бўйича динамикаси (2000-2018 йиллар)⁹⁰

	2000й.	2005й.	2010й.	2016й.
Жами	334	183	217	1370
<i>шу жумладан фанлар бўйича:</i>				
табiiй фанлар	82	51	50	309
техника фанлари	26	12	21	167
тиббиёт фанлари	83	45	30	113
қишлоқ хўжалиги фанлари	11	8	10	154
ижтимоий фанлар	93	47	70	348
гуманитар фанлар	39	20	36	279

Лекин илмий тадқиқот ишларини тугаллаб ҳимоя қилувчилар сони кескин камайиб кетди. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958 сонли Фармониға биноан олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимининг сифати ва самарадорлигини тубдан ошириш, олий ўқув юртидан кейинги таълим соҳасини янада такомиллаштириш, илмий-тадқиқот фаолиятида ёшларнинг

⁹⁰ <https://stat.uz/uz/432-analiticheskie-materialy-uz/2035-ilm-va-fan>

интеллектуал салоҳиятини ҳар томонлама намоён этиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг икки поғонали шакли диссертация ҳимоя қилиш ва тегишли фан тармоғи бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини беришни назарда тутувчи “таянч докторантура” ва диссертация ҳимоя қилиш ва тегишли фан тармоғи бўйича фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасини беришни назарда тутувчи “докторантура” тизимини жорий қилинди. Бунинг натижасида охириги йилларда мамлакатимизда илмий тадқиқот билан шуғулланадиган изланувчилар сафи кенгайди.

Жадвал маълумотларидан сўнгги йилларда фан соҳалари бўйича докторантлар сони юқори суръатда ўсиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, 2000-2018 йилларда докторантлар сонининг энг кўп ортиши қишлоқ хўжалиги фанлари (2016 йилда 2000 йилга нисбатан 14 баробарга ошган), гуманитар фанлар (7,2 баробар) ва техника фанлари (6,4 баробар) ҳиссасига тўғри келди.

Республикада илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари билан шуғулланаётган олимлар ишланмаларини амалиётга жорий қилиш натижасида мамлакатда янгидан-янги товар ва хизматлар турлари яратилмоқда. Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларига тадқиқотлар ёки амалий тажрибалар натижасида олинган ва янги материал, маҳсулот, жараён, қурилма, хизмат, тизим ёки усулларни яратишга йўналтирилган мавжуд билимларга асосланган тизимли равишда амалга ошириладиган ишлар киради. Ишланмалар таркибида конструкторлик, лойиҳавий ва технологик ишлар ўз аксини топади.

Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари билан шуғулланадиган ташкилотлар сони 2016 йилда 2000 йилга нисбатан 19 тага кўпайди ва 437 тани ташкил этди. Улар томонидан ўз кучи билан бажарилган илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари ҳажми

2016 йилда 396 млрд. сўмга етди ва 2000 йилга нисбатан 37 баробарга ошди.

Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини амалга ошириш муайян даражада ҳаражат талаб қилади. Республикамизда ушбу соҳага сарфланаётган ҳаражатлар тегишли секторлар бўйича амалга оширилмоқда (4.8-жадвал).

4.8-жадвал

2016 йилда фан соҳалари бўйича секторлар кесимида илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларига ҳаражатлар, млн.сўм⁹¹

	Жами	давлат сектори	Тадбир-корлик сектори	Олий таълим сектори	хусусий нотижорат сектор
Жами	440285,2	178812,9	173622,6	82424,6	5425,1
Шу жумладан:					
табiiй фанлар	143634,3	83044,5	42930,8	17659	-
техника фанлари	154625,7	21871,8	111779,5	18683,3	2291,0
тиббiiёт фанлари	28737,3	15171,9	6199,3	7254,8	111,2
қишлоқ хўжалиги фанлари	36706,1	26481	5334	4891	-
ижтимоий фанлар	47288,8	15161,2	6929,1	22427,8	2770,7
гуманитар фанлар	29293,1	17082,5	449,9	11508,5	252,2

4.8-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2016 йилда давлат секторига тегишли ташкилотларда илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларга қилинган ҳаражатларнинг асосий қисми табиий фанлар ҳиссасига

⁹¹ <https://stat.uz/uz/432-analitcheskie-materialy-uz/2035-ilm-va-fan>

(жами харажатларнинг 46,4 фоизи), тадбиркорлик секторида техника фанлари ҳиссасига (64,4 фоиз), олий таълим ҳамда хусусий нотижорат секторларида ижтимоий фанлар ҳиссасига (мос равишда 27,2 ва 51,1 фоиз) тўғри келади. Бу уларнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда амалга ошганлигини билдиради.

Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларига қилинадиган харажатларнинг асосий қисми ҳар доим давлат маблағлари ҳисобига амалга оширилиши ҳеч кимга сир эмас. Лекин республикамизда ушбу соҳага сарфланаётган харажатларда нафақат давлат бюджети, балки бошқа манбалардан ҳам самарали фойдаланилмоқда.

Сўнгги йиллар мобайнида республикамизда илмий муассасалар томонидан ўз кучи билан бажарилган илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини молиялаштириш манбаси таркибида жиддий ўзгаришлар рўй бермоқда. Хусусан, 2000 йилда бажарилган илмий тадқиқот ишларини молиялаштиришга асосан буюртмачи маблағлари (жами харажатларнинг 44,3 фоизи) жалб қилинган бўлса, сўнгги йилларда илмий тадқиқот ишларини молиялаштиришда кўпроқ давлат бюджети маблағлари (57,7 фоизи) ва ўз маблағларидан (22,3 фоизи) фойдаланилмоқда. Бундан ташқари, илмий тадқиқот ишларини молиялаштиришда хорижий манбалар ва бюджетдан ташқари фондлар маблағларидан фойдаланиш ҳам сезиларли ортган.

ФТТ натижасида инновацион иқтисодиёт шаклланади ва ривожланади. Ҳозирги замонавий шароитда мамлакат ЯИМ ҳажмининг ошишини инновацияларсиз тасаввур қилиш мушкул. Инновация, қисқача қилиб айтганда, иқтисодий-ижтимоий ҳаётга янгиликларни киритиш, қўллаш ва мавжудларини янада такомиллаштиришдир.

Инновациялар агар микро даражада қараладиган бўлса, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни янги техника ва технологик жараёнлар билан таъминлаш, меҳнатни янги техника билан қуроллантириш эвазига янги бозорларга

чиқиш, янги сифатга, хусусиятларга эга бўлган маҳсулот турларини яратиш, янги ва арзон хомашёлардан фойдаланиш, ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш ва янги инновацион товарлар билан таъминлаш ва янги истеъмол бозорларини очишдир.

Макро даражада инновация – бу илм, техника, тадбиркорлик ва бошқарувни ўзида бирлаштирувчи, иқтисодиётни модернизациялаш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилишга қаратилган фаолиятдир. Миллий корхоналарнинг самарали фаолият юритиши кўп жиҳатдан уларнинг инновацион салоҳиятига бевосита боғлиқ. Шунинг учун ҳам ҳозир кунда мамлакатимизда инновацион инфратузилмаларни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга масалалардан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан иқтисодий ривожланишнинг замонавий босқичи мамлакатда кўшимча маҳсулот ҳажмини ошириш ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлашда инновацион инфратузилмани самарали ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш билан белгиланади. Хориж мамлакатларида рақобатдош ва арзон ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни мамлакатимизга кириб келиши мутахассис ва етакчи олимлардан республикамизда мавжуд бўлган саноат корхоналарини ривожлантириш ва самарали фаолият кўрсатишига доир илмий асосланган қирраларини очиб беришни долзарб масалага айлантормоқда. Шуларни ҳисобга олиб мазкур соҳадаги илмий изланишларга эътибор қаратган ҳолда, инновацион жараёнларни ривожланишига таъсир этувчи омилларни қуйидаги жадвалда келтирилгандек туркумлашимиз мумкин. Чунки мазкур омилларни ҳар томонлама тадқиқ этиш корхоналарида рақобатдош янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга асосланган инновацион жараёнларни бошқаришнинг самарали йўлларини илмий асослаш ҳисобига иш юритиш фаолиятига таъсир кўрсатиши табиийдир. (4.9-жадвал)

**Инновацион жараёнларнинг ривожланишига таъсир
этувчи омиллар**

Омиллар	Инновацион фаолиятни ривожлантирувчи омиллар	Инновацион фаолиятга тўсқинлик қилувчи омиллар
Сиёсий	Давлатнинг монополияга қарши сиёсати, эркин иқтисодий шаклланиши, миллий инновацион тизимни ривожланиши	Тадбиркорлик фаолиятидаги бюрократик тўсиқлар, хусусий мулкчиликни давлат томонидан кафолатланиш тизимини тўла шаклланмаганлиги, сиёсий беқарорлик
Ҳуқуқий	Интеллектуал мулк объектларини ҳимоя қилиш тизими, муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилинганлик даражаси	Патент ва лицензия бериш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларидаги камчиликлар
Иқтисодий	Инновацион маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи хўжалик субъектларни рағбатлантириш	Инновацион бозорларда рақобатнинг кескинлашуви, инновацион фаолиятни амалга оширишда иқтисодий таваккалчилик ва хавфнинг юқорилиги
Технологик	Замонавий инновацион технологияларни қўллаш бўйича илмий-техник ютуқларга эришиш, юқори технологияни жорий қилиш	Моддий, илмий-техник ва замонавий лаборатория жиҳозларини етишмаслиги, корхоналарнинг асосий воситаларини маънавий эскирганлиги
Молиявий	Фундаментал, амалий тадқиқотлар, ишланмалар ёки экспериментал ишларни молиялаштириш тизимининг самараси	Йирик инвестицион лойиҳаларни амалга оширилишининг кечикиши, инновацион инфратузилмани шакллантириш жараёнини сустлиги

**Инновацион жараёнларнинг ривожланишига таъсир
этувчи омиллар**

Омиллар	Инновацион фаолиятни ривожлантирувчи омиллар	Инновацион фаолиятга тўсқинлик қилувчи омиллар
Ташкилий	Мамлакатнинг илмий ва илмий-техник салоҳиятини ошириш чора-тадбирларини белгилаш ва амалга ошириш	Фан, техника, иқтисодиёт, бизнес ва бошқарувни бирлаштирувчи инновацион иқтисодиётни шакллантириш жараёнларини сустиги, илмталаб тармоқлар учун мутахассисларни тезкор тайёрлашни таъминловчи янги дастурларни етишмаслиги
Бошқарув	Инновацион, мотивацион, иқтисодий, ташкилий-маъмурий қисмларни ўз ичига олган миллий, ҳудудий ҳамда иқтисодиётнинг устувор соҳаларини инновацион ривожлантириш бўйича стратегиялар ишлаб чиқиш	Инновацион менежмент ихтисослиги бўйича кадрларни тайёрлаш ва илм-фан соҳасида эришилган ютуқларни амалиётга татбиқ этишдаги муаммолар
Ижтимоий	Таълим муассасаси моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш талаблари ва жамиятнинг ривожланиш даражасига жавоб берувчи, сифатли кадрларни тайёрлаш	Жамиятда илғор ғояларни шакллантириш ҳамда фан ва техниканинг ривожланишини замон талабларига уйғунлаштирадиган воситалар ҳамда глобализация жараёнларига мослаштиришдаги муаммолар

Инновацион фаолиятга тўсқинлик қилувчи ва ривожланишига шароит яратувчи омилларни ўрганиш мамлакатимизда инновацион жараёнларни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан инновацион сиёсатни олиб бориш бўйича белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан самарали стратегик мақсадларни белгилаб олишга ёрдам беради.

Мамлакатимизда бизнес субъектларининг инновацион фаолияти ривожланиш даражасини юксалтириш учун иқтисодиёт тармоқларини инновацион ривожлантириш, модернизациялаш, техник ва технологик янгилашнинг стратегик мақсадларига мос равишда яқин йиллар ичида зарур шарт-шароитларни яратиш лозим.

Маълумки, ҳозирги вақтда Ўзбекистонда энг муҳим иқтисодий масалалардан бири миллий иқтисодиётни инновацион йўл билан ривожлантиришга ўтиш ҳисобланади. Жаҳон тажрибасига кўра, янги технологияларнинг ривожланиши ҳамда товарлар, хизматлар, ишчи кучи бозорларидаги рақобатнинг кучайиши миллий корхоналарда инновацион фаолиятни янада кучайтириш ва уни самарали ташкил этишга қаратилмоқда. Ушбу ҳолат бозор ислохотларининг босқичма-босқич амалга оширилиши миллий корхоналарнинг иқтисодий тараққиётини моддий ресурслар асосида эмас, балки инновацион ғояларни амалга оширилишини объектив заруратга айлантирмоқда. Бу эса, республикамиз саноат корхоналарини технологик янгилаш билан бир қаторда, инновацион фаолиятини янада жадаллаштиришни тақозо этмоқда. Бу тенденция иқтисодий ривожланган мамлакатларда ҳам, бозор ислохотлари яқинда амалга оширилаётган мамлакатларда ҳам кенг намоён бўлмоқда. Натижада Франциянинг “Инссад” халқаро бизнес мактабининг жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти билан ҳамкорликда тайёрлаган “Инновацияларнинг глобал индекси” маърузасида инновацион ривожланиши комплекси таҳлил қилинган 141 мамлакат ичида Ўзбекистон инсон салоҳиятини

ривожлантириш кўрсаткичи бўйича 35-ўринни эгаллаган, таълим тизимини ривожлантириш даражаси бўйича эса иккинчи ўринни банд этган⁹².

Республика иқтисодиётининг яқин ва ўрта истиқболдаги инновацион ривожланишидаги прогноз қилинган кўрсаткичлари икки давр; 2012-2015 ва 2016-2020 йилларда қуйидагича ўсиши кўзда тутилади (2010 йилга таққослаганда):

-илмий техник ишланмаларга харажатларнинг ЯИМ даги улуши 5 ва 15 баробар ёки 1,0 ва 3,0 %гача;

-ЯИМ умумий ҳажмида юқори технологик тармоқлар улуши 1,3 ва 2,7 марта ёки 15,0 ва 31 %гача;

-маҳсулот ҳажмида инновацион фаолиятга харажатлар улуши 7,0 ва 12,5 баробар ёки 2,8 ва 5,0 гача;

-умумий экспорт ҳажмида инновацион маҳсулотлар экспорти улуши 2,6 ва 4,9 марта ёки 15,0 ва 28,0 %гача;

-ЯИМ да инновацион маҳсулотлар улуши 5,1 ва 7,6 баробар ёки 15,0 ва 22,0 % гача.

Айни вақтда юқори даражадаги инновацион тараққиётга эришиш бундай фаолият ривожланишини таъминлашга хизмат қилувчи замонавий миллий инновацион тизим амал қилишини тақозо этади. Бундай тизим ташкилий, ҳуқуқий, таркибий ва функционал тузилмалардан иборат бўлади.

Мамлакатни инновацион ривожлантириш бўйича қўйилган вазифаларни тизимли ҳал қилиш, замонавий миллий инновацион тизимни шакллантириш, фан, таълим, илмий-техникавий салоҳиятни ривожлантириш ва юқори технологияларни ўзлаштириш бўйича нисбий устунликни ўстириб бориш ҳисобига иқтисодиётнинг рақобатбардошлик салоҳиятини сезиларли кенгайтириш ҳамда шу асосда ЯИМ ҳажмининг кўпайиши ва халқ фаровонлигини оширишнинг янги манбалари излаб топиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Ушбу масалаларни ҳал қилишда

⁹² ХВФ баҳолаш миссиясининг баёноти.

асосий эътибор мамлакатимизда амалиётга жорий қилинган инновацияларга берилади. Республикамизда 2008-2018 йилларда мобайнида турли хил соҳаларда инновациялар яратилиб, амалиётга жорий қилинди ва улар ўз самарасини бермоқда. Бунинг натижасида янгидан-янги товар ва хизматлар турлари яратилмоқда. (4.10-жадвал)

4.10-жадвал

Корхона ва ташкилотларнинг инновацион фаолияти (2008-2018 йиллар)⁹³

	2008	2010	2014	2015	2016	2017	2018
Инновациялар жорий қилган корхона ва ташкилотлар сони:	304	149	852	935	933	1023	1024
технологик	268	145	819	894	893	975	982
маркетинг	15	1	13	14	20	22	17
ташкилий	21	3	20	27	20	26	25
Жорий қилинган инновациялар сони:	683	500	1465	1819	1906	2046	2558
технологик	578	462	1382	1737	1816	1946	2482
маркетинг	58	32	41	36	51	62	42
ташкилий	47	6	42	46	39	38	34
Ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар (товарлар, ишлар ва хизматлар) ҳажми, млрд. сўм	1325,1	1849	7043	8023,6	10688,2	18543,3	28871,5
Инновацияларга қилинган харажатлар, млрд. сўм	521,5	264,4	3757,4	5528,3	2571,4	4162,3	4707,2
Фойда млрд. сўм	803,6	1584,6	3285,6	2495,3	8116,8	14381	24164,3

⁹³ <https://stat.uz>


4.10-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2008 йилда 304 та корхона ва ташкилотлар томонидан 683 турдаги инновациялар жорий қилинган бўлса бу кўрсаткич 2018 йилда 1024 та корхона ва ташкилотлар томонидан 2558 турдаги инновациялар жорий этилган.

Жорий қилинган инновацияларнинг миқдори 2018 йилда 2008 йилдагига нисбатан 3,7 баробарга ошган ёки қарийб 375 фоизга органлигини кўришимиз мумкин. Бу мамлакатимиз иқтисодиётининг барча тармоқларида, тадбиркорлик секторида инновацион товар ва хизматларни ўзлаштиришга бўлган қизиқиш ва бунда давлатнинг рағбатлантирувчи роли нақадар юқори эканлигидан далолат беради.

Мамлакатимизда охириги йилларда инновацион ғояларнинг амалиётда қўлланилиши ва ишлаб чиқаришни модернизациялаш бўйича олиб борилаётган ислохотлар натижасида республика ЯИМ таркибида инновацион товар ва хизматлар ҳажми ортиб бормоқда. Бунда асосан, инновацион товар ва хизматлар таклиф қилаётган корхоналар етакчилик қилмоқда.

Инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ишлаб чиқарган корхона ва ташкилотлар сони 2008 йилдан 2018 йилга қадар қарийб 3,4 баробарга кўпайиб, 304 тадан 1024 тага етди. Жумладан 2018 йилда технологик инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирган корхоналар сони 982 тага, маркетинг борасидаги инновацияларни ўзлаштирилган корхоналар 17 тага, ташкилий инновацияларни ўзлаштирилган корхоналар эса 25 тани ташкил этмоқда.

Инновацион товар ва хизматларни ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусияти шундаки, уларнинг рентабеллик даражаси анча юқори, яъни уларга сарфланган ҳаражат ва даромадлар ўртасидаги нисбатда ижобий фарқ катта бўлади. Таъкидлаш жоизки, республикаимизда инновацион товар ва хизматлар яратиш учун қилинган сарф ҳаражатлар охириги йилларда камайиш тенденциясига эга бўлди (4.3-расм).



4.3-расм. Инновацион товарлар ва хизматлар ҳажми ҳамда уларга сарфланган харажатлар динамикаси (2008-2018 йиллар)⁹⁴

Инновацион товар ва хизматлар ҳажми 2018 йилда 28871,5 млрд. сўмни ташкил қилди. Ушбу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 1,6 баробар, 2008 йилга нисбатан 21,7 баробарга кўпайган. Инновацион товар ва хизматлар ҳажми 2016 йилда 10688,2 млрд. сўмни ташкил қилган. Ушбу кўрсаткич 2015 йилга нисбатан 1,3 баробар, 2008 йилга нисбатан 8 баробарга кўпайган. Инновацияларга харажатлар 2008 йилга нисбатан 9 баробарга кўпайган бўлса, 2015 йилга нисбатан 17 фоизга камайган.

Инновацион товар ва хизматларни яратиш учун технологик, маркетинг ва ташкилий ишларга қилинган харажатлар турли хил манбалардан сарфланди. Охириги йилларда уларнинг ичида энг катта улуш корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағларига тўғри келганлиги кузатилди. Бундан ташқари, ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш учун хорижий капитал, тижорат банклари

⁹⁴ <https://stat.uz/uz/432-analitcheskie-materialy-uz/2038-innovatsion-faoliyat>

кредитлари ва бошқа манбалардан ҳам самарали фойдаланилганлигини кузатишимиз мумкин. (4.11-жадвал)

4.11-жадвал

Молиялаштириш манбалари бўйича технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларга харажатлар, млрд.сўм (2010-2018 йиллар)⁹⁵

	2010	2012	2014	2016	2018
Технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларга харажатлар	264,4	311,9	3757,4	2571,4	4707,2
<i>шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича:</i>					
ташкilotнинг маблағлари	Ўз 184,3	213,4	1381,5	1180,0	-
хорижий капитал	48,3	39,9	32,3	314,9	-
тижорат кредитлари	банклари 30,0	26,8	262,5	157,3	-
бошқа маблағлар	1,8	31,7	2081,0	919,1	-

4.11-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2010 йилда инновациялар асосан ташкilotнинг ўз маблағлари ҳисобидан (69,7 фоизи) молиялаштирилган. 2014 йилдан бошқа маблағлар ҳиссаси (55,4 фоиз) ошган. 2016 йилда ташкilotнинг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш 2010 йилга нисбатан 6,4 баробар ошган.

Инновацион фаолиятни ривожлантириш борасидаги илмий ёндашувларнинг таҳлили, илғор хорижий тажрибалар ҳамда мазкур соҳага оид кўплаб иқтисодий адабиётларда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, унинг ташқи бозордаги рақобатбардошлиги ривожланган инновацион инфратузилма мавжудлиги орқали таъминланиши илмий асосланган. Демак, ҳозирги миллий иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида инновацион

⁹⁵ <https://stat.uz/uz/432-analiticheskie-materialy-uz/2038-innovatsion-faoliyat>

фаолият барча элементларининг шаклланиши ва самарали ўзаро таъсири давлат инновацион сиёсатининг асосий мақсади бўлишини талаб этмоқда.

Таҳлилларга кўра, инновацион фаолият ривожланишининг самарали йўлларини излаб топиш бевосита ЯИМ ҳажмини кўпайтириш, ишлаб чиқариш самарадорлиги, жамият ва унинг аъзолари эҳтиёжларини қондириш даражасини ошириш, ҳаёт шарт-шароитларининг сифатини таъминлаш имкониятларини юзага келтиради.

Миллий корхоналарда инновацион фаолиятни ривожлантириш ва уларга хизмат қиладиган инновация инфратузилмаларини шакллантиришга қаратилган давлат сиёсатининг амалга оширилиши мамлакатимизда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўламининг аста-секин кенгайиши ҳамда миллий корхоналар рақобатбардошлигини ошишига шароит яратмоқда. Бу эса, мамлакатимизда инновация инфратузилмаларини шакллантириш ва уларни самарали бошқаришни талаб этади. Чунки инновация инфратузилмасини шакллантириш эвазига жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳамда инновацион иқтисодиёт шаклланишига замин яратилса, иккинчидан, республикамизнинг интеллектуал салоҳиятининг яхшиланиши ва ЯИМ таркибида инновацион маҳсулотларнинг улушининг кўпайишига олиб келади. Натижада ишлаб чиқаришга замонавий технологиялар жорий этиш, ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш ва маҳсулот сифатини ошириш ҳамда унинг рақобатбардошлигини таъминлашга доир вазифалар ҳал этилади.

Бу борада, яъни мамлакатимизда инновацион инфратузилмаларни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича бир қанча ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 8 июлдаги “Илм-фанни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ва инновация фаолиятини ривожлантириш тўғрисида”ги, 2006 йил 7 августдаги “Фан ва технологиялар

ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2008 йил 15 июлдаги “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2010 йил 15 декабрда тасдиқланган “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги, 2011 йил 24 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 21 июлдаги “Илм-фанни ривожлантириш ва инновация фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида”ги, 1998 йил 19 январдаги “Халқаро илмий-техникавий алоқаларни ривожлантиришни, халқаро ва хорижий ташкилотлар ва жамғармалар грантлари бўйича илмий дастурлар ва лойиҳаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги, 2004 йил 7 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг илмий ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2008 йил 15 октябрдаги “Технологиялар Трансфери Агентлиги” Давлат унитар корхонаси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги, 2008 йил 10 ноябрдаги “Илмий, илмий тадқиқот муассасалари ва ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари шулар жумласидандир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016-йил 26-декабрдаги “2017-2019-йилларда тайёр маҳсулот турлари, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг истиқболли лойиҳаларини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори нафақат маҳаллийлаштириш кўламини, балки инновацион фаолиятни ҳам янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Қарор билан тасдиқланган дастурга мувофиқ, келгуси икки йилда мамлакатимизда 3 миллиард 400 миллион

долларлик қарийб 1 минг 150 лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган.

Сўнги уч йилда ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий қилиш ҳисобига шахта вагонеткалари, вакуум насослар, кўтарма кранлар, ҳар хил турдаги ўтга ва кислотага чидамли материаллар, қурилиш жиҳозлари, сендвич панеллар, сунъий синтетик газонлар, шиша банкалар, бутилкалар, крахмал, нон маҳсулотлари учун ачитқилар сингари юз турдан ортиқ янги товарлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Маиший электротехника маҳсулотлари, автомобил филтр ва радиаторлари, пўлат қувурлар, керамик плиталар, тиббиёт ампулалари, полиграфик бўёқлар, болалар ўйинчоқлари, спорт анжомлари каби 350 дан ортиқ турдаги маҳсулотни четдан келтириш икки баравардан зиёдга камайган.

Жорий йилда 960 та лойиҳани амалга ошириш ҳисобига 6 триллион 500 миллиард сўмга яқин маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши белгиланган. 122 турдаги ўзлаштиришга таклиф этилган маҳсулотлар аниқланган.

Маҳсулотлар импортини қисқартиришнинг кўшимча имкониятларини ўрганиш жараёни жорий йилда тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш ҳамда импорт ўрнини босадиган янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ҳисобига импортни кўшимча 23 фоизга қисқартириш имконияти мавжудлигини кўрсатди.

Биз юқорида мамлакатимизда ФТТ ва унинг натижасида инновацияларнинг ривожланиш тенденцияларини кўриб чиқдик. Албатта мамлакатимизда ушбу соҳада жуда катта ишлар амалга оширилди. Лекин шу билан биргаликда, илмий изланишларимиз жараёнида умумий ҳолда, республикаимизда инновацион муҳитни ривожлантиришда бир қатор муаммолар мавжудлиги аниқланди:

-инновацион инфратузилманинг алоҳида таркиблари, инновацион тадбиркорлик ва мустақил инновацион

лойиҳаларни қўллаб-қувватлашнинг махсус молиявий механизми мавжуд эмаслиги;

-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг давлат томонидан аниқланган устувор йўналишларини рўёбга чиқаришнинг ҳақиқий механизми қарор топмаганлиги;

-ижро ҳокимлигининг алоҳида органлари молиялаштирадиган инновацион ишларни самарали уйғунлаштириш имкониятлари чекланганлиги;

-илмий ташкилотлар, таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида кооперация алоқаларининг ривожланмаганлиги;

-республикадаги етакчи саноат корхоналари инновацион фаоллиги пастлиги, яъни инновацион салоҳияти камлиги, фаолиятини кенгайтириш учун айланма маблағлар етишмаслиги, янги ишланмалар юқори қиймати, иқтисодий таҳлика ва қоплашнинг узоқ муддати;

-инновацион соҳаларнинг информацион жозибадорлиги, кичик инновацион тадбиркорлик ривожланиш даражаси, аҳоли ва тадбиркорлар инновацион маданияти пастлиги.

Бизнинг фикримизча, юқорида қайд этилган муаммоларни куйидаги йўналишлар бўйича ҳал қилиш мумкин.

-ЯИМ таркибида инновацион маҳсулотлар улушини ўстиришнинг асоси ҳисобланган фундаментал фанларни ривожлантириш, инновацион маҳсулотлар яратиш ва иқтисодиётни инновацион қайта қуришга қаратилган фаолиятни рағбатлантириш тизимини жадаллаштириш;

-инновацион ҳамкорлик бўйича махсус зоналар яратиш ва иқтисодиётнинг хусусий секторида инновацион фаолиятни фаоллаштириш;

-технологик модернизациялаш асосида замонавий, юқори технологик тармоқларни жадал ривожлантириш, миллий инновацион тизим инфратузилмасини яратиш ва такомиллаштириш;

-хизмат кўрсатиш ва ижтимоий соҳаларни инновацион ривожлантириш, миллий товар ишлаб чиқарувчилар

инновацион маҳсулотини ташқи бозорга чиқариш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтириш;

-илмий тадқиқот, таълим ва инновацияларни қўллаб-қувватлашга бюджетдан молиялаштириладиган сарфлар ҳажмини улардан самарали фойдаланиш талабини ҳисобга олиб босқичма-босқич ўстириб бориш;

-молиялаштиришнинг ташқи манбаларини жалб қилиш ва қўлами инвестицион лойиҳаларини ишлаб чиқишга лаёқатли йирик хўжалик юритувчи субъектларни вужудга келтириш сиёсатини ишлаб чиқиш;

-инновацион маҳсулотга ички талабни фаоллаштириш, инновацион модернизациялашни рағбатлантириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашга табақалашган ёндашувни рўёбга чиқариш;

-таълим сифатини ошириш, инновацион ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни таъминлаш.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакат қўшимча маҳсулот ҳажмининг кўпайишида фан-техника тараққиёти ва унинг натижасида юзага келган инновацион янгиликлар, товар ва хизматлар жуда катта аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда дунёдаги ривожланган мамлакатларнинг аксариятида илмий тадқиқот фаолиятларининг такомиллашганлиги ва улар натижаларидан амалиётда самарали фойдаланилиши туфайли ишлаб чиқариш соҳаси бўйича “Инновацион фаол корхоналар” саноатдаги барча корхоналарнинг жуда катта қисмини ташкил қилади. Шу сабабли ривожланган мамлакатлар тажрибасидан ва республикамизнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда ушбу соҳанинг ривожланишига кенг йўл очиб бериш ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга молик бўлган масалалардан ҳисобланади.

ХУЛОСАЛАР ВА ТАВСИЯЛАР

Илмий тадқиқот ва кузатувлар натижасида қуйдаги хулосаларга келинди:

1. Товар-пул муносабатлари маълум бир тарихий шарт-шароитларда келиб чиқади ва узоқ даврлар мобайнида амал қилади. Шунинг учун у тарихийдир, доимий эмасдир.

2. Иқтисодий воқеа, ҳодиса ва жараёнларнинг туб мазмун-моҳиятини билишда икки томонлама ёндошув ва таҳлил усулини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлиб тўғри хулосалар чиқаришга ва тавсиялар бериш имконини яратади. Бу усул иқтисодий жараёнларни тўғри англашда, товар ва пулнинг мураккаб ҳаракатини тушунишда, уларни бир-биридан ажрата олишда услубий таянч ролини ўтайди.

3. Ҳар қандай ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки хизматлар товар бўлавермайди, у товар бўлиши учун (ўз истеъмоли учун эмас) энг аввало бозорда сотиш мақсадида, бошқаларнинг талабани қондириш учун ишлаб чиқарилиши ва бир-бирига қарама қарши турган, бир-бирини тақозо этадиган икки хусусиятга: нафлилик ва қийматга эга бўлиши керак.

4. Товар бир-бирига қарама-қарши турган икки томоннинг: қиймат ва нафлиликнинг бирлигидан иборатдир. Товардаги бир-бирига қарама-қарши турган бу икки хусусият унда гавдаланган меҳнатнинг икки ёқлама тавсифидан, яъни аниқ ва абстракт меҳнатнинг натижасида келиб чиқади.

5. Товардаги икки хил хусусиятни ҳар томонлама таҳлил қилиш шундай мантикий хулосага олиб келадики, бозор иқтисодиёти шароитида яратилган ва тўпланган жамият бойлигининг бир кичик хужайраси товар икки хил хусусиятга эга экан, у бутун бойликнинг ҳаммаси, содир бўлаётган иқтисодий муносабатларнинг барчаси икки томонлама хусусиятга эга бўлишини тақозо этади.

6. Фан техника тараққиёти ва унинг натижалари бўлган янги техника ва технологияларни товар ишлаб чиқариш жараёнида қўллаш натижасида товардаги икки хил хусусият

қарама-қарши томонга: нафлилик ўсиш томонга, қиймат эса пасайиш томонга силжиши, ўзгариши мумкин. Бунда нафлиликнинг сифати, тури ва миқдори ошиши, кўпайиши, қийматнинг эса пасайиши ижобий натижа бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун доимо нафлиликни оширишга, қийматни эса пасайтиришга интилиш, ҳаракат қилиш зарур. Аксинча қилинган ҳаракатлар тараққиётга тескари ҳаракат ҳисобланади.

7. Тадқиқот ва таҳлиллардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, иқтисодий истиқболларни, режаларни белгилашда барча даражадаги хўжаликлар, тармоқлар, ҳудудлар фаолиятини баҳолашда шундай сифат кўрсаткичларини топиб қўллаш лозимки, улар юқори нафлиликка эга бўлиб, бевосита жамиятнинг шахсий ва ишлаб чиқариш (унумли) истеъмолини қондирадиган, ҳозирги давр талабларига жавоб берадиган, ҳақиқий ўсишни ифода этадиган, харажатларни, меҳнат ва моддий ресурсларни тежашга рағбатлантирадиган, тараққиётга йўл очиб унга манба бўладиган кўрсаткичлар, муруватлар ва механизмлар бўлиши ва улар ишлаши лозим.

8. Бизнинг фикримизча бундай кўрсаткичлардан бири юқори нафлиликка эга бўлган (асло қийматга эмас) товарлар ҳажми ва турининг кўпайиши ҳамда сифатининг ошишидир.

9. Нафлиликни кўпайтириб, харажатларни ва бинобарин қийматни пасайтиришга, тараққиётни тезлаштиришга рағбатлантирадиган яна бир **муҳим кўрсаткич бу қўшимча маҳсулотдир**. Қўшимча маҳсулот ҳақиқий тараққиётнинг меъзони (ўлчами) ва манбаи бўлиб хизмат қилади.

10. Товарда гавдаланган меҳнатнинг икки ёқлама тавсифи ва ундан келиб чикувчи товарнинг икки хил хусусияти тўғрисидаги илмий концепция учта муҳим услубий функцияни бажаради:

А) Илмий тушунчалар тизимини яратиш ва тартиблаштириш;

Б) Иқтисодий муносабатларнинг келиб чиқиш сабаблари (генетик асоси) шаклланиб қарор топиши ва ривожланиши

жараёнини билиш, ойдинлаштириш;

В) Иқтисодиётда содир бўлаётган ва амал қилаётган муносабатларни бир тизимга келтириб, тизимли таҳлил қилиш имконини беради.

11. Ишлаб чиқариш жараёнида барча омиллар ҳаракатда бўлади, лекин улар ичида жонли меҳнат, яъни ишчи кучи фаол бўлиб, у барча ишлаб чиқариш воситаларини ҳаракатга келтиради, уларга «жон киритади», асосий капитал қийматининг йўқолиб кетмаслигини таъминлаб, янги яратилган товар ва хизматларга ўтказади. Ва ниҳоят, бу жараёнда янги нафли товар ва хизматлар вужудга келади, янги қиймат яратилади.

12. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш жараёни икки томонлама табиатга эгадир. Бир томондан, у меҳнат жараёни, яъни ишчи кучи томонидан табиат ашёларининг шаклини ўзгартириб, инсон истеъмолига яроқли ҳолга келтириш жараёни, нафлиликни яратиш жараёни бўлса, иккинчи томондан эса қийматнинг ўсиш жараёнидир.

13. Ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келган янги товар ва хизматлар яъни, ЯИМ икки хил хусусиятга – нафлилик ва қийматга эга бўлиб, улар икки томонлама ҳисобга олинади: натурал-ашёвий (нафлилик) ва қиймат томонидан. Натурал-ашёвий томондан у уч қисмга: ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол буюмлари ва турли хизматларга бўлинади. Қиймат тарафидан ҳам уч қисмга: истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситалари қиймати, зарурий маҳсулот қиймати ва қўшимча маҳсулот қийматига бўлинади. Яратилган маҳсулотнинг учала қисмининг ҳар қайсиси маълум иқтисодий функцияни бажаради: масалан, истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситалари (амортизация фонди) асосий капитални қайта тиклаш, янгилаш ва ривожлантириш, ишлаб чиқаришни такрор олиб бориш манбаи бўлиб хизмат қилса, зарурий маҳсулот ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш, ишчи-хизматчи ходимлар фаровонлигини таъминлаш манбаи бўлиб, қўшимча маҳсулот

эса ижтимоий иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришга манба бўлиб хизмат қилади.

14. Соф маҳсулотнинг зарурий маҳсулотдан ортиқча қисми, яъни қўшимча иш вақтида қўшимча меҳнат билан яратилган қисми қўшимча маҳсулот дейилади.

15. Қўшимча маҳсулот ЯИМнинг таркибий қисми бўлиб, ҳамма харажатлар чегириб ташлангандан қолган қисмидир. Қўшимча маҳсулот ҳамма харажатлардан тозаланган бўлиб қўшилган қиймат ва қўшимча қийматдан фарқ қилади. Қўшимча маҳсулот миқдор жиҳатдан қўшимча қиймат ва меҳнат унумдорлигининг кўпайтмасига тенгдир демак, қўшимча маҳсулот миқдор жиҳатдан қўшимча қийматдан меҳнатнинг унумдорлик кучи миқдорига тенг даражада кўпроқ бўлади.

16. Мамлакатимизда ҳар бир инсон манфаати, унинг ҳаёт даражаси ва сифати биринчи ўринга қўйилиб, аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларини ривожлантиришнинг жуда катта стратегик вазифалари белгиланган ва уни амалга оширишга фаол киришилган.

17. Энг аввало шуни билиш лозимки, ҳамма товарлар ва хизматлар ҳамда уларнинг таркибий қисмлари, жумладан қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларида яратилади.

18. Қўшимча маҳсулот иқтисодиёт назарияси фанининг марказий бўғинларидан бири ҳисобланиб, шунчаки бир иқтисодий категория бўлиб қолмасдан, балки жамият тараққиётининг асосини, унинг ривожлананиш даражасини кўрсатиб ва изоҳлаб берувчи, унга (тараққиётга) манба бўлиб хизмат қилувчи, ўзининг ривожланиши орқали ижтимоий маҳсулотнинг яратилиши, тақсимланиши ва истеъмол қилиниши жараёнларининг тараққиёт даражасини акс эттирувчи муҳим марказий тугунлардан ҳисобланади.

19. Қўшимча маҳсулотнинг мазмунини тушунишда унинг реал иқтисодий ҳаётда намоён бўлиш шакллари билиш

муҳимдир. Қўшимча маҳсулотнинг намаён бўлиш шакллари: фойда, солиқ, рента, фоизлардир.

Олиб борилган монографик тадқиқотларимиз натижасида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга ёрдам берувчи узоқ муддатга мўлжалланган, макроиқтисодиётга ҳамда барча тармоқлар, ҳудудлар, корхоналар учун умумий бўлган қуйдаги концептуал йўналишларни тавсия этамиз:

1. Мамлакатимизда мавжуд бўлган табиий омиллардан малакали ишчи кучи моддий, молиявий, илм-фан, энергия ресурсларидан унумли ва самарали тежаб-тергаб фойдаланиш, уларнинг бир мисқолининг ҳам исроф бўлишига йўл қўймаслик. Шу йўл билан беҳуда сарфлар, йўқотишларга барҳам бериш.

2. Фан ва техника тараққиётининг энг янги ютуқларини, хом-ашё материал ва энергиянинг янги турларини, янги имкониятларини топиб, жадаллик билан ишлаб чиқаришга жорий қилиш; Бунда жаҳоннинг турли мамлакатларида яратилган янги инновацион ғояларини, фан-техника янгиликларини тез олиб келиб ишлаб чиқаришга жорий қилиш ва ўзимизда янги ва самарали техника-технологияларни (тўхтовсиз ишлаб чиқиб, қўллашни йўлга қўйиш).

3. Эскирган узоқ муддатлардан (40-50 йиллар)дан бери ишлаётган техникалар ва жиҳозларни тезлик билан янгилаш, хомашё материал, ёнилғи, энергиялар ва ишчи кучи (меҳнат) сарфини кескин камайтиришга имкон берадиган янги техника ва технологияларни жорий қилиш;

4. Ишчи ва хизматчиларнинг янги техникалар, технологиялар ва энергия билан қуролланиш даражасини (бир ишчига тўғри келадиган миқдорини) ошириш эвазига меҳнат унумдорлигининг кескин ўсишига эришиш;

5. Маҳсулот таннархини камайтириб, фойда даражасининг (рентабелликнинг) ошишига эришиш;

6. Ишлаётган ишчи-хизматчи, ходимларнинг моддий ва маънавий манфаатдорлигини етарли даражада ошириб, уларни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш;

7. Ишлаб чиқаришнинг турли тармоқлари, ҳудудлари, омиллари ва бўлаклари ўртасида, ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар ҳажми билан муомаладаги пул миқдори ўртасида мувозанатлик ва мутаносибликни таъминлаш, шу йўл билан ортиқча, беҳуда сарфларнинг, инқирозларнинг олдини олиш. Бунда истеъмол ва инвестицион ҳамда экспорт товарларининг турлари бўйича талаб ва таклиф пухта ўрганилмоғи лозим.

8. Қўшимча маҳсулотнинг кўпайиши мамлакатимизда эришилган ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг натижаси ва келгуси тараққиётимизнинг мабаи сифатида қаралиб ҳамма тармоқларда, корхоналарда, ҳар бир иш жойида ишчи ёки ходим томонидан яратилган қўшимча маҳсулот миқдорини ва шу йўл билан уларнинг Ватан тараққиётига қўшган ҳиссасини аниқлаш ва шу орқали ҳар бир ишчининг қўшимча маҳсулотни кўпайтиришга қизиқишини рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш.

9. Бизга ҳозирги пайтда жадал иқтисодий тараққиётимизни ифодаладиган ва уни рағбатлантириб унга йўл очадиган иқтисодий кўрсаткичлар зарурдир. Ҳозирги вақтда қўлланилаётган (**кўшилган қиймат, қўшимча қиймат**) кўрсаткичлари тараққиётимиздаги олға силжишларни ифодаламайди, унга йўл очмайди ва рағбатлантирмайди, аксинча тараққиётга тўсиқ ва ғов бўлиб туради. Мана шуларни ҳисобга олган ҳолда биз кўшилган қиймат ва қўшимча қиймат деган иборалар, кўрсаткичлар ўрнига **қўшимча маҳсулот деган тушунча (кўрсаткични)** қўллашни тавсия этамиз. Чунки қўшимча маҳсулот харажатлардан тозаланган (масалан, ЯИМдан ҳамма қилинган харажатларни (меҳнат, моддий, пул харажатларини чегириб ташласа қўшимча маҳсулот қолади). Бу натижавий пировард

кўрсаткич бўлиб, тараққиётнинг ҳақиқий ўсишини ифодалайдиган меъзон бўлиб хизмат қилади.

Бу кўрсаткични оширишга фан-техника тараққиёти натижаларини, инновацияларни, хом-ашё, материал, ёнилғи ва энергиянинг янги унумли турларини, экинларнинг, уруғларнинг янги навларини, чорва молларининг янги зотларини қўллаб, ишчи хизматчиларнинг билим савиясини малакасини ошириш йўли билан эришиш мумкин. Бу эса ишлаб чиқарувчиларни тараққиётга ундайди. Ундан ташқари қўшимча маҳсулот мамлакатимизнинг келгусидаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун иқтисодий манба бўлиб хизмат қилади. Ахир тадбиркор оладиган фойданинг, давлат оладиган солиқнинг, ер эгаси (бизда давлат) оладиган рентанинг, кредит пуллари эгаси (банк) оладиган фоизнинг манбаси шу қўшимча маҳсулотдир. Қўшимча маҳсулот кўпаймаса фойда, рента, солиқ ва фоизларни ундириб олишнинг манбаи бўлмайди.

10. Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган барча товарлар (моддий ва хизматлар)нинг таннархи (уларни ишлаб чиқариш учун кетган харажатлар) анча юқорилиги ҳаммага маълум бўлиб, товарлар қийматининг, бинобарин баҳосининг, юқори бўлишга улардан олинаётган фойданинг эса, паст бўлишига сабаб бўлмоқда. Бу ҳолат Ўзбекистонда товарлар таннархини пасайтириш жуда зарурлигини кўрсатмоқда. Шунинг учун иқтисодиётнинг барча корхоналарида, тармоқларида турли товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнида, энергияни, хомашё ва материалларни, ёқилғиларни ва жонли меҳнатни тежаш имкониятини берувчи янги, унумдор техника ва технологияларни, инновацион ғояларни қўллаш асосида товарлар ва хизматлар таннархини пасайтириш ва шу асосида юқори фойдага эришиш лозим.

11. Маълумки ҳозирги кунда меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи (1 кишига ёки бир иш кунига тўғри келадиган маҳсулот миқдори) илғор мамлакатларга нисбатан анча паст ҳисобланади. Шунинг учун меҳнат унумдорлигини жадал

ошириш, мамлакатимиз олдида турган муҳим ва зарур масалалардан биридир. Бунга эришиш учун энг аввало мавжуд ишчи кучи ресурсларидан самарали фойдаланиш, беҳуда ва ортиқча меҳнат сарфларига йўл қўймаслик; иккинчидан ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида янги техника ва технологияларни, инновацион ғояларни қўллаш зарур ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, ПФ-4947-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 январдаги «Кичик ва хусусий тадбиркорликни микрокредитлаш тизимини янада кенгайтириш ва содалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2746-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.10.2017 йилдаги ПФ-5199 сонли «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 41-сон, 1061-модда.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 майдаги «2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарори

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида”ги ПФ-5308 сонли

Фармони

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси //Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси //Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь.

9. Шавкат Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. //Халқ сўзи, 2017 йил 16 январь.

10. Мирзиёев Ш. «Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз» // Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи, 2016 йил 15 декабрь

11. Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлиси тўғрисида ахборот //Халқ сўзи, 2016 йил 15 декабрь.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 август, ПҚ-4422-сон “Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29-декабрдаги “Ўзбекистон республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида” ги ПҚ-3454-сон қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24.06.2019 №521, қарори, “Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги тизимидаги ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил этиш

чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қабул қилинган сана, Кучга кириш санаси 25.06.2019

15. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 31-б.

16. Xodiyev B.Yu., Shodmonov Sh.Sh. Iqtisodiyot nazariyasi (darslik). – Т., «Barkamol fayz media», 2017. – 784 bet.

17. Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. –Т.: “Молия”, 2010 й. 182-б.

18. Ходиев Б.Ю., Шодмонов Ш.Ш. Ишлаб чиқариш жараёни ва уни жадал ривожлантириш стратегиясининг амалга оширилиши. Илмий-услубий рисола. Тошкент: 2018.

19. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. –Т.: ТДИУ. “Маънавият” 2017 й. 121-б.

20. Razzoqov A.A., Tashmatov Sh.H., O’rmonov N.T. Iqtisodiy ta’limotlar tarixi. Darslik. – Т.: Iqtisod-moliya, 2007. – 320 b.

21. О.Абдуллаев “Иқтисодий география ва экология”. (Ўқув кўлланма) “Наманган” нашриёти 2002 й. – 177 б.

22. Ахмедов Ф.А. Бозор муносабатлари шароитида хонадон хўжаликларини ривожлантиришнинг иқтисодий-ижтимоий жиҳатлари. -Т. 2011. 13-бет.

23. Мамарахимов Б.Э. Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида ишчи кучига бўлган талаб ва таклифни мувозанатлаштиришнинг асосий йўналишлари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т.: 2012.

24. Юсупов Р.А. Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида миллий валюта барқарорлигини таъминлашнинг назарий асослари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т., 2001, 9-11-б.

25. Куликов Л.М. Экономическая теория: учеб. – М.: ТК Векли, Изд-во Проспект, 2005, с.129.
26. Экономическая теория: Учебник. - Изд., испр. и доп. / Под общ. ред. акад. В.И. Видяпина, А.И. Добрынина, Г.П. Журавлевой, Л.С. Тарасевича. – М.: ИНФРА-М, 2005, 163-б.;
27. Экономическая теория: Учебник. Под ред. А.Г. Грязновой, Т.В. Чечелевой. – М.: Издательство «Экзамен», 2004, 189-191-б.;
28. Курс экономической теории. Учебное пособие под ред. Чепурина М.Н., Киселевой Е.А. Киров, изд-во «АСА», 1995, 96-б.
29. Кенэ, Тюрго, Дюпон: Физиократы. Избранные экономические произведения. М.: ЭКСМО, 2018. – С. 138.
30. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. –М.: Эксмо, 2016. – С. 87.
31. Лопух П.С. Стреха Н.Л. Сарычева О.В. Шандроха А.Г. География. Страны и народы. – Минск: НИО, 2019. – 221 с.
32. Смит А. «Исследование о природе и причинах богатства народов»; Рикардо Д. «Начало политической экономии и налогового обложения». Анталогия экономической классики. М: 1993, с.46,199.
33. Акулов В.Б., Акулова О.В., “Экономическая теория”, Учебное пособие. Петрозаводск: Петр ГУ, 2002. стр 156
34. Сорокин А.В. “Теория общественного богатства: категории модели” номли ўкув кўлланмаси. Москва, Макс-пресс 2011 йил
35. Чайковский Ф.В. “Теория общественного богатства: теория и методология формирования и применения добавленной стоимости в условиях МСФО на микро и макроуровне” мавзусидаги докторлик диссертацияси. Орёл-2011 й.
36. Шугал Н.Б. “Моделирование взаимосвязей элементов валовой добавленной стоимости и конечного продукта” мавзусидаги номзодлик диссертацияси. Москва, 2011 й.

37. Экономическая теория: Учеб. для студ. высш. учеб. заведений / Под ред. В.Д.Камаева. – 10-е изд., перераб. и доп. - М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2004, 217-бет.

38. Комаров М.П. Инфраструктура регионов мира. – М., 2006. – С.20.

39. Шодмонов Ш. Бозор иқтисодиётига ўтишда пулнинг янги мазмуни ва роли. Бозор, пул ва кредит. Махсус нашр, 2001, 9-б.

40. Абдуллаев О. “Иқтисодий география ва экология”. (Ўқув қўлланма) “Наманган” нашриёти 2002 й. – 177 б.

41. Шодмонов Ш.Ш. Қўшимча махсулот иқтисодий тараққиётнинг мезони ва манбаи сифатида //“Иқтисод ва молия” илмий журнали. –Т.: 2016 й. №7 сон, 11-б.

42. Рахматов М.А., Зарипов Б.З. Кластер интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш. Т.: Замин нашр, 2018. 167 б.

43. Рахматов М.А., Зарипов Б.З. Истеъдодли инсонлар мамлакатнинг бебаҳо бойлигидир. Т.: Замин нашр, 2019. 160 б.

44. Рахматов М.А., Зарипов Б.З. “Билимсизлик – итнсоният учун энг қоронғу тундир” Конфуций ҳикматлари. Т.: Замин нашр, 2018. 59 б.

45. Рахматов М.А. “Ишлаб чиқариш кластери инновацион иқтисодиётга ўтишнинг муҳим босқичидир”. //Халқ сўзи, 2016 йил 28 март.

46. Рахматов М.А. Кластер интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш мезони. “Халқ сўзи”, 2018 йил 27 февраль.

47. “Ўзбекистоннинг йиллик статистик тўплами 2015”, Т: 2016,

48. Иванов Ю. Доля сферы услуг в ВВП России. –М.: Вопросы статистики. 2017 й. №3

49. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари

50. http://strategy.gov.uz/uz/pages/action_strategy. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича

Харакатлар стратегияси

51. <http://geografiya.uz> – Ўзбекистон география портали.
52. <http://www.silkway.uz/uzb>
53. <http://stat.uz/136-tahliliy-ma-lumotlar/1477-o-zbekiston-respublikasida-aholi-turmush-darajasi-va-faravonligining-rivojlanishi-tahlili>
54. <https://sputniknews-uz.com/society/20170221/4844961/Shavkat-Mirziyoev-tabiiy-boyliklarni-samaraliroq-izlashni-taklif-qildi>.
55. <https://stat.uz/uz/432-analiticheskie-materialy-uz/2027-o-zbekiston-respublikasida-xizmatlar-sohasining-rivojlanishi>

МУНДАРИЖА	
КИРИШ	3
1-БЎЛИМ. ИККИ ТОМОНЛАМА ЁНДАШУВ ВА ТАХЛИЛ УСУЛИ - ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ ФАНИНИ БИЛИШНИНГ УСУЛУБИЙ ТАЯНЧ БЎГИНИ	
1-боб. Икки томонлама ёндашув ва тахлил усулини қўллашнинг товар-пул муносабатларининг ички сирларини билишдаги роли	9
1.1. Ишлаб чиқариш ривожланишининг икки босқичи ва улар ўртасидаги фарқлар	9
1.2. Икки томонлама ёндашув ва тахлил усулини қўллашнинг товар - қиймат ва нафтлиқнинг диалектик бирлигидан иборат бўлган иқтисодий категория эканлигини билишдаги роли	17
1.3. Товардаги икки хил хусусиятнинг ривожланиши натижасида товарлар дунёсининг иккига: товарлар ва пуллар дунёсига ажралиши. Пулнинг икки томонлама табиати ва уларнинг ўзгариб, ривожланиб бориши	45
1.4. Товарнинг икки томонлама хусусияти ва қиймат назариясининг икки хил йўналиши	54
II боб. Икки томонлама ёндашув ва тахлил усули ёрдамида ишчи кучи товарининг ва миллий бойликнинг мазмуни ва икки томонлама табиатини аниқлаш	62
2.1. Икки томонлама ёндашув ва тахлил усулини қўллаб, ишчи кучи товарининг икки томонлама хусусиятини аниқлаш	62
2.2. Миллий бойликнинг мазмуни, манбалари, уларни кўпайтиришнинг омилларини билишда икки томонлама ёндашув ва тахлил усулининг роли	68

2-БЎЛИМ. ҚЎШИМЧА МАҲСУЛОТ	
III боб. Қўшимча маҳсулотнинг янги мазмуни, яратилиши ва намоён бўлиш шакллари	77
3.1. Қўшимча маҳсулотнинг мазмуни ва таркиби	77
3.2. Қўшимча маҳсулотни яратиш учун зарур бўлган омиллар ва инфратузилмалар	96
3.3. Моддий ишлаб чиқариш жараёни ва унда қўшимча маҳсулотнинг яратилиши	122
3.4. Ишлаб чиқаришнинг умумий ва пировард натижалари	130
3.5. Хизмат кўрсатиш жараёнида яратилган қўшимча маҳсулот	142
3.6. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида яратилган маҳсулотларнинг уч таркибий қисми ва уларнинг функционал вазифалари	152
3.7. Қўшимча маҳсулотнинг намоён бўлиш шакллари	171
IV боб. Қўшимча маҳсулотни кўпайтиришнинг асосий йўналишлари	194
4.1. Табиий бойликлар ва уларнинг турларидан унумли, тежамли фойдаланиш	194
4.2. Ишчи кучи ресурсларидан унумли фойдаланиш ва уларнинг сифати, таркибининг такомиллаштирилиши	207
4.3. Фан техника тараққиёти ва инновацион омиллардан кенг фойдаланиш	224
Хулосалар ва тавсиялар	246
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	254

Ш. Шодмонов, М. Рахматов

**“ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ”
ФАНИНИНГ ИККИ ЧИГАЛ ТУГУНИ
ВА УНИНГ ЕЧИМИ**

Монография

“IQTISODIYOT” - 2019

*Муҳаррир
Мирҳидоятова Д.М.*

*Мусаҳҳиҳ
Матхўжаев А.О.*

Лицензия А1 № 240 04.07.2013 й. Теришга берилди 12.11.2019.
Босишга рухсат этилди 12.12.2019. Қоғоз бичими 60x80 1/16. Times
гарнитураси. Офсет босма. Офсет қоғози. Шартли босма табағи 16,7.
Ҳисоб нашр варағи 16,5. Адади 100 нусха. Баҳоси келишилган нархда

“IQTISODIYOT” нашриёти ДУКнинг матбаа бўлимида чоп этилди.

100066. Тошкент шаҳри Ислон Каримов кўчаси, 49-уй.

